O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TA’LIM VA ILM-FAN VAZIRLIGI
SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
“RAQAMLI IQTISODIYOT” KAFEDRASI

“RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISH MASALALARI”

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA, MATERIALLARI TO‘PLAMI

(I-QISM)



(2026-yil 6-noyabr)

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TA’LIM VA ILM-FAN VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“RAQAMLI IQTISODIYOT” KAFEDRASI

“RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISH MASALALARI”

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO‘PLAMI

(I-QISM)

(2026-yil 6-noyabr)

SAMARQAND – 2026

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКА И СЕРВИСА

КАФЕДРА “ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА”

«ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ»

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

(ЧАСТЬ-I)

(6-ноябрь 2026 г.)

САМАРКАНД – 2026

UO’K: 330.341.1:004
M 54
KBK: 65.9(5O‘)ya431

Raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish masalalari. / Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. 2026-yil 6-noyabr kuni. Samarqand, SamISI, 2026. – 250 bet.

Nashr uchun mas’ullar:

Q.J.Mirzayev – iqtisodiyot fanlari doktori, professor.
O.M.Pardayev – iqtisodiyot fanlari doktori, professor.
E.Shavqiyev – iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor.
S.A.Isxakova – iqtisod fanlari bo’yicha falsafa doktori, dotsent.
F.U.Anarbayeva – iqtisod fanlari bo’yicha falsafa doktori, dotsent.
Sh.I.Artikova – iqtisod fanlari bo’yicha falsafa doktori, dotsent.
F.F.Ulug’murodov – katta o’qituvchi.

To‘plovchi va nashrga tayyorlovchi: D.B.Egamkulov – assistent o’qituvchi.

Sahifalovchi: I.E.Xonimqulov

Mazkur to‘plamda Samarqand iqtisodiyot va servis instituti “Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi tomonidan 2026-yil 6-noyabr kuni tashkil etilgan an’anaviy respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari o‘rin olgan. Anjuman “Raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish masalalari” mavzusiga bag‘ishlangan bo‘lib, unda raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirishning ilmiy-nazariy va metodologik yondashuvlari, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish asosida xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini yuksaltirish masalalari, muammo va yechimlari, raqamli texnologiyalar asosida hududlarda ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish imkoniyatlari, sohani rivojlantirishning strategik yo‘nalishlari, shuningdek, raqamli texnologiyalardan foydalanish asosida tarmoqlar va sohalarda ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirishning dolzarb masalalari bo‘yicha professor-o‘qituvchilar, tayanch doktorantura izlanuvchilari, mustaqil tadqiqotchilar, magistrantlar, talabalar va soha mutaxassislarining ilmiy-nazariy va amaliy ahamiyatga molik tezislari o‘rin olgan.

В данном сборнике представлены материалы традиционной республиканской научно-практической конференции, организованной кафедрой «Цифровая экономика» Самаркандского института экономики и сервиса 6 ноября 2026 года. Конференция была посвящена теме «Вопросы повышения социально-экономической эффективности в цифровой экономике», которая включала научно-теоретические и методологические подходы к повышению социально-экономической эффективности в цифровой

экономике, вопросы, проблемы и решения повышения эффективности сектора услуг на основе развития цифровой экономики, возможности повышения социально-экономической эффективности в регионах на основе цифровых технологий, стратегические направления развития сектора, а также диссертации научно-теоретического и практического значения профессоров, докторантов, независимых исследователей, магистрантов, студентов и специалистов в области актуальных вопросов повышения социально-экономической эффективности в секторах и отраслях на основе использования цифровых технологий.

This collection presents materials from the recurring national scientific-practical conference organized by the Department of Digital Economy at the Samarkand Institute of Economics and Service on November 6, 2026. The conference focused on the theme "Issues of Enhancing Socio-Economic Efficiency in the Digital Economy." It covered scientific-theoretical and methodological approaches to improving socio-economic efficiency; challenges and solutions for increasing efficiency in the service sector through the development of the digital economy; opportunities for boosting regional socio-economic efficiency via digital technologies; and strategic development directions for the sector. The collection also includes scholarly contributions—ranging from theoretical to practical in nature—from professors, doctoral candidates, independent researchers, graduate students, undergraduates, and industry specialists, all addressing critical aspects of enhancing socio-economic efficiency across various sectors and industries through the use of digital technologies.

The materials in this collection offer evidence-based proposals and recommendations for deepening the theoretical and methodological foundations of socio-economic efficiency in the digital economy, improving performance through the integration of digital technologies in the service sector, leveraging digital solutions for the socio-economic development of regions, and refining digitalization processes across different sectors and industries.

Tezislar mualliflar tahririda bosilmoqda. Ularda keltirilgan raqamlar, faktlar, xulosa va tavsiyalarga mualliflar ma’suldir. Ularning ayrim fikrlari tashkiliy guruh qarashlariga to’g’ri kelmasligi mumkin.

ISBN: 978-9910-350-35-1

6801

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026

I SHO‘BA. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISHNING NAZARIY METODOLOGIK MASALALARI

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISH MASALALARI

M.E.Po’latov
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori
i.f.d., professor

K.J.Mirzayev
“Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi mudiri, i.f.d., professor
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

Annotatsiya: Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida iqtisodiyotning tarmoq va sohalarida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish imkoniyatlari Respublikada ijtimoiy iqtisodiy samaradorlik ko’rsatkichlaridan foydalanib, tahlil qilingan hamda muhim ustuvor yo’nalishlari asoslanilgan.

Kalit so’zlar: raqamli iqtisodiyot, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish, raqamli transformatsiya, innovatsion iqtisodiyot, iqtisodiy samaradorlik, innovatsion rivojlanish.

Аннотация: В статье анализируются возможности повышения социально-экономической эффективности в различных секторах и отраслях экономики в условиях цифровой экономики с использованием показателей социально-экономической результативности, актуальных для Республики, а также определяются ключевые приоритетные направления развития.

Ключевые слова: цифровая экономика, социально-экономическое развитие, цифровая трансформация, инновационная экономика, экономическая эффективность, инновационное развитие.

Abstract: The article analyzes the potential for enhancing socio-economic efficiency across various sectors and industries within the context of a digital economy, utilizing socio-economic performance indicators relevant to the Republic; it also identifies key priority areas for development.

Keywords: digital economy, socio-economic development, digital transformation, innovation-driven economy, economic efficiency, innovative development.

Bugungi kunda jahon iqtisodiyotida yuz berayotgan tub transformatsion jarayonlar ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish, boshqaruv va ijtimoiy

munosabatlarning yangi raqamli texnologiyalarga asoslangan taraqqiyotni taqozo etmoqda. Ayniqsa, raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi natijasida iqtisodiy faoliyatning an'anaviy modellari o'zgarib, raqamli iqtisodiyot zamonaviy taraqqiyotning strategik omillaridan biriga aylanmoqda. Ta'kidlash joizki, Respublikamiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev belgilab berganidek "hozirgi vaqtda yangi texnologiyalar, raqamlashtirish va sun'iy intellekt ta'sirida dunyoda ish o'rinlarining soni, shakli va mazmuni keskin o'zgarmoqda[1]". Shuningdek, raqamli iqtisodiyot nafaqat axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishda, balki iqtisodiyotning barcha tarmoq va sohalarini rivojlantirishda, mavjud resurslardan samarali foydalanishda hamda zamonaviy innovatsiyalarni joriy etishda alohida ahamiyat kasb etmoqda. Ayniqsa, Respublikamiz iqtisodiyotiga "… yangi texnologiyalarni olib kirsak, kadrlarni ilm-fan va innovatsiyalarga asoslangan zamonaviy kasblarga tayyorlasak, kelgusi 5 yilda iqtisodiyotimiz hajmini 240 mlrd. dollardan oshirishga barcha imkoniyatlarimiz bor"[2]. Shunday ekan kelajak iqtisodiyoti raqamli iqtisodiyot sharoitida iqtisodiyotni ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini oshirish muhim vazifalardan hisoblanadi.

Respublikamiz iqtisodiyotini raqamli transformatsiya sharoitida rivojlantirish bo'yicha tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi PF–6079-sonli "Raqamli O'zbekiston – 2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi[3] Farmoni mamlakat iqtisodiyotining turli tarmoqlarida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish, davlat boshqaruvi va xizmatlar ko'rsatish tizimini takomillashtirish, raqamli infratuzilmani rivojlantirish hamda aholining raqamli ko'nikmalarini oshirishga qaratilgan muhim institutsional asos bo'ldi. Mazkur strategiya doirasida iqtisodiy jarayonlarni raqamlashtirish, elektron xizmatlar ko'lamini kengaytirish va innovatsion rivojlanish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish vazifalari belgilangan.

Raqamli iqtisodiyotning shakllanishi va iqtisodiy munosabatlarning tobora keng miqyosda raqamlashtirilishi mamlakatlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish strategiyasini qayta ko'rib chiqish, mavjud iqtisodiy resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish hamda iqtisodiy o'sishning yangi omillarini ishga solishni taqozo etmoqda. An'anaviy iqtisodiy taraqqiyot modelida ishlab chiqarish hajmini ko'paytirish, moddiy resurslarni kengaytirish va mehnat sarfini oshirish ustuvor ahamiyat kasb etgan bo'lsa, raqamli iqtisodiyot sharoitida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, katta hajmdagi ma'lumotlar (Big Data), sun'iy intellekt, avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlari va raqamli platformalar iqtisodiy

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi 2025-yil 25-dekabr https://president.uz/oz/lists/view/8834
[2] Snoska murojaatnoma osha joyda
[3] https://lex.uz/docs/-5030957

samaradorlikni belgilovchi muhim omillarga aylanmoqda. Mazkur jarayon iqtisodiy faoliyatni tashkil etish, boshqarish va muvofiqlashtirish mexanizmlarini takomillashtirish bilan bir qatorda, iqtisodiy natijadorlikni aholi turmush darajasi, bandlik, daromadlar, ijtimoiy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlari va inson kapitalining rivojlanishi bilan uzviy bog‘liq holda baholash zaruratini yuzaga keltirmoqda.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish zaruriyati, avvalo, birinchidan iqtisodiy resurslardan foydalanishning yangi imkoniyatlarini shakllantirish bilan izohlanadi. Xususan, raqamli texnologiyalar yordamida korxona va tashkilotlarda ishlab chiqarish hamda xizmat ko‘rsatish jarayonlarini avtomatlashtirish, operatsion xarajatlarni qisqartirish, mehnat unumdorligini oshirish, mavjud resurslar harakatini real vaqt rejimida monitoring qilish va boshqaruv qarorlarining aniqligini kuchaytirish imkoniyati kengayadi.

Ikkinchidan, raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish zaruriyati iqtisodiy o‘sish natijalarining aholi turmush darajasiga ta’sirini kuchaytirish bilan ham belgilanadi hamda iqtisodiyot tarmoqlari va hududlar o‘rtasidagi rivojlanish tafovutlarini kamaytirish imkoniyatini yaratadi.

Uchinchidan, raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish davlat boshqaruvi va iqtisodiy tartibga solish tizimining natijadorligini kuchaytirish zarurati bilan asoslanadi hamda raqamli iqtisodiyot sharoitida inson kapitalining iqtisodiy rivojlanishdagi o‘rnini belgilaydi.

To’rtinchidan, raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish kambag‘allikni qisqartirish va aholining iqtisodiy imkoniyatlarini kengaytirish nuqtayi nazaridan ham alohida ahamiyat kasb etadi hamda innovatsion faoliyatni jadallashtirish va iqtisodiy raqobatbardoshlikni mustahkamlash bilan ham belgilanadi.

Umuman olganda, raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish zaruriyati iqtisodiy natijadorlikni faqat ishlab chiqarish hajmi, daromad yoki foyda ko‘rsatkichlari orqali emas, balki yaratilgan iqtisodiy qiymatning aholi farovonligi, bandlik, daromadlar barqarorligi, ijtimoiy xizmatlardan foydalanish imkoniyati va hududiy rivojlanishga ta’siri bilan kompleks baholashni talab etadi. Shu nuqtayi nazardan, raqamli iqtisodiyotning asosiy vazifasi texnologiyalarni iqtisodiy jarayonlarga oddiy joriy etishdan iborat bo‘lmay, balki ularning imkoniyatlaridan foydalanish orqali iqtisodiy resurslar samaradorligini oshirish, ijtimoiy manfaatlarni ta’minlash va barqaror iqtisodiy rivojlanish uchun yaxlit mexanizmni shakllantirishdan iboratdir.

Tahlillarga ko’ra, iqtisodiyotni ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini oshirishning yuqorida bayon etilgan zaruriyati asosida raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi barcha sohalarga o’z ta’sirini ko‘rsatib, iqtisodiy samaradorlikni nazariy

asoslarini tadqiq etishni taqozo etadi. Iqtisodiy samaradorlikni quyidagi ko‘rinishda ifodalash mumkin:

$$E = N / X$$

bu yerda:

E – iqtisodiy samaradorlik;

N – olingan iqtisodiy natija;

X – sarflangan xarajatlar.

Raqamli texnologiyalar yordamida xarajatlarni kamaytirish va natijalarni oshirish orqali korxonalarning umumiy samaradorligi ortadi.

Tadqiqot natijalari shuni ko’rsatadiki, raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy iqtisodiy samaradorlikni oshirish yo’nalishlarini asoslash muhim ahamiyat kasb etadi.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish yo’nalishlarini asoslashda mamlakat iqtisodiy o‘sishining miqdoriy va sifat ko‘rsatkichlarini o‘zaro bog‘liq holda tahlil qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Xususan, yalpi ichki mahsulot hajmining o‘zgarishi, uning real o‘sish sur’atlari hamda aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan YAIM dinamikasi iqtisodiy rivojlanish natijalarini baholashning muhim mezonlari hisoblanadi. Shu jihatdan, O‘zbekiston Respublikasida so‘nggi besh yilda YAIM o‘sishi va aholi jon boshiga iqtisodiy natijalar dinamikasini tahlil qilish orqali iqtisodiy o‘sishning ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlik bilan bog‘liqligini aniqlash maqsadga muvofiq (1-jadval).

1-jadval.

O‘zbekiston Respublikasida YAIM o‘sishi va ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlik ko‘rsatkichlari dinamikasi (2021–2025-yillar)[4]

Yillar	YAIM hajmi, trln so‘m	YAIMning nominal o‘sishi, %	YAIMning real o‘sish sur’ati, %	Aholi jon boshiga YAIMning real o‘sishi, %
2021	861,2	–	8,2	6,1
2022	1 041,9	21,0	6,1	3,9
2023	1 261,8	21,7	6,3	4,1
2024	1 535,4	20,5	6,7	4,5
2025	1 849,7	20,5	7,7	5,7

Jadval ma’lumotlari tahlili shuni ko‘rsatadiki, 2021–2025-yillarda O‘zbekiston Respublikasi YAIM hajmida sezilarli o‘sish tendensiyasi kuzatilgan. Jumladan, mazkur davrda YAIM hajmining 861,2 trln so‘mdan 1 849,7 trln so‘mga yetishi mamlakat iqtisodiy salohiyatining kengayib borayotganini ifodalaydi. Biroq nominal qiymatdagi o‘sish iqtisodiy samaradorlikning to‘liq ifodasi bo‘la olmasligi sababli real o‘sish sur’atlari va aholi jon boshiga YAIM ko‘rsatkichlarini birgalikda

[4] https://siat.stat.uz/data/1921/ O’zbekiston Milliy statistika qo’mitasi ma’lumotlari asosida muallif hisob kitoblari

baholash zarur. Bu esa iqtisodiy o‘sish natijalarining aholi farovonligiga ta’sirini aniqlashda muhim metodologik asos hisoblanadi.

Shuningdek, iqtisodiy o‘sishning barqarorligini ta’minlash va uning ijtimoiy natijadorligini kuchaytirishda raqamli texnologiyalarni iqtisodiyot tarmoqlariga keng joriy etish alohida ahamiyat kasb etadi. Xususan, ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish jarayonlarini raqamlashtirish, boshqaruv tizimlarini avtomatlashtirish, mehnat unumdorligini oshirish hamda raqamli platformalar orqali yangi iqtisodiy imkoniyatlarni shakllantirish YAIM o‘sishining sifat jihatidan takomillashishiga xizmat qiladi. Shu bois raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish iqtisodiy o‘sish sur’atlarini jadallashtirish bilan bir qatorda, uning natijalarini aholi bandligi, daromadlari va turmush darajasida namoyon etishga qaratilgan muhim iqtisodiy vazifa sifatida qaralishi lozim.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish iqtisodiyot tarmoqlarida raqamli texnologiyalardan foydalanish ko‘lamini kengaytirish, iqtisodiy resurslarni boshqarish mexanizmlarini takomillashtirish hamda iqtisodiy o‘sish natijalarining ijtimoiy farovonlikka ta’sirini kuchaytirishni talab etadi. Mazkur jarayonda elektron davlat boshqaruvi, raqamli tadbirkorlik, moliyaviy texnologiyalar, ishlab chiqarish va xizmatlar sohasini raqamlashtirish hamda inson kapitalini rivojlantirish ustuvor yo‘nalishlar sifatida namoyon bo‘ladi. Shu asosda raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirishning asosiy masalalari va ularning kutilayotgan natijalarini quyidagi jadvalda tizimlashtirish mumkin(2-jadval).

2-jadval.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirishning ustuvor yo‘nalishlari[5]

Ustuvor yo‘nalishlar	**Amalga oshirilishi lozim bo‘lgan asosiy masalalar**	**Kutilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy natijalar**
Davlat boshqaruvini raqamlashtirish	Elektron davlat xizmatlarini kengaytirish, boshqaruv jarayonlarini avtomatlashtirish va raqamli monitoring tizimlarini joriy etish	Boshqaruv xarajatlari qisqaradi, shaffoflik va davlat xizmatlari samaradorligi oshadi
Ishlab chiqarish va xizmatlar sohasini raqamlashtirish	Raqamli platformalar, sun’iy intellekt, ERP va CRM tizimlaridan foydalanishni kengaytirish	Mehnat unumdorligi oshadi, operatsion xarajatlar kamayadi va qo‘shilgan qiymat ortadi
Elektron savdo va raqamli tadbirkorlikni rivojlantirish	Onlayn savdo platformalarini takomillashtirish, kichik biznes subyektlarini elektron bozorlarga integratsiyalash	Tadbirkorlik imkoniyatlari kengayadi, yangi daromad manbalari va ish o‘rinlari yaratiladi

[5] Muallif ishlanmasi

Raqamli moliyaviy xizmatlarni rivojlantirish	Elektron to‘lovlar, mobil banking, raqamli kreditlash va moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish	Moliyaviy resurslardan foydalanish imkoniyati ortadi, iqtisodiy faollik kuchayadi
Inson kapitalini rivojlantirish	Raqamli savodxonlikni oshirish, masofaviy ta’lim va zamonaviy kasbiy kompetensiyalarni shakllantirish	Malakali kadrlar salohiyati ortadi, bandlik va mehnat unumdorligi yaxshilanadi
Hududiy raqamli infratuzilmani rivojlantirish	Internet qamrovini kengaytirish, mahalliy raqamli xizmatlar va elektron infratuzilmani shakllantirish	Hududlararo iqtisodiy tafovutlar qisqaradi, xizmatlardan foydalanish imkoniyati kengayadi
Ijtimoiy himoya va kambag‘allikni qisqartirish	Raqamli ijtimoiy xizmatlar, manzilli yordam, elektron bandlik va daromadlarni monitoring qilish tizimlarini rivojlantirish	Ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash samaradorligi oshadi, kambag‘allikni qisqartirish imkoniyatlari kengayadi

Jadval ma’lumotlaridan ko‘rinadiki, raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish o‘zaro uzviy bog‘liq bo‘lgan iqtisodiy, tashkiliy, texnologik va ijtimoiy yo‘nalishlarni kompleks rivojlantirishni taqozo etadi. Xususan, davlat boshqaruvi va iqtisodiyot tarmoqlarini raqamlashtirish resurslardan foydalanish samaradorligini oshirishga xizmat qilsa, elektron savdo, raqamli moliyaviy xizmatlar va tadbirkorlik platformalarini rivojlantirish iqtisodiy faollik hamda yangi daromad manbalarining shakllanishiga zamin yaratadi.

Shuningdek, raqamli infratuzilmani kengaytirish, inson kapitalini rivojlantirish va ijtimoiy himoya tizimiga raqamli texnologiyalarni joriy etish iqtisodiy o‘sish natijalarining aholi turmush darajasida namoyon bo‘lishini ta’minlovchi muhim omillar hisoblanadi. Demak, raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirishning asosiy mazmuni texnologik imkoniyatlardan foydalanish orqali iqtisodiy resurslar unumdorligini oshirish, yangi iqtisodiy qiymat yaratish va ushbu natijalarni aholi farovonligini yuksaltirishga yo‘naltirishdan iborat.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, raqamli iqtisodiyot sharoitida Respublikamizda ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirishning quyidagi asosiy yo’nalishlari asoslab berildi. Jumladan,

1. Raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirishning nazariy-metodologik asoslari iqtisodiy natijalar va ijtimoiy farovonlik o‘rtasidagi uzviy bog‘liqlikni ta’minlashga yo‘naltirilishi lozim. Bunda iqtisodiy samaradorlikni faqat YAIM o‘sishi yoki korxonalar foydasi bilan emas, balki aholi bandligi, daromadlari, turmush darajasi va ijtimoiy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlari bilan kompleks baholash zarur.

2. Iqtisodiyot tarmoqlarida raqamli texnologiyalar, sun’iy intellekt, Big Data va avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlarini keng joriy etish iqtisodiy resurslardan foydalanish samaradorligini oshirishning muhim sharti hisoblanadi. Shu sababli korxona va tashkilotlar faoliyatida raqamli monitoring mexanizmlarini takomillashtirish, operatsion xarajatlarni optimallashtirish hamda mehnat unumdorligini oshirishga qaratilgan tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarni rivojlantirish maqsadga muvofiq.

3. O‘zbekiston Respublikasida 2021–2025-yillarda YAIM hajmining 861,2 trln so‘mdan 1 849,7 trln so‘mga yetgani iqtisodiy salohiyatning kengayib borayotganini ifodalaydi. Mazkur jarayonda iqtisodiy o‘sishning sifat ko‘rsatkichlarini yaxshilash, xususan, raqamli texnologiyalar asosida ishlab chiqarish va xizmatlar sohasida qo‘shilgan qiymat yaratish hamda iqtisodiy natijalarning aholi farovonligiga ta’sirini kuchaytirish ustuvor vazifa sifatida belgilanishi lozim.

4. Davlat boshqaruvini raqamlashtirish va elektron davlat xizmatlari ko‘lamini kengaytirish ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirishning muhim institutsional yo‘nalishi hisoblanadi. Bunda davlat boshqaruvi jarayonlarini avtomatlashtirish, ma’lumotlar bazalarini integratsiyalash va raqamli monitoring tizimlarini takomillashtirish orqali ma’muriy xarajatlarni qisqartirish, shaffoflikni ta’minlash hamda boshqaruv qarorlarining natijadorligini oshirish zarur.

5. Raqamli iqtisodiyot sharoitida elektron savdo va raqamli tadbirkorlikni rivojlantirish iqtisodiy faollikni kengaytirish, kichik biznes subyektlarining bozor imkoniyatlarini oshirish hamda yangi daromad manbalarini shakllantirishning muhim omili hisoblanadi. Shu jihatdan, mahalliy tadbirkorlik subyektlarini elektron savdo platformalariga integratsiyalash, raqamli marketing vositalaridan foydalanish va onlayn savdo infratuzilmasini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratish lozim.

6. Raqamli moliyaviy xizmatlarni rivojlantirish orqali aholining va xo‘jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy resurslardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish zarur. Xususan, elektron to‘lovlar, mobil banking va raqamli kreditlash mexanizmlarini takomillashtirish moliyaviy operatsiyalar tezkorligini oshirish, tadbirkorlik faoliyatini moliyalashtirish imkoniyatlarini kengaytirish hamda iqtisodiy munosabatlarning shaffofligini kuchaytirishga xizmat qiladi.

7. Inson kapitalini rivojlantirish raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni ta’minlovchi strategik omil sifatida qaralishi lozim. Buning uchun ta’lim tizimiga raqamli texnologiyalarni keng joriy etish, aholining raqamli savodxonligini oshirish, zamonaviy kasbiy kompetensiyalarni shakllantirish va mehnat bozorining yangi talablariga mos mutaxassislar tayyorlash mexanizmlarini takomillashtirish talab etiladi.

8. Hududiy raqamli infratuzilmani rivojlantirish iqtisodiy imkoniyatlardan foydalanishda hududlar o‘rtasidagi tafovutlarni qisqartirishning muhim sharti hisoblanadi. Xususan, internet tarmog‘i qamrovini kengaytirish, mahalliy raqamli xizmatlar infratuzilmasini shakllantirish va hududiy tadbirkorlik subyektlarining elektron bozorlarga chiqishini qo‘llab-quvvatlash orqali hududlarning iqtisodiy salohiyatidan samarali foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish lozim.

9. Raqamli texnologiyalarni ijtimoiy himoya tizimiga integratsiyalash kambag‘allikni qisqartirish va aholining iqtisodiy imkoniyatlarini kengaytirishning samarali yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Bunda ijtimoiy yordamni manzilli tashkil etish, elektron bandlik tizimlarini rivojlantirish, aholining kasbiy tayyorgarligini oshirish hamda raqamli moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish orqali ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarining natijadorligini oshirish mumkin.

10. Raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirishning yaxlit mexanizmini shakllantirishda iqtisodiy, tashkiliy, texnologik va ijtimoiy omillarni o‘zaro integratsiyalash zarur. Bunda raqamlashtirishni iqtisodiy resurslar samaradorligini oshirish, iqtisodiy o‘sishni jadallashtirish, aholi bandligi va daromadlarini ko‘paytirish hamda ijtimoiy farovonlikni yuksaltirish bilan bog‘lovchi kompleks baholash tizimini shakllantirish mamlakatning barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ta’minlashga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi PF–6079-son “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni. Manba: LexUZ rasmiy huquqiy axborot portali

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF–60-son “2022–2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni. Manba: LexUZ rasmiy huquqiy axborot portali

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentabrdagi PF–158-son “O‘zbekiston – 2030” strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni. Manba: LexUZ rasmiy huquqiy axborot portali

4. Tapscott D. The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence. – New York: McGraw-Hill, 1996.

5. Brynjolfsson E., McAfee A. The Second Machine Age: Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies. – New York: W.W. Norton & Company, 2014.

6. Schwab K. The Fourth Industrial Revolution. – Geneva: World Economic Forum, 2016.

7. Castells M. The Rise of the Network Society: The Information Age: Economy, Society and Culture. – Oxford: Wiley-Blackwell, 2010.
8. Negroponte N. Being Digital. – New York: Alfred A. Knopf, 1995.

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISHNI RIVOJLANTIRISHNING MINTAQAVIY XUSUSIYATLARI

Mirzayev Qulmamat Jonuzakovich
Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti professori,
"Raqamli iqtisodiyot" kafedrasi mudiri, i.f.d.

Annotatsiya: Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirishning mintaqaviy xususiyatlar va ularning muhim jihatlari tahlil qilingan. Shuningdek ishda mintaqalarda raqamli xizmatlarni rivojlantirishga asosan iqtisodiyotni raqamli transformatsiyalash imkoniyatlari asoslangan.

Kalit so'zlar: raqamli iqtisodiyot, xizmat ko'rsatish sohasi, mintaqaviy xususiyatlar, raqamli transformatsiya, iqtisodiy rivojlanish, texnologik innovatsiyalar, xizmat ko'rsatish samaradorligi, mintaqaviy rivojlanish.

РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ УСЛУГ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Аннотация: В данной статье анализируются региональные особенности и их важные аспекты развития сферы услуг в условиях цифровой экономики. Также возможности цифровой трансформации экономики основаны на развитии цифровых сервисов в регионах.

Ключевые слова: цифровая экономика, сфера услуг, региональные особенности, цифровая трансформация, экономическое развитие, технологические инновации, эффективность услуг, региональное развитие.

REGIONAL CHARACTERISTICS OF THE DEVELOPMENT OF SERVICES IN THE DIGITAL ECONOMY

Abstract: This article analyzes regional characteristics and their important aspects of the development of the service sector in the context of the digital economy. Also, the possibilities of digital transformation of the economy are based on the development of digital services in the regions.

Keywords: digital economy, service sector, regional features, digital transformation, economic development, technological innovation, service efficiency, regional development.

Kirish. Raqamli iqtisodiyot jahon miqyosida mintaqalarni rivojlantirishning yangi iqtisodiy imkoniyatlarini yaratadi. Shu ma'noda, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev rahbarligida mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotning keng joriy qilinishi, axborot texnologiyalari sohasini rivojlantirishga oid bir necha qaror va farmonlar qabul qilinmoqda. Xususan, Prezidentimizning 2020-yil 24-apreldagi "Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari

to‘g‘risida”[6]gi qarori va 2023-yil 11-sentabr dagi “O‘zbekiston — 2030 strategiyasi”[7] to’g’risidagi farmoni mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi uchun mustahkam huquqiy asos yaratib berdi. Ushbu hujjatlar raqamli texnologiyalarni barcha sohalarga, jumladan, xizmat ko‘rsatish sektoriga joriy etish orqali iqtisodiy o‘sishni tezlashtirish va innovatsion rivojlanishni ta’minlashni ko‘zda tutadi. Shuningdek Prezidentimiz ta’kidlaganidek, “… mamlakatimiz hududlariga salmoqli investitsiyalar kiritishga doir muammolarga aloxida e’tibor qaratish zarur …”[8] ekanligi yangi iqtisodiy imkoniyatlarni yaratadi.

O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatish sohasining raqamli iqtisodiyot sharoitida rivojlanishi esa mintaqaviy xususiyatlarga bog‘liq bo‘lib, har bir hududning o‘ziga xos iqtisodiy, ijtimoiy va infratuzilma omillariga asoslanadi. Masalan, shaharlarda internet tarmog‘ining keng tarqalganligi xizmat ko‘rsatishning raqamli imkoniyatlarini kengaytirsa, qishloq hududlarida bu jarayon ancha sekin kechmoqda. Shu sababli, raqamli xizmatlarni rivojlantirishda mintaqaviy xususiyatlarni hisobga olish zarur bo‘lib, bu mamlakatimizda iqtisodiy va ijtimoiy tenglikni ta'minlash, shuningdek, barcha hududlarda xizmat ko‘rsatish sohasining samaradorligini oshirish imkonini beradi.

Asosiy qism. Mintaqa tushunchasi jahon yoki mamlakat territoriyasining bir qismiga nisbatan qo‘llaniladi. Mintaqa jahon territoriyasining bir qismi sifatida o‘z ichiga geografik, siyosiy, iqtisodiy, ekologik, etnomadaniy axborot, harbiy va boshqa mezonlar va yondashuvlar asosida bir necha mamlakatlarni oladi. Masalan, SHarqiy Yevropa, G‘arbiy Yevropa, O‘rta Osiyo, Markaziy Osiyo, Janubiy SHarqiy Osiyo va boshqa mamlakatlar turkumi mintaqalari mavjud. Bir alohida olingan mamlakat ichida viloyatlar, tuman va shaharlar geografik, iqtisodiy siyosiy, etnomadaniy, ekologik, axborot va boshqa mezonlar bo‘yicha ma’muriy territorial birlik sifatida uning mintaqalarini tashkil etadi.

Mintaqa iqtisodiyotining shunday tizimlari mavjudki, ular har bir mamlakatning milliy iqtisodiyotida, mustaqil xo‘jalik yuritishda alohida o‘rin tutadi va o‘zining tabiiy iqlim, geografik joylashuvi, tabiiy-mineral va xom-ashyo resurslarining zaxiralari, mehnat resurslari bilan ta’minlanganligi, ishlab chiqarish salohiyati, tarmoqlari va sohalarining ham infratuzilmasining miqyosi, aholisining urf-odatlari va traditsiyalari, mahsulot ishlab chiqarish bo‘yicha ixtisoslashuvi hamda ijtimoiy mehnat taqsimotidagi hissasi, aholi jon boshiga ishlab chiqargan hududiy yalpi mahsulot kabilar bilan farqlanadi.

Shu bilan birga, hudud (mintaqa) tarmoqlari tarmoqlararo miqyosidagi iqtisodiy muammolari, ekologik muammolarni tadqiq qilish va o‘rganish ham mezoiqtisodiyot (mintaqa iqtisodiyoti) tarkibiga kirib, alohida o‘rin tutadi. Mintaqa iqtisodiyoti bir mamlakat milliy iqtisodiyotining bo‘linmas va uzviy bir bo‘g‘ini (qismi) sifatida ajralmas umumiqtisodiyot siyosati ta’sirida yagona bir yaxlit shaklda xo‘jalik faoliyatini yuritadi.

---

[6] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.04.2020 yildagi “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-4699-son qarori

[7] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 11.09.2023 yildagi “O‘zbekiston — 2030 strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-158-son farmoni

[8] Sh.M. Mirziyoyev - “Milliy taraqqiyot yo’limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko’taramiz”, Toshkent – “O’zbekiston”-2017

Raqamli iqtisodiyot sharoitida mintaqalarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi uchun quyidagi vazifalarni amalga oshirish maqsadga muvofiq:

1. Mintaqadagi barcha resurslardan (moddiy, moliyaviy, mehnat) foydalanib, ishlab chiqarishning jadalligi va mutanosibligini ta’minlash hamda shu asosda uning samaradorligini oshirish.

2. Mintaqalarning istiqboldagi rivojlanish sur’atlarini aniqlash. Bunda mahalliy resurslardan to‘la foydalanishga e’tibor berish.

3. Ilmiy-texnika taraqqiyoti yutuqlaridan ishlab chiqarishda keng foydalanish. Buning uchun mintaqada ilmiy-texnika taraqqiyoti jadallashishini ta’minlovchi iqtisodiy mexanizmni yaratish, rejalashtirishni yanada demokratiyalashtirish lozim bo‘ladi.

Shuningdek, korxonalarda mintaqaviy intikativ (tavsiyaviy) xususiyatlarni hisovbga olgan holda quyidagi vazifalarni hal etish lozim:

- ishlab chiqarishni bozor hajmi va конъюнктурasiga mos ravishda tashkil etish va rivojlantirish;

- valyuta tushumlarining ko‘payishini ta’minlash maqsadida tashqi iqtisodiy faoliyatni kengaytirish;

- bozor talabi asosida tez o‘zgaruvchi yangi texnologiyalarni joriy etish va mahsulot sifatini oshirish va hokazolar.

- tashqi iqtisodiy munosabatlarni Markaziy Davlat organlari bilan kelishilgan holda mahalliy manfaatlarni hisobga olib rivojlantirish.

Ushbu fikrlardan kelib chiqib, mintaqaviy siyosatga – mintaqalar (hududlar) ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishidagi mutanosiblikni ta’minlash va ular o‘rtasidagi eng muhim makroiqtisodiy ko‘rsatkichlardagi farqlarni, nomutanosibliklarni bartaraf etishga qaratilgan umummilliy siyosatning muhim tarkibiy qismidir, deb ta’rif berish mumkin. Mintaqaviy siyosat keng ma’noda mamlakat hududlarining siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishini boshqarish bo‘yicha hokimiyat organlarining maqsad va vazifalari hamda ularni amalga oshirish mexanizmini ifodalaydi.

Mintaqa va hududlar rivojlanishini davlat tomonidan tartibga solishga qaratilgan davlat mintaqaviy siyosatini amalga oshirishning muhim dastaklari quyidagilardan iboratdir:

- rivojlanayotgan yoki davlat dasturiga ko‘ra ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish uchun ayrim hududlarda ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatuvchi korxonalarga moliyaviy imtiyozlar yoki rag‘batlar beriladi, ya’ni investitsiyaviy grantlar, past foizdagi kreditlar beriladi, soliqlardan, ijara to‘lovlaridan ozod qilinadi;

- rivojlanayotgan hududlardagi korxona va firmalarning o‘z ofis, idora, ishlab chiqarish ob’ektlarini boshqa hududlarga olib ketmasliklari uchun ular faoliyatini nazorat qilish;

- rivojlanayotgan hududlarda ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmani rivojlantirish uchun investitsiyalar qilish, ayniqsa, yo‘llar qurish, aholi hayot sharoitini yaxshilash muhim ahamiyatga ega.

Hududlarni rivojlantirishga qaratilgan davlat mintaqaviy siyosatining muhim tarkibiy qismi mintaqaviy iqtisodiy siyosat hisoblanadi. Mintaqaviy iqtisodiy siyosat maqsadlari mintaqaviy (hududiy) rivojlanish maqsadlari bilan uzviy bog‘liqdir. Iqtisodiy sohadagi mintaqaviy siyosat maqsadi hudud salohiyati, uning cheklangan

iqtisodiy resurslaridan, hududlararo mehnat taqsimoti va kooperatsiyasi afzalliklaridan oqilona foydalanish asosida aholi turmush darajasi va sifatini oshirish hisoblanadi.

Shu bilan birga shakllanayotgan raqamli iqtisodiyot sharoitida mintaqalarni tartibga solish bo‘yicha davlatning iqtisodiy mintaqaviy siyosati quyidagilardan iborat:

- hududlarda barqaror iqtisodiy o‘sishni ta’minlash asosida aholi turmush darajasini oshirish sharoitlarini ta’minlash;

- hududlar bilan hamkorlikda ishlab chiqarishni modernizatsiyalash, texnik va texnologik qayta jihozlash, yangi ishlab chiqarish texnologik usullarini ko‘p ukladli, ijtimoiy yo‘naltirilgan bozor iqtisodiyotini shakllantirish asosida aholi turmush darajasini oshirish;

- hududlarda maqsadli tarkibiy, investitsiyaviy, ilmiy-texnikaviy siyosatni amalga oshirish, iqtisodiyot real sektorida tadbirkorlikni, iqtisodiy islohotlar ijtimoiy muammolarini hal etishga qaratilgan faoliyatni rag‘batlantirish;

- hududning iqtisodiy xavfsizligini ta’minlash. Hududning iqtisodiy xavfsizligi uning iqtisodiyoti barqarorligini va rivojlanishini ifodalovchi shart-sharoitlar, omillar hamda mavjud holatlar yig‘indisini ifodalaydi.

O‘zbekistonda yuqorida bayon qilinganlardan kelib chiqqan holda raqamli iqtisodiyot sharoitida davlatning mintaqaviy siyosati bosh maqsadi sifatida quyidagilarga ustuvorlik berilgan:

- mamlakatning barcha hududlarida O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasida belgilangan huquqlarning ta’minlanishi uchun teng siyosiy va ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarni yaratish;

- respublika barcha aholisining ijtimoiy kafolatlarini hamda teng ijtimoiy va huquqiy himoyalashni ta’minlash.

Xulosa va takliflar. Raqamli iqtisodiyotning jadal rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning xizmat ko‘rsatish sohasiga keng joriy qilinishi mintaqaviy iqtisodiyotning samaradorligini oshirish va raqobatbardoshligini ta’minlash uchun yangi imkoniyatlar yaratadi. Yuqoridagilardan kelib chiqib respublika iqtisodiyotining mintaqaviy xususiyatlarini hisobga olgan holda raqamli xizmat ko’rsatish sohasini rivojlantirish quyidagilarni taq’ozo etadi:

- qishloq va olis hududlarda yuqori tezlikdagi internet, texnologik qurilmalar va raqamli infratuzilmaga kirish imkoniyatlarini kengaytirish orqali xizmat ko‘rsatish sohasida raqamli imkoniyatlarni yaratish;

- hududlarda raqamli texnologiyalarni rivojlantirish va raqamli xizmatlarni ilgari surishga ixtisoslashgan markazlar tashkil etish kerak. ushbu markazlar orqali nafaqat xizmat ko‘rsatuvchi korxonalar uchun raqamli xizmatlarni joriy etish, balki aholining raqamli savodxonligini oshirishga imkon yaratadi;

- xizmat ko‘rsatish sohasida kichik va o‘rta biznes subyektlariga raqamli texnologiyalarni joriy etish uchun moliyaviy yordam, imtiyozli kreditlar va grantlar ajratish orqali ularning raqamli iqtisodiyotdagi o‘rnini oshirish;

- hududiy xizmat ko‘rsatish sohasidagi xodimlar uchun raqamli ko‘nikmalar va bilimlarni oshirish bo‘yicha doimiy o‘quv kurslarini tashkil etish zarurligi va bu esa

xizmat ko‘rsatish sohasining samaradorligini oshirishda yangi imkoniyatlarni ochib beradi.

Umuman, ushbu taklif va tavsiyalar raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko‘rsatish sohasini mintaqaviy xususiyatlarga mos ravishda rivojlantirishga yordam beradi hamda soha samaradorligini va aholi farovonligini oshirishni ta’minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.04.2020 yildagi “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-4699-son qarori

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 11.09.2023 yildagi “O‘zbekiston — 2030 strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-158-son farmoni

3. Sh.M. Mirziyoyev - “Milliy taraqqiyot yo’limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko’taramiz”, Toshkent – “O’zbekiston”-2017

4. Мирзаев Қулмамат Жонузакович, Эгамкулов Давлатбек Баходирович. Ўзбекистонда транспорт ва агрохизматларни ривожлантиришнинг муҳим хусусиятлари (илмий-оммабоп рисола)! Самарқанд: "STAP-SEL" МЧЖ. Нашриёт матбаа бўлими, 2023 йил, 36 б.

5. Қ.Ж Мирзаев, Э.Ш. Шавқиев, Б.К. Жанзаков. Инновацион иқтисодиёт. (Уқув кулланма - Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»,2020. - 298 бет.

IQTISODIYOTDA MOLIYAGA XOS VAZIFALARNING MUHIM JIHATLARI

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
“Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi professori
E.Shavqiyev

Annotatsiya: Ushbu maqolada moliyaning iqtisodiy mohiyati, uning pul munosabatlari tizimidagi o‘rni va asosiy vazifalari ilmiy-nazariy jihatdan yoritilgan. Shuningdek, moliyaning yalpi ichki mahsulot va milliy daromadni taqsimlash hamda qayta taqsimlash, moliyaviy resurslarni shakllantirish, ulardan samarali foydalanish, nazorat qilish, tartibga solish va rag‘batlantirishdagi ahamiyati tahlil qilingan. Moliyaning iqtisodiy rivojlanish va takror ishlab chiqarish jarayonlariga ta’siri ochib berilgan

Kalit so‘zlar: moliya, moliyaviy munosabatlar, moliyaning vazifalari, pul jamg‘armalari, yalpi ichki mahsulot, milliy daromad, taqsimlash, qayta taqsimlash, moliyaviy nazorat, tartibga solish, rag‘batlantirish, moliyaviy resurslar.

Abstract: This article examines, from a scientific and theoretical perspective, the economic essence of finance, its place in the system of monetary relations and its main functions. It also analyzes the role of finance in the distribution and redistribution of gross domestic product and national income, the formation of

financial resources, their efficient use, control, regulation and stimulation. The impact of finance on economic development and reproduction processes is revealed.

Keywords: finance, financial relations, functions of finance, monetary funds, gross domestic product, national income, distribution, redistribution, financial control, regulation, stimulation, financial resources.

Аннотация: В данной статье с научно-теоретической точки зрения освещены экономическая сущность финансов, их место в системе денежных отношений и основные функции. Также проанализировано значение финансов в распределении и перераспределении валового внутреннего продукта и национального дохода, формировании финансовых ресурсов, их эффективном использовании, контроле, регулировании и стимулировании. Раскрыто влияние финансов на экономическое развитие и процессы воспроизводства.

Ключевые слова: финансы, финансовые отношения, функции финансов, денежные фонды, валовой внутренний продукт, национальный доход, распределение, перераспределение, финансовый контроль, регулирование, стимулирование, финансовые ресурсы

Moliya yetarli darajada o‘rganilmagan iqtisodiy kategoriyalar sarasiga kiradi. Shu sababli ham ko‘pchilik moliyani pul yoki pul mablag‘i deb tushunadi. Hatto, moliyaga bag‘ishlangan iqtisodiy adabiyotlarda bu iqtisodiy kategoriyaning mohiyati va vazifalari haqida turlicha fikrlar bildiriladi. Shuningdek, moliyaviy tizim to‘g‘risida ham har xil qarashlar mavjud.

Moliya tovar-pul munosabatlarining mahsuli. U yalpi ichki mahsulot va milliy daromadni taqsimlash va qayta taqsimlash natijasida pul jamg‘arma mablag‘larini shakllantirish va ishlatish jarayonlarida yuzaga keladigan iqtisodiy munosabatlarni ifodalaydi.

Bozor munosabatlari sharoitida moliyaning mavqei va ahamiyati beqiyos oshib iqtisodiy vositalar orasida yetakchi o‘rinni egallamoqda. U davlatning hamda xo‘jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy resurslarini yanada o‘stirishga, mamlakat fuqarolarining ma'naviy darajalarini ko‘tarishga va ularni ijtimoiy himoya qilishga xizmat qilmoqda. Shu sababli moliya haqida to‘liqroq tushunchaga ega bo‘lishlik ko‘pchilikni qiziqtiradi.

Shuni e'tirof etish lozimki, aynan moliyaviy vositalarning ijtimoiy ishlab chiqarish samaradorligini oshirishdagi roli va iqtisodiy rivojlanish jarayonida ularning yanada takomillashishi haqida bir qancha iqtisodiy adabiyotlar mavjud. Ayni paytda, moliya mavzusiga bog‘liq izlanishlarning ahamiyatini tan olgan holda shuni aytish mumkinki, moliya nazariyasining ko‘pgina masalalari hozirgacha yetarlicha hal qilinmagan. Moliyaning mohiyati va u bajaradigan vazifalar haqidagi masalalar shular jumlasiga kiradi.

Shuni aytish lozimki moliya va pul o‘zaro bog‘liq kategoriyalar, ammo ularni bir-biriga qo‘shib yuborish noo‘rindir. Ular mustaqil iqtisodiy kategoriyalar bo‘lib turli xil vazifalarni bajaradilar.

Moliya tovar-pul munosabatlarining mahsulidir. Uning har qanday jamiyatda saqlanib qolishiga sabab tovar-pul munosabatlarining bo‘lishidir.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida tovar ishlab chiqarish va tovar-pul munosabatlarining mavjudligi obyektiv zaruratdir. Tovarni ishlab chiqish va uni sotish jarayonida pul umumiy ekvivalent vazifasini bajaradi. Pul tovar ishlab chiqarishga xizmat qiluvchi muhim vositadir. Uning yordamida tovar ishlab chiqarish uchun sarflangan ijtimoiy mehnat miqdori va sifatining hisobi olib boriladi.

Pul o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lgan alohida tovardir. U ijtimoiy ishlab chiqarishning hamma bosqichlarida, shu jumladan, taqsimlash bosqichida ham ishtirok etadi. Ammo u taqsimlash vazifasini bajarmaydi. Pulga qiymat o‘lchovi vazifasi xosdir. Pul yalpi ichki mahsulotni va milliy daromadni qiymat shaklida taqsimlash uchun sharoit yaratib beradi xolos. Puldan yalpi ichki mahsulotni va milliy daromadni taqsimlash va qayta taqsimlashda qiymat o‘lchovi sifatida, byudjet daromadlarini yuridik va jismoniy shaxslar hisobidan shakllantirishda to‘lov vositasi sifatida, tovarlarni aholining shaxsiy talablarini qondirishga taqsimlashda muomala vositasi sifatida, jamg‘arish vositasi sifatida foydalaniladi. Yalpi ichki mahsulotni va milliy daromadni taqsimlash moliya, kredit va boshqa iqtisodiy vositalar yordamida amalga oshiriladi.

Yalpi ichki mahsulotning birlamchi taqsimlanishida ishlab chiqarish jarayonida sarflangan ishlab chiqarish vositalari qiymati qoplanadi va milliy daromad aniqlanadi. Milliy daromadning birlamchi taqsimlanishida quyidagi subyektlarning daromadlari shakllantiriladi:

• moddiy ishlab chiqarishda qatnashuvchi ishchi va xizmatchilar ish haqlari, fermerlar va dehqonlarning daromadlari;

• moddiy boylik ishlab chiqaruvchi subyektlarning daromad (foyda)lari;

• qo‘shilgan qiymatdan va aksiz soliqlari hamda xo‘jalik yurituvchi subyektlar xarajatlari tarkibiga kiritiladigan soliqlar ko‘rinishida davlat byudjeti daromadlari;

• maxsus (Pensiya, Bandlikka ko‘maklashish, Yo‘l) jamg‘armalariga majburiy ajratmalar ko‘rinishida davlat byudjeti daromadlari;

• sug‘urta badallari ko‘rinishida sug‘urta tashkilotlarining daromadlari;

• kreditlar bo‘yicha foizlar va xizmat haqlari ko‘rinishida tijorat banklari daromadlari va hokazo.

Milliy daromadning ozroq qismi fuqarolar tomorqalaridan olinadigan daromad ko‘rinishida bo‘ladi.

Milliy daromadning birlamchi taqsimlanishida moddiy boylik ishlab chiqaruvchi xo‘jalik yurituvchi subyektlar hamda unda qatnashuvchi ishchi va xizmatchilar, fermerlar va dehqonlarning manfaatlarini e'tiborga olish zarur. Bu taqsimot shunday bo‘lishi kerakki, xo‘jalik yurituvchi subyektlarda kengaytirilgan

takror ishlab chiqarishga sharoit va ishchi, xizmatchilarning turmush darajasini yaxshilashga yetarlicha pul mablag‘i hosil bo‘lishi hamda davlatning o‘z vazifasini bajarishiga imkoniyat yaratilsin.

Umumdavlat ehtiyojlarini to‘liqroq qondirish va ijtimoiy ishlab chiqarishni yanada kengaytirish birinchi navbatda yalpi ichki mahsulotning va uning tarkibiy qismi bo‘lgan milliy daromadning hajmidan bog‘liqdir.

Milliy daromadning yuqorida ko‘rsatilgan birlamchi taqsimoti jarayonining aksariyat qismi moliyaga xosdir. Milliy daromadning qayta taqsimlanishi esa faqat moliya yordamida amalga oshiriladi.

Moddiy ishlab chiqarishda qatnashuvchi ishchi va xizmatchilar, fermerlar va dehqonlar daromadlari hamda xo‘jalik yurituvchi subyektlar daromadlari moliya yordamida qayta taqsimlanishi jarayonida markazlashgan va markazlashmagan pul jamg‘arma mablag‘lari tashkil topadi.

Moddiy ishlab chiqarishda qatnashuvchi ishchi va xizmatchilar ish haqlari, fermerlar va dehqonlar daromadlari taqsimlanganda ularning bir qismi daromad solig‘i sifatida davlat byudjetiga va majburiy ajratma ko‘rinishida Pensiya jamg‘armasiga o‘tkaziladi. Davlat byudjeti va Pensiya jamg‘armasi byudjeti markazlashtirilgan pul jamg‘arma mablag‘laridir.

Xo‘jalik yurituvchi subyektlar (shu jumladan tijorat banklari) daromadlari (foydasi) taqsimlanganda ularning bir qismi davlat byudjetiga daromad (foyda) solig‘i sifatida to‘lanadi. Qolgan qismi esa xo‘jalik yurituvchi subyektlar ixtiyorida qoladi va markazlashmagan pul jamg‘arma mablag‘lari manbai bo‘lib xizmat qiladi.

Shuni ta'kidlash lozimki moliyaning ishtiroki markazlashgan va markazlashmagan pul jamg‘arma mablag‘larini shakllantirish bilan yakunlanmaydi. Uning yordamida bu pul jamg‘arma mablag‘lari qaytadan taqsimlanadi va ishlatiladi.

Davlat byudjeti mablag‘lari ijtimoiy soha tarmoqlarini, aholini ijtimoiy himoya qilishni, milliy iqtisodiyotni, markazlashgan investitsiyalarni, davlat boshqaruv organlarini va mudofaani moliyalashtirishga yo‘naltiriladi. Maqsadli **jamg‘armalar** byudjeti, jumladan, Pensiya **jamg‘armasi** va **Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasi** byudjetlari mablag‘lari aholining turli ijtimoiy guruhlari o‘rtasida qayta taqsimlanadi va sarflanadi. Yo‘l jamg‘armasi byudjeti mablag‘lari esa umumiy foydalaniladigan avtomobil yo‘llarini qurish va doimiy ish holatida saqlash ishlari uchun taqsimlanadi va ishlatiladi.

Markazlashmagan pul jamg‘arma mablag‘lari xo‘jalik yurituvchi subyektlarda kengaytirilgan takror ishlab chiqarishni ta'minlash uchun taqsimlanadi va ishlatiladi.

Tovarni ishlab chiqarish bosqichidan to uni iste'mol qilish bosqichiga qadar bo‘ladigan jarayon pul jamg‘arma mablag‘larini shakllantirish va ishlatish bilan

bog‘liq. Moliya – pul jamg‘arma mablag‘larini shakllantirish va ishlatish jarayoniga xos bo‘lgan pul munosabatlari orqali moddiy boylik yaratish, uni taqsimlash va iste'molchilar o‘rtasida almashtirish jarayonida yuzaga keladigan iqtisodiy munosabatlarni ifodalaydi.

Moliya ishlab chiqarishning texnologik jarayonida ishtirok etmaydi, ammo tovar ishlab chiqarishda muhim omil hisoblanadi. Ishlab chiqarish vositalarining doiraviy aylanishi jarayonida takror ishlab chiqarish subyektlari o‘rtasida turli xil pul munosabatlari paydo bo‘ladi. Doiraviy aylanishning birinchi fazasida xo‘jalik yurituvchi subyektlar pul jamg‘arma mablag‘lari evaziga ishlab chiqarish vositalarini xarid qiladilar va oxirgi fazada esa sotilgan tovar uchun pul tushumiga ega bo‘ladilar. Tabiiyki, bunda iqtisodiy munosabatlar – pul jamg‘arma mablag‘larini taqsimlash va ishlatish jarayonlari bilan bog‘liqdir.

Shunday qilib moliyaviy munosabatlar ikkita doirani o‘z ichiga oladi:

1) davlatning markazlashgan pul jamg‘arma mablag‘larini (Davlat byudjeti, Pensiya jamg‘armasi byudjeti, **Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasi** byudjeti va hokazo) shakllantirish va ishlatish jarayonida yuzaga keladigan pul munosabatlarini;

2) xo‘jalik yurituvchi subyektlarning markazlashmagan pul jamg‘arma mablag‘larining doiraviy aylanishidagi pul munosabatlarini.

Moliya iqtisodiy kategoriya sifatida davlatning o‘z vazifalarini bajarishi va kengaytirilgan takror ishlab chiqarishga sharoit yaratish uchun mo‘ljallangan markazlashgan va markazlashmagan pul jamg‘arma mablag‘larini shakllantirish, taqsimlash va ishlatish jarayonida yuz beradigan pul munosabatlarini aks ettiradi.

Iqtisodiy adabiyotlarda “moliya” tushunchasiga turlicha ta'riflar berilgan. Tafsilotlarga berilmasdan, B.Yu.Hodiyev va Sh.Sh.Shodmonovning: “Moliya – iqtisodiy kategoriya sifatida pul mablag‘laridan foydalanish va uning harakatini tartibga solish bilan bog‘liq bo‘lgan munosabatlar tizimidir. Uning vositasida turli darajada pul mablag‘lari fondlari vujudga keltiriladi va ular takror ishlab chiqarish ehtiyojlari va boshqa ijtimoiy ehtiyojlarni qondirish maqsadida taqsimlanadi”[9] **degan fikrlarini** keltirish o‘rinlidir. Ko‘rib turganimizdek, bu yerda moliyaning pul mablag‘lari jamg‘armalari bilan qandaydir tarzda bog‘langanligi ko‘rsatilgan.

Binobarin, nafaqat monografik, balki o‘quv adabiyotlarida ham mavjud bo‘lgan “moliya”ni ilmiy kategoriya sifatida tushunishdagi turli xil yondashuvlarni umumlashtirgan holda, shuni ta'kidlash mumkinki: moliya – bu davlat vazifalarini bajarish va iqtisodiyot va jamiyatning takror ishlab chiqarish sharoitlarini, uning xavfsizligini ta'minlash maqsadida pul mablag‘larining markazlashtirilgan va

[9] Hodiyev B.Yu. Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi.(Darslik) – T.: “Barkamol fayz media”, 2017, 585 bet.

markazlashtirilmagan jamg‘armalarini shakllantirish, taqsimlash va ulardan foydalanish bilan bog‘liq iqtisodiy munosabatlardir.

Moliya – pul munosabatlarining ajralmas qismidir. Shuning uchun ularning roli va ahamiyati pul aloqalarining iqtisodiy munosabatlarda qanday o‘rin tutishiga bog‘liq. Shu bilan birga, har qanday pul aloqalari ham moliyaviy munosabatlarni ifodalamaydi. Ikkinchisi birinchisidan ham mazmuni, ham bajaradigan vazifalari bilan farq qiladi. Ma'lumki, pul – bu umumiy ekvivalent, alohida turdagi tovar bo‘lib, uning yordamida eng avvalo, uyushgan ishlab chiqaruvchilarning mehnat xarajatlari o‘lchanadi, moliya esa yalpi ichki mahsulot (YAIM) va milliy daromadni (MD) taqsimlash hamda qayta taqsimlash orqali pul mablag‘lari jamg‘armalarini shakllanirish hamda nazorat qilish quroli (iqtisodiy vositasi)dir.

Moliyaning asosiy vazifasi – pul daromadlari va jamg‘armalarini tashkil etish yo‘li bilan, nafaqat, davlat va korxonalarning pul mablag‘lariga bo‘lgan ehtiyojlarini, balki, moliyaviy resurslarning sarflanishini nazorat qilishni ham ta'minlashdan iboratdir.

Moliya – iqtisodiy munosabatlarning umumiy tizimining bir qismi hisoblanadi. Shu bilan birga, ular ma'lum o‘ziga xosligi bilan ajralib turadi: moliyaviy munosabatlar moliyaviy o‘zaro aloqalarning tashuvchisi bo‘lgan pul oqimlari harakati orqali namoyon bo‘ladi. Ammo, pul oqimlari harakati jarayonida vujudga keladigan barcha iqtisodiy munosabatlarni moliyaviy munosabatlarga kiritib bo‘lmaydi, faqat ulardan pul mablag‘lari jamg‘armalarini hosil qilish va ulardan foydalanish bilan bog‘liq bo‘lganlarini kiritish mumkin. Aynan shuning uchun “moliya” alohida ijtimoiy-iqtisodiy kategoriya sifatida namoyon bo‘ladi, u “pul” kabi iqtisodiy kategoriyadan sezilarli farqlarga ega bo‘lib, moliyaviy munosabatlarda faqat vositachilik qiladi, ularning mazmun-mohiyatini belgilamaydi. U eng avvalo, taqsimlash (qayta taqsimlash) sohalari kategoriyasi.

Shunday qilib, moliyaning taqsimlash vazifasi korxona resurslarining aylanish jarayonida amalga oshiriladi va kapitalni shakllantirishdan tortib, sof foydani taqsimlash va rivojlanish jarayonida bir qator jamg‘armalarni (zaxira, investitsiya, dividendlar to‘lash, xodimlarni rag‘batlantirish va boshqalar) shakllantirish va taqsimlash bilan bog‘liq.

Moliyaning ushbu vazifasi tufayli milliy daromadni ikkilamchi taqsimlash yoki qayta taqsimlash amalga oshiriladi. Har holda, hozirgi vaqtda bunday qayta taqsimlash ulushi rivojlangan mamlakatlarda ko‘pincha 35-50% ga yetadi. U korxona va tashkilotlarning daromadlari hamda jamg‘armalarini eng samarali va oqilona qo‘llash manfaatlari yo‘lida mablag‘lardan tarmoqlararo va hududiy foydalanish bilan bog‘liq.

Moliya nazorat qilish vazifasini ham bajaradi. U yalpi ichki mahsulotning markazlashtirilgan va markazlashtirilmagan jamg‘armalarga taqsimlanishi va ularning ishlatilishi ustidan bo‘ladigan nazoratda yaqqol ko‘rinadi.

Moliyaviy nazorat moliyaviy masalalarga oid qonunlarga rioya etilishini hamda huquqiy va jismoniy shaxslarning o‘z moliyaviy majburiyatlarini to‘liq va o‘z vaqtida bajarilishini tekshirishga qaratilgan.

Moliyaviy nazoratni qonun chiqaruvchi organlar hamda maxsus tashkil etilgan idoralar, aksiyadorlar va boshqa iqtisodiy subyektlar amalga oshiradilar.

Hozirgi paytda nodavlat moliyaviy nazorat kuchayib bormoqda. Bunday nazoratni banklar, sug‘urta tashkilotlari, auditorlik firmalari va boshqa nodavlat subyektlar amalga oshirishmoqda. Davlat tomonidan amalga oshiriladigan moliyaviy nazorat asosan yalpi ichki mahsulot taqsimoti nisbati hamda davlat ixtiyorida markazlashtiriladigan pul jamg‘arma mablag‘larining shakllanishi va ishlatilishi ustidan qilinadigan nazoratdan iboratdir.

Moliyaviy nazorat dastlabki, joriy va keyingi ko‘rinishlarda bo‘ladi. Bozor iqtisodiyoti moliyaviy nazoratning bu ko‘rinishlari orasida dastlabki nazoratning yanada kuchayishiga olib keldi. Har qanday subyekt xoh u huquqiy shaxs bo‘lsin, xoh u huquqiy shaxs bo‘lmasin investitsiya qilishdan oldin kapital solinadigan subyektning moliyaviy holatini, uning kelajak faoliyatini chuqurroq o‘rganadilar. Buning uchun ular maxsus maslahat beruvchi firmalar, tijorat banklari xizmatlaridan foydalanishadi.

Shuni ta'kidlash lozimki, bozor munosabatlari kengayib borayotgan sharoitda moliyaviy nazorat ijtimoiy va xususiy ishlab chiqarishning jadal rivojlanishini ta'minlashga, innovatsiyalarni yoyishga, iqtisodiyotning barcha bo‘g‘inlarida ish sifatini har tomonlama yaxshilashga qaratilgan. U ishlab chiqarish va noishlab chiqarish sohalarini qamrab olib, iqtisodiy rag‘batlantirishni oshirishga, moddiy, mehnat va moliyaviy resurslar hamda tabiiy boyliklarni oqilona va tejab sarflashga, unumsiz xarajatlar va yo‘qotishlarni kamaytirishga, xo‘jasizlik va isrofgarchilikka chek qo‘yishga qaratilgan. Uning muhim vazifalaridan biri – moliyaviy masalalarga oid qonunchilikka aniq rioya etilishini, byudjet tizimi, soliq xizmati, banklar oldidagi moliyaviy majburiyatlarning, shuningdek, korxona va tashkilotlarning hisob-kitoblar va to‘lovlar bo‘yicha o‘zaro majburiyatlarining o‘z vaqtida va to‘liq bajarilishini tekshirishdir.

Moliya, yuqorida keltirilgan vazifalardan tashqari – tartibga solish vazifasini ham bajaradi. U takror ishlab chiqarish jarayoniga davlatning aralashuvi orqali amalga oshiriladi. Albatta, gap bevosita ta'sir haqida emas, balki bilvosita ta'sir haqida bormoqda. Bu maqsadda, masalan, davlat xarajatlari, soliqlar, davlat krediti va boshqa dastaklar qo‘llaniladi. Moliyaning tartibga solish vazifasidan byudjetni rejalashtirish, qimmatli qog‘ozlar bozorini davlat tomonidan tartibga solish va

boshqalarda ham foydalaniladi. Mamlakatimizda moliyaning tartibga solish vazifasi amaliyotda yaqqol namoyon bo‘lmoqda.

Moliyaning rag‘batlantiruvchi vazifasi haqida ham shunday deyish mumkin. Shu bilan birga, ko‘rinadiki, moliyaning taqsimlash, nazorat qilish va tartibga solish vazifalaridan, ularning turli kombinatsiyalaridan mohirona foydalanish davlatga, demak, jamiyatga tegishli iqtisodiy jarayonlarni muvaffaqiyatli rivojlantirish yoki jilovlash imkonini beradi.

Shu o‘rinda ta'kidlash joizki, o‘quv va hatto monografik adabiyotlarda, odatda, moliyaning ikki-uchta vazifasi ko‘rsatiladi. Biroq, bizning fikrimizcha, bu tor yondashuvdir.

Moliyaning rag‘batlantiruvchi vazifasi mohiyatan konglomerativ (har xil turdagi va bir-biriga bog‘liq bo‘lmagan qismlar), sintezlovchi (biror narsaning qismlarini yoki elementlarini bir butun yaxlit holatga birlashtirish jarayonini), boshqa barcha vazifalarning turli momentlarini o‘zida birlashtiruvchi vazifadir. Ammo bu uni mustaqil deb qaramaslik kerak degani emas. Aksincha, bundan uning bozor takror ishlab chiqarishidagi roli va ahamiyati yuqoriroq ekanligi kelib chiqadi.

Ko‘rib chiqilgan vazifalarni amalga oshirish jarayonida yuzaga keladigan munosabatlar jamiyat iqtisodiy aloqalarining bir qismini tashkil etadi va moliya iqtisodiy munosabatlarning obyektiv mavjud bo‘lgan sohasining ifodasi sifatida – sotsial-iqtisodiy kategoriyadir. U o‘ziga xos vazifaga – qiymat harakatining alohida shakllari orqali pul jamg‘armalarini shakllantirish va ulardan foydalanishga ega. Moliya shu bilan birga tarixiy kategoriyadir, chunki u paydo bo‘lish, rivojlanish bosqichlariga ega, ya'ni vaqt o‘tishi bilan o‘zgarib turadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T.: O‘zbekiston, 2023.

2. O‘zbekiston Respublikasining Qonuni: 2026 yil uchun O‘zbekiston Respublikasining Davlat byudjeti to‘g‘risida. Qonunchilik palatasi tomonidan 2025 yil 5 dekabrda qabul qilingan Senat tomonidan 2025 yil 18 dekabrda ma'qullangan.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Davlat tibbiy sug‘urtasi mexanizmlarini joriy etishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-311-son qarori, 2024 yil 5 sentyabr,

4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. Таҳририят ҳайъати А.Абдувоҳидов, А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Долимов ва бошқалар. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2003

5. Hodiyev B.Yu. Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi (Darslik). – T.: “Barkamol fayz media”, 2017.

6.Safarov B.Sh., Ayubov I.I.. Moliya va soliqlar //Darslik//. -T.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2020.

AGROSERVIS XIZMATLARINI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI AHOLI KAMBAG‘ALLIGINI QISQARTIRISH YO‘LLARI SAMARQAND VILOYATI MISOLIDA

Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti professori. iqtisodiyot fanlari doktori,
pardayev48341@gmail.com
Abilov Feruz Nematullayevich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti mustaqil izlanuvchisi.
feruzabilov@gmail.com

Annotatsiya ushbu maqolada xizmat ko‘rsatish sohasining ajralmas qismi bo‘lgan agroservis xizatlarini kengaytirish orqali yangi ish o‘rinlarini yaratish va kambag‘allikni qisqartirish masalalariga alohida e’tibor qaratilgan.

Kalit so‘zlar: agroservis xizatlari, kambag‘allikni qisqartirish, bandlikni ta’minlash,“Temir daftar”, “Yoshlar daftari” va “Ayollar daftari”, qishloq hududlari.

Аннотация: В данной статье рассматривается создание новых рабочих мест и сокращение бедности за счет расширения агросервисов, являющихся неотъемлемой частью сектора услуг.

Ключевые слова: агроуслуги, сокращение бедности, создание рабочих мест, «Железный блокнот», «Молодежный блокнот» и «Женский блокнот», сельская местность.

Abstract: This article examines job creation and poverty reduction through the expansion of agricultural services, which are an integral part of the service sector.

Keywords: agricultural services, poverty reduction, job creation, "Iron Notebook," "Youth Notebook," and "Women's Notebook," rural areas.

Agroservis xizmatlari qishloq xo‘jaligini rivojlantirishda asosiy o‘rin egallab, mamlakatning iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyotiga beqiyos hissa qo‘shadi. Agroservis deganda fermer va dehqon xo‘jaliklariga ishlab chiqarish jarayonida zarur bo‘lgan texnik, texnologik, moliyaviy, axborot, logistika hamda konsalting xizmatlari tizimi tushuniladi. Ushbu xizmatlar qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirishdan tortib, ularni qayta ishlash va bozorga yetkazishgacha bo‘lgan barcha bosqichlarda samaradorlikni oshirishga xizmat qiladi.

Mamlakatimizda 2024 yilda iqtisodiyot tarmog‘ining xizmat ko‘sratish sohasida zamon talablariga javob beradigan, yangicha ma’no-mazmundagi va samarali islohatlarni amalga oshirish yo‘lida birinchi qadamlarni qo‘ydik. 2026 yilda kambag‘allikni qisqartirish eng ustuvor yo‘nalishlardan biriga aylandi.

Kambag‘allikni qisqartirish masalasi faqat O‘zbekiston uchungina muammo bo‘lmasdan, balki bu global masshtabdagi muammolardan biri sifatida baholanmoqda.

Bu borada juda ko‘p muammolar mavjudligidan kelib chiqib, 2022 yil boshida ushbu masala mamalakatimiz paytaxtida ShHT davlatlari doirasida muhokama etildi va kambag‘allik bilan bog‘liq masalalarni hal qilishda hamkorlikni rivojlantirish istiqboli ham qarab chiqildi. ShHT tarkibiga kiruvchi davlatlarda kambag‘allikni qisqartirish bo‘yicha chora-tadbirlar, maqsadlar va yangi yondashuvlar, kambag‘allikni qisqartirish yuzasidan tajriba almashish va qo‘shma tadqiqotlarni amalga oshirish masalasi qarab chiqildi. Ko‘rinib turibdiki, kambag‘allikni qisqartirish masalasi faqatgina bir davlatga xos bo‘lmasdan, butun mamlakatlarga xos muammolardan biri ekan.

Jahon banki ma’lumotlariga ko‘ra, dunyoda “736 million kishi (aholining 10 foizi) o‘ta qashshoqlik sharoitida (kuniga 1,9 dollardan kam kirimga ega), dunyo aholisining deyarli yarmi – 3,4 mlrd. kishi – kuniga 5,5 dollardan kam tushumga ega. Qashshoqlik darajasi eng yuqori qit’a Afrika, sayyoradagi eng qashshoq mamlakatlar – Kongo demokratik respublikasi (o‘ta qashshoqlik darajasi – 77,1 foiz) va Madagaskar (77,6 foiz)”ga[10] to‘g‘ri keladi. Ko‘rinib turibdiki kambag‘allikni qisqartirish masalasi ham global muammolardan biriga aylanigan.

Hozirgi kunda har bir mamlakat o‘zining aholisini kambag‘allikdan qutqarish masalasiga alohida ahamiyat berib kelmoqda. Bu tadbirlarning bosh omili aholining bandligini ta’minlashga qaratilgan. Bu esa, xizmat ko‘rsatish sohasida tez va soz amalga oshiriladi. Ushbu holatlarni inobatga olib, O’zbekiston Respublikasi Prezidenti 2022 yil 27 yanvarda “Xizmatlar sohasini rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorini qabul qildi. Ushbu qarorda “...xizmatlar sohasini rivojlantirishga yangicha yondoshuvlarni joriy etish orqali bozor xizmatlari hajmini 2022 yilda 1,5 barobarga oshirish hamda qo‘shimcha 1,5 million yangi ish o‘rinlarini yaratish imkoniyati mavjud”[11], deb ta’kidlangan. Shu yo‘nalishda tegishli dasturlar tuzilib, mamlakatimizda ulkan ishlar amalga oshirilmoqda. Buning bitta yo‘nalishi yangi ish o‘rinlarini yaratish orqali aholi bandligini ta’minlash yo‘li bilan kambag‘allikni qisqartirishga qaratilgan. Bu barcha xizmatlar singari agroservis xizmatlari uchun ham muhim yo‘nalishlardan biridir. Bu hozirgi paytda juda muhimligi shundaki, aholining asosiy qismi qishloqda yashaydi va ishsizlarning ham aksariyat qismi shu hududga to‘g‘ri keladi.

Ushbu holatni Samarqand viloyati misolida qarab chiqishni maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz. Chunki “Temir daftar”, “Yoshlar daftari” va “Ayollar daftari”ga kiritilgan oilalarni shahar bilan qishloq hududlarini qiyoslash orqali holatga aniq baho berish mumkin. Ushbu ko‘rsatkichlarning qiyosiy tahlili mazkur jadvalda keltirilgan (1-jadval).

[10] Юрий Кочетков / EPA / Scanpix / LETA. ва Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд: СамИСИ. – 2020. – 12 бет

[11] Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 27 январда “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини

1-jadval

Samarqand viloyati misolida “Temir daftar”, “Yoshlar daftari” va “Ayollar daftari”ga kiritilgan oilalar va fuqarolar soni to‘g‘risidagi 2025 yil ma’lumotlari[12]

T/r	Ko‘rsatkichlar	Shahar-da	Ulushi, %	Qishloq-da	Ulushi, %	JAMI
1.	“Temir daftar”, jami oilalar soni	1907	18,8	8234	81,2	10141
2.	“Yoshlar daftari”-ga kiritilgan yoshlar soni, kishi	225	16,6	1132	83,4	1357
3.	“Ayollar dafta-ri”ga kiritilgan ayollar soni, kishi	10114	15,3	55800	84,7	65914

Jadvaldan ko‘rinib turibdiki, “Temir daftar”ga kiritilgan jami oilalar soni 10141 ta bo‘lib, ularning1907 tasi yoki 18,8 % shaharlarga va 8234 tasi yoki 81,2 % qishloqlarga to‘g‘ri kelmoqda. Ushbu holat “Temir daftar”ga kiritilgan oilalar sonining aksariyat qismi qishloq xududlariga to‘g‘ri kelishini ko‘rsatib turibdi. Xuddi shunday ahvol “Yoshlar daftari”ga kiritilgan yoshlar soni va “Ayollar daftari”ga kiritilgan ayollar sonida ham ko‘rinib turibdi. “Yoshlar daftari”ga kiritilgan yoshlar sonining 16,6 % yoki 225 nafari shaharlarga to‘g‘ri kelsa, 83,4 % yoki 1132 nafari qishloqlarga to‘g‘ri kelmoqda. “Ayollar daftari” bo‘yicha ham xuddi shunday holatni kuzatish mumkin. Ushbu daftarga kiritilgan ayollar soni shaharda 10114 nafarni yoki 15,3 %ni tashkil qilsa, qishloq hududlarida ularning soni 55800 nafarni tashkil qiladi va uning ulushi 84,7 %ga teng.

Bundan shunday xulosa qilish mumkinki, Samarqand viloyatida “Temir daftar”, “Yoshlar daftari” va “Ayollar daftari”ga kiritilgan oilalar va odamlar sonini kamaytirish uchun asosiy e’tiborni qishloq joylarga qaratish lozim ekan. Bu esa, o‘z navbatida xizmat ko‘rsatish sohasining ajralmas qismi bo‘lgan agroservis xizatlarini kengaytirish orqali yangi ish o‘rinlarini yaratishni taqozo qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Юрий Кочетков / EPA / Scanpix / LETA. ва Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд: СамИСИ. – 2020. – 12 бет

[12] Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 27 январда “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини

3. Davis, K. (2008). *Extension in Sub-Saharan Africa: Overview and Assessment of Past and Current Models*. Journal of International Agricultural and Extension Education.

4. Anderson, J.R., Feder, G. (2007). *Agricultural Extension. Handbook of Agricultural Economics*.

5. Birner, R., Swanson, B. (2006). *Best Practices for Pluralistic Agricultural Advisory Services*. World Bank.

RAQAMLI BIZNES TRANSFORMATSIYASINING MOHIYATI VA ZARURATI

Anarbayeva Fotima Urazaliyevna
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti dotsenti, PhD
tel.: +998938502407, e-mail: f.anarbaeva2017@yandex.com

Annotatsiya. Maqolada raqamli biznes transformatsiyasining mohiyati, uning asosiy elementlari va bosqichlari hamda raqamli iqtisodiyot sharoitida biznesni transformatsiya qilish zarurati tahlil qilinadi. Shuningdek, transformatsiyaning kompaniya faoliyatiga ta’siri hamda uni amalga oshirishda duch kelinadigan asosiy muammolar ko‘rib chiqiladi.

Kalit so‘zlar: raqamli transformatsiya, raqamli iqtisodiyot, raqamlashtirish, biznes jarayonlari, biznes modeli, korporativ madaniyat, mijozga yo‘naltirilganlik.

Аннотация. В статье анализируется сущность цифровой трансформации бизнеса, ее основные элементы и этапы, а также необходимость трансформации бизнеса в условиях цифровой экономики. Рассматривается также влияние трансформации на деятельность компании и основные проблемы, возникающие при ее реализации.

Ключевые слова: цифровая трансформация, цифровая экономика, цифровизация, бизнес-процессы, бизнес-модель, корпоративная культура, клиентоориентированность.

Abstract. This article analyzes the essence of digital business transformation, its key elements and stages, as well as the necessity for such transformation within the context of a digital economy. It also examines the impact of this transformation on a company’s operations and the primary challenges that arise during its implementation.

Keywords: digital transformation, digital economy, digitalization, business processes, business model, corporate culture, customer centricity.

Raqamli transformatsiya g‘oyasi bugungi kunda boshqaruvning barcha darajalarida eng ko‘p muhokama qilinadigan mavzulardan biriga aylandi. Aslida bu yangi tushuncha emas: bu haqdagi munozaralar o‘nlab yillardan beri davom etmoqda. Shunga qaramay, ilmiy va biznes hamjamiyatida “raqamli transformatsiya” atamasining mohiyati haqida yagona va izchil tushuncha hali shakllanmagan. Atama texnologik o‘zgarishlar bilan birga rivojlanib kelgan: uzoq vaqt u an’anaviy ma’lumotlarni raqamlashtirish yoki saqlash sifatida talqin qilingan, bugun esa bu tushuncha shunchaki raqamlashtirishdan ancha kengdir.

Ba’zi IT mutaxassislari atamani qat’iy ta’rifga “muzlatib qo‘yish”ga qarshi chiqadi, chunki raqamli texnologiyalar rivojlanishda davom etmoqda. Biroq raqamli iqtisodiyot rivojlanishining hozirgi bosqichida atamaning mazmunini aniqlash raqamli transformatsiyaning asosiy yo‘nalishlarini yagona tushunish uchun zarur. Yangi iqtisodiy sharoitda barqaror faoliyat yuritishga intilayotgan barcha iqtisodiy subyektlar raqamli transformatsiyadan o‘tishga majbur bo‘lmoqda. Mazkur maqolaning maqsadi raqamli biznes transformatsiyasining mohiyatini ochib berish, uning zaruratini asoslash va biznes muhitidagi o‘rnini baholashdan iborat.

Raqamli transformatsiya – korxona biznes jarayonlariga zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, shuningdek, boshqaruv yondashuvlari, korporativ madaniyat va tashqi kommunikatsiyalarda tub o‘zgarishlarni amalga oshirishdir. U xarajatlarni kamaytirish, jarayonlarni tezlashtirish va mijozlarga xizmat ko‘rsatish sifatini oshirishga yordam beradigan amaliy vositadir. Uning samarasi sanoat tadqiqotlarida ham tasdiqlanadi: McKinsey ma’lumotlariga ko‘ra, an’anaviy banklardagi raqamli transformatsiya asosiy jarayonlar narxini 40–60 foizga kamaytiradi, Watermark hisobotiga ko‘ra esa mijozlar tajribasi yuqori bo‘lgan kompaniyalar rentabellik bo‘yicha bozordan 35 foizga ustun turadi.

Transformatsiya muvaffaqiyati to‘rtta asosiy elementga bog‘liq:

strategiya – biznes maqsadlari, o‘zgarish yo‘nalishi va ustuvorliklarni belgilaydi;

texnologiyalar – BPMS, CRM, ERP, analitika, sun’iy intellekt va robotlashtirilgan avtomatlashtirish kabi vositalar;

jarayonlar – ularni qayta ko‘rib chiqish, standartlashtirish va avtomatlashtirish;

korporativ madaniyat – xodimlarning tajriba o‘tkazish, ma’lumotlarga tayanib qaror qabul qilish va yangi vositalarga moslashishga tayyorligi.

Aynan shu komponentlarning uyg‘unligi kompaniyaning yangi vositalarni joriy etibgina qolmay, ulardan haqiqiy samara olishini belgilaydi.

Aksariyat kompaniyalarda transformatsiya besh bosqichdan iborat bo‘ladi: (1) diagnostika – mavjud jarayonlar sifati, raqamlashtirish darajasi va muammoli

nuqtalarni baholash; (2) jarayonlarning maqsadli modelini ishlab chiqish – rollar, nazorat nuqtalari va ko‘rsatkichlarni belgilash; (3) texnologiyalarni tanlash, bunda jarayon texnologiyaga emas, texnologiya maqsadli jarayonga moslashtiriladi; (4) joriy etish – vositalarni ishga tushirish, xodimlarni o‘qitish va sinovdan o‘tkazish; (5) samaradorlikni o‘lchash – jarayon tezligi, operatsiyalar qiymati, xatolar soni va mijozlar tajribasi bo‘yicha muntazam monitoring. Natijada transformatsiya bir martalik loyiha emas, balki uzluksiz takomillashtirish siklidir.

Har qanday transformatsiya rejasi uchta yo‘nalishni qamrab olishi kerak. **Birinchisi – biznes jarayonlarini transformatsiya qilish**: kompaniyaning uzoq yillardan beri mavjud ish oqimlarini avtomatlashtirish orqali o‘zgartirish. Masalan, ta’minot zanjirini boshqarish uchun bulutli tizim joriy etish to‘xtab qolish vaqtlarini kamaytiradi va rentabellikni oshiradi. **Ikkinchisi – biznes modellarini transformatsiya qilish**, ya’ni qiymat yaratishning fundamental mexanizmlarini o‘zgartirish; misol uchun, avtomobil sanoatida an’anaviy xarid modeli asta-sekin obunaga asoslangan modellarga o‘tmoqda. **Uchinchisi – tashkiliy va madaniy transformatsiya**: yangi texnologiyalarni sekin yoki salbiy munosabat bilan qabul qilish maqsadlarga erishilmasligiga, raqobatbardoshlik va daromadning pasayishiga olib kelishi mumkin. Shu sababli xodimlarga o‘zgarishlar ularning vazifalariga qanday ta’sir qilishini ochiq tushuntirish zarur.

Raqamli biznes transformatsiyasi texnologiyalarni joriy etish bilan cheklanmaydi: u kompaniyaning strategiyasi, biznes modeli, mijozlar bilan munosabatlari, ma’lumotlardan foydalanish usullari, korporativ madaniyati va raqobatbardoshligini kompleks o‘zgartiradi. Raqamli iqtisodiyot sharoitida u tanlov emas, balki zaruratga aylangan. Uning muvaffaqiyati zamonaviy texnologiyalarni joriy etish bilan birga to‘g‘ri investitsiya qarorlari, xodimlarning yangi ko‘nikmalarni egallashi va tashkilotning o‘zgarishlarga tayyorligiga bog‘liq. Transformatsiyani bosqichma-bosqich, aniq maqsadli model asosida va uzluksiz o‘lchab borish eng barqaror natija beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Прохоров А., Коник Л. Цифровая трансформация. Анализ, тренды, мировой опыт. Издание второе, исправленное и дополненное. — М.: ООО «КомНьюс Груп», 2019. - 368 стр.

2. Mathias Cöster, Mats Danielson and others. Digital Transformation Understanding Business Goals, Risks, Processes, and Decisions. Cambridge, UK: Open Book Publishers, 2023. P. 324.

3. Anarbayeva F. U., Baxriddinov D., Hasanov B. Iqtisodiyotda raqamli texnologiyalardan foydalanishning innovatsion yondashuvlari // Development issues of innovative economy in the agricultural sector. – 2021. – C. 264.

Shamsikulova Moxina Bonu Furkatovna
Samarqand iqtisodiyot va servis instiuti
mustaqil tadqiqotchisi
moxina0909@gmail.com
Amriyeva Shaxzoda Shuxratovna
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti,
“Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi assistenti
Telefon: +99897 925 37 27
E-mail: amriyevashaxzoda250@gmail.com
Boyarov Yusuf Abdulloyevich
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti,
Iqtisodiyot fakulteti talabasi
Telefon: +99890 102 05 06
Icloud: yusufboyarov2005@icloud.com

RAQAMLI IQTISODIYOTDA TRANZAKSIYA XARAJATLARINI KAMAYTIRISHNING IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKKA TA’SIRI

Annotatsiya. Maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida tranzaksiya xarajatlarining iqtisodiy mohiyati, ularning shakllanish omillari va ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikka ta’siri nazariy jihatdan tahlil qilinadi. Raqamli platformalar, elektron hujjat aylanishi va onlayn to‘lovlarning axborot izlash, muzokara hamda nazorat xarajatlarini kamaytirishdagi imkoniyatlari yoritiladi. Tranzaksiya xarajatlarini baholash bo‘yicha ko‘rsatkichlar tizimi taklif etiladi.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, tranzaksiya xarajatlari, iqtisodiy samaradorlik, axborot asimmetriyasi, raqamli platforma, institutsional muhit.

ВЛИЯНИЕ СНИЖЕНИЯ ТРАНСАКЦИОННЫХ ИЗДЕРЖЕК НА СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКУЮ ЭФФЕКТИВНОСТЬ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Аннотация. В статье рассматриваются экономическая сущность трансакционных издержек, факторы их формирования и влияние на социально-экономическую эффективность в условиях цифровой экономики. Анализируется потенциал цифровых платформ, электронного документооборота и онлайн-платежей в сокращении издержек поиска информации, переговоров и контроля. Предложена система показателей для оценки трансакционных издержек.

Ключевые слова: цифровая экономика, трансакционные издержки, экономическая эффективность, информационная асимметрия, цифровая платформа, институциональная среда.

THE IMPACT OF REDUCING TRANSACTION COSTS ON SOCIO-ECONOMIC EFFICIENCY IN THE DIGITAL ECONOMY

Abstract. The article examines the economic nature of transaction costs, the factors shaping them, and their impact on socio-economic efficiency in the digital economy. It discusses how digital platforms, electronic document management, and online payments can reduce information search, negotiation, and monitoring costs. A set of indicators for assessing transaction costs is proposed.

Keywords: digital economy, transaction costs, economic efficiency, information asymmetry, digital platform, institutional environment.

Raqamli iqtisodiyot rivojlanishi iqtisodiy subyektlar o‘rtasidagi bitimlarni amalga oshirish usullarini o‘zgartirmoqda. Elektron savdo, raqamli to‘lovlar va elektron hujjat aylanishi axborot izlash, muzokara olib borish hamda shartnomalarni rasmiylashtirish jarayonlarini soddalashtiradi. Shu bois ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni baholashda ishlab chiqarish xarajatlari bilan bir qatorda tranzaksiya xarajatlarini ham hisobga olish zarur.

Tranzaksiya xarajatlarining nazariy asoslari R. Kouzning firma tabiati va ijtimoiy xarajatlar haqidagi tadqiqotlariga borib taqaladi [1; 2]. O. Uilyamson bitimdan oldingi (ex ante) va bitimdan keyingi (ex post) xarajatlarni farqlashga e’tibor qaratgan [3]. D. Nort esa institutlar va qoidalarning iqtisodiy almashinuv xarajatlariga ta’sirini yoritgan[4]. Ushbu yondashuvlar raqamlashtirish samarasini faqat texnik tezlik emas, balki bitimlarni tashkil etish xarajatlari orqali ham baholash imkonini beradi.

Raqamli platformalar xaridor va sotuvchini tezroq bog‘lab, narxlarni taqqoslash va sherikning ishonchliligini tekshirishni yengillashtiradi. Elektron shartnomalar va to‘lovlar hujjatlashtirish hamda hisob-kitob vaqtini qisqartirishi mumkin. Biroq kiberxavfsizlik, ma’lumotlarni himoyalash, platforma komissiyalari va texnik nosozliklar yangi xarajatlarni keltirib chiqaradi. Demak, raqamli yechimning samaradorligi xarajatlarning umumiy o‘zgarishi bilan aniqlanishi lozim.

Iqtisodiy samaradorlik bitimga ketgan vaqt va mablag‘ning kamayishi, xizmat ko‘rsatish tezligi hamda mehnat unumdorligining oshishi bilan ifodalanadi. Ijtimoiy samaradorlik esa aholining xizmatlardan foydalanish imkoniyati kengayishi, navbatlar qisqarishi va hududlar o‘rtasidagi axborot tafovuti kamayishida namoyon bo‘lishi mumkin. Bunda raqamli ko‘nikmalari yoki internetga ulanish imkoniyati cheklangan guruhlar manfaatini ham hisobga olish zarur.

Tranzaksiya xarajatlarini baholashda raqamlashtirishdan oldingi va keyingi ko‘rsatkichlarni solishtirish taklif etiladi. Asosiy mezonlar: bir bitimga sarflangan vaqt, axborot qidirish va shartnoma xarajatlari, xatolar ulushi hamda nizolarni hal qilishga ketgan mablag‘. Tejalgan xarajatlardan dasturiy ta’minot, o‘qitish va axborot xavfsizligi xarajatlarini ayirish raqamli yechimning sof samarasini aniqlashga yordam beradi.

Shartli misol sifatida, korxonada bir buyurtmani rasmiylashtirish vaqti 90 daqiqadan 35 daqiqaga tushgan deb olaylik. Bitta buyurtma bo‘yicha 55 daqiqa tejaladi. Oyiga 200 ta buyurtmada bu 11 000 daqiqa yoki 183,3 soatni tashkil etadi. Biroq mazkur vaqt tejalishini iqtisodiy natija deb baholash uchun xodimning mehnat qiymati va elektron tizimni joriy etish xarajatlarini ham hisoblash kerak. Ushbu raqamlar statistik kuzatuv emas, metodologik misoldir.

Metodologik jihatdan uch guruh ko‘rsatkichni birgalikda qo‘llash maqsadga muvofiq: birinchisi — bitim xarajatlari (vaqt, pul, nazorat); ikkinchisi — iqtisodiy natijalar (unumdorlik, xizmat tezligi, sof tejam); uchinchisi — ijtimoiy natijalar (qamrov, qulaylik, teng imkoniyat). Bunday tizim raqamlashtirishning faqat texnologik emas, balki kengroq ijtimoiy-iqtisodiy ta’sirini tahlil qilishga xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytganda, raqamli iqtisodiyotda tranzaksiya xarajatlarini kamaytirish samaradorlikni oshirishning muhim omilidir. Biroq natija texnologiyaning mavjudligiga emas, uning real xarajatlarni qisqartirishi, bitimlar ishonchliligini oshirishi va xizmatlardan foydalanishni yengillashtirishiga bog‘liq. Shu sababli raqamli transformatsiya loyihalari iqtisodiy va ijtimoiy mezonlar asosida kompleks baholanishi kerak.

ILMIY-NAZARIY TAKLIF VA AMALIY TAVSIYALAR

Ilmiy-nazariy jihatdan ex ante va ex post tranzaksiya xarajatlarini alohida o‘lchab, ularni iqtisodiy va ijtimoiy natijalar bilan bog‘lovchi baholash tizimini qo‘llash taklif etiladi. Amaliy jihatdan korxonalarda bitimning har bir bosqichiga ketgan vaqt va mablag‘ni hisobga olish, elektron hujjat aylanishini kengaytirish, kiberxavfsizlikni kuchaytirish va xodimlarning raqamli ko‘nikmalarini rivojlantirish tavsiya etiladi. Natijalar raqamlashtirishdan oldingi davr bilan taqqoslanishi zarur.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Coase R. H. The Nature of the Firm // Economica. 1937. Vol. 4, No. 16. P. 386–405.

2. Coase R. H. The Problem of Social Cost // Journal of Law and Economics. 1960. Vol. 3. P. 1–44.

3. Williamson O. E. The Economic Institutions of Capitalism: Firms, Markets, Relational Contracting. New York: Free Press, 1985.

4. North D. C. Institutions, Institutional Change and Economic Performance. Cambridge: Cambridge University Press, 1990.

OLIY TA’LIM MUASSASALARINING INVESTITSION RIVOJLANISHINING MOLIYALASHTIRISH MANBALARI, RISKLARI VA O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Jonuzokov Mirzabek Kulmamatovich
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti tadqiqotchisi, PhD.
mirzabekjonuzokov@gmail.com
https://orcid.org/0009-0004-3010-9266
+998901960196

Annotatsiya. Mazkur maqolada oliy ta’lim tizimida investitsion risklarning iqtisodiy mohiyati, o‘ziga xos xususiyatlari va shakllanish omillari tadqiq etilgan. Investitsiyalarni jalb qilish manbalari, moliyaviy va nomoliyaviy risklar hamda ularning oliy ta’lim muassasalari faoliyatiga ta’siri xorijiy va mahalliy olimlarning ilmiy qarashlari asosida tahlil qilingan. Tadqiqot yakunida investitsion risklarni baholash va boshqarish, moliyalashtirish manbalarini diversifikatsiya qilish hamda investitsion samaradorlikni oshirish bo‘yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: investitsiyalarni jalb etish, investitsion risk, oliy ta’limda investitsion risklarm investitsiya loyihasi, moliyaviy barqarorlik, oliy ta’lim risklarni boshqarish, oliy ta’limda davlat-xususiy sheriklik.

Jahon iqtisodiyotida globallashuv jarayonlarining jadallashuvi, raqamli texnologiyalarning keng joriy etilishi va bilimlarga asoslangan iqtisodiyot modelining shakllanishi oliy ta’lim tizimining iqtisodiy taraqqiyotdagi o‘rni va funksional ahamiyatini tubdan o‘zgartirmoqda. Zamonaviy sharoitda oliy ta’lim muassasalari nafaqat yuqori malakali kadrlar tayyorlovchi tashkilotlar, balki ilmiy bilimlarni yaratish, innovatsion ishlanmalarni tijoratlashtirish, texnologiyalar transferini amalga oshirish va milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirishga xizmat qiluvchi muhim institutsional subyektlar sifatida namoyon bo‘lmoqda. Natijada oliy ta’lim tizimining moddiy-texnik va ilmiy-tadqiqot infratuzilmasini modernizatsiya qilish, ta’lim xizmatlari sifatini xalqaro standartlarga muvofiqlashtirish hamda innovatsion faoliyatni rivojlantirish investitsiya resurslariga bo‘lgan ehtiyojni kuchaytirmoqda. Shu bilan birga, investitsiyalarni jalb qilish, ularning iqtisodiy samaradorligini baholash va yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan risklarni boshqarish masalalari dolzarb ilmiy-amaliy ahamiyat kasb etmoqda.

O‘zbekiston Respublikasida ham oliy ta’lim tizimini modernizatsiya qilish, ilmiy-tadqiqot faoliyatini rivojlantirish va ta’lim xizmatlarining xalqaro raqobatbardoshligini oshirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2026-yil 3-aprelda oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar tizimini takomillashtirish masalalariga bag‘ishlangan yig‘ilishida “Mamlakatimizda so‘nggi yillarda oliy ta’lim qamrovini kengaytirish, ta’lim sifatini oshirish, ilmiy salohiyatni mustahkamlash va xalqaro hamkorlikni rivojlantirish bo‘yicha keng ko‘lamli

islohotlar amalga oshirilmoqda. Qolaversa, tizimdagi mavjud salohiyatdan samarali foydalanish, ilm-fanni iqtisodiyot bilan uzviy bog‘lash, ta’lim va tadqiqot integratsiyasini chuqurlashtirish dolzarb vazifa bo‘lib qolmoqda”[13] Mazkur ustuvor vazifalar oliy ta’lim muassasalarining investitsion faoliyatini takomillashtirish, moliyaviy resurslardan oqilona foydalanish va investitsion loyihalarning uzoq muddatli samaradorligini ta’minlash zaruratini yuzaga keltiradi.

Oliy ta’lim tizimiga yo’naltiriladigan investitsiyalar o’zining maqsadli yo’nalishlari va iqtisodiy mazmuniga ko’ra ko’p qirrali xususiyatga ega. Ular o’quv binolari, talabalar turar joylari, ilmiy laboratoriyalar va zamonaviy kampuslar qurish, moddiy-texnik bazani yangilash, axborot-kommunikatsiya infratuzilmasini rivojlantirish, raqamli ta’lim platformalarini joriy etish, ilmiy-tadqiqot loyihalarini moliyalashtirish, professor-o’qituvchilarning ilmiy va kasbiy salohiyatini oshirish hamda xalqaro akademik hamkorlikni kengaytirishga yo’naltiriladi. Inson kapitali nazariyasi asoschilari T. Shults[14] va G. Bekker[15] ta’limga sarflanadigan xarajatlarni iste’mol emas, balki kelgusida daromad keltiruvchi uzoq muddatli investitsiya deb baholaydi. J. Minser[16] va J. Psaxaropulos[17] ham ta’limga qilingan investitsiyalarning shaxsiy va ijtimoiy daromadliligini empirik jihatdan asoslab bergan. O’zbekistonlik olimlardan Q.X. Abdurahmonov[18] inson kapitali va mehnat resurslari sifatini iqtisodiy o’sishning muhim omili sifatida ko’rsatsa, A.V. Vahobov[19] investitsiyalarning mohiyatini uzoq muddatli samara olish maqsadida kapital qo’yilmalar sifatida izohlaydi. Bunday investitsiyalar, bir tomondan, oliy ta’lim muassasalarining institutsional va iqtisodiy salohiyatini mustahkamlasa, ikkinchi tomondan, ularning uzoq muddatli moliyaviy barqarorligi va raqobatbardoshligini ta’minlashga xizmat qiladi. B. Klark ta’kidlaganidek, tadbirkorlik yo’nalishidagi universitet diversifikatsiyalangan moliyalashtirish manbalariga tayanganda barqarorlikka erishadi.

Biroq oliy ta’lim sohasida investitsion faoliyatni amalga oshirish turli ichki va tashqi omillar ta’sirida shakllanadigan risklar bilan tavsiflanadi. B. Jonstonning ta’kidlashicha, oliy ta’limni moliyalashtirishda xarajatlarni davlat, talaba va boshqa manbalar o’rtasida taqsimlash tizimi (cost-sharing) moliyaviy risklarning muhim manbai bo’lib qoladi[20]. Shuningdek, rejalashtirilgan ta’lim sifati, ilmiy natijalar,

---

[13] Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar tizimini takomillashtirish masalalari muhokamasi, 3-aprel 2026-yil https://www.president.uz/oz/lists/view/9070

[14] Schultz, T. W. (1961). Investment in human capital. *The American Economic Review, 51*(1), 1–17.

[15] Becker, G. S. (1964). *Human capital: A theoretical and empirical analysis, with special reference to education.* National Bureau of Economic Research.

[16] Mincer, J. (1974). *Schooling, experience, and earnings*. National Bureau of Economic Research.

[17] Psacharopoulos, G., & Patrinos, H. A. (2018). Returns to investment in education: A decennial review of the global literature. *Education Economics, 26*(5), 445–458.

[18] Abdurahmonov, Q. X., & Zokirova, N. Q. (2013). *Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi: O’quv qo’llanma*. Toshkent: Fan va texnologiya. 536 b.

[19] Vahobov, A. V., Jumayev, N., & Burhanov, U. (2003). *Xalqaro moliya munosabatlari: Darslik*. Toshkent: Sharq. 470 b.

[20] Johnstone, D. B. (2004). The economics and politics of cost sharing in higher education: Comparative perspectives. *Economics of Education Review, 23*(4), 403–410.

talabalar qamrovi va moliyaviy ko’rsatkichlarga erishilmasligi ham investitsion risklarning muhim namoyon bo’lish shakllaridan hisoblanadi.

Otaxanov oliy ta’lim muassasalarining investitsion jozibadorligi investorlarda ishonch uyg’otadigan institutsional islohotlar, moliyaviy shaffoflik va risklarni boshqarish tizimiga bog’liqligini asoslaydi[21]. Islomov ma’lumotlariga ko’ra, 2020–2024 yillarda oliy ta’limga yo’naltirilgan davlat investitsiyalari taxminan 10 barobar oshgan, biroq markazlashgan investitsiyalardagi ulushi atigi 3,7 foiz bandga ko’tarilgan[22]. Muallif buni moliyaviy siyosatdagi strukturaviy nomutanosiblik belgisi deb baholaydi. Xalqaro adabiyotda Johnstone va Marcucci oliy ta’limni moliyalashtirishda xarajatlarni davlat, talaba va boshqa manbalar o’rtasida taqsimlash masalasini asosiy muammo sifatida ko’rsatadi. Barr esa oliy ta’lim bozorida axborot nomukammalligi va kredit bozoridagi cheklovlar moliyaviy risklarni kuchaytirishini ta’kidlaydi[23]. Marginson ommaviy oliy ta’lim sharoitida tizimlar o’rtasida tabaqalanish va raqobat kuchayishini tahlil qiladi[24]. Altbach, Reisberg va Rumbley global raqobat universitetlarning resurs ehtiyojini oshirayotganini qayd etadi[25].

Oliy ta’lim muassasalaridagi investitsion risklarning iqtisodiyotning boshqa tarmoqlaridagi risklardan asosiy farqi investitsiya samaradorligining ko’p mezonli va uzoq muddatli xususiyatga egaligida namoyon bo’ladi. Sanoat yoki savdo sohalarida investitsion loyihalar samaradorligi asosan daromadlilik, xarajatlar, pul oqimlari va kapital qaytimi kabi moliyaviy ko’rsatkichlar orqali baholanadi. Oliy ta’lim tizimida esa bu mezonlar bilan bir qatorda ta’lim sifati, bitiruvchilarning bandligi, ilmiy nashrlar va innovatsion ishlanmalar natijadorligi, inson kapitalining rivojlanishi hamda ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlik kabi ko’rsatkichlarni ham hisobga olish talab etiladi. Ayniqsa, investitsion qarorlar qabul qilishda moliyaviy va nomoliyaviy risklarni integratsiyalashgan holda baholash, risklarni kamaytirish strategiyalarini shakllantirish va investitsiya resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish oliy ta’lim muassasalarining uzoq muddatli barqaror rivojlanishini ta’minlashda muhim ahamiyatga ega.

Globallashuv, raqamlashtirish va bilimlarga asoslangan iqtisodiyotning rivojlanishi oliy ta’lim muassasalarining investitsion ehtiyojlarini kengaytirmoqda va ustuvor yo‘nalishlarga samarali taqsimlash muhim ahamiyat kasb etadi. Oliy ta’lim tizimidagi asosiy investitsion ehtiyojlar va ularni moliyalashtirish manbalari quyidagi rasmda aks ettirilgan.

---


[21] Otaxanov, R. (2025). Oliy ta’lim muassasalari investitsion jozibadorligini boshqarish mexanizmini takomillashtirish. *Green Economy and Development, 3*(7). https://doi.org/10.5281/zenodo.16628115

[22] Islomov, B. Z. (2025). Oliy ta’lim muassasalarida moliyaviy resurslarni boshqarishning joriy holati tahlili. *International Finance & Accounting*, (3), iyun. ISSN 2181-1016.

[23] Barr, N. (2004). Higher education funding. *Oxford Review of Economic Policy, 20*(2), 264–283.

[24] Marginson, S. (2016). The worldwide trend to high participation higher education: Dynamics of social stratification in inclusive systems. *Higher Education, 72*(4), 413–434.

[25] Altbach, P. G., Reisberg, L., & Rumbley, L. E. (2009). *Trends in global higher education: Tracking an academic revolution*. UNESCO.



1-rasm. Oliy ta’limga investitsiyalarni jalb qilishning asosiy yo‘nalishlari va manbalari[26]

1-rasm ma’lumotlaridan ko‘rinadiki, oliy ta’lim tizimining asosiy investitsion ehtiyojlari ta’lim infratuzilmasini rivojlantirish, ilmiy tadqiqotlar va innovatsiyalarni qo‘llab-quvvatlash, raqamli texnologiyalarni joriy etish hamda inson kapitalini

[26] Tadqiqotlar asosida ishlab chiqildi.

rivojlantirish bilan bog‘liq. Ushbu yo‘nalishlarni moliyalashtirishda davlat, xususiy va xorijiy investitsiyalar hamda davlat-xususiy sheriklik mexanizmlari muhim manbalar hisoblanadi.

Shu bilan birga, investitsiya manbalarining diversifikatsiyasi moliyaviy resurslardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish bilan bir qatorda, moliyalashtirishga bog‘liq risklarni kamaytirishga ham xizmat qiladi. Biroq jalb qilingan investitsiyalarning samaradorligi ularni to‘g‘ri taqsimlash, investitsion loyihalarni asoslash va yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan risklarni oldindan baholashga bevosita bog‘liq. Shu sababli oliy ta’lim muassasalarida investitsion faoliyatni tashkil etishda moliyaviy va nomoliyaviy risklarni kompleks hisobga olish zarur.

Oliy ta’lim tizimida investitsion ehtiyojlar va investitsiyalarni jalb qilish manbalarining shakllanish sharoitlarini tahlil qilish natijalari shuni ko‘rsatadiki, globallashuv, raqamlashtirish va bilimlarga asoslangan iqtisodiyotning rivojlanishi oliy ta’lim muassasalarining investitsion faolligini oshirishni taqozo etmoqda. Bunda ta’lim infratuzilmasini modernizatsiya qilish, ilmiy-tadqiqot va innovatsion faoliyatni moliyalashtirish, raqamli texnologiyalarni joriy etish hamda inson kapitalini rivojlantirish asosiy investitsion ustuvorliklar hisoblanadi.

Mazkur jarayonda, avvalo, oliy ta’lim muassasalarining moliyalashtirish manbalarini diversifikatsiya qilish, davlat budjetiga bog‘liqlikni kamaytirish, xususiy va xorijiy investitsiyalarni jalb etish hamda davlat-xususiy sheriklik mexanizmlarini kengaytirish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bilan birga, investitsiya resurslarini ta’lim infratuzilmasi, ilmiy-tadqiqot faoliyati, raqamli texnologiyalar va inson kapitalini rivojlantirish kabi ustuvor yo‘nalishlar o‘rtasida iqtisodiy samaradorlik mezonlari asosida taqsimlash maqsadga muvofiq. Har bir investitsion loyihani amalga oshirishdan oldin moliyaviy, institutsional, texnologik va operatsion risklarni kompleks baholash, ularni kamaytirish bo‘yicha tegishli strategiyalarni ishlab chiqish zarur. Shuningdek, universitetlar, ilmiy-tadqiqot markazlari va xususiy sektor o‘rtasidagi hamkorlikni mustahkamlash orqali ilmiy ishlanmalarni tijoratlashtirish, ularning iqtisodiy qiymatini oshirish va qo‘shimcha moliyalashtirish manbalarini shakllantirish imkoniyatlari kengayadi.

Bundan tashqari, jalb qilingan investitsiyalar samaradorligini baholashda faqat moliyaviy natijalar bilan cheklanib qolmasdan, ta’lim sifati, ilmiy tadqiqotlar natijadorligi, bitiruvchilar bandligi va innovatsion salohiyatga ta’sirini ham hisobga oluvchi monitoring tizimini takomillashtirish lozim.

Oliy ta’lim tizimining investitsion rivojlanishi investitsion ehtiyojlar, moliyalashtirish manbalari va tashqi iqtisodiy sharoitlarning o‘zaro muvofiqligiga bevosita bog‘liq. Investitsiyalarni jalb qilish manbalarini diversifikatsiya qilish, moliyaviy resurslardan oqilona foydalanish, investitsion risklarni oldindan aniqlash va kompleks baholash oliy ta’lim muassasalarining moliyaviy barqarorligini mustahkamlash, ilmiy salohiyatini rivojlantirish hamda xalqaro raqobatbardoshligini oshirishning muhim iqtisodiy shartlari hisoblanadi.

Ishlatilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar tizimini takomillashtirish masalalari muhokamasi, 3-aprel 2026-yil https://www.president.uz/oz/lists/view/9070
2. Schultz, T. W. (1961). Investment in human capital. *The American Economic Review, 51*(1), 1–17.
3. Becker, G. S. (1964). *Human capital: A theoretical and empirical analysis, with special reference to education*. National Bureau of Economic Research.
4. Mincer, J. (1974). *Schooling, experience, and earnings*. National Bureau of Economic Research.
5. Psacharopoulos, G., & Patrinos, H. A. (2018). Returns to investment in education: A decennial review of the global literature. *Education Economics, 26*(5), 445–458.
6. Abdurahmonov, Q. X., & Zokirova, N. Q. (2013). *Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi: O’quv qo’llanma*. Toshkent: Fan va texnologiya. 536 b.
7. Vahobov, A. V., Jumayev, N., & Burhanov, U. (2003). *Xalqaro moliya munosabatlari: Darslik*. Toshkent: Sharq. 470 b.
8. Johnstone, D. B. (2004). The economics and politics of cost sharing in higher education: Comparative perspectives. *Economics of Education Review, 23*(4), 403–410.
9. Otaxanov, R. (2025). Oliy ta’lim muassasalari investitsion jozibadorligini boshqarish mexanizmini takomillashtirish. *Green Economy and Development, 3*(7). https://doi.org/10.5281/zenodo.16628115
10. Islomov, B. Z. (2025). Oliy ta’lim muassasalarida moliyaviy resurslarni boshqarishning joriy holati tahlili. *International Finance & Accounting*, (3), iyun. ISSN 2181-1016.
11. Barr, N. (2004). Higher education funding. *Oxford Review of Economic Policy, 20*(2), 264–283.
12. Marginson, S. (2016). The worldwide trend to high participation higher education: Dynamics of social stratification in inclusive systems. *Higher Education, 72*(4), 413–434.
13. Altbach, P. G., Reisberg, L., & Rumbley, L. E. (2009). *Trends in global higher education: Tracking an academic revolution*. UNESCO.

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BIZNES SUB'EKTLARDA SOTISH UCHUN MO'LJALLANGAN UZOQ MUDDATLI AKTIVLAR HISOBI MOHIYATI

Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti
Mustaqil izlanuvchisi Niyatov Jahongir
Abdugappor o'g'li

Annotatsiya: Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida biznes sub'ektlarda uzoq muddatli aktivlarni sotish uchun mo'ljallangan deb tasniflash va hisobga olish sohasidagi mavjud muammolar va kamchiliklar yoritilgan. IFRS 5-son Moliyaviy Hisobotning Xalqaroro Standartining talablariga amal qilishdagi qiyinchiliklar ko'rib chiqildi. Tadqiqot davomida korxonalar duch kelayotgan asosiy muammolar, jumladan, aktivlarning sotilishi ehtimolini baholash va adolatli qiymatni aniqlashdagi noaniqliklar bilan bog'liq muammolarni hal qilish uchun aniq mezonlarni taklif berilgan.

Kalit so'zlar: Raqamli iqtisodiyot, biznes sub'ekt, uzoq muddatli aktivlar, sotish uchun tasniflash, IFRS 5Moliyaviy Hisobotning Xalqaroro Standarti, moliyaviy hisobotlar, adolatli qiymat, ichki nazorat tizimi, audit, tugatilgan faoliyat.

Аннотация: В данной статье освещены имеющиеся проблемы и недостатки в сфере классификации и учета долгосрочных активов в субъектах бизнеса в условиях цифровой экономики. Были рассмотрены трудности в соблюдении требований Международного стандарта финансовой отчетности МСФО № 5. В ходе исследования были предложены конкретные критерии для решения основных проблем, с которыми сталкиваются предприятия, в том числе связанных с оценкой вероятности продажи активов и неопределенностью в определении справедливой стоимости.


Ключевые слова: Цифровая экономика, бизнес субъект, долгосрочные активы, классификация для продажи, Международный стандарт финансовой отчетности IFRS 5, финансовые отчеты, справедливая стоимость, система внутреннего контроля, аудит, справедливая стоимость.

Abstract: This article highlights the existing problems and shortcomings in the classification and accounting of long-term assets in business entities in the digital economy. Difficulties in meeting the requirements of International Financial Reporting Standard IFRS 5 were considered. The study proposed specific criteria to address key challenges faced by businesses, including assessing the likelihood of selling assets and uncertainty in determining fair value.

Keywords: Digital economy, business entity, long-term assets, classification for sale, International Financial Reporting Standard IFRS 5, financial statements, fair value, internal control system, audit, fair value.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida uzoq muddatli aktivlar iqtisodiyotning real sektoridagi har qanday korxonaning ishlab chiqarish salohiyatini aniqlovchi muhim elementlardan biridir. Ular korxonaning uzoq muddatli istiqboldagi rivojlanish yo‘nalishlarini belgilashda, moliyaviy barqarorligini ta’minlashda va raqobatbardoshligini oshirishda katta ahamiyatga ega. Shuningdek, uzoq muddatli aktivlarni boshqarish samaradorligi korxonaning umumiy rentabelligini, bozordagi mavqeini va investitsion jalb etuvchanligini belgilaydigan muhim ko‘rsatkichlardan biri sifatida qaraladi. Ayniqsa, uzoq muddatli aktivlarni "sotish uchun mo‘ljallangan" deb tasniflash va hisobini yuritish masalasi bugungi kunda korxonalar oldida turgan dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi.

Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari xususan, International Financial Reporting Standarts (IFRS) 5 "Sotish uchun mo‘ljallangan uzoq muddatli aktivlar va tugatilgan faoliyat"[27] Moliyaviy hisobotning xalqaro standartining joriy etilishi, bizning moliyaviy hisobotlarimizga sezilarli darajada ta’sir ko‘rsatadi, sababi ikkita qisimdan iborat uzoq muddatli aktivni moliyaviy hisobotda aks ettirish mezonlari mavjud (1-rasmga qarang).



1-rasm. (IFRS) 5 "Sotish uchun mo‘ljallangan uzoq muddatli aktivlar va tugatilgan faoliyat" muvofiq aktivlar tasniflanishi[28]

1-rasmda aks ettirilgan sotish uchun mo‘ljallangan uzoq muddatli aktivlarni va tugatilgan faoliyat bilan bog’liq ko‘rsatkichlarni tasniflashda va moliyaviy hisobotlarda aks ettirishda muayyan talablar belgilaydi. Shu bois, ushbu standartga muvofiq, biznes sub’ektlarda "sotish uchun mo‘ljallangan aktiv" deb qachon hisoblanishi va uning hisobida amortizatsiya hisobi bilan bog’liq masalalari, ularning qiymati baholanishi hisobotlarda aniq to‘g’ri aks ettirish muhim ahamiyatga ega.

Ammo bu talablarni amaliyotda qo‘llashda korxonalar turli xil murakkabliklar va qiyinchiliklarga duch kelishmoqda. Jumladan, aktivlarning sotilishi ehtimolini aniq baholash, bozordagi narxlarining o‘zgaruvchanligi sharoitida adolatli qiymatni belgilash va amortizatsiya jarayonini to‘xtatish bo‘yicha aniq mexanizmlarning yo‘qligi

[27] International Financial Reporting Standarts (IFRS) 5 "Sotish uchun mo‘ljallangan uzoq muddatli aktivlar va tugatilgan faoliyat"
[28] Muallif ishlanmasi

korxonalarning moliyaviy hisobida jiddiy chalkashliklarga olib kelmoqda.[29] Shuning uchun ham, uzoq muddatli aktivlarning sotish uchun tasniflanishi va hisob yuritish mexanizmini takomillashtirish zarurati yuzaga kelmoqda.

Ko‘pgina tadqiqotlarda, ayniqsa, aktivlarni hisobga olish jarayonida korxonalar tomonidan qilinadigan xatoliklar moliyaviy hisobotlarning aniqligiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi, natijada investorlar va boshqa manfaatdor tomonlarni noto‘g‘ri qarorlarga olib kelishi mumkinligi qayd etilgan. Aktivlarni sotish uchun mo‘ljallangan deb hisobga olishda aniq belgilangan mezonlarning yo‘qligi yoki ularning noaniqligi korxonalar uchun asosiy muammo sifatida ko‘rsatiladi. Bu esa korxonalarning aktivlar qiymatini noto‘g‘ri baholashiga, moliyaviy hisobotlaridagi xatoliklarga va natijada investitsion va kreditlash qarorlarining xato qabul qilinishiga olib kelishi mumkin.

Bundan tashqari, bu muammo nafaqat mahalliy, balki xalqaro darajada ham ahamiyat kasb etmoqda. Masalan, AQSh va Yevropada aktivlarni sotish uchun tasniflash va baholash bo‘yicha turli xil yondashuvlar qo‘llaniladi, bu esa xalqaro moliyaviy hisobotlarni solishtirishda qiyinchiliklar tug‘diradi.[30] Shuning uchun ham, xalqaro standartlarni amaliyotga samarali tatbiq qilish va mavjud metodologiyalarni takomillashtirish masalasi bugungi kunda ko‘plab iqtisodiy tadqiqotlarning markaziy mavzularidan biri bo‘lib qolmoqda.

Olib borilgan tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, uzoq muddatli aktivlarni sotish uchun mo‘ljallangan deb tasniflash va hisobga olish jarayonida mavjud standartlarga rioya qilishda korxonalar duch kelayotgan bir qator amaliy qiyinchiliklar mavjud. Xususan, korxonalar tomonidan aktivlarning sotilishi ehtimolini baholashdagi subyektiv yondashuvlar va bozor sharoitlarining tez-tez o‘zgarib turishi sababli, aktivlarning aniq baholanishi qiyinlashmoqda. Ushbu holat, o‘z navbatida, korxonalarning moliyaviy hisobotlarida noaniqliklarni yuzaga keltirib, investorlar va manfaatdor tomonlarning qarorlariga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Bunday noaniqliklar moliyaviy hisobotlarni taqqoslash imkoniyatini cheklab, investitsiya va kreditlash qarorlarini qabul qilishda ishonchlilikni pasaytiradi. Shu bilan birga, mavjud tadqiqotlar asosida aniqlandiki, xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga, ayniqsa IFRS 5 talablariga to‘liq rioya qilmaslik natijasida moliyaviy hisobotlarda yuzaga keladigan chalkashliklar investitsion jalb etuvchanlikni pasaytirib, kompaniyalar uchun moliyaviy xavflarni oshiradi.

Xulosa va takliflar

Ushbu tadqiqot natijasida uzoq muddatli aktivlarni sotish uchun mo‘ljallangan deb tasniflash va hisobga olish masalasida mavjud muammolar aniqlanib, ushbu sohadagi

[29] Veronica Stefan. Accounting Practices Regarding the Non-Current Asset s Held for Sale. ResearchGate. https://www.researchgate.net/publication/46534117_Accounting_Practices_Regardig_the_Non Current_Assets_Held_for_Sale

[30] Veronica Stefan. Accounting Practices Regarding the Non-Current Asset s Held for Sale. ResearchGate. https://www.researchgate.net/publication/46534117_Accounting_Practices_Regardig_the_Non Current_Assets_Held_for_Sale

nazariy va amaliy jihatlar chuqur tahlil qilindi. Xususan, tadqiqot davomida korxonalarda aktivlarning sotilishi ehtimolini baholashda mavjud bo‘lgan noaniqliklar, bozor sharoitlarining tez-tez o‘zgarishi va adolatli qiymatni aniqlash uslublaridagi kamchiliklar ko‘rib chiqildi. Bular moliyaviy hisobotlarning aniqligiga salbiy ta’sir ko‘rsatib, manfaatdor tomonlarning qaror qabul qilish jarayonlarini murakkablashtirmoqda. Shu bois, tadqiqot davomida aniqlangan muammolarni hal qilish uchun quyidagi tavsiyalar ishlab chiqildi.

Birinchidan, uzoq muddatli aktivlarni sotish uchun tasniflash bo‘yicha aniq va bir xil mezonlarni ishlab chiqish zarur. Buning uchun xalqaro moliyaviy hisobot standartlari, ayniqsa IFRS 5 standarti asosida sotish ehtimolini baholash va adolatli qiymatni aniqlash usullarini yanada takomillashtirish kerak.

Ikkinchidan, korxonalar moliyaviy hisobotlarni tayyorlash jarayonida xalqaro standartlarning talablariga qat'iy rioya qilish uchun ichki nazorat tizimlarini kuchaytirishlari zarur.

Uchinchidan, moliyaviy hisobotlarni mustaqil audit orqali tekshirish jarayonlarini muntazam ravishda amalga oshirish lozim. Bu esa moliyaviy hisobotlarning sifatini va ishonchliligini oshirib, manfaatdor tomonlar uchun investitsion qarorlar qabul qilishda samaradorlikni ta'minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati

1. (IFRS) 5 "Sotish uchun mo‘ljallangan uzoq muddatli aktivlar va tugatilgan faoliyat" Moliyaviy hisobotning xalqaro standarti (AV tomonidan 09.12.2022 y. 3400-son bilan ro‘yxatga olingan moliya vazirining 10.11.2022 y. 61-son buyrug‘iga 31-ilova

2. Veronica Stefan. Accounting Practices Regarding the Non-Current Assets Held for Sale. ResearchGate.

https://www.researchgate.net/publication/46534117_Accounting_Practices_Regardig_the_Non Current_Assets_Held_for_Sale

3. Niyatov Jaxongir Abdugappor o‘g‘li., Quranbayev Dilshodbek Otaxon o'g'li “Sotish uchun mo‘ljallangan uzoq muddatli aktivlarni hisobini takomillashtirirsh”. Ta’limga oid tushunchalar va yutuqlar. Ilmiy onlayn jurnal. Volume5| MAY 2025 ISSN: 3060-4648.

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори. Тел. телеграф: +998 977930048
Озода Мамаюнусовна Пардаева
Тошкент дипломатия университети кафедра мудири.
иктисод фанлари номзоди (PhD), доцент. Тел: + 998979195356
Темур Баҳодир ўғли Юнусов
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ БОЗОРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ФАНИНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозори трансформациясининг объектив зарурлиги, унинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи асосий йўналишлар тадқиқ этилган. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши натижасида меҳнат муносабатлари, бандлик шакллари, касб ва мутахассисликларга бўлган талаб, меҳнат ресурсларининг малакавий таркибида юзага келаётган ўзгаришлар таҳлил қилинган. Шунингдек, автоматлаштириш, сунъий интеллект, рақамли платформалар ва масофавий меҳнатнинг меҳнат бозорига таъсири ёритилган. Рақамли иқтисодиёт талабларига мослашиш, инсон капиталини ривожлантириш ва замонавий касбий компетенцияларни шакллантириш меҳнат бозори самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарти эканлиги асосланган. Мақолада меҳнат бозори трансформациясининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳамда уни илмий жиҳатдан ўрганишнинг объектив зарурлиги очиб берилган.

Калит сўзлар. рақамли иқтисодиёт, меҳнат бозори, меҳнат бозори трансформацияси, рақамли технологиялар, рақамли меҳнат, бандлик, инсон капитали, меҳнат ресурслари, касбий компетенция, автоматлаштириш, сунъий интеллект, масофавий меҳнат, меҳнат муносабатлари, рақамли платформалар

Аннотация. В статье исследуется объективная необходимость трансформации рынка труда в условиях цифровой экономики, а также основные факторы, влияющие на его формирование и развитие. Анализируются изменения в трудовых отношениях, формах занятости, спросе на профессии и специальности, а также в квалификационной структуре трудовых ресурсов, обусловленные стремительным развитием цифровых технологий. Освещается влияние автоматизации, искусственного интеллекта, цифровых платформ и дистанционной занятости на рынок труда. Обосновано, что адаптация к требованиям цифровой

экономики, развитие человеческого капитала и формирование современных профессиональных компетенций являются важными условиями обеспечения эффективности рынка труда. Раскрываются социально-экономическое значение трансформации рынка труда и объективная необходимость её научного изучения.

Ключевые слова: цифровая экономика, рынок труда, трансформация рынка труда, цифровые технологии, цифровой труд, занятость, человеческий капитал, трудовые ресурсы, профессиональные компетенции, автоматизация, искусственный интеллект, дистанционная работа, трудовые отношения, цифровые платформы.

Abstract. This article examines the objective necessity of labor market transformation in the context of the digital economy, as well as the main factors influencing its formation and development. The study analyzes changes in labor relations, forms of employment, demand for professions and specialties, and the qualification structure of labor resources resulting from the rapid development of digital technologies. The impact of automation, artificial intelligence, digital platforms, and remote work on the labor market is highlighted. It is substantiated that adaptation to the requirements of the digital economy, human capital development, and the formation of modern professional competencies are important conditions for ensuring labor market efficiency. The article reveals the socio-economic significance of labor market transformation and the objective necessity of its scientific study.

Keywords: digital economy, labor market, labor market transformation, digital technologies, digital labor, employment, human capital, labor resources, professional competencies, automation, artificial intelligence, remote work, labor relations, digital platforms.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги шароитда меҳнат бозори трансформацияси масаласи бутун дунёда муҳим бўлиб қолмоқда. Чунки дунёдаги ўзгаришлар ушбу ҳолатни ҳам мослаштиришни талаб қилмоқда. Бундан келиб чиқиб, иқтисодий фанлар таркибиган “Меҳнат бозори трансформацияси” фанини ҳам қўшишга объектив зарурият туғилди. Хуллас, рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозори трансформацияси фанингнг объектив зарурлигини исботлашга тўғри келмоқда. Бундан келиб чиқиб, меҳнат бозори трансформацияси тушу4нчасига изоҳ беришдан бошлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Таҳлил ва натижалар. Меҳнат бозори трансформацияси фанинг изоҳини, унинг таърифидан бошлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Меҳнат бозори трансформацияси деганда, иқтисодиёт, технология, демографик жараёнлар ва жамиятдаги ўзгаришлар таъсирида иш ўринлари, касблар, меҳнат муносабатлари ва ишчи кучига бўлган талабнинг ўзгариб боришида содир бўладиган ҳодиса ва жараёнлар мажмуи тушунилади.** Ушбу таъриф кенг

қамровли бўлиб, бир қанча йўналишларни ўз ичига олади. Бунинг асосий йўналишлари қуйидагилардан биортат.

Биринчидан, ҳозирги ҳолатдан келиб чиқиб, рақамлаштириш масаласи устуворликни ташкил қилади. Бунлар электрон меҳнат платформалари, масофавий иш ва рақамли касбларнинг кўпайиши билан боғлиқ.

Иккинчидан, айрим оддий меҳнат турлари қисқариб, янги касблар пайдо бўлиши натижасида автоматлаштириш ва сунъий интеллект билан ишлаш масаласи ҳам амалиётга кириб келди. Бу ўз навбатида шунга мос кадрларни тайёрлашни талаб қилади.

Учинчидан, рақамлаштириш шароитида касбий талабларнинг ўзгариши ҳам рўй бермоқда. Бу ўз навбатида рақамли саводхонлик, таҳлил қилиш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш кўникмаларига талабни оширилишига олиб келмоқда. Замонавий кадрлар ҳам шунга мос бўлиб бориши лозим.

Тўртинчидан, муҳими ҳозирги шароитда меҳнат шаклларининг ўзгариши ҳам рўй бермоқда. Булар бевосита масофавий, гибрид, фриланс ва қисқа муддатли иш шаклларининг ривожланишига олиб келмоқда. Бундай шароитда инсонлар ўзларининг уйларида туриб, меҳнат қилишга ва шу йўл билан меҳнат бозорини тўлдиришга хизмат қилмоқда.

Бешинчидан, замон талабидан келиб чиқиб, ходимларни янги касб ва технологияларга мослаштириш зарурати пайдо бўлди. Бу ўз навбатида кадрларни қайта тайёрлаш заруриятини ҳам вужудга келтирди. Олдинги эскириб қолган касбдаги ходимларни қайта тайёрлаш ва булар ўрнига янги йўналишдаги кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Олтинчидан, ишчиларнинг ҳудудлар ва мамлакатлар ўртасида ишлаш имкониятларининг кенгайиши натижасида меҳнат мобиллиги ҳам долзарб масалаалар сирасига киради.

Қисқача қилиб айтганда, юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинуи, меҳнат бозори трансформацияси эски меҳнат бозоридан янги, рақамли ва мослашувчан меҳнат бозорига ўтиш жараёни тушунилади. Бунга бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, илгари банкда кўплаб операциялар кассирлар томонидан бажарилган бўлса, ҳозир мобил иловалар ва автоматлаштириш натижасида IT мутахассислари, маълумотлар таҳлилчилари ва рақамли хизматлар ходимларига талаб ортмоқда. Яна бир мисол. Илгари битта ташкилотда 5-10 та бухгалтер ишлаган бўлса, ҳозир битта бухгалтер бир қанча ташкилотнинг ҳисоботларини қилиб бермоқда.

«Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозори трансформацияси» фани янги бўлганлиги туфайли унинг предмети ва объекти ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим. Мазкур фаннинг объектига замонавий талабга мос илмий нуқтаи назардан қуйидагича ифодалаш мумкин. **Мазкур** фаннинг объектига рақамли

иқтисодиёт шароитида шаклланаётган ва ўзгараётган меҳнат бозори, яъни иш берувчилар ва ёлланма ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари, меҳнат ресурслари ва уларнинг ҳаракати, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф, аҳоли бандлиги ва ишсизлиги, янги ва рақамли касбларнинг шаклланиши, масофавий ва платформавий меҳнат, меҳнат бозорида рақамли технологиялардан фойдаланиш жараёнлари, инсон капитали ва меҳнат ресурсларининг рақамли кўникмалари кабиларни киритиш мумкин.

«Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозори трансформацияси» фанининг предмети деганда, рақамли иқтисодиёт таъсирида меҳнат бозорида содир бўлаётган трансформацион жараёнларнинг иқтисодий қонуниятлари, механизмлари ва муносабатларини ўрганишга қаратилган жараёнлар тушунилади. Бунда асосий эътибор рақамлаштиришнинг меҳнат бозорига таъсири, меҳнатга бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариши, янги касб ва мутахассисликларнинг пайдо бўлиши, айрим анъанавий касбларнинг трансформацияси, автоматлаштириш ва сунъий интеллектнинг бандликка таъсири, масофавий ва гибрид меҳнат шаклларининг ривожланишига ҳам қаратилади.

Мазкур фанда асосий эътибор рақамли платформалар орқали меҳнат муносабатларининг шаклланиши, меҳнат ресурсларининг рақамли компетенцияларини ривожлантириш, инсон капиталининг меҳнат бозоридаги роли, давлатнинг рақамли меҳнат бозорини тартибга солиш механизмларига қаратилади. Булардан келиб чиқиб, қисқача қилиб айтганда ушбу фаннинг объект рақамли иқтисодиёт шароитида трансформацияланаётган меҳнат бозори тушунилади. Бу фаннинг предмети ўз ичига рақамлаштириш таъсирида меҳнат бозорида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар, ўзгаришлар, қонуниятлар ва уларни бошқариш механизмларини қамраб олади.

Ҳар бир фаннинг вазифалари бўлгани сингари «Меҳнат бозори трансформацияси» фанининг ҳам асосий вазифалари мавжуд. Бу бевосита меҳнат бозорида юз бераётган ўзгаришларни ўрганиш, уларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда замонавий меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш механизмларини ўрганишдан иборатдир.

Ушбу фаннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Меҳнат бозорининг моҳияти ва қонуниятларини ўрганиш, яъни меҳнатга талаб ва таклиф, иш ҳақи, бандлик ва ишсизлик жараёнларини таҳлил қилиш. Навбатдаги вазифаси бевосита меҳнат бозоридаги трансформация жараёнларини таҳлил қилиш, яъни иқтисодий, технологик, демографик ва ижтимоий ўзгаришларнинг меҳнат бозорига таъсирини ўрганиш билан боғлиқ..

Рақамлаштириш таъсирини баҳолаш ҳам ушбу фаннинг вазифаларига киради. Бунда рақамли технологиялар, автоматлаштириш ва сунъий интеллектнинг касблар ва иш ўринларига таъсири ўрганилади. Яна бир вазифаси

янги касб ва меҳнат шаклларини ўрганиш билан боғлиқ. Буларга фриланс, масофавий ва гибрид иш, платформали бандлик каби замонавий меҳнат шаклларини таҳлил қилиш киради.

Фаннинг яна бир вазифаси инсон капитали ривожини ўрганиш ходимларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва янги касбий кўникмаларни шакллантириш масалаларини тадқиқ этиш вазифаси ҳам киради. Шунингдек, бандлик ва ишсизлик муаммоларини таҳлил қилиш, яъни меҳнат бозорида иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш механизмларини ўрганиш ҳам ушбу вазифалардан биридир.

Меҳнат бозоридаги номутаносибликларни аниқлаш ҳам иш берувчилар талаби билан меҳнат ресурсларининг малакаси ўртасидаги тафовутларни ўрганиш, шунингдек, меҳнат бозорини прогнозлаш, яъни келажакда қайси касб ва мутахассисликларга талаб ортишини аниқлаш усулларини ўрганиш ҳам муҳим вазифалар сираига киради..

Давлатнинг меҳнат бозоридаги ролини ўрганиш ҳам ушбу фаннинг вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунда бандлик сиёсати, касбий тайёргарлик ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш механизмларини таҳлил қилиш ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш билан боғлиқл масалалар ҳам ушбу фаннинг вазифасига киради. Бу ривожланган мамлакатларда меҳнат бозорининг трансформацияси ва унинг илғор механизмларини таҳлил қилиш жараёнини ҳам қамраб олади.

Хулоса қилиб айтганда, фаннинг асосий мақсади талабаларда замонавий меҳнат бозоридаги ўзгаришларни тушуниш, таҳлил қилиш ва келажакдаги тенденцияларни баҳолаш кўникмасини шакллантириш билан ҳам боғлиқдир. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозори трансформацияси фанининг объектив зарурлиги бевосита жараёнларни автоматлаштириш, сунъий интеллект, рақамли платформалар ва масофавий меҳнатнинг меҳнат бозорига таъсирининг пайдо бўлиши, буларни рақамли иқтисодиёт талабларига мослашиш, инсон капиталини ривожлантириш ва замонавий касбий компетенцияларни шакллантиришда меҳнат бозори самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарти эканлиги ҳам асосланш заруриятига хизмат қилиш билан боғлиқлиги билан ифодаланади.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Исроилов Боҳодир Ибрагимович
и.ф.д. ТДИУ профессори.

e-mail:b.isroilov@tsue.uz, isbokhodir@gmail.com

Аннотация. Мазкур тезисда хўжалик юритувчи субъектларда инсон капиталига инвестицияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва иқтисодий таҳлил қилишнинг назарий-услубий асослари ўрганилган. Т.Шульц ва Г.Беккернинг инсон капитали назарияси, шунингдек хорижий ва маҳаллий олимларнинг меҳнат иқтисодиёти ҳамда инсон омилига оид қарашлари тизимли таҳлил қилиниб, инсон капиталига қилинган харажатларни халқаро молиявий ҳисобот стандартлари доирасида актив сифатида тан олиш борасидаги илмий баҳс-мунозаралар ёритилган. Тадқиқот натижасида инсон капиталига инвестицияларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш методологиясини такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инсон капитали, инвестициялар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, номоддий активлар, инсон ресурслари ҳисоби, таълим ва малака ошириш харажатлари.

АННОТАЦИЯ. В тезисах исследованы теоретико-методические основы учёта и экономического анализа инвестиций в человеческий капитал на хозяйствующих субъектах. Систематизированы взгляды Т.Шульца, Г.Беккера, а также зарубежных и отечественных учёных на экономику труда и человеческий фактор, освещена научная дискуссия о признании расходов на человеческий капитал в качестве актива в соответствии с международными стандартами финансовой отчётности. По результатам исследования разработаны научно обоснованные предложения по совершенствованию методологии учёта и анализа инвестиций в человеческий капитал.

Ключевые слова: человеческий капитал, инвестиции, бухгалтерский учёт, экономический анализ, нематериальные активы, учёт человеческих ресурсов, расходы на обучение и повышение квалификации.

ABSTRACT. The thesis examines the theoretical and methodological foundations of accounting and economic analysis of investments in human capital at economic entities. The views of T. Schultz, G. Becker and other foreign and local scholars on labor economics and the human factor are systematized, and the scientific discussion on the recognition of human capital expenditures as an asset under international financial reporting standards is presented. Based on the research findings,

scientifically grounded proposals for improving the methodology of accounting and analysis of human capital investments have been developed.

Keywords: human capital, investment, accounting, economic analysis, intangible assets, human resource accounting, training and qualification expenditures.

КИРИШ. Жаҳон иқтисодиётининг рақамли трансформация ва билимга асосланган ривожланиш босқичига ўтиш шароитида инсон капитали хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи асосий стратегик ресурсга айланмоқда. Жаҳон банки тадқиқотларига кўра, ўтиш иқтисодиётига эга давлатларда иқтисодий ўсишнинг қарийб 64 фоизи, ривожланган мамлакатларда эса 70 фоиздан ортиғи айнан инсон капитали сифати билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасида инсон капитали ривожига устувор йўналиш сифатида қаралиб, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Президент Фармони доирасида таълим, соғлиқни сақлаш ва малака ошириш тизимларини модернизациялашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [1].

Шу билан бирга, инсон капиталига йўналтирилаётган маблағларнинг иқтисодий моҳияти - бу инвестиция эканлиги назарий жиҳатдан асосланган бўлсада, ушбу харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва иқтисодий таҳлил объекти сифатида баҳолаш борасида ҳанузгача ягона услубий ёндашув шаклланмаган. Амалдаги молиявий ҳисобот стандартлари (МҲХС 38-сон «Номоддий активлар», Ўзбекистон Республикасининг 21-сон БҲМС) инсон капиталига йўналтирилган харажатларни, қоида тариқасида, актив сифатида эмас, балки давр харажати сифатида тан олишни назарда тутади. Бу эса иқтисодий мазмун (инвестиция) билан ҳисоб амалиёти (харажат) ўртасида назарий-услубий номувофиқлик мавжудлигини кўрсатади ва мазкур муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсади-хўжалик юритувчи субъектларда инсон капиталига инвестицияларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг назарий асосларини хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий қарашлари асосида тизимлаштириш, мавжуд илмий мунозараларни ёритиш ҳамда ушбу борада амалиётга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Инсон капитали назариясининг илмий асосчиларидан бири америкалик иқтисодчи Т.Шульц ҳисобланади. У ўзининг машҳур мақоласида таълим ва соғлиқни сақлашга сарфланган маблағларни истеъмол харажати эмас, балки келгусида даромад келтирувчи инвестиция сифатида қараш зарурлигини илмий асослаб берди ва бу харажатларнинг миллий ҳисобларда тўлиқ акс этмаётганини танқид қилади [2]. Г.Беккер эса инсон капитали назариясини микроиқтисодий даражада чуқурлаштириб, таълим ва

малака оширишга қилинган харажатларни умумий ва махсус турларга ажратди ҳамда бундай инвестицияларнинг қайтими нафақат жамият, балки алоҳида корхона даражасида ҳам намоён бўлишини кўрсатди [3]. Мазкур олимларнинг инсон капиталига қилинган харажатларни инвестиция деб тан олишга оид қарашлари инсон капиталига инвеситицияларнинг назарий пойдеворини яратди ва ушбу йўналишдаги тадқиқотлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Инвестициянинг умумиқтисодий моҳиятини очиб беришда Л.Ж.Гитман ва М.Д.Жонкнинг таърифи алоҳида аҳамиятга эга: уларнинг фикрича, инвестиция-бу келажакда даромад олиш мақсадида маблағни жойлаштириш воситасидир [4]. Ушбу таъриф инсон капиталига йўналтирилган харажатларни (таълим, малака ошириш, соғлиқни сақлаш) ҳам инвестиция таркибига киритиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади, чунки маблағ эгаси ўз сармоясини келажакда иқтисодий самара (юқори унумдорлик, иш ҳақи ўсиши, корхона фойдасининг ортиши) олишни кўзлаб шахсни ривожланиши учун йўналтиради.

Хорижий ҳисоб назариясида инсон капитали харажатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш муаммосига биринчилардан бўлиб Р.Ликерт ва Э.Флэмхольц эътибор қаратган. Улар «инсон ресурслари ҳисоби» (Human Resource Accounting) концепциясини илгари суриб, ходимларга сарфланган харажатларни (жалб қилиш, ўқитиш, малака ошириш) тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг таннарх асосидаги ҳамда ўрнини босиш (replacement cost) моделларини таклиф қилишди [5; 6]. Бироқ ушбу концепция амалиётда кенг тарқалмади. Чунки инсон капитали устидан корхонанинг тўлиқ назорати мавжуд эмас (ходимнинг ўзи ҳоҳлаган пайтда ишдан бўшаши мумкинлиги) ва келажакда олинадиган наф миқдорини ишончли баҳолашнинг мураккаблиги ушбу концепциянинг тўлиқ қўлланишига тўсиқлик қилмоқда. Бу амалдаги 38-сонли МҲХСнинг ички яратилган номоддий активларни, шу жумладан ходимлар малакасини, актив сифатида тан олмаслик позициясининг асосий сабабидир.

Маҳаллий иқтисодий тадқиқотларда инсон капитали масаласи, асосан, меҳнат иқтисодиёти ва инсон омили нуқтаи назаридан ўрганилган. Хусусан, Қ.Х.Абдураҳмонов ўзининг «Меҳнат иқтисодиёти» дарслигида инсон капиталини корхона рақобатбардошлигини таъминловчи асосий ресурс сифатида таърифлаб, таълим, малака ошириш ва соғлиқни сақлашга қилинган харажатларнинг меҳнат унумдорлигига бевосита таъсирини назарий жиҳатдан асослаб берган [7]. Х.П.Абулқосимов эса «Иқтисодиётда инсон омили» номли тадқиқотида инсон омилини шакллантириш мақсадли инвестиция сиёсатини талаб қилишини таъкидлаб, давлат ва корхона даражасидаги инвестиция механизмларини таҳлил қилган [8]. Ушбу қарашлар инсон капиталининг иқтисодий моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, уларда мазкур харажатларни бухгалтерия

ҳисобида акс эттириш ва таҳлил қилиш услубиёти алоҳида тадқиқот объекти сифатида чуқур ёритилмаган.

Ҳисоб методологияси нуқтаи назаридан диққатга сазовор жиҳат шундаки, З.У.Мухаммадиев корхоналарда капитал инвестицияларни (жумладан, қурилиш ишлари бўйича) тан олиш ва баҳолаш борасида амалдаги норматив ҳужжатларда услубий бўшлиқлар мавжудлигини илмий асослаб берган, хусусан билвосита харажатларни объект таннархига тақсимлашнинг ягона тартиби йўқлигини кўрсатган ва ушбу муаммони ҳал этиш учун ҳисоб-китоб формулаларини таклиф қилган [9]. Ушбу хулоса бевосита инсон капиталига оид эмас, лекин методологик жиҳатдан ўхшаш муаммо — яъни харажатларни объект (актив) қийматига тўғри тақсимлаш ва тан олиш тартибининг норматив жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги — инсон капиталига инвестициялар ҳисобида янада кескинроқ намоён бўлади, чунки бу борада на халқаро, на миллий стандартларда алоҳида тартиб мавжуд.

Халқаро барқарорлик стандартлари кенгаши (ISSB), Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарталари жамғармаси (IFRS Foundation), Глобал ҳисобот ташаббуси (GRI), Yevropa Ittifoqining Korporativ barqarorlik hisoboti direktivasi (EU CSRD), Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) каби нуфузли ташкилотлар инсон капитали ва унга инвестицияларга оид молиявий ва номолиявий, миқдор ва сифат кўрсаткичларини ҳисоботларда очиб бериш талабларини ишлаб чиқишган[31]. Тадқиқотлар натижасида олим инсон капитали киритилган инвестиция ҳисоб ва таҳлил объекти бўлишини асослайди [10].

Шундай қилиб, олимлар ўртасидаги илмий мунозарани умумлаштириб, икки қарама-қарши позицияни ажратиш мумкин: биринчи йўналиш тарафдорлари (Т.Шульц, Г.Беккер, Р.Ликерт, Э.Флэмхольц, О.Очилов) инсон капиталига сарфланган маблағларни иқтисодий моҳиятига кўра актив сифатида тан олиш ва капиталлаштириш зарурлигини асослайдилар; иккинчи йўналиш вакиллари, жумладан амалдаги халқаро молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқувчилар, эса ишончли баҳолаш мезонлари ва назорат мезонининг мавжуд эмаслиги сабабли бундай харажатларни давр харажати сифатида тан олишни маъқул кўрадилар.

Таҳлил ва натижалар. Юқорида кўриб чиқилган илмий қарашлар асосида хўжалик юритувчи субъектларда инсон капиталига инвестицияларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг қуйидаги назарий муаммоларини ажратиш мумкин:

Биринчидан, атама ва таснифлаш муаммоси. Амалиётда «ходимларга оид харажатлар», «ижтимоий харажатлар» ва «инсон капиталига инвестициялар»

[31] О.И.Очилов. Инсон капиталига инвестициялар ҳисоби ва таҳлили методологиясини такомиллаштириш.мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори (dsc) диссертацияси автореферати.

тушунчалари кўпинча аралаштириб юборилади. Назарий жиҳатдан фақат келажакда иқтисодий самара (юқори унумдорлик, ходимнинг узоқ муддат ишлаши, инновацион фаоллик) келтириши кутилаётган, мақсадли равишда амалга ошириладиган харажатларгина (касбий таълим, малака ошириш, соғлиқни сақлаш дастурлари, ишлаб чиқаришда ўқитиш) инвестиция сифатида таснифланиши лозим, жорий ижтимоий тўловлар эса давр харажати сифатида ҳисобда ўз аксини топиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, тан олиш ва баҳолаш муаммоси. Т.Шульц, Г.Беккер ва О.Очиловлар асослаган иқтисодий мантиққа кўра, инсон капиталига инвестициялар келажакда фойда келтиради, демак назарий жиҳатдан улар активнинг таърифига (келажакдаги иқтисодий самарани назорат қилиш имконияти) мос келиши керак. Бироқ амалдаги МҲХС 38-сон стандарти талабларига кўра [11], корхона ходим устидан тўлиқ назоратга эга эмаслиги (меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқи ходимда ҳам мавжудлиги) сабабли бундай харажатлар активлаштирилмайди. Бу - Р.Ликерт ва Э.Флэмхольц илгари сурган «инсон ресурслари ҳисоби» концепциясининг амалиётга тўлиқ жорий этилмаганининг асосий сабаби эканлигини юқорида қайд этдик. Мана шу ҳолат мазкур тадқиқотимизнинг асосий назарий муаммоси ҳисобланади.

Учинчидан, ҳисоб-таҳлил ахборот базасининг етарли эмаслиги. З.У.Мухаммадиев, О.Очилов таъкидлаганидек, ҳатто моддий активлар бўйича амалга оширилган билвосита харажатларни тақсимлашнинг ягона услубий тартиби мавжуд эмас; инсон капитали борасида эса бундай тартиб умуман ишлаб чиқилмаган. Натижада корхоналар инсон капиталига йўналтирилган харажатларни таҳлил қилишда фақат бухгалтерия ҳисоботидаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари» ва «Ўқитиш харажатлари» моддаларидаги маълумотлар билан чекланиб қолади. Бу эса олимлар Қ.Х.Абдураҳмонов, Х.П.Абулқосимовлар таъкидлаганидек инсон омилининг иқтисодий самарадорлигини тўлиқ баҳолашга имкон бермайди.

Тўртинчидан, иқтисодий таҳлил услубиёти муаммоси. Инсон капиталига инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш учун анъанавий инвестиция таҳлили усуллари (харажат-фойда таҳлили, инвестициянинг қайтарилиш даври, инвестиция рентабеллиги) қўлланилиши мумкин, аммо инсон капиталининг номоддий хусусияти (билим, кўникма, соғлиқ) уларни пул шаклида аниқ ўлчашни қийинлаштиради. Шу боис, Л.Ж.Гитман ва М.Д.Жонкнинг инвестицияга оид умумий назарий ёндашуви билан Э.Флэмхольцнинг таннарх ва ўрнини босиш моделлари, О.Очиловнинг “Инсон капитали тўғрисида интеграциялашган ҳисобот”ни тузиш асосида инсон капиталига инвестициялар таҳлилининг ахборот таъминоти таъминлаш тўғрисидаги фикрларни уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар. Амалга оширилган илмий-назарий таҳлил ва олимлар ўртасидаги мунозараларни ўрганишлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Т.Шульц ва Г.Беккер асослаган инсон капитали назариясига таяниб, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида «инсон капиталига инвестициялар» тушунчасини алоҳида ажратиш ва уни жорий ижтимоий харажатлардан фарқлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун корхона ички ҳисобот тизимига инсон капиталига оид харажатларни мақсадли характерига (таълим, малака ошириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя) кўра таснифловчи алоҳида аналитик счётлар киритилиши зарур.

2. Р.Ликерт ва Э.Флэмхольцнинг инсон ресурслари ҳисоби концепциясидан келиб чиққан ҳолда, инсон капиталига йўналтирилган узоқ муддатли ва катта ҳажмдаги харажатларни (масалан, корхона ҳисобидан амалга ошириладиган касбий қайта тайёрлаш дастурлари) молиявий ҳисоботга изоҳларда алоҳида ёритиш тавсия этилади.

3. З.У.Мухаммадиев таклиф этган харажатларни объектга тақсимлаш формулалари услубиёти асосида, инсон капиталига йўналтирилган билвосита харажатларни (масалан, кадрлар бўлими харажатлари, умумий ўқитиш инфратузилмаси харажатлари) корхонанинг турли бўлинмалари ва лойиҳалари бўйича тақсимлашнинг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

4. Қ.Х.Абдураҳмонов, Х.П.Абулқосимов, О.И.Очиловларнинг корхона даражасидаги иқтисодий таҳлилда инсон капиталига инвестициялар рентабеллиги, харажат-самара нисбати ва ходимлар малакаси ортиши билан меҳнат унумдорлиги ва бошқа кўрсаткичларнинг ўзарбоғлиқлигини ўлчовчи алоҳида комплекс кўрсаткичлар тизимини жорий этиш таклиф этилади.

Ушбу таклифлар хўжалик юритувчи субъектларда инсон капиталига инвестициялар ҳисоби ва таҳлилининг илмий-услубий базасини бойитишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

2. Schultz T.W. Investment in Human Capital // The American Economic Review. – 1961. – Vol. 51, No. 1. – P. 1–17.

3. Becker G.S. Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education. – New York: Columbia University Press, 1964. – 187 p.

4. Гитман Л.Ж., Джонк М.Д. Основы инвестирования: пер. с англ. – М.: Дело, 1997. – 1008 с.

5. Likert R. New Patterns of Management. – New York: McGraw-Hill, 1961. – 279 p.

6. Flamholtz E. Human Resource Accounting. – Encino, CA: Dickenson Publishing Co., 1974. – 250 p.

7. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: дарслик. – Т.: «Mehnat», 2009. – 512 б.

8. Абулқосимов Х.П. Иқтисодиётда инсон омили: шаклланиши, амал қилиши ва фаоллашуви. – Т.: «Mehnat», 2004. – 670 б.

9. Мухаммадиев З.У. Корхоналарда қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган капитал инвестицияларга оид харажатлар ҳисоби, уларни тан олиш ва баҳолаш // «Iqtisodiyot va turizm» xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali. – 2024. – №6(20). – Б. 84–98.

10. О.И.Очилов. Инсон капиталига инвестициялар ҳисоби ва таҳлили методологиясини такомиллаштириш.мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори (dsc) диссертацияси автореферати.

11. Молиявий ҳисоботнинг 38-сон халқаро стандарти «Номоддий активлар» (IAS 38 «Intangible Assets»).

II SHO‘BA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASI IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH: MUAMMO VA YECHIMLAR

XIZMATLAR SOHASIDA SUN’IY INTELLEKT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISHNING STRATEGIK YO‘NALISHLARI VA IQTISODIY SAMARADORLIGI

Mirzayev Kulmamat Djonuzoqovich
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
“Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi mudiri, i.f.d. professor
Sag‘dullayev Muhammadjon Rustam o‘g‘li
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada xizmatlar sohasida sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etishning strategik yo‘nalishlari, ularning iqtisodiy samaradorlikni oshirishdagi ahamiyati hamda zamonaviy xizmat ko‘rsatish tizimiga ta’siri tadqiq etilgan. Shuningdek, sun’iy intellekt texnologiyalaridan foydalanish orqali xizmat ko‘rsatish jarayonlarini avtomatlashtirish, mehnat unumdorligini oshirish, operatsion xarajatlarni kamaytirish, mijozlar ehtiyojlarini tahlil qilish va xizmatlar sifatini yaxshilash imkoniyatlari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: xizmatlar sohasi, sun’iy intellekt, raqamli iqtisodiyot, iqtisodiy samaradorlik, innovatsion texnologiyalar, avtomatlashtirish, raqamli transformatsiya, mashinaviy o‘rganish, raqamli platformalar.

Аннотация: В данной статье исследуются стратегические направления внедрения технологий искусственного интеллекта в сферу услуг, их значение для повышения экономической эффективности и влияние на современную систему обслуживания. Рассматриваются возможности автоматизации процессов предоставления услуг, повышения производительности труда, сокращения операционных затрат, анализа потребительского спроса и улучшения качества обслуживания посредством использования технологий искусственного интеллекта.

Ключевые слова: сфера услуг, искусственный интеллект, цифровая экономика, экономическая эффективность, инновационные технологии, автоматизация, цифровая трансформация, машинное обучение, цифровые платформы.

Abstract: This article examines the strategic directions for implementing artificial intelligence technologies in the service sector, their role in improving economic efficiency, and their impact on modern service delivery systems. It explores the opportunities offered by artificial intelligence in automating service processes, increasing labor productivity, reducing operational costs, analyzing customer needs, and improving service quality.

Keywords: service sector, artificial intelligence, digital economy, economic efficiency, innovative technologies, automation, digital transformation, machine learning, digital platforms.

Zamonaviy global iqtisodiyotda sun’iy intellekt (Artificial Intelligence - AI) texnologiyalari barcha tarmoq va sohalarda tub burilish yasamoqda. Ayniqsa, xizmat ko‘rsatish sektorida sun’iy intellekt vositalari iste’molchilar xulq-atvorini tahlil qilish, shaxsiylashtirilgan xizmatlarni taklif etish, operatsion xarajatlarni qisqartirish hamda mehnat unumdorligini misli ko‘rilmagan darajada oshirishning asosiy omiliga aylanmoqda. Mashinali o‘rgatish (Machine Learning), tabiiy tilni qayta ishlash (NLP), neyron tarmoqlari hamda generativ sun’iy intellekt modellari (Generative AI) biznes jarayonlarini avtomatlashtirishda yangi davrni ochib berdi. Xalqaro moliya institutlari va konsalting kompaniyalari tahlillariga ko‘ra, sun’iy intellekt platformalari xizmat ko‘rsatish tannarxini sezilarli darajada kamaytirishda rol o‘ynamoqda.

O‘zbekistonda ham raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish va ilg‘or sun’iy intellekt texnologiyalarini barcha tarmoqlarga, xususan, bank-moliya va xizmat ko‘rsatish sektoriga tatbiq etish davlat siyosatining ustuvor vazifasi etib belgilangan. Xususan, mamlakatimizda qabul qilingan strategik qarorlar va farmonlar, jumladan, davlat rahbarining sohani rivojlantirishga qaratilgan normativ-huquqiy hujjatlari sun’iy intellekt asosidagi startaplar va innovatsion loyihalarni qo‘llab-quvvatlash uchun mustahkam zamin yaratmoqda.

Jahon banki va Xalqaro valyuta jamg‘armasi (IMF) tahlillariga ko‘ra, sun’iy intellekt texnologiyalarini xizmatlar sohasiga keng joriy etish yaqin besh yilda global YIM hajmini qo‘shimcha 14 foizga oshirish imkoniyatiga ega. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi shuni ko‘rsatadiki, moliya, tibbiyot, ta’lim, chakana savdo va mijozlarga xizmat ko‘rsatish tarmoqlarida AI platformalaridan foydalanish mijozlar qoniqish darajasini 40 foizga oshirib, xizmat ko‘rsatish vaqtini 3-4 baravarga qisqartirmoqda.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev rahbarligida sohada normativ-huquqiy bazani takomillashtirish hamda zamonaviy IT-infratuzilmani yaratish bo‘yicha salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 24-iyuldagi "Raqamli texnologiyalar sohasida strategik rejalashtirish

hamda ushbu sohada davlat nazorati yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida"gi PF-141-son Farmoni raqamli iqtisodiyotda sun’iy intellekt loyihalarini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash va milliy AI-ekotizimini barpo etishda yangi bosqichni boshlab berdi[32].

SUN’IY INTELLEKT IQTISODIYOTINI TARTIBGA SOLISHNING NORMATIV-HUQUQIY ASOSLARI

Sun’iy intellekt texnologiyalaridan samarali foydalanish uchun barqaror institutsional va huquqiy muhit zarur etib belgilanadi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 26-noyabrdagi "Raqamli texnologiyalar xalqaro markazi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida"gi PF-233-son Farmoniga muvofiq tashkil etilgan "Enterprise Uzbekistan" raqamli texnologiyalar xalqaro markazida sun’iy intellekt bo‘yicha startaplar va xalqaro tadqiqot markazlari uchun alohida regulyatorlik muhiti hamda soliq imtiyozlari joriy etildi. Ushbu xalqaro markaz O‘zbekistonga global AI-kompaniyalarni jalb qilish va sun’iy intellekt asosida xizmatlar ko‘rsatuvchi milliy platformalarni yaratishga xizmat qiladi.

Davlat tomonidan taqdim etilayotgan institutsional imkoniyatlar doirasida milliy ma’lumotlar bazalarini shakllantirish, ochiq ma’lumotlar portallarini kengaytirish va neyron tarmoqlarini o‘rgatish uchun zarur superkompyuter quvvatlarini barpo etish rejalashtirilgan.

Shu nuqtai nazardan, xizmat ko‘rsatish sohasi tarmoqlarida sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etish holatini chuqur tahlil qilish, uning iqtisodiy samaradorligini baholash va istiqbolli yo‘nalishlarini belgilab berish ushbu ilmiy tadqiqotning bosh maqsadi va vazifasini tashkil etadi.

Xususan, davlat tomonidan maxsus soliq rejimlarini joriy etish, qulay regulyatorlik muhitlarini yaratish va raqamli xizmatlar eksportini rag‘batlantirish mexanizmlari iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida raqamli transformatsiyani jadal amalga oshirishni ta’minlamoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Sun’iy intellekt texnologiyalarining iqtisodiyot va xizmatlar sohasiga ta’siri bo‘yicha xalqaro va mahalliy olimlar tomonidan ko‘plab tadqiqotlar olib borilgan. Xususan, S. Rassell va P. Norvig o‘z ilmiy ishlarida sun’iy intellekt agentlarining qaror qabul qilish mexanizmlari hamda ularning iqtisodiy optimallashtirishdagi rolini nazariy jihatdan asoslab berganlar. E. Bryunjolfsson va R. Frank tadqiqotlarida esa AI va avtomatlashtirishning mehnat unumdorligi hamda bandlik tarkibiga ta’siri atroflicha o‘rganilgan.

[32] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 24-iyuldagi "Raqamli texnologiyalar sohasida strategik rejalashtirish hamda ushbu sohada davlat nazorati yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida"gi PF-141-son Farmoni. LEX.UZ

Mahalliy iqtisodchi olimlardan akad. Q.H. Abdurahmonov, prof. Sh.Sh. Shodmonov hamda A.V. Vahobovning ilmiy ishlarida O‘zbekiston iqtisodiyotini raqamlashtirish sharoitida sun’iy intellekt vositalaridan foydalanish hamda xizmatlar sohasida yuqori malakali kadrlarni tayyorlash masalalari yoritilgan. Shuningdek, mahalliy tadqiqotchilar tomonidan bank-moliya, chakana savdo va sog‘liqni saqlash sohalarida AI algoritmik modellarining samaradorligi baholangan.

Tadqiqot uslubiyati. Ushbu ilmiy maqolani tayyorlashda tizimli va qiyosiy tahlil, ekonometrik modellashtirish, statistik guruhlash hamda trendlarni bashorat qilish usullaridan foydalanildi. Tadqiqotning empiik bazasini Raqamli texnologiyalar vazirligi, Milliy statistika agentligi hamda xalqaro tahliliy markazlarning 2024–2026-yillardagi rasmiy ma’lumotlari tashkil etadi.

TAHLIL VA NATIJALAR

O‘zbekiston Respublikasida sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etish va AI asosidagi xizmatlar bozorini shakllantirish bo‘yicha 2024–2026-yillarda salmoqli natijalarga erishildi. Davlat boshqaruvi, bank-moliya, telekommunikatsiya hamda tibbiyot sohalarida bir qator muvaffaqiyatli AI loyihalari amaliyotga tatbiq etildi. Xizmatlar sohasini raqamlashtirish jarayonlari va uni rivojlantirish ko‘rsatkichlari bo‘yicha olib borilgan tahlillar natijalari mamlakatimizda erishilayotgan yutuqlar bilan bir қatorda, hali to‘liq foydalanilmagan salohiyat va yechimini kutayotgan vazifalarni ham yaqqol ko‘rsatib bermoqda. Xususan, so‘nggi yillarda raqamli xizmatlar hajmining jadal o‘sishi va IT-autsorsing eksportining ko‘payishi iqtisodiyotda yangi ish o‘rinlarini yaratish hamda valyuta tushumlarini oshirishda muhim omil bo‘layotganini statistik ma’lumotlar va amaliy tahlillar tasdiqlaydi.

Shu bilan birga, tahlil natijalari tarmoqlar va hududlar kesimida raqamlashtirish darajasining bir tekisda emasligini, xususan, moliya va telekommunikatsiya sohalari ilg‘or ekanligini, biroq maishiy xizmatlar hamda kommunal sohada avtomatlashtirish darajasini yanada oshirish zarurligini ko‘rsatadi. Elektron hukumat xizmatlarining kengayishi va tranzaksiyaviy jarayonlarning raqamli formatga o‘tkazilishi byurokratik to‘siqlarni qisqartirish, vaqt va mablag‘ni tejash hamda xufyona iqtisodiyot ulushini qisqartirishda yuqori iqtisodiy samaradorlik bermoqda.

Mamlakatimiz xizmat ko‘rsatish sektorida amalga oshirilayotgan raqamli transformatsiya jarayonlarining kompleks tahlili shuni ko‘rsatadiki, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va raqamli platformalarning joriy etilishi tarmoqda qo‘shilgan qiymat zanjirini sifat jihatidan yangilashga xizmat qilmoqda. Raqamlashtirish darajasining ortishi xizmat ko‘rsatish jarayonlarida inson omili bilan bog‘liq xatoliklarni kamaytirish, tranzaksiyaviy xarajatlarni optimallashtirish

hamda korxonalarning operatsion samaradorligini sezilarli darajada oshirish imkonini berdi.

Shu bilan birga, empirik tadqiqotlar xizmat koʻrsatish sohasida raqamli texnologiyalarni oʻzlashtirish darajasi hududlar hamda tarmoqlar oʻrtasida nomutanosib ravishda kechayotganini koʻrsatmoqda. Elektron hukumat tizimining rivojlanishi, proaktiv va kompozit xizmatlar ulushining ortishi esa fuqarolar hamda biznes subyektlarining vaqt sarfini va ma’muriy xarajatlarini sezilarli darajada qisqartirib, milliy iqtisodiyotda shaffoflik va raqobatbardoshlikni oshirishda yuqori ijtimoiy-iqtisodiy samara bermoqda.

Quyidagi 1-jadvalda Oʻzbekiston Respublikasi xizmat koʻrsatish sohasida sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etish dinamikasi va 2027-yilgacha moʻljallangan target koʻrsatkichlari keltirilgan.

1-jadval

Oʻzbekistonda xizmat koʻrsatish sohasida sun’iy intellekt texnologiyalarining joriy etilish koʻrsatkichlari (2024–2026 yy. va 2027 y. prognoz[33]

Koʻrsatkichlar nomi	2024 y.	2025 y.	2026 y. (kutil.)	2027 y. (prognoz)
AI texnologiyalarini joriy etgan kompaniyalar soni (birlik)	145	320	680	1200
Sun’iy intellekt xizmatlari bozori hajmi (mln USD)	18.5	42.0	95.0	180.0
AI asosida avtomatlashtirilgan davlat xizmatlari ulushi (%)	12%	28%	45%	65%
Chatbot va virtual assistentlar orqali xizmat koʻrsatish ulushi (%)	25%	48%	68%	85%
AI sohasida tayyorlangan ilmiy va amaliy kadrlar (ming kishi)	2.1	5.4	11.2	20.0

TARMOQLAR KESIMIDA SUN’IY INTELLEKTNING IQTISODIY SAMARADORLIGI TAHLILI

Xizmat koʻrsatish sohasining turli tarmoqlarida sun’iy intellektni joriy etish har xil iqtisodiy va operatsion samaradorlik koʻrsatkichlarini namoyon etmoqda. Masalan, tibbiyot sohasida sun’iy intellektual diagnostika vositalari kasalliklarni barvaqt aniqlash anqligini 94 foizga yetkazdi.

Quyidagi 2-jadvalda Oʻzbekistonda xizmat koʻrsatish sohasi tarmoqlari boʻyicha sun’iy intellektni joriy etishdan olingan iqtisodiy va operatsion samaradorlik koʻrsatkichlari keltirilgan.

[33] Raqamli texnologiyalar vazirligi hamda Milliy statistika agentligi ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi, 2026 y

2-jadval

Xizmat ko‘rsatish sohasi tarmoqlarida AI texnologiyalarining samaradorlik ko‘rsatkichlari (2026 y. holatiga)[34]

Tarmoq nomi	Vaqt tejami (%)	Xarajat kamayishi (%)	Mijoz qoniqishi (%)	Xatolar qisqarishi (%)
Bank va moliya xizmatlari	65%	35%	88%	75%
Sog‘liqni saqlash va tibbiyot	40%	25%	92%	80%
Chakana savdo va E-commerce	55%	30%	85%	60%
Ta’lim va EdTech platformalari	50%	20%	90%	70%
Davlat va munitsipal xizmatlar	70%	45%	82%	85%

SUN’IY INTELLEKTNI JORIY ETISHDAGI MUAMMOLAR VA XATARLAR

Bugungi kunda sun’iy intellekt (SI) texnologiyalari jahon iqtisodiyotining deyarli barcha tarmoqlariga kirib bormoqda. Ayniqsa, xizmatlar sohasida sun’iy intellektdan foydalanish xizmat ko‘rsatish tezligini oshirish, inson omiliga bog‘liq xatolarni kamaytirish, mijozlar ehtiyojini tahlil qilish va boshqaruv qarorlarini takomillashtirishda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Shu bilan birga, sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etish jarayoni bir qator iqtisodiy, texnologik, tashkiliy, huquqiy va ijtimoiy muammolarni ham yuzaga keltirmoqda. Ushbu muammolarni o‘z vaqtida aniqlash va bartaraf etish sun’iy intellektdan samarali foydalanishning asosiy shartlaridan biridir.

Ayniqsa, O‘zbekiston xizmatlar sohasida sun’iy intellekt texnologiyalarini keng joriy etish uchun raqamli infratuzilma, malakali kadrlar, moliyaviy resurslar, axborot xavfsizligi va qonunchilik bazasini takomillashtirish talab etiladi.

O‘zbekistonda sun’iy intellekt texnologiyalarini xizmatlar sohasiga keng joriy etish borasida muvaffaqiyatlar bilan birga bir qator dolzarb muammolar ham saqlanib qolmoqda. O‘tkazilgan empiik tahlillar quyidagi asosiy muammolarni ko‘rsatdi:

1. Yuqori sifatli milliy ma’lumotlar to‘plamining (Dataset) yetishmasligi – o‘zbek tilidagi kontent va tabiiy tilni qayta ishlash (NLP) modellari uchun korpus ma’lumotlarining cheklanganligi;

[34] O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish va Raqamli texnologiyalar vazirligi hisobotlari asosida muallif ishlanmasi, 2026 y

2. Yuqori unumdorlikka ega server va hisoblash infratuzilmasining (GPU/NPU quvvatlari) qimmatligi va yetishmovchiligi;

3. AI sohasida tor mutaxassislar (Data Scientist, ML Engineer, Prompt Engineer) taqchilligi hamda kadrlarning xorijga ketib qolish xavfi;

4. Axborot xavfsizligi, kiberxavfsizlik va shaxsiy ma’lumotlarning konfidentsialligini ta’minlash bo‘yicha kiber-tahdidlarning ortib borishi.

un’iy intellekt texnologiyalarini ishlab chiqish va amaliyotga tatbiq etish katta miqdordagi moliyaviy mablag‘larni talab qiladi. Bunday tizimlarni yaratish, maxsus dasturiy ta’minot sotib olish, serverlar va zamonaviy kompyuter uskunalarini o‘rnatish, ma’lumotlarni saqlash hamda qayta ishlash infratuzilmasini shakllantirish katta xarajatlar bilan bog‘liq.

Ayniqsa, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari uchun sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etish moliyaviy jihatdan murakkab bo‘lishi mumkin. Chunki ko‘plab kichik korxonalar bunday texnologiyalarni sotib olish va ulardan foydalanish uchun yetarli moliyaviy imkoniyatlarga ega emas.

Bundan tashqari, sun’iy intellekt tizimlarini joriy etish bilan bog‘liq xarajatlar faqat dastlabki investitsiyalar bilan cheklanmaydi. Ularni muntazam yangilash, texnik xizmat ko‘rsatish, dasturiy ta’minotni takomillashtirish va mutaxassislar mehnatiga haq to‘lash ham qo‘shimcha xarajatlarni yuzaga keltiradi.

XULOSA VA STRATEGIK TAVSIYALAR

O‘tkazilgan tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, xizmat ko‘rsatish sohasida sun’iy intellekt texnologiyalarini keng qo‘llash milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini ta’minlashning strategik omilidir. Xizmat ko‘rsatish tarmoqlarida AI samaradorligini yanada oshirish uchun quyidagi taklif va tavsiyalar ilgari suriladi:

1. O‘zbek tilidagi yirik til modellarini (UzLLM) rivojlantirish uchun davlat va xususiy sektor hamkorligida milliy korpus ma’lumotlar bazasini yaratish;

2. "Enterprise Uzbekistan" markazida AI loyihalari uchun superkompyuter klasterlarini barpo etish va startaplarga subsidiyalangan bulutli quvvatlarni taqdim etish;

3. Oliy ta’lim muassasalarida AI bo‘yicha magistratura va PhD dasturlarini ko‘paytirish hamda xalqaro IT-kompaniyalari bilan birgalikda kadrlar tayyorlash tizimini yo‘lga qo‘yish;

4. Sun’iy intellektdan foydalanishning etik kodeksi hamda shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish bo‘yicha qonunchilikni yanada takomillashtirish.

Xulosa qilib aytganda, xizmatlar sohasida sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etish mamlakat iqtisodiyotini modernizatsiya qilish, xizmat ko‘rsatish samaradorligini oshirish va iqtisodiy o‘sishni jadallashtirishning muhim strategik yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Bugungi kunda sun’iy intellekt texnologiyalari

xizmat ko‘rsatish jarayonlarini avtomatlashtirish, mijozlar talab va ehtiyojlarini oldindan aniqlash, mehnat unumdorligini oshirish, operatsion xarajatlarni kamaytirish hamda xizmatlar sifatini yangi bosqichga olib chiqish imkonini bermoqda.

O‘zbekistonda ham mazkur yo‘nalishni rivojlantirish davlat siyosatining ustuvor vazifalaridan biri sifatida belgilangan. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-oktabrdagi PQ-358-sonli **«Sun’iy intellekt texnologiyalarini 2030-yilga qadar rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi qarori** mamlakatda sun’iy intellekt texnologiyalarini iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohalarga keng joriy etishning strategik asoslarini belgilab berdi. Mazkur qarorda 2030-yilga qadar sun’iy intellekt asosida yaratilgan dasturiy mahsulotlar va ko‘rsatiladigan xizmatlar hajmini 1,5 milliard AQSH dollariga yetkazish hamda Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalida sun’iy intellekt asosida ko‘rsatiladigan xizmatlar ulushini 10 foizga yetkazish kabi maqsadlar nazarda tutilgan.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 22-oktabrdagi PF-189-sonli **«Sun’iy intellekt texnologiyalarini yanada rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi Farmoni** ushbu sohadagi islohotlarni yangi bosqichga olib chiqishga qaratilgan. Farmonga muvofiq, 2026-yil yakuniga qadar davlat boshqaruvi organlari, ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarida sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etish bo‘yicha kamida 100 ta loyihani amalga oshirish, 2030-yilga qadar esa sun’iy intellekt infratuzilmasini rivojlantirish uchun 1 milliard AQSH dollaridan ortiq xorijiy investitsiyalarni jalb qilish belgilangan.

Bundan tashqari, Prezidentning 2025-yil 30-oktabrdagi PQ-320-sonli **«Sun’iy intellekt texnologiyalariga asoslangan loyihalarni qo‘llab-quvvatlashga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi qarori** ham sun’iy intellekt asosidagi innovatsion loyihalarni rivojlantirish, startap tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlash va yangi texnologik yechimlarni amaliyotga tatbiq etishda muhim ahamiyat kasb etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 24-iyuldagi "Raqamli texnologiyalar sohasida strategik rejalashtirish hamda ushbu sohada davlat nazorati yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida"gi PF-141-son Farmoni. LEX.UZ.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 26-noyabrdagi "Raqamli texnologiyalar xalqaro markazi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida"gi PF-233-son Farmoni. Lex.uz manbasi.

3. Abdurahmonov Q.H. Raqamli iqtisodiyot va mehnat bozori. Darslik. – T.: "FAN", 2024.

4. Russell S., Norvig P. Artificial Intelligence: A Modern Approach (4th Edition). – Pearson, 2021.

5. Brynjolfsson E., McAfee A. Machine, Platform, Crowd: Harnessing Our Digital Future. – W. W. Norton & Company, 2020.

6. Raqamli texnologiyalar vazirligi rasmiy axborot portali: www.digital.uz.

ПЛАТФОРМЕННАЯ ЗАНЯТОСТЬ И ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНОГО СТРАХОВАНИЯ САМОЗАНЯТЫХ В СОВРЕМЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ

Зайналов Ж.Р., д.э.н., профессор кафедры «Финансы», Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В тезисах рассматривается платформенная занятость как новая форма организации труда в цифровой экономике. Показано, что работники цифровых платформ, как правило, имеют статус самозанятых и остаются вне системы обязательного социального страхования. Выделены основные проблемы социальной защиты самозанятых и предложены направления их решения применительно к условиям Республики Узбекистан.

Ключевые слова: платформенная занятость, цифровые платформы, самозанятые, социальное страхование, пенсионные права, цифровая экономика.

PLATFORM EMPLOYMENT AND SOCIAL INSURANCE ISSUES FOR SELF-EMPLOYED PERSONS IN THE MODERN ECONOMY

Zaynalov J.R., Doctor of Economics, Professor of the Department of "Finance," Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. The theses examine platform employment as a new form of labor organization in the digital economy. It is shown that digital platform employees, as a rule, have the status of self-employed and remain outside the mandatory social insurance system. The main problems of social protection for the self-employed are identified, and directions for their resolution are proposed for the conditions of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: platform employment, digital platforms, self-employed, social insurance, pension rights, digital economy.

ZAMONAVIY IQTISODIYOTDA PLATFORMALI BANDLIK VA ÖZINI ÖZI BAND QILGANLARNI IJTIMOIY SUĞURTALAŞ MUAMMOLARI

Zaynalov J.R., i.f.d., Samarqand iqtisodiyot va servis instituti “Moliya” kafedrasi professori

Annotatsiya. Tezisda platformali bandlik raqamli iqtisodiyotda mehnatni taşkil etişning yangi şakli sifatida körib çiqilgan. Raqamli platformalar xodimlari, odatda, özini özi band qilgan şaxs maqomiga ega bölişi va majburiy ijtimoiy suğurta tizimidan çetda qolişi körsatib berilgan. Özini özi band qilganlarni ijtimoiy himoya qilişning asosiy muammolari aniqlangan hamda Özbekiston Respublikasi şaroitidan kelib çiqqan holda ularni hal etiş yönalişlari taklif qilingan.

Kalit sözlar: platformali bandlik, raqamli platformalar, özini özi band qilganlar, ijtimoiy suğurta, pensiya huquqlari, raqamli iqtisodiyot.

Цифровизация экономики привела к появлению новой модели организации труда – платформенной занятости. Сервисы такси и доставки, фриланс-биржи, маркетплейсы и онлайн-платформы услуг соединяют заказчика и исполнителя напрямую, минуя традиционный трудовой договор. По оценке МОТ, число цифровых трудовых платформ в мире за последнее десятилетие выросло в несколько раз [1]. В Узбекистане эта тенденция заметна: растет число курьеров, водителей такси-агрегаторов и удаленных исполнителей, работающих через онлайн-сервисы. И, они не охвачены системой соцстрахования так, как работники по трудовому договору.

Платформенную занятость можно определить как выполнение работ и оказание услуг через цифровую платформу, которая организует взаимодействие сторон, устанавливает правила, цены и оценивает качество работы, но не признает себя работодателем. Различают два основных вида:

– ***онлайн-занятость*** – работа, выполняемая дистанционно (программирование, дизайн, перевод, обработка данных);

– ***локальная (офлайн) занятость*** – услуги, оказываемые на определенной территории (такси, доставка, бытовые услуги).

Ключевая особенность модели – «алгоритмическое управление»: платформа распределяет заказы, контролирует исполнителя через рейтинги и может в одностороннем порядке ограничить ему доступ к работе. По степени зависимости такой работник близок к наемному, а по правовому статусу – к самостоятельному предпринимателю. Именно этот разрыв лежит в основе проблем его социальной защиты.

Неопределенность правового статуса. Платформы, как правило, оформляют отношения с исполнителями как гражданско-правовые. В результате обязанность уплачивать соцвзносы с платформы снимается, а исполнитель регистрируется как самозанятый или работает неформально.

Добровольный характер взносов. Для самозанятых участие в системе соцстрахования добровольное. Многие исполнители не уплачивают взносы из-за нерегулярных доходов, низкой финграмотности и ориентации на текущее потребление. Это приводит к отсутствию стажа и права на пенсию.

Отсутствие защиты от текущих социальных рисков. Самозанятый работник платформы не получает пособия по временной нетрудоспособности, оплачиваемого отпуска, защиты от несчастных случаев. Между тем курьеры и водители относятся к группам с повышенным риском травматизма.

Нестабильность и трудность учета доходов. Платформенные доходы колеблются, часто поступают от нескольких платформ и частично проходят в наличной форме. Это затрудняет расчет базы для взносов и делает платежи обременительными для низкодоходных исполнителей.

Финансовая нагрузка на государство в долгосрочной перспективе. Если значительная часть занятых не формирует пенсионных прав, в будущем они будут опираться на социальные пенсии и адресную помощь. Так риски, не покрытые сегодня страхованием, перекладываются на госбюджет.

Международный опыт показывает, что универсальной модели нет, однако можно выделить несколько перспективных подходов [1]:

встроенная уплата взносов через платформу. Платформа как налоговый агент автоматически удерживает небольшой процент с каждого заказа и переводит его на индивидуальный счет работника в системе соцстрахования;

долевое участие платформ. Введение обязательного взноса платформы, пропорционального выплатам исполнителям, как компенсация за отсутствие трудового договора;

гибкие взносы, привязанные к доходу. Отказ от фиксированных платежей в пользу процента от дохода с минимум порога для зачета стажа;

базовое страхование от несчастных случаев. Обязательное покрытие травм для курьеров и водителей за счет платформ;

стимулы и финансовая грамотность. Государственное софинансирование взносов для низкодоходных самозанятых и информирование о значении страхового стажа.

Для Узбекистана, где режим самозанятости активно развивается [2], рационально интегрировать уплату социальных взносов в уже действующие цифровые сервисы налоговых органов и платежные системы.

Платформенная занятость стала устойчивым элементом экономики и будет расширяться по мере цифровизации. Ее гибкость достигается за счет переноса соцрисков на работника, и без встроенных механизмов соцстрахования ее рост увеличивает число людей без пенсионных прав. Решение – в сочетании автоматизированной уплаты взносов через платформы, разделения нагрузки между платформой и исполнителем и гибкой шкалы платежей, привязанной к доходу.

Литература

1. International Labour Organization. World Employment and Social Outlook 2021: The role of digital labour platforms in transforming the world of work. - Geneva: ILO, 2021. – 280 p.

2. Налоговый кодекс Республики Узбекистан, утвержден Законом Республики Узбекистан от 30.12.2019 № ЗРУ-599.

DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK ASOSIDA KOMMUNAL XIZMATLAR BOSHQARUVI SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI

Mardanova Mohidil Otabek qizi *– Mirzo Ulug‘bek nomidagi Samarqand davlat texnika universiteti tayanch doktoranti*

Annotatsiya. Maqolada kommunal xizmatlar boshqaruvi samaradorligini davlat-xususiy sheriklik asosida oshirish masalalari tahlil qilingan, elektr, gaz va suv ta’minoti tashkilotlarining nisbiy samaradorligi DEA usulida baholanib, “pulning qiymati” mezoni va natijaga asoslangan shartnomalarni joriy etish bo‘yicha takliflar berilgan.

Kalit so‘zlar: kommunal xizmatlar, davlat-xususiy sheriklik, boshqaruv samaradorligi, DEA, resurs yo‘qotishlari, pulning qiymati.

Аннотация. В статье анализируются вопросы повышения эффективности управления коммунальными услугами на основе государственно-частного партнерства, методом DEA оценена относительная эффективность организаций электро-, газо- и водоснабжения, даны предложения по применению критерия «цена–качество» и контрактов, основанных на результатах.

Ключевые слова: коммунальные услуги, государственно-частное партнерство, эффективность управления, DEA, потери ресурсов, соотношение цены и качества.

Abstract. The article analyzes ways to improve public utility management efficiency through public-private partnership; the relative efficiency of electricity, gas and water supply companies is assessed by DEA, and proposals on the value-for-money criterion and performance-based contracts are made.

Key words: public utilities, public-private partnership, management efficiency, DEA, resource losses, value for money.

Kommunal xizmatlar – ichimlik suvi, elektr energiyasi, gaz, issiqlik ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish – aholi turmush sifatini belgilovchi asosiy omillardan biri hisoblanadi. Infratuzilmaning yuqori kapital sig‘imi, tarmoqlarning eskirganligi va tariflarning xarajatlarni to‘liq qoplamasligi sohani faqat byudjet hisobidan rivojlantirish imkoniyatini cheklaydi, shu bois xususiy sektor resurslari va boshqaruv tajribasini jalb etuvchi davlat-xususiy sheriklik (DXSh) mexanizmi muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Respublikada DXShning huquqiy asosi 2019-yil 10-mayda qabul qilingan “Davlat-xususiy sheriklik to‘g‘risida”gi Qonun bilan yaratilgan bo‘lib, u tomonlarning huquq va majburiyatlarini hamda bitimlarni 3 yildan 49 yilgacha muddatga tuzish tartibini belgilab bergan[35]. 2024-yil 30-avgustdagi PQ-308-son qaror bilan 2024–2030-yillarda DXShni rivojlantirish chora-tadbirlari belgilangan[36]. Ichimlik suvi ta’minoti sohasida DXSh “Ichimlik suvi ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish to‘g‘risida”gi Qonunning 6-moddasiga muvofiq amalga oshiriladi[37]. Rasmiy ma’lumotlarga ko‘ra, 2026-yilning birinchi choragida jami 547,2 mln AQSh dollari qiymatidagi 59 ta yangi DXSh loyihasi bo‘yicha bitimlar reyestrga kiritilgan[38].

Biroq DXSh samarasini faqat investitsiyalar hajmi bilan emas, boshqaruv samaradorligining o‘zgarishi bilan baholash lozim. Tadqiqotda buning uchun uch bosqichli yondashuv taklif etildi.

Birinchi bosqichda kommunal tarmoqlardagi resurs yo‘qotish koeffitsiyenti hisoblanadi:

$$K_{\text{yo‘q}} = \frac{V_{\text{uz}} - V_{\text{sot}}}{V_{\text{uz}}} \times 100\% \qquad (1)$$

bu yerda: $K_{\text{yo‘q}}$ – resurs yo‘qotish koeffitsiyenti, %; V_{uz} – hisobot davrida tarmoqqa uzatilgan resurs hajmi, natural birlikda; V_{sot} – iste’molchilarga yetkazilgan va hisobga olingan resurs hajmi, natural birlikda.

Bu ko‘rsatkichni DXSh shartnomalarida xususiy operator uchun asosiy natijaviy ko‘rsatkich (KPI) sifatida belgilash maqsadga muvofiq.

Ikkinchi bosqichda kommunal xizmat ko‘rsatuvchi tashkilotlarning nisbiy samaradorligi ma’lumotlarni qamrab olish tahlili (DEA) usulida aniqlanadi:

$$\theta_k = \frac{\sum_{r=1}^{s} u_r y_{rk}}{\sum_{i=1}^{m} v_i x_{ik}} \leq 1 \qquad (2)$$

bu yerda: θ_k – k-tashkilotning nisbiy samaradorlik koeffitsiyenti (0 dan 1 gacha); y_{rk} – k-tashkilotning r-natija ko‘rsatkichi (balans aktivi, o‘z mablag‘lari); x_{ik}

[35] O‘zbekiston Respublikasining “Davlat-xususiy sheriklik to‘g‘risida”gi Qonuni, 2019-yil 10-may, O‘RQ-537-son. – LEX.UZ.

[36] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida 2024–2030-yillarda davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2024-yil 30-avgustdagi PQ-308-son qarori. – LEX.UZ.

[37] O‘zbekiston Respublikasining “Ichimlik suvi ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish to‘g‘risida”gi Qonuni, 2022-yil 22-iyul, O‘RQ-784-son. – LEX.UZ.

[38] O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi. Davlat-xususiy sheriklik loyihalari. – URL: https://gov.uz/oz/pages/Davlat_xususiy_sheriklik_loyihalari

– k-tashkilotning i-resurs ko‘rsatkichi (asosiy vositalar, jami majburiyatlar, tovar-moddiy zaxiralar);u_r, v_i – natija va resurs ko‘rsatkichlarining vaznlari;s, m – natija va resurs ko‘rsatkichlari soni.

Ushbu yondashuv asosida “Hududiy elektr tarmoqlari”, “Hududgazta’minot” va “O‘zsuvta’minot” aksiyadorlik jamiyatlarining so‘nggi hisobot davri balans ko‘rsatkichlari tahlil qilindi (1-jadval).


1-jadval

Kommunal xizmat ko‘rsatuvchi aksiyadorlik jamiyatlarining asosiy moliyaviy ko‘rsatkichlari va nisbiy samaradorligi[39]

Ko‘rsatkichlar	“Hududiy elektr tarmoqlari” AJ	“Hududgazta’minot” AJ	“O‘zsuvta’minot” AJ
Asosiy vositalar (qoldiq qiymati), mlrd so‘m	8 967,7	1 803,5	3,4
Jami majburiyatlar, mlrd so‘m	23 543,6	15 021,7	376,0
Tovar-moddiy zaxiralar, mlrd so‘m	1 028,9	6 876,5	14,0
Balans aktivi, mlrd so‘m	36 160,5	17 255,5	3 189,8
O‘z mablag‘lari, mlrd so‘m	12 617,0	2 233,8	2 813,8
O‘z mablag‘larining aktivlardagi ulushi, %	34,9	12,9	88,2
Majburiyatlarning o‘z mablag‘lariga nisbati, koeff.	1,87	6,72	0,13
DEA nisbiy samaradorlik koeffitsiyenti (θ)	0,1810	0,1354	1,0000

1-jadval ma’lumotlariga ko‘ra, elektr ta’minoti korxonasi balans aktivi bo‘yicha yetakchi bo‘lsa-da, uning aktivlarining atigi 34,9 foizi o‘z mablag‘lari hisobiga shakllangan, majburiyatlari esa o‘z mablag‘laridan 1,87 baravar ko‘p. Gaz ta’minotida bu holat yanada keskin: o‘z mablag‘lari ulushi 12,9 foiz, majburiyatlar o‘z mablag‘laridan 6,72 baravar ko‘p, tovar-moddiy zaxiralar esa elektr ta’minotidagidan 6,7 baravar ortiq. DEA natijalariga ko‘ra, elektr va gaz ta’minoti tashkilotlarining nisbiy samaradorligi mos ravishda 0,1810 va 0,1354 ni tashkil etib, chegaraviy samarali darajadan sezilarli past. “O‘zsuvta’minot” AJning 1,0000 natijasi esa uning xolding tuzilmasi ekanligi (asosiy vositalar hududiy korxonalar balansida) bilan izohlanadi.

[39] “Hududiy elektr tarmoqlari” AJ (2025-yil oxiri), “Hududgazta’minot” AJ (2026-yil II chorak oxiri) va “O‘zsuvta’minot” AJ (2026-yil I chorak oxiri) buxgalteriya balanslari asosida muallif hisob-kitoblari.



1-rasm. Kommunal xizmat ko‘rsatuvchi aksiyadorlik jamiyatlari aktivlarining moliyalashtirish tarkibi, mlrd so‘m[40]

Rasmdan ko‘rinadiki, elektr va gaz ta’minoti tizimlarida faoliyat va infratuzilmani rivojlantirish asosan qarz mablag‘lari hisobidan moliyalashtirilmoqda. DXSh investitsiya va operatsion risklarning bir qismini xususiy sherikka o‘tkazib, bu yukni kamaytirish imkonini beradi (1-rasm). Suv ta’minoti tizimida esa to‘lov intizomi asosiy muammo bo‘lib qolmoqda: “O‘zsuvta’minot” AJ tizimida debitor qarzdorlik 1,3 trln so‘mni tashkil etib, uning 84,6 foizi aholi iste’molchilariga to‘g‘ri keladi[41].

Uchinchi bosqichda DXSh loyihasini tanlashda xalqaro amaliyotda keng qo‘llaniladigan “pulning qiymati” (Value for Money) mezonidan foydalanish taklif etiladi:

$$\text{VfM} = \frac{\text{PSC} - NPV_{\text{DXSh}}}{\text{PSC}} \times 100\% \qquad (3)$$

bu yerda: VfM – DXSh loyihasining davlat uchun nisbiy afzalligi, %;PSC – loyihani an’anaviy davlat xaridi orqali amalga oshirishning risklar bilan tuzatilgan diskontlangan qiymati (davlat sektori taqqoslagichi), mlrd so‘m;NPV_{DXSh} – loyihani DXSh asosida amalga oshirishda davlat zimmasidagi to‘lov va majburiyatlarning diskontlangan qiymati, mlrd so‘m.

Faqat VfM musbat qiymatga ega bo‘lgan taqdirda loyihani DXSh asosida amalga oshirish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Tahlil asosida DXSh orqali boshqaruv samaradorligini oshirishning quyidagi yo‘nalishlari asoslandi: konsessiya va boshqaruv shartnomalarida resurs yo‘qotishlari, hisoblagichlar bilan qamrov va murojaatlarni hal etish muddati kabi KPIlarni belgilash; operatorga to‘lovlarni ushbu ko‘rsatkichlarga bog‘lovchi natijaga asoslangan shartnomalarni joriy etish; tariflarni xarajatlarni qoplovchi,

[40] 1-jadval ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.
[41] “O‘zsuvta’minot” AJ ma’lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari.

biroq manzilli subsidiyalar bilan uyg‘unlashgan tarzda shakllantirish; har bir loyihani VfM mezoni bo‘yicha asoslab, natijalarini DEA usulida monitoring qilish.

Xulosa qilib aytganda, DXSh kommunal xizmatlarda faqat moliyalashtirish manbai emas, balki boshqaruv sifatini natijaviy ko‘rsatkichlar orqali rag‘batlantiruvchi mexanizm sifatida qaralishi lozim. Taklif etilgan uch mezonning birgalikda qo‘llanilishi loyihalarni asosli tanlash, ularning natijadorligini xolis baholash va kommunal korxonalarning moliyaviy barqarorligini mustahkamlash imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasining “Davlat-xususiy sheriklik to‘g‘risida”gi Qonuni, 2019-yil 10-may, O‘RQ-537-son. – LEX.UZ.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida 2024–2030-yillarda davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2024-yil 30-avgustdagi PQ-308-son qarori. – LEX.UZ.

3. O‘zbekiston Respublikasining “Ichimlik suvi ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish to‘g‘risida”gi Qonuni, 2022-yil 22-iyul, O‘RQ-784-son. – LEX.UZ.

4. Charnes A., Cooper W.W., Rhodes E. Measuring the efficiency of decision making units // European Journal of Operational Research. – 1978. – Vol. 2, No. 6. – P. 429–444.

5. Grimsey D., Lewis M.K. Public Private Partnerships: The Worldwide Revolution in Infrastructure Provision and Project Finance. – Cheltenham: Edward Elgar, 2004.

6. World Bank. Public-Private Partnerships Reference Guide. Version 3.0. – Washington, DC: World Bank, 2017.

7. Mardanova M.O. Kommunal xizmatlarni rivojlantirishda xorij tajribasidan foydalanish // “Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali. – 2024. – №11. – B. 265–267. https://doi.org/10.5281/zenodo.14237016

SAMARQAND VILOYATIDA KICHIK MEHMONDO‘STLIK SUBYEKTLARINING STATISTIK “KO‘RINMASLIGI” VA UNI RAQAMLI RO‘YXATGA OLISH ORQALI BARTARAF ETISH

Zhibo Wei

PhD Student, Department of Tourism,

Silk Road International University of Tourism and Cultural Heritage,

E-mail: wzbhero@gmail.com; ORCID: 0009-0000-0775-4567

Annotatsiya. Maqolada Samarqand viloyatidagi oilaviy va kichik mehmondo‘stlik subyektlarining rasmiy turizm statistikasida to‘liq aks etmasligi muammosi tahlil qilinadi. Viloyat statistika boshqarmasining turizm va iqtisodiy axborotnomalari taqqoslanganda, Urgut tumanida 205 ta joylashtirish va ovqatlanish korxonasi faoliyat yuritsa-da, turizm axborotnomasida tumanda joylashtirish

vositalari qayd etilmaganligi aniqlandi. Tarmoq ko‘rsatkichlarining boshqa xizmat turlariga nisbatan ancha katta miqyosda qayta ko‘rib chiqilishi o‘lchov beqarorligidan dalolat beradi. “E-mehmon” axborot tizimi ma’lumotlarini tuman kesimidagi turizm statistikasiga integratsiya qilish bo‘yicha takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: turizm statistikasi, oilaviy mehmon uylari, raqamli ro‘yxatga olish, E-mehmon, inklyuziv turizm, Samarqand.

СТАТИСТИЧЕСКАЯ «НЕВИДИМОСТЬ» МАЛЫХ СУБЪЕКТОВ ГОСТЕПРИИМСТВА В САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦИФРОВАЯ РЕГИСТРАЦИЯ КАК СПОСОБ ЕЁ ПРЕОДОЛЕНИЯ

Аннотация. В статье анализируется проблема неполного отражения семейных и малых субъектов гостеприимства Самаркандской области в официальной статистике туризма. Сопоставление туристического и экономического бюллетеней областного управления статистики показало, что в Ургутском районе действуют 205 предприятий размещения и питания, тогда как в туристическом бюллетене средства размещения в районе не значатся. Масштаб пересмотров показателей отрасли, значительно превышающий пересмотры по другим видам услуг, указывает на нестабильность измерения. Предложены меры по интеграции данных информационной системы «E-mehmon» в районную статистику туризма.

Ключевые слова: статистика туризма, семейные гостевые дома, цифровая регистрация, E-mehmon, инклюзивный туризм, Самарканд.

STATISTICAL INVISIBILITY OF SMALL HOSPITALITY OPERATORS IN SAMARKAND REGION AND DIGITAL REGISTRATION AS A REMEDY

Abstract. This paper examines why family-run and small hospitality operators in Samarkand region remain largely invisible in official tourism statistics, and what this costs in terms of policy efficiency. A comparison of the regional tourism bulletin with the regional economic bulletin shows that Urgut district hosts 205 accommodation and food-service enterprises, while the tourism bulletin records no accommodation establishments there. Revisions to the sector’s output values far exceed those for other services, pointing to unstable measurement. Because the E-mehmon system already registers guests at the point of arrival, the paper proposes integrating its anonymised data into district-level tourism statistics.

Keywords: tourism statistics; family guesthouses; digital registration; E-mehmon; inclusive tourism; Samarkand.

Introduction

Accommodation and food services are the largest single item of market services in Samarkand region and generated 51.8% of all enterprise profits in January–November 2025 [5]. Policy for such a sector can only be as precise as its statistics. International guidance defines tourism supply as all producers of tourism-characteristic services, irrespective of size or legal form [8], and inclusive tourism is judged by whether marginalised groups take part in production and share its benefits [6]; this cannot be assessed for groups the statistical system does not record. The paper asks how visible small hospitality operators are in official statistics of Samarkand region and whether existing digital systems can close the gap. *Statistical invisibility* here means activity documented in one official source but absent from the source on which sectoral policy is based.

Data and method

The study uses only published official sources: the regional tourism bulletins for 2017–2025 [4], the regional statistical bulletins and thematic volumes for 2020–2025 [5] and the Tourism Committee annual reports [7]. The same territorial unit or indicator is traced across sources with different coverage and the differences are measured. The findings therefore concern the measurement system, not the behaviour of individual operators.

Results

Coverage gap at district level. Urgut district (about 579,000 inhabitants, a large craft and bazaar economy) has 205 accommodation and food-service enterprises and 319 family enterprises according to the economic bulletin, yet the tourism bulletin lists no accommodation establishments there. Part of the difference is definitional, since the economic category includes food service, but a district of this size with no recorded accommodation requires explanation. At regional scale, Samarkand city holds 83.4% of accommodation establishments in the tourism bulletin (2024) but only 43.2% of accommodation and food-service enterprises (1 January 2026) and 28.6% of service output (2025) in the economic bulletin [4; 5]: the narrower the source, the more concentrated the sector appears.

A second layer of invisibility. District wage statistics for 2019–2022 are compiled without small business entities and agricultural enterprises [5], precisely the forms in which household hospitality is organised. Small operators are thus missing from tourism and earnings series at once.

Measurement instability. The 2022 output of accommodation and food services was first published as 860.9 billion soums and revised a year later to 1,063.8 billion soums (+23.6%), while revisions for transport (+0.9%), trade (−2.9%) and finance (+0.1%) were small [5]. After shadow-economy estimates were incorporated from 2024, the sector’s share of services jumped from 5.9% (2023) to 33.2% (2025),

which real growth cannot explain. The 2025 tourism bulletin also gives three mutually exclusive figures for inbound trips, and the Tourism Committee register of family guesthouses (3,752 nationally in 2024) [7] has never been reconciled with statistical enterprise reporting.

Discussion

These gaps carry efficiency costs: support for family guesthouses and tourism villages cannot be targeted or evaluated, and the tourist fee base cannot be checked against actual activity. Yet the digital infrastructure already exists. Under Cabinet Resolution No. 845 of 22 October 2018, accommodation providers register citizens and foreigners in the E-Mehmon system on arrival [1], and the system's stated objectives include developing tourism on the basis of its statistical data [9]. However, no district-level E-Mehmon series appear in the bulletins examined, and coverage is itself incomplete: in July 2026 parliamentarians noted that providers frequently fail to register guests [3], a problem that platform-based informal accommodation tends to aggravate [2].

Conclusions and proposals

1. *Scientific-theoretical proposal:* statistical visibility should be treated as a prior condition in assessing inclusive tourism; before participation or benefit sharing is measured, coverage of the groups concerned should be verified, e.g. by a coverage ratio between two official sources for the same territory.

2. Anonymised E-Mehmon aggregates (arrivals and nights by district and accommodation type) should be published quarterly in the regional tourism bulletin under a data-sharing agreement between the Ministry of Internal Affairs, the Tourism Committee and the statistical authority.

3. The guesthouse register should be reconciled annually with the statistical business register via taxpayer numbers, and series breaks (notably the 2024 shadow-economy adjustment) marked in methodological notes.

4. Urgut district should serve as a pilot: matching E-Mehmon records, tax registrations and bulletin counts would give a first estimate of unrecorded hospitality activity.

References

1. Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. Resolution No. 845 of 22 October 2018 (procedure for registering persons in accommodation facilities through the E-Mehmon system).

2. Guttentag, D. (2015). Airbnb: disruptive innovation and the rise of an informal tourism accommodation sector. *Current Issues in Tourism*, 18(12), 1192–1217.

3. Kun.uz (2026, 23 July). Uzbekistan moves to strengthen enforcement of foreign guest registration rules.

4. Samarkand Regional Department of Statistics. Annual statistical bulletins on tourism in Samarkand region, 2017–2025.

5. Samarkand Regional Department of Statistics. *Samarqand viloyatining statistik axborotnomasi*, 2020–2025.

6. Scheyvens, R., & Biddulph, R. (2018). Inclusive tourism development. *Tourism Geographies*, 20(4), 589–609.

7. Tourism Committee of the Republic of Uzbekistan. Annual reports on tourism work, 2024 and 2025.

8. United Nations (2010). *International Recommendations for Tourism Statistics 2008*. New York: UN.

9. Digital Government of Uzbekistan. Automated information system “E-Mehmon”. https://dgov.uz/en/solution/detail/48/

O‘ZBEKISTON IQTISODIY RIVOJLANISHIDA RAQAMLI TA’LIM TRANSFORMATSIYASI

Anarbayeva Fotima Urazaliyevna
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti dotsenti, PhD
f.anarbaeva2017@yandex.com
tel nomer: +998938502407

Annotatsiya. *Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida ta’lim tarnsformatsiyasini amalga oshrish, raqamli ta’limning o’ziga xos xususiayatlari va ahamiyatlilik jihatlari, yangi ilmiy va pedagogik g‘oyalarni shakllantirish, xotin-qizlar bandligini ta’minlash borasida olib borilayotgan ishlar hamda shu maqsadda ishlab chiqilishi zarur bo’lgan interaktiv platforma to’g’risida so’z yuritilgan*.

Kalit so’zlar: *raqamli texnologiyalar, raqamlashtirish, raqamli ta’lim, raqamli ta’lim muhiti, interaktiv platforma, raqamli ta’lim transformatsiyasi.*

Kirish

Bugungi kunda zamonaviy jamiyat hayotiga raqamli texnologiyalarni jadal joriy etish hamda axborot makonini shakllantirish ta’lim muassasalarida o‘quv jarayonini tashkil etish, ta’limga yondashuvlarni sifatli qayta ko‘rib chiqish, shuningdek, ta’lim tizimini jadallashtirish to‘g‘risida yangi ilmiy va pedagogik g‘oyalarni shakllantirishga olib keladi.

Ta’limni raqamlashtirish sharoitida ta’lim faoliyatini amalga oshirishning muhim sharti va maqsadi o‘quv texnologiyalarining o‘rnatilgan variantlari bilan mavzu bo‘yicha axborot-kommunikatsiya muhitini yaratish va undan foydalanish hisoblanadi va bunda turli xil Zoom, Skype, Microsoft Team, Moodle, Padlet, Miro,

AWWApp, Scribblar va shu kabi dasturiy mahsulotlardan foydalanish mumkin, har bir o‘qituvchi ta’lim jarayonini tashkil qilishning xususiyatlari va hal qilinadigan vazifalariga qarab qulay platformani tanlaydi.

Raqamli ta’lim transformatsiyasi bu ta’lim jarayoniga butunlay yangi ko‘rinishdagi platformalarni taqdim etgan holda, ta’limni raqamlashtirish va raqamli o‘qitish usullarini yaratish kabi masalalarni o‘z oldiga qo‘yadi. Bunda ta’lim jarayoniga sun’iy intellekt, katta ma’lumotlar, bulutli texnologiyalar, blokcheyn tizimlari orqali ishlab chiqiladigan platformalar va texnologiyalarning kirib kelishi ta’lim sifatiga qanday ta’sir o‘tkazishi baholanadi. Umuman olganda, ta’limni raqamlashtirishning o‘z paradigmalari mavjud bo‘lib, ular sohaning iqtisodiy rivojlanishiga katta ta’sir o‘tkazadi.

Adabiyotlar tahlili

Raqamlashtirish tushunchasi sifatida ko‘pincha korxonalarga axborot texnologiyalarni joriy etish tushuniladi, lekin axborot tizimlari va biznes-jarayonlarni avtomatlashtirish raqamli transformatsiyani bildirmaydi. Raqamli transformatsiya tushunchasi axborot tizimlarini korxonalarga joriy qilishdan yuqori tushuncha hisoblanadi.

“Transformatsiya” so‘zini biznesni to‘liq almashtirish sifatida ham ta’riflash mumkin. Bunda tashkilotni rivojlantirish strategiyasi, uning maqsadi va yondashuvlari, mijozlar bilan o‘zaro aloqasi, tuzilmasi, madaniy munosabati to‘liq o‘zgaradi.

Umuman olganda, raqamlashtirishga hozirgi kunda aniq ta’rif berilmagan. Ilmiy-tadqiqot ishlarida mualliflik ta’riflari mavjud. Jamiyat rivojlanishining hozirgi bosqichida ba’zi tadqiqotchilar va o‘qituvchilar tomonidan ta’limni axborotlashtirish raqamlashtirishning tarkibiy qismi sifatida qaralmoqda. Jumladan, D.Sviridenko o‘z ishlarida, raqamlashtirish axborotlashtirish va kompyuterlashtirishdan keyingi bosqich bo‘lib, u asosan hisoblash texnikalari, kompyuterlar va axborot texnologiyalaridan foydalanish bilan bog‘liq deb hisoblaydi. Vikilug‘at raqamlashtirishning quyidagi ta’rifini beradi - “raqamli texnologiyalarni joriy etish; raqamli qurilmalar yordamida ma’lumotlarni bog‘lash, yozish va o‘tkazishning raqamli usuliga o‘tkazish yoki o‘tish”. O.A.Pikuleva raqamlashtirish bo‘yicha elektron qo‘llanmada ushbu konsepsiyaning quyidagi mazmunini taklif qiladi – “analog (fizik) ma’lumotlarni yig‘ish va qayta ishlash tizimlarini ularning holati to‘g‘risida raqamli signalni ishlab chiqaradigan, uzatadigan va qayta ishlaydigan texnologik tizimlar bilan almashtirish” [3].

Hozirda iqtisodiyotning boshqa sohalari kabi ta’lim sohasiga ham raqamli texnologiyalarni jalb qilish bo‘yicha ko‘plab ishlar olib borilmoqda. Zamonaviy jamiyat hayotiga raqamli texnologiyalarni jadal joriy etish hamda axborot makonini shakllantirish ta’lim muassasalarida o‘quv jarayonini tashkil etish, ta’limga

yondashuvlarni sifatli qayta ko‘rib chiqish, shuningdek, ta’lim tizimini jadallashtirish to‘g‘risida yangi ilmiy va pedagogik g‘oyalarni shakllantirishga olib keladi. Shu bilan birga, ta’lim sohasini texnologik yangilash bosqichi vazifasini bajaruvchi ta’lim jarayoniga raqamli texnologiyalarini joriy etish muhim omil hisoblanadi.

Raqamli ta’limni rivojlanririshda xotin-qizlarni axborot texnologiyalar, jumladan dasturlash sohasida faoliyat yuritishiga katta e’tibor qaratilmoqda, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 7-martdagi PF-87-sonli “Oila va xotin-qizlarni tizimli qo‘llab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni [1] asosida qabul qilingan “2022 — 2026-yillarda xotin-qizlarning mamlakat iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy hayotining barcha jabhalarida faolligini oshirish bo‘yicha Milliy dastur”da belgilangan “Xotin-qizlarning ta’lim olishi uchun qo‘shimcha shart-sharoitlar yaratish, ilm-fan sohasida ayollarning rolini yanada oshirish” bandida “Bir million dasturchi” loyihasida ishtirok etadigan xotin-qizlar sonini 30 foizga yetkazish borasida qilinadigan ishlar doirasida ta’lim muassasalarining axborot texnologiyalari, informatika fanlari o‘qituvchilari uchun “Bir million dasturchi” loyihasi bo‘yicha onlayn vebinarlar tashkil etish, xotin-qizlarning IT-paklarga sayohatlarini tashkil qilish va ularning axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, innovatsiyalar borasidagi qiziqishlarini oshirish kabi masalalar qo‘yilgan [2].

Tadqiqot metodologiyasi

Ilm-fan rivojlanishining hozirgi bosqichida, shu jumladan inson va jamiyat, ishlab chiqarish texnologiyalari, (intellektual, texnologik, ijtimoiy, ma’naviy, axborot) madaniyat va ta’limning umumiy va kasbiy rivojlanish sub’ekti sifatida insonning bitmas-tuganmas imkoniyatlari, shu jumladan raqamli o‘qitish vositalarining imkoniyatlaridan foydalangan holda uzluksiz ta’limning amaliy yo‘naltirilgan turiga o‘tish zarurati paydo bo‘ldi.

Raqamli ta’lim jarayonida amalga oshirilayotgan ta’lim makonining birligi va bu jarayonning o‘zi, shuningdek, uni ta’minlovchilar hozirda raqamli ta’lim ekotizimi deb yuritiladi. Bunday ekotizimni ta’lim tarmog‘i, oliy ta’lim, hudud yoki sanoat miqyosida ko‘rib chiqish mumkin. Shu bilan birga, alohida ta’lim tashkilotlari ba’zi “ekotizim” xususiyatlariga ega bo‘lsa-da, uni to‘laqonli ta’lim ekotizimi deb emas, balki faqat uning elementi sifatida hisoblash mumkin.

Raqamlashtirish sharoitida ta’lim jarayoni, raqamli ta’lim muhitida quyidagilarni o‘z ichiga olgan ta’lim jarayonini tashkil etish tizimi sifatida ishlaydi:

- raqamli iqtisodiyot va raqamli jamiyat talablariga mos keladigan ta’lim maqsadlari (kutilayotgan natijalar);
- ta’lim mazmuni va uni shakllantirishga qo‘yiladigan talablar;

- shaxsiylashtirish, modullashtirish, pedagogik maqsadga muvofiq virtualizatsiya, tarmoqni taqsimlash va o‘quv jarayonini muvofiqlashtirish uchun raqamli texnologiyalar imkoniyatlaridan foydalanishga asoslangan ta’lim jarayonini tashkil etish shakllari va usullari;

- belgilangan ta’lim maqsadlariga erishish uchun raqamli texnologiyalarning didaktik imkoniyatlaridan maksimal darajada foydalanishni ta’minlaydigan tashkiliy shakllar, texnologiyalar va o‘qitish usullari;

- yagona intellektual kompleksga birlashtirilgan o‘qitish vositalari, shu jumladan raqamli – tarmoq (onlayn) va dasturiy-apparat vositalari;

- oliy ta’lim va o‘qitishning raqamli ta’lim jarayonining jamiyat va iqtisodiyotni rivojiga ta’siri.

Raqamli va axborot texnologiyalarining ta’lim tizimiga va o‘quv jarayoniga keng joriy etilishi global tendensiya bo‘lib, so‘nggi paytlarda ta’lim tizimida yuz bergan eng muhim jarayonlardan biridir. Raqamli ta’lim muhitini shakllantirish bugungi kunda ustuvor yo‘nalish sifatida ajralib turadigan va jahon ta’lim makonida alohida o‘rin egallagan elektron ta’limni rivojlantirish va keng joriy etish orqali hal qilinadigan strategik vazifadir [5].

Raqamli transformatsiya tufayli zamonaviy sharoitda ta’lim tizimining rivojlanishi o‘quv jarayonini qurishga, shu jumladan ilg‘or o‘quv texnologiyalaridan foydalangan holda zamonaviy elektron axborot-ta’lim muhitini yaratishga, ta’limni boshqarish strategiyasini amalga oshirishga va individual xususiyatlarga asoslangan o‘quv materiallarini moslashtirishga yangi talablarni qo‘yadi.

Yuqoridagilarni nazarda tutgan holda raqamli transformatsiyani amalga oshirish vazifalari bir vaqtning o‘zida va muvofiqlashtirilgan holda hal qilinadi va quyidagilarni o‘z ichiga olishini ko‘rib chiqish mumkin:

1) moddiy infratuzilmani rivojlantirish (ma’lumotlar markazlarini qurish, raqamli o‘quv-uslubiy materiallardan foydalanish uchun yangi aloqa kanallari va qurilmalarining paydo bo‘lishi);

2) o‘quv jarayoniga raqamli dasturlarni ishlab chiqish va joriy etish (o‘quv uslubiy materiallarni yaratish, sinovdan o‘tkazish va ulardan foydalanish AKT texnologiyalaridan foydalanish);

3) onlayn ta’limni rivojlantirish va takomillashtirish;

4) ta’limni boshqarishning yangi tizimlarini ishlab chiqish;

5) raqamli texnologiyalar sohasida o‘qituvchilarning malakasini oshirish [12].

Raqamli ta’lim o‘qituvchisining faoliyatini ikki guruhga bo‘lish mumkin: raqamli kursni yaratish va raqamli kursni amalga oshirish.

Raqamli ta’lim ta’lim jarayoni kiradigan kanonik didaktik (yoki pedagogik) tizimini o‘zgartiradi. Bu tizim yetti elementdan iborat bo‘lib, o‘qitish maqsadi, ta’lim mazmuni, ta’lim oluvchilar, ta’lim beruvchilar, metodlar, o‘qitish vositalari

va shakllari, ta’lim tizimini tadbiq etish va yaratishda yaxlit pedagogik ko‘rinishi sifatida namoyon bo‘lishiga ruxsat beradi.

Raqamli ta’lim sohasida o‘qitish jarayonining asosini ta’lim oluvchilarning qulay vaqt, joy, sur’at va vaqtda mustaqil ta’lim olishi tashkil etadi. Raqamli ta’limda qo‘llaniladigan zamonaviy kompyuter texnologiyalari ta’lim oluvchilarning bilim imkoniyatlarini ko‘rinarli tarzda oshiradi va raqamli ta’limni an’anaviy ta’limga nisbatan samaraliroq ishlashini ta’minlaydi. Raqamli ta’limda ta’lim oluvchilarga raqamli ta’limning texnik vositalari modellari va imkoniyatlariga bog‘liq holda o‘qituvchi bilan o‘zaro muloqot qilishiga imkon beradi.

Ko‘rinib turibdiki, raqamli ta’lim tinglovchisining shaxsiy sifatlariga katta talablar qo‘yilmoqda: tirishqoqlik, intiluvchanlik, halollik va b.lar. Ular mustaqil ishlash, mustaqil egallash va bilimlarni boyitish metodikasi va texnikasi asoslariga ega bo‘lishi kerak. Bundan tashqari, samarali ta’lim olish uchun ular yangi axborot texnologiyalari vositalari bilan ishlash malakalariga ega bo‘lishi kerak.

Ta’lim metodlari sifatida ta’lim oluvchilar kurs mazmuni o‘zlashtirishi va ko‘zlangan maqsadga erishishiga yordam beruvchi vositalar tushuniladi. An’anaviy ta’lim kabi, raqamli ta’lim uchun ham ta’limning beshta umumiy didaktik metodlari qo‘llaniladi: axborot-retseptiv, reproduktiv, muammoli vaziyat, evristik va tadqiqot metodlari. Ular o‘qituvchi va ta’lim oluvchi o‘rtasidagi barcha pedagogik vaziyatlarning (aktlarning) majmuini o‘z ichiga oladi [4].

Raqamli iqtisodiyot sharoitida raqamli texnologiyalarga bo‘lgan talab oshib bormoqda, shularni hisobga olgan holda raqamli texnologiyalarning asosini tashkil etuvchi dasturlash tillariga bo‘lgan ehtiyoj yildan yilga kengaymoqda. Buni esa quyida stat.uz[42] sayti orqali raqamli iqtisodiyot sohasida olingan ko‘rsatkichlardan ham ko‘rish mumkin.

Iqtisodiy faoliyat turi bo‘yicha “Axborot va aloqa” sohasida faoliyat ko‘rsatayotgan korxona va tashkilotlar soni bo‘yicha o‘tkazilgan tadqiqot ishlariga ko‘ra 2016 yilda 6370 ta bo‘lsa, 2024 yilga kelib 10551 taga ko‘paygan, bunda aynan axborot texnologiyalari sohasida faoliyat ko‘rsatayotgan korxona va tashkilotlar soni 2016 yilda 2727 ta bo‘lgan bo‘lsa, 2024 yilda 4105 taga ko‘paygan [10].

Ko‘rsatilgan aloqa va axborotlashtirish xizmatlari bo‘yicha o‘tkazilgan tadqiqotlarda kompyuter dasturlashtirish, maslahat berish xizmatlari va boshqa yordamchi xizmatlar va axborot sohasidagi xizmatlar soni 2016 yilda 280,2 mlrd so‘m bo‘lgan bo‘lsa, 2022 yilda 7168,9 mlrd so‘mga oshgan [10].

Dasturiy ta’minotga qilingan xarajatlarning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 2021 yilda 0,09 foizni, 2022 yilda 0,18 foizni tashkil etgan [10].

[42] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot

AKT sohasida faoliyat yuritayotgan yuridik shaxslarda ishlovchi xodimlar soni 2016 yilda 34 478 tani tashkil etgan bo‘lsa, 2022 yilda 60462 tani tashkil etgan [10].

Asosiy iqtisodiy faoliyat turi “Axborot va aloqa” bo‘lgan yuridik shaxslarda ishlovchi xodimlarga hisoblangan o‘rtacha oylik nominal ish haqi 2016 yilda 2 042,2 ming so‘m bo‘lgan bo‘lsa, 2022 yilda 7 560,8 ming so‘mni tashkil etgan. Bulardan ko‘rish mumkin-ki, davlatimizda AKT ga bo‘lgan talab yildan yilga oshib bormoqda [10].

Umuman olganda, jamiyatda xotin-qizlarning AKT sohasiga kirib kelishi va shu asosda ularning bandligini ta’minlash borasida bir qancha ishlarni amalga oshirish mumkin. Bundan oldin esa mamlakatimizda xotin-qizlar bandligini ta’minlash bo‘yicha olib borilayotgan ishlarni ko‘rib o‘tamiz.

So‘nggi 5 yil ichida mamlakatimizda o‘z biznesini yo‘lga qo‘ygan tadbirkor xotin-qizlar soni 205 mingdan oshdi. Birgina 2023 yilda 279 mingdan ziyod tadbirkorlik loyihalariga 13 trillion so‘mdan ortiq kredit, qariyb 57 ming nafar xotin-qizga salkam 300 milliard so‘m subsidiya ajratildi. Shuningdek, 200 mingga yaqin ayollar kasb-hunar va tadbirkorlikka o‘qitildi [11].

Xotin-qizlar tadbirkorlik markazlari tomonidan ishsiz va band bo‘lmagan 102 799 nafar xotin-qizlar mehnat bozorida talab yuqori bo‘lgan turli kasblarga o‘qitildi. Shundan 45 101 nafari o‘zini-o‘zi band qiluvchi shaxs sifatida ro‘yxatdan o‘tdi, 12 636 nafari tadbirkorlik sub’ekti sifatida ro‘yxatdan o‘tdi, 10 779 nafariga mavjud bo‘sh ish o‘rinlariga joylashishiga ko‘maklashildi. Natijada, 67 475 nafar xotin-qizlarning bandligi ta’minlandi [11].

Tahlil va natijalar

Raqamli texnologiyalar sohasida hozirda xotin-qizlarning rolini oshirish borasida muhim qadamlar qo‘yilmoqda. Shu maqsadda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 6 iyuldagi 307-sonli “2022 — 2026 yillarda O‘zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasini amalga oshirish bo‘yicha tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarori 7-ilovasining 19-bandida ko‘rsatilgan “Xotin-qizlar uchun dasturlash tilini o‘rgatuvchi interaktiv platforma ishlab chiqish” loyihasi bo‘yicha raqamli ta’limning asosiy xususiyatlarini o‘z ichiga olgan “Xotin-qizlar uchun dasturlash tilini o‘rgatuvchi interaktiv platforma ishlab chiqish” loyihasi bo‘yicha ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilmoqda.


Bu platformaning asosiy maqsadi xotin-qizlarga bir nechta dasturlash tillarini yoki o‘zi istagan bironta dasturlash tilini o‘rgatuvchi interaktiv platforma ishlab chiqqan holda ularni o‘z-o‘zini bandi qilish bo‘yicha ishlarni amalga oshirish hisoblanadi.

Ishlab chiqiladigan dasturiy mahsulotning asosiy xususiyatlari quyidagilardan iborat:

• raqamli iqtisodiyot sohasida sun’iy intellekt tamoyillariga asoslangan holda video, multimediya va animatsion dasturiy vositalarni qo‘llagan holda ma’lumotlar bazasini shakllantirsh;

• xotin-qizlarning mustaqil holda dasturlash tillarini o‘rganishga bo‘lgan samaradorligini oshirish;

• dasturlash tilini o‘rgatuvchi interaktiv platformani ishlab chiqishning loyiha bosqichlari, modeli, algoritmlari hamda strukturaviy tuzilishi shakllantirish.



Aynan nima uchun xotin-qizlar uchun atalgan bu platforma? Shu savolga javob berish uchun aytish mumkin-ki, dasturlash sohasi bu texnik soha bo‘lib, asosan erkaklar tomonidan chuqur o‘rganiladi va dasturiy vositalar ishlab chiqiladi, lekin bu soha o‘zining qiziqarliligi va serdaromadliligini hamda uyda o‘tirgan holda ham qandaydir dasturiy vositalarni ishlab chiqish va taqdim etish mumkinligini hisobga olgan holda xotin-qizlarda ushbu sohaga qiziqishni o‘stirish muhim vazifa hisoblanadi.

Xulosa

Raqamli texnologiyalarning rivojlanishi va raqamlashtirishning yangi tendensiyalari davrida yoshlarning samarali ta’lim olishlari uchun keng ko‘lamli o‘zgarishlar olib borilmoqda.

Raqamli ta’lim transformatsiyasi xotin-qizlar o‘rtasida onlayn ko‘rinishdagi muloqot integratsiyasini rivojlantiriadi hamda xotin-qizlarlarning o‘z ustida ilg‘or o‘quv texnologiyalaridan foydalangan holda mustaqil ishlash ko‘nikmalarini

shaklantiradi. Bu esa hozirgi rivojlanish jarayonida raqamlashtirishning yangi tendensiyalarini ta’lim jarayoniga qo‘llashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Interaktiv platformani ishlab chiqishning eng muhim ahamiyati raqamli infratuzilmani shakllantirish va rivojlantirish hamda ta’limning raqamli transformatsiyasi bo‘yicha me’yoriy-huquqiy bazasini tubdan takomillashtirish bo’yicha amaliy qadamlarni qo’yish va axborot-texnologiyalar sohasi bo’yicha xotin-qizlar savodxonligini oshirish hisoblanadi.

Shunday qilib, raqamli ta’lim tizimida o‘qish ta’lim olish uchun aniq tayyorgarlikni talab etadi, ya’ni zaruriy ta’lim darajasiga va bundan tashqari, ish joyining moddiy-texnik ta’minotiga ega bo‘lishni talab etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 7-martda qabul qilingan PF-87-sonli “Oila va xotin-qizlarni tizimli qo‘llab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni // Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.03.2022-y., 06/22/87/0198-son; 13.06.2023-y., 06/23/92/0366-son; 03.01.2024-y., 06/24/221/0003-son

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги 307-сонли “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2022 й., 07/22/307/0614-сон; 04.07.2023 й., 06/23/107/0441-сон; 28.07.2023 й., 06/23/117/0530-сон; 11.10.2023 й., 07/23/329/0765-сон

3. Анарбаева Ф.У. Рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълимни рақамлаштиришнинг имкониятлари // Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари. Илмий электрон журнал. – 2023. - №2(10). – Б. 84-92.

4. Anarbayeva F.U., Abdullayeva M. Oliy ta’limni raqamlashtirishning imkoniyatlari va ahamiyati //The Journal of Economics, Finance and Innovation. – 2023. – С. 490-496.

5. Anarbaeva, F. The importance of electronic education methodology // Current research journal of pedagogics. - 2(06). – 2021. – P. 127–130. https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-02-06-24 43 4. A.X.Maxmudov. Zamonaviy ta’limni rivojlantirishda raqamli texnologiyalarning o‘rni // Academic research in educational sciences. 2021. №NUU Conference 1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/zamonaviy-talimni rivozhlantirishda-ra-amli-tehnologiyalarning-rni

6. А.Х.Махмудов, Ф.У.Анарбаева. Рақамли таълимда педагогик технологияларни қўллаш имкониятлари //Development issues of innovative economy in the agricultural sector. – 2021. – С. 476.

7. Bendik Bygstad, Yegil Øvrelid, Sten Ludvigsen, Morten Dæhlen. From dual digitalization to digital learning space: Exploring the digital transformation of higher education // Computers & Yeducation. – Volume 182. – 2022.

8. Анарбаева Ф.У. Рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълимни рақамлаштиришнинг имкониятлари // Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари. Илмий электрон журнал. – 2023. - №2(10). – Б. 84-92.

9. Anarbayeva F.U., Abdullayeva M. Oliy ta'limni raqamlashtirishning imkoniyatlari va ahamiyati //The Journal of Economics, Finance and Innovation. – 2023. – C. 490-496.

10. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot

11. https://telegra.ph/2023-jilda-67-475-nafar-hotin-%D2%9Bizning-bandligi-taminlandi-03-15

12. https://www.gazeta.uz/oz/2022/11/25/women/

NAVOIY VILOYATIDA KREATIV TURIZMNI RIVOJLANTIRISH

Turayev Abduvoxid Kuldashevich
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
Raqamli iqtisodiyot kafedrasi assistenti
abduvohidturayev8489@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada Navoiy viloyatida kreativ turizmni rivojlantirishning iqtisodiy, hududiy va tashkiliy imkoniyatlari tahlil qilinadi. Tadqiqotda viloyatning madaniy merosi, cho‘l landshafti, Sarmishsoy yodgorligi, hunarmandchilik, etnomadaniy tajribalar hamda xizmatlar sohasi ko‘rsatkichlari asosida kreativ turizm mahsulotlarini shakllantirish yo‘nalishlari asoslanadi. Rasmiy qarorlar, statistik ma’lumotlar va ilmiy manbalar asosida amaliy takliflar ishlab chiqiladi.

Kalit so‘zlar: Navoiy viloyati, kreativ turizm, turistik resurs, Sarmishsoy, hunarmandchilik, madaniy meros, xizmatlar sohasi, ichki turizm, xalqaro turizm, turizm infratuzilmasi.

Annotation. The article analyzes the economic, territorial and organizational opportunities for developing creative tourism in Navoi region. The study focuses on cultural heritage, desert landscapes, Sarmishsoy, handicrafts and creative tourism products.

Keywords: Navoi region, creative tourism, cultural heritage, tourism services, domestic tourism, tourism infrastructure.

Kirish

Turizmning zamonaviy rivojlanishida sayyoh faqat tayyor xizmatni iste’mol qiluvchi shaxs emas, balki hudud madaniyati, mahalliy hayot tarzi, ijodiy jarayon va

an’anaviy bilimlar bilan bevosita muloqotga kirishuvchi faol ishtirokchi sifatida qaralmoqda. Shu nuqtai nazardan kreativ turizm madaniy meros, hunarmandchilik, gastronomiya, xalq ogʻzaki ijodi, foto va kino yoʻnalishlari, etnomadaniy tadbirlar hamda raqamli targʻibot vositalarini birlashtiruvchi istiqbolli turizm shaklidir[43].

Navoiy viloyati kreativ turizm uchun respublikadagi oʻziga xos hududlardan biridir. Viloyatda Sarmishsoy qoya rasmlari, Nurota-Chashma majmuasi, Qizilqum choʻli, Aydarkoʻl va Toʻdakoʻl suv havzalari, mahalliy hunarmandchilik, folklor, etnografik turmush tarzi va sanoat shaharlari bilan bogʻliq zamonaviy urbanistik muhit bir-birini toʻldiradi.

Adabiyotlar sharhi

Kreativ turizm nazariyasida asosiy e’tibor sayyohni mahalliy ijodiy jarayonga jalb etish, hududning nomoddiy madaniy merosini iqtisodiy resursga aylantirish va kichik biznes subyektlarini turizm zanjiriga bogʻlash masalasiga qaratiladi. Bu yondashuv oddiy ekskursiyadan farqli ravishda sayyohga “koʻrish” bilan birga “ishtirok etish” imkonini beradi[44].

Navoiy viloyati turizmini oʻrganishda choʻl hududlarida turizmni rivojlantirishga oid mahalliy ilmiy manbalar muhim oʻrin tutadi. R.Hayitboyevning monografiyasida Oʻzbekiston hududining katta qismini egallagan quruq iqlimli choʻl mintaqalarida turizmni tashkil qilish, chўl resurslaridan foydalanish, arxeologik yodgorliklar, ziyorat manzillari, sardobalar, hayvonot va oʻsimlik dunyosi hamda turizm infratuzilmasi masalalari tahlil qilingan[45].

Navoiy viloyatini rivojlantirish boʻyicha asosiy normativ hujjatlardan biri Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 27-apreldagi 217-son qaroridir. Mazkur qarorda 2022-2026-yillarda Navoiy viloyatini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, xizmat koʻrsatish hajmini oshirish, turizm obyektlari va dam olish joylarini tashkil qilish, turizm infratuzilmasini rivojlantirish va turistlar sonini oshirish boʻyicha maqsadli koʻrsatkichlar belgilangan[46].

“Oʻzbekiston - 2030” strategiyasining turizmga oid maqsadlari ham kreativ turizm uchun umumiy strategik asos yaratadi. Strategiyada xorijiy turistlar oqimini oshirish, ichki sayyohlar sonini koʻpaytirish, turizm xizmatlari eksportini kengaytirish va hududlarda turizmni rivojlantirish vazifalari belgilangan[47].

PF-21-son farmonda 2030-yilgacha turizm sohasining YaIMdagi ulushini 7 foizga, turizm xizmatlari eksportini 6 milliard AQSH dollariga, xorijiy turistlar sonini 20 million nafarga yetkazish kabi koʻrsatkichlar belgilangan. Ushbu maqsadlar hududlarda turizm taklifini faqat tarixiy obidalar bilan emas, balki

[43]UN Tourism. Tourism and Culture Synergies. - Madrid: World Tourism Organization, 2018. - B. 12-18.

[44]Richards G., Raymond C. Creative Tourism. // ATLAS News. - Tilburg, 2000. - №23. - B. 16-20.

[45]Hayitboyev R. Oʻzbekistonning choʻllarida turizmni rivojlantirish istiqbollari. Monografiya. - Samarqand: SamISI, 2018. - B. 4-6, 11-14, 43-62.

[46]Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 27-apreldagi 217-son qarori. 2022-2026-yillarda Navoiy viloyati hududlarini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va aholi turmush darajasini yanada yaxshilashga doir qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida. - Toshkent, 2022. - Lex.uz, 1-ilova, B. 6-11.

[47]Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentyabrdagi PF-158-son Farmoni. “Oʻzbekiston - 2030” strategiyasi toʻgʻrisida. - Toshkent, 2023. - Lex.uz, 58-maqsad.

kreativ, etno, gastronomik va rekreatsion mahsulotlar bilan kengaytirishni talab qiladi[48].

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotda tizimli tahlil, statistik guruhlash, qiyosiy tahlil, resurslarni tasniflash va amaliy umumlashtirish metodlaridan foydalanildi. Birinchi bosqichda Navoiy viloyatiga oid rasmiy qarorlar, Lex.uz hujjatlari, Stat.uz statistik ma'lumotlari va mahalliy ilmiy manbalar o'rganildi. Ikkinchi bosqichda viloyatdagi kreativ turizm uchun asos bo'ladigan resurslar turkumlarga ajratildi. Uchinchi bosqichda xizmatlar sohasi ko'rsatkichlari va turizm bo'yicha maqsadli indikatorlar asosida amaliy takliflar ishlab chiqildi.

Tahlilda quyidagi mezonlar tanlandi: obyektning madaniy va ijodiy qiymati, sayyohni faol ishtirokga jalb etish imkoniyati, mahalliy aholining bandligiga ta'siri, xizmatlar bilan bog'lanish darajasi, transportga yaqinlik, mavsumiy foydalanish imkoniyati va raqamli targ'ibot salohiyati. Bunday yondashuv kreativ turizmni alohida tadbirlar yig'indisi emas, balki hududiy xizmatlar iqtisodiyotini kengaytiruvchi mexanizm sifatida baholashga imkon beradi.

Natijalar va muhokama

Navoiy viloyatida kreativ turizmni rivojlantirish uchun resurslar bir necha yo'nalishda jamlangan. Birinchi yo'nalish - tarixiy-madaniy va arxeologik meros bo'lib, bunda Sarmishsoy qoya rasmlari alohida o'rin tutadi. Ikkinchi yo'nalish - ziyorat va etnomadaniy tajriba bo'lib, Nurota-Chashma majmuasi, mahalliy an'analar va ziyorat madaniyati bilan bog'liq. Uchinchi yo'nalish - cho'l hayoti va ko'chmanchi madaniyat elementlarini namoyish etuvchi Qizilqum landshafti, yurt lagerlari, milliy taomlar va folklor dasturlaridir. To'rtinchi yo'nalish - hunarmandchilik, suvenir ishlab chiqarish, tasviriy san'at, foto-turizm va festival tadbirlaridan iborat.

Jadval 1.

Navoiy viloyatida kreativ turizmni shakllantirish uchun asosiy resurslar

T/r	Resurs yoki obyekt	Kreativ mahsulot shakli	Kutiladigan iqtisodiy samara
1	Sarmishsoy qoya rasmlari	Foto-tur, tarixiy hikoya asosida ekskursiya, ochiq osmon ostidagi san'at darsi	Gidlik, transport, suvenir va foto xizmatlari kengayadi
2	Nurota-Chashma majmuasi	Ziyorat, milliy hunarmandchilik ko'rgazmasi, mahalliy taomlar kuni	Ziyorat turizmi va mahalliy savdo uyg'unlashadi
3	Qizilqum cho'li	Cho'l safari, etno-kecha, yurt lager, folklor dasturi	Ichki va xorijiy turistlar uchun noyob tajriba yaratiladi
4	Aydarko'l va To'dako'l	Suv bo'yi dam olish, gastronomik festival, ekologik foto-tur	Mavsumiy dam olish xizmatlari diversifikatsiyalanadi
5	Mahalliy hunarmandchilik	Master-klass, suvenir ishlab chiqarish, ijodiy ustaxona	Ayollar va yoshlar bandligi uchun qo'shimcha imkoniyat yaratiladi
6	Navoiy va Zarafshon shaharlari	Urban turizm, sanoat tarixi, madaniy tadbirlar	Biznes va madaniy turizm birlashtiriladi

Manba: muallif tomonidan Navoiy viloyatining turistik resurslari va ilmiy manbalar tahlili asosida tuzildi.

[48]O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 16-fevraldagi PF-21-son Farmoni. Mamlakat taraqqiyotining 2030-yilgacha mo'ljallangan ustuvor yo'nalishlari doirasida islohotlarni izchil davom ettirish va yangi bosqichga olib chiqishning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida. - Toshkent, 2026. - 1-ilova, 58-maqsad, 274-282-ko'rsatkichlar.

Jadvaldan ko‘rinadiki, kreativ turizmning ustunligi mavjud obyektlarni yangidan qurishdan ko‘ra ularni yangi tajriba bilan boyitishidadir. Masalan, Sarmishsoy faqat tomosha qilinadigan manzil emas, balki foto-tur, arxeologik hikoya, maktab va talabalar uchun ijodiy ekspeditsiya, mahalliy gidlar tayyorlash hamda raqamli kontent yaratish maydoniga aylanishi mumkin. Xuddi shunday, Nurota hududida ziyorat, mahalliy taom, kashtachilik, hunarmandchilik va folklor dasturlari bir paketga birlashtirilsa, turistning hududda qolish va xarajat qilish muddati ortadi.


Navoiy viloyatida kreativ turizmni rivojlantirish uchun xizmatlar sohasi muhim iqtisodiy baza vazifasini bajaradi. Milliy statistika qo‘mitasining 2025-yil yanvar-dekabr oylariga oid xizmatlar sohasi press-relizida respublika bo‘yicha ko‘rsatilgan bozor xizmatlari hajmi 1 050,3 trln so‘mni, Navoiy viloyatida esa 25,7 trln so‘mni tashkil etgani ko‘rsatilgan. Viloyatning respublika bo‘yicha ulushi 2,5 foiz, xizmatlar hajmining o‘sish sur’ati 113,7 foiz, aholi jon boshiga xizmatlar hajmi esa 23,3 mln so‘m sifatida qayd etilgan[49].

Jadval 2.

Navoiy viloyatida xizmatlar sohasi ko‘rsatkichlari va kreativ turizm uchun talqin

Ko‘rsatkich	2025-yil qiymati	Kreativ turizm uchun mazmuni
Ko‘rsatilgan bozor xizmatlari hajmi	25,7 trln so‘m	Turizm bilan bog‘liq transport, ovqatlanish, savdo, gidlik va madaniy xizmatlar uchun iqtisodiy baza mavjud
Respublika xizmatlaridagi ulushi	2,5 foiz	Viloyat xizmatlar bozorida o‘ziga xos hududiy o‘ringa ega
Xizmatlar hajmining o‘sish sur’ati	113,7 foiz	Yangi kreativ xizmatlar bozorini kengaytirish uchun ijobiy dinamika bor
Aholi jon boshiga xizmatlar hajmi	23,3 mln so‘m	Ichki talab va xizmatlardan foydalanish madaniyati shakllanmoqda

Manba: O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasining 2025-yil yanvar-dekabr oylariga oid xizmatlar sohasi press-relizi asosida tuzildi.



Manba: Stat.uz xizmatlar sohasi press-relizi asosida muallif tomonidan tuzildi.

[49]O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi. O‘zbekiston Respublikasida xizmatlar sohasining asosiy ko‘rsatkichlari. 2025-yil yanvar-dekabr. Press-reliz. - Toshkent, 2026-yil 20-yanvar. - B. 1-3.

Mazkur raqamlar shuni ko‘rsatadiki, Navoiy viloyatida kreativ turizmni rivojlantirish uchun faqat turistik obyektlar emas, balki xizmatlar iqtisodiyoti ham muhim tayanch hisoblanadi. Kreativ turizmda turist master-klass, transport, ovqatlanish, lokal mahsulot, suvenir, raqamli kontent, gidlik va madaniy tadbirlar uchun xarajat qiladi. Demak, bu yo‘nalish xizmatlar zanjirini bir vaqtning o‘zida bir nechta kichik biznes subyektlari foydasiga ishlatadi.

Vazirlar Mahkamasining 217-son qarorida Navoiy viloyati bo‘yicha turizm obyektlari va dam olish joylarini tashkil qilish, turizm infratuzilmasini rivojlantirish bo‘yicha 84 ta obyekt, turistlar sonini oshirish bo‘yicha jami 2 298,0 ming kishi ko‘rsatkichi belgilangan. Shundan 80,6 ming kishi xorijiy turistlar, 2 217,4 ming kishi esa ichki turizm hisobiga to‘g‘ri keladi[50].


Jadval 3.

Navoiy viloyatida turizm infratuzilmasi va turistlar oqimi bo‘yicha maqsadli ko‘rsatkichlar

T/r	Ko‘rsatkich	O‘lchov birligi	Jami	Kreativ turizm uchun talqin
1	Turizm obyektlari va dam olish joylarini tashkil qilish, turizm infratuzilmasini rivojlantirish	dona	84	Kreativ tadbirlar o‘tkaziladigan maskanlar va xizmat nuqtalarini ko‘paytirish zarur
2	Turistlar sonini oshirish	ming kishi	2 298,0	Kreativ mahsulot umumiy turistik oqimni diversifikatsiya qiladi
2.1	Xorijiy turistlar	ming kishi	80,6	Sarmishsoy, Qizilqum va Nurota xalqaro ijodiy marshrutlarga ulanishi mumkin
2.2	Ichki turizm hisobiga	ming kishi	2 217,4	Oila, yoshlar va ta’lim turizmi uchun master-klass va festival paketlari ishlab chiqiladi
3	Yashil hududlarni ko‘paytirish	gektar	500	Ochiq havodagi festival, sayr va rekreatsion tadbirlar uchun qulay muhit yaratiladi

Manba: Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 27-apreldagi 217-son qarori ilovalari asosida tuzildi.

[50]O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 27-apreldagi 217-son qarori. - 2022-2026-yillarda Navoiy viloyatini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo‘yicha maqsadli ko‘rsatkichlar parametrlari, turizm obyektlari va turistlar soni ko‘rsatkichlari.



Manba: Vazirlar Mahkamasining 217-son qarori maqsadli ko‘rsatkichlari asosida muallif tomonidan tuzildi.

3-jadval va diagramma shuni ko‘rsatadiki, Navoiy viloyatida kreativ turizmning eng katta tayanch bozori ichki turizm hisoblanadi. Bu holat avvalo respublika ichidagi qisqa muddatli sayohatlar, hafta oxiri dasturlari, talabalar ekspeditsiyasi, oilaviy ijodiy dam olish va ziyorat bilan bog‘langan kreativ paketlarni ishlab chiqishni talab qiladi. Xorijiy turistlar ulushi nisbatan kichik bo‘lsa-da, u yuqori qiymatli mahsulotlar - foto-tur, cho‘l safari, etno-kecha, tarixiy hikoya va hunarmandchilik master-klasslari orqali xizmatlar eksportini oshirish imkonini beradi.

Jadval 4.

Navoiy viloyatida kreativ turizmni rivojlantirish bo‘yicha ustuvor yo‘nalishlar

Yo‘nalish	Amaliy mexanizm	Kutiladigan natija
Hunarmandchilik va suvenir iqtisodiyoti	Nurota, Navoiy shahri va turistik maskanlar atrofida ijodiy ustaxonalar, mahalliy mahsulot savdosi va master-klasslarni yo‘lga qo‘yish	Mahalliy aholi daromadi oshadi, turist xarajati ko‘payadi
Sarmishsoy kreativ marshruti	Qoya rasmlari asosida tarixiy hikoya, foto-marshrut, raqamli audio-gid va talabalar ekspeditsiyasini tashkil etish	Obyektning ilmiy-ma’rifiy va turistik qiymati ortadi
Cho‘l madaniyati va etnoturizm	Yurt lager, milliy taomlar, folklor kechasi, tuya safari, xalq o‘yinlari va mahalliy hayot tajribasini paketlash	Qizilqum landshafti noyob turistik mahsulotga aylanadi
Festival va tadbir turizmi	“Navoiy kreativ haftaligi”, gastronomik kunlar, cho‘l foto-festivali va yoshlar ijodiy lagerlarini o‘tkazish	Mavsumiylik yumshaydi, hudud brendi kuchayadi
Raqamli targ‘ibot	QR-kodli ma’lumotlar, elektron xarita, ijtimoiy tarmoq kontenti, onlayn bronlash va raqamli to‘lovlarni kengaytirish	Sayyoh uchun qulaylik oshadi, xizmat sifati nazorat qilinadi

Manba: tadqiqot natijalari asosida muallif tomonidan tuzildi.

Kreativ turizmni rivojlantirishda eng muhim masala - resursni mahsulotga aylantirishdir. Masalan, qoya rasmlari o‘z holicha tarixiy meros bo‘lsa, unga audio-gid, foto-nuqta, ilmiy hikoya, suvenir, tematik yo‘l ko‘rsatkich, mahalliy gid va raqamli xarita qo‘shilganda u to‘liq turistik mahsulotga aylanadi. Xuddi shuningdek, hunarmandchilik buyumi faqat savdo mahsuloti emas, balki sayyoh o‘zi ishtirok etadigan ijodiy jarayonga aylantirilsa, uning iqtisodiy qiymati oshadi.

Navoiy viloyatida kreativ turizmni rivojlantirish uchun hududiy klaster yondashuvi maqsadga muvofiq. Bunda Navoiy shahri transport va xizmatlar markazi, Sarmishsoy madaniy-kreativ markaz, Nurota ziyorat va hunarmandchilik markazi, Qizilqum cho‘l tajribasi zonasi, Aydarko‘l va To‘dako‘l esa rekreatsion hamda gastronomik tadbirlar hududi sifatida bog‘lanadi. Ushbu model turistik oqimni bitta obyektga jamlamasdan, xizmatlar va daromadni bir nechta hududga taqsimlaydi.

Xulosa va takliflar

Navoiy viloyatida kreativ turizmni rivojlantirish uchun yetarli tabiiy, madaniy va iqtisodiy baza mavjud. Sarmishsoy, Nurota, Qizilqum, Aydarko‘l, To‘dako‘l, mahalliy hunarmandchilik va folklor resurslari birgalikda viloyatning noyob turistik qiyofasini shakllantiradi. Rasmiy ko‘rsatkichlar viloyatda xizmatlar sohasi kengayib borayotganini, turizm infratuzilmasi bo‘yicha aniq maqsadlar belgilanganini va ichki turizm kreativ mahsulotlar uchun eng katta bozor ekanini ko‘rsatadi.

Birinchidan, Sarmishsoy, Nurota va Qizilqum asosida “Navoiy kreativ turizm halqasi” marshrutini ishlab chiqish zarur. Ikkinchidan, hunarmandchilik va mahalliy gastronomiyani master-klasslar orqali turistik paketlarga kiritish lozim. Uchinchidan, ichki turizm segmenti uchun hafta oxiri kreativ dasturlari, talabalar ekspeditsiyasi va oilaviy ijodiy dam olish paketlari shakllantirilishi kerak. To‘rtinchidan, xorijiy turistlar uchun cho‘l safari, foto-tur, etno-kecha va madaniy hikoya asosidagi yuqori qiymatli mahsulotlar xalqaro platformalarda targ‘ib qilinishi maqsadga muvofiq. Beshinchidan, barcha asosiy obyektlarda QR-kodli ma’lumot, elektron xarita, onlayn bronlash, raqamli to‘lov va sifat monitoringi tizimlarini joriy etish kreativ turizmning amaliy samaradorligini oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Hayitboyev R. O‘zbekistonning cho‘llarida turizmni rivojlantirish istiqbollari. Monografiya. - Samarqand: SamISI, 2018. - 144 b.

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 27-apreldagi 217-son qarori. 2022-2026-yillarda Navoiy viloyati hududlarini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va aholi turmush darajasini yanada yaxshilashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida. - Toshkent, 2022. - Lex.uz.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentyabrdagi PF-158-son Farmoni. “O‘zbekiston - 2030” strategiyasi to‘g‘risida. - Toshkent, 2023. - Lex.uz.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 16-fevraldagi PF-21-son Farmoni. Mamlakat taraqqiyotining 2030-yilgacha mo‘ljallangan ustuvor

yo‘nalishlari doirasida islohotlarni izchil davom ettirish va yangi bosqichga olib chiqishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida. - Toshkent, 2026.

5. O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi. O‘zbekiston Respublikasida xizmatlar sohasining asosiy ko‘rsatkichlari. 2025-yil yanvar-dekabr. Press-reliz. - Toshkent, 2026.

6. Richards G., Raymond C. Creative Tourism. // ATLAS News. - Tilburg, 2000. - №23. - B. 16-20.

7. UN Tourism. Tourism and Culture Synergies. - Madrid: World Tourism Organization, 2018.

Исхакова С.А.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
рақамли иқтисодиёт кафедраси доценти, PhD
e-mail:isarvar@yandex.ru
тел:(+998)90-227-22-74

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълим хизматларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг назарий-услубий жиҳатлари тадқиқ этилган. Ўзбекистонда талабалар ва профессор-ўқитувчилар сони динамикаси таҳлил қилиниб, таълим хизматлари кўлами билан уларнинг натижадорлиги ўртасидаги фарқ асосланган. Таълим натижалари, ресурслардан фойдаланиш, битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги ҳолати ва ижтимоий инклюзивликни қамраб олувчи комплекс баҳолаш ёндашуви таклиф этилган.

Калит сўзлар: олий таълим хизматлари, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик, рақамли иқтисодиёт, инсон капитали, таълим сифати, интеграл баҳолаш, меҳнат бозори.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОЦЕНКИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ УСЛУГ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация. В статье исследованы теоретико-методические аспекты оценки социально-экономической эффективности услуг высшего образования в условиях цифровой экономики. Проанализирована динамика численности студентов и профессорско-преподавательского состава в Узбекистане, обосновано различие между масштабами предоставления образовательных

услуг и их результативностью. Предложен комплексный подход к оценке, охватывающий результаты образовательной деятельности, эффективность использования ресурсов, положение выпускников на рынке труда и социальную инклюзивность.

Ключевые слова: услуги высшего образования, социально-экономическая эффективность, цифровая экономика, человеческий капитал, качество образования, интегральная оценка, рынок труда.

IMPROVING THE ASSESSMENT OF THE SOCIO-ECONOMIC EFFICIENCY OF HIGHER EDUCATION SERVICES IN THE DIGITAL ECONOMY

Annotation. The article examines the theoretical and methodological aspects of assessing the socio-economic efficiency of higher education services in the context of the digital economy. The dynamics of student enrollment and the number of academic staff in Uzbekistan are analyzed, and the distinction between the scale of educational service provision and its effectiveness is substantiated. A comprehensive assessment approach is proposed, encompassing educational outcomes, resource utilization efficiency, graduates' labor market outcomes, and social inclusion.

Keywords: higher education services, socio-economic efficiency, digital economy, human capital, education quality, integrated assessment, labor market.

Жаҳон иқтисодиётида билимлар, инновациялар ва рақамли технологияларнинг аҳамияти ортиб бораётган шароитда олий таълим инсон капиталини шакллантириш ва иқтисодиётни малакали мутахассислар билан таъминлашнинг муҳим институционал бўғинига айланмоқда. Шу сабабли таълим хизматларини фақат талабалар сони билан эмас, балки уларнинг иқтисодий ва ижтимоий натижалари асосида баҳолаш зарурати кучаймоқда.

Ўзбекистонда олий таълим қамровининг кенгайиши ижобий таркибий ўзгариш бўлса-да, талабалар сонининг ўсиши ўз-ўзидан таълим сифати ёки ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ошганлигини исботламайди. Якуний натижа билим ва компетенциялар, меҳнат бозоридаги рақобатбардошлик, бандлик ҳамда таълимга йўналтирилган харажатларнинг натижадорлиги билан ҳам белгиланади. Рақамли платформалардаги маълумотлар таълим фаолиятини мониторинг қилиш имконини беради. Бироқ тизимга киришлар ёки электрон топшириқлар сонини самарадорликнинг якуний мезони деб қабул қилиш тўғри эмас. Рақамли маълумотлар бошқарув қарорларига хизмат қиладиган иқтисодий мазмунли кўрсаткичларга айлантирилиши лозим. Тадқиқотнинг мақсади олий таълим хизматларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун таълим натижалари, ресурслар, меҳнат бозори ва ижтимоий очиқликни ўзаро боғловчи комплекс услубий ёндашувни таклиф этишдан иборат.

Мазкур масаланинг назарий асосларини аниқлашда, аввало, инсон капитали концепциясига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Т. Шульц таълим харажатларини инсоннинг ишлаб чиқариш қобилиятини оширадиган инвестиция сифатида талқин этган.[51] Г. Беккер таълимга инвестицияларнинг келгусидаги иқтисодий қайтимига эътибор қаратган.[52] Ушбу ёндашувлар таълим хизматлари натижасини фақат жорий харажатлар билан чекламасдан, инсон капиталидаги ўзгаришлар орқали ҳам баҳолаш зарурлигини кўрсатади.

Э. Ханушек ва Л. Вёссман таълимнинг иқтисодий натижаларида билим ва когнитив кўникмалар сифатининг аҳамиятини асослаган.[53] Шу нуқтаи назардан, олий таълим қамровининг кенгайиши билан таълим натижадорлигини бир-биридан фарқлаш муҳимдир.

Ўзбекистонлик иқтисодчилар тадқиқотларида ҳам олий таълим самарадорлигининг турли қирралари ёритилган. Ш. Холмуминов давлат олий таълим муассасаларининг молиявий самарадорлигини ресурсларга боғлиқлик назарияси ва панель маълумотлар асосида таҳлил қилган. К. Абдукадирова олий таълим хизматлари бозорида рақобат ривожланишининг хусусиятларини тадқиқ этган.[54] М. Қаюмова, С. Билан ва Б. Тагаев университетларнинг илмий натижадорлигига академик салоҳият ва институционал самарадорлик таъсирини баҳолаган.[55] Ушбу ишлар ресурслар, рақобат, бошқарув ва илмий натижаларнинг аҳамиятини очиб беради. Мазкур мақолада эса таълим натижаси, битирувчилар бандлиги, бир битирувчига харажат ва ижтимоий очиқликни биргаликда мониторинг қилишга мўлжалланган кўрсаткичлар тизими таклиф этилади. Ушбу назарий қарашлар ва маҳаллий тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, тадқиқотда расмий статистиканинг қиёсий таҳлили, нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш, тизимли ёндашув ва интеграл баҳолаш усулларидан фойдаланилди. 2020/2021–2024/2025 ўқув йиллари учун бир хил даврдаги талабалар ва профессор-ўқитувчилар маълумотлари олинди.[56] Таклиф этилган модель концептуал хусусиятга эга ва алоҳида олий таълим муассасалари маълумотлари асосида синовдан ўтказилиши лозим.

Танланган услубий ёндашувни Ўзбекистон олий таълим тизимидаги таркибий ўзгаришлар мисолида кўриб чиқиш муҳимдир. Ўзбекистонда олий таълим хизматлари кўламининг кенгайиши кадрлар ресурслари билан таъминланганлик динамикасини таҳлил қилишни талаб этади. Расмий маълумотлар асосида ҳисобланган асосий кўрсаткичлар 1-жадвалда келтирилган.

---

[51] Schultz T. W. Investment in Human Capital // The American Economic Review. 1961. Vol. 51, No. 1. P. 1–17.

[52] Becker G. S. Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education. 3rd ed. Chicago: University of Chicago Press, 1993.

[53] Hanushek E. A., Woessmann L. The Role of Cognitive Skills in Economic Development // Journal of Economic Literature. 2008. Vol. 46, No. 3. P. 607–668.

[54] Abdukadirova K. A. Features of the Development of Competition in the Market of Higher Education Services of the Republic of Uzbekistan // Labor Economics and Human Capital. 2025. Vol. 4, No. 2. P. 66–73.

[55] Qayumova M., Bilan S., Tagaev B. Institutional Efficiency and Research Productivity in Transitional Higher Education Systems: Panel Evidence from Uzbekistan // European Journal of Interdisciplinary Studies. 2025. Vol. 17, No. 2. P. 61–72.

[56] Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари. https://stat.uz.

1-жадвал.

Ўзбекистон олий таълим тизимининг асосий кўрсаткичлари[57]

Кўрсаткич	2020/2021	2024/2025	Ўзгариш
Талабалар, минг нафар	571,5	1 432,8	+150,7%
Профессор-ўқитувчилар, минг нафар	32,1	49,6	+54,5%
Бир ўқитувчига талабалар, нафар	17,8	28,9	+62,3%

2020/2021–2024/2025 ўқув йилларида талабалар сони 861,3 минг нафарга, профессор-ўқитувчилар сони эса 17,5 минг нафарга кўпайган. Бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар нисбати 17,8 дан 28,9 нафарга етган. Мазкур нисбатнинг ўсиши кадрлар ресурсларидан фойдаланиш интенсивлиги ошганини кўрсатади, аммо таълим сифати пасайгани ёки иқтисодий самарадорлик ошганини мустақил равишда исботламайди.

Талабалар сони ва профессор-ўқитувчилар сони нисбатини талқин қилишда таълим шакллари, ўқув юкламаси, ўриндошлар иштироки ва таълим дастурлари хусусиятлари ҳисобга олиниши зарур.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025/2026 ўқув йили бошида талабалар сони 1 535,0 минг нафарни ташкил этган; бу олдинги ўқув йилига нисбатан 102,2 минг нафар ёки 7,1 фоиз кўпдир.[58] Бу маълумот хизматлар кўлами кенгайишини тасдиқлайди, аммо натижавий самарадорликни баҳолаш учун қўшимча мезонлар зарур.

Шу муносабат билан баҳолаш тизимида тўртта ўзаро боғлиқ йўналишни қамраб олиш таклиф этилади (2-жадвал).

2-жадвал.

Олий таълим хизматлари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари[59]

Йўналиш	Кўрсаткич	Маълумот манбаи
Таълим натижаси	Дастлабки ва якуний мустақил баҳолаш фарқи	Тест ва баҳолаш рубрикалари
Иқтисодий натижа	Бир муваффақиятли битирувчига харажат	Битирувчилар гуруҳи ва молиявий ҳисоб
Меҳнат бозори	12 ойдаги бандлик ва касбий мувофиқлик	Битирувчилар мониторинги
Ижтимоий очиқлик	Гуруҳлар кесимида ўқишни тугатиш тафовути	Талабалар реестри

Иқтисодий натижани баҳолашда бир муваффақиятли битирувчига харажат муайян қабул гуруҳига сарфланган жами харажатларни шу гуруҳдан дастурни тугатганлар сонига бўлиш орқали аниқланади. Бир йиллик

[57] Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.
[58] Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари. https://stat.uz.
[59] Муаллиф ишланмаси.

харажатни шу йилдаги барча битирувчиларга механик нисбатлаш турли қабул даврларини аралаштириши мумкин.

Меҳнат бозори натижаларида фақат бандлик эмас, касбий мувофиқлик ҳам ҳисобга олиниши керак. Ижтимоий очиқлик эса турли ижтимоий гуруҳлар бўйича таълимни муваффақиятли якунлашдаги тафовутлар орқали таҳлил қилиниши мумкин; бунда маълумотлар махфийлиги таъминланади.

Келтирилган йўналишларни ўзаро таққослаш ва умумлаштириш учун Турли ўлчов бирликларига эга кўрсаткичларни ягона шкалага келтириш орқали интеграл баҳолашни амалга ошириш мумкин:

$$\mathbf{I_{SE} = \Sigma\ (w_j \times z_j)}$$

бу ерда:

I_{SE} — интеграл ижтимоий-иқтисодий самарадорлик индекси;

z_j — нормаллаштирилган кўрсаткич;

w_j — унинг вазни.

Вазнлар манфий бўлмайди ва йиғиндиси бирга тенг. Ижобий йўналишли кўрсаткичлар учун $z=(x-xmin)/(xmax-xmin)$, тескари йўналишли кўрсаткичлар учун $z=(xmax-x)/(xmax-xmin)$ қўлланади. $xmax=xmin$ бўлганда кўрсаткич фарқлаш қобилиятига эга эмас ва махсус тартибда кўриб чиқилади.

Дастлаб тенг вазнли баҳолаш, сўнг эксперт баҳоларига асосланган муқобил вазнлар билан сезгирлик таҳлили ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Интеграл индекс алоҳида йўналишлар бўйича паст натижаларни яширмаслиги учун ҳар бир таркибий кўрсаткич ҳам мустақил эълон қилиниши лозим.

Моделни амалиётга жорий этиш учун кўрсаткичлар паспортини ишлаб чиқиш, талабалар реестри, таълим платформаси, молиявий ҳисоб ва битирувчилар мониторинги маълумотларини мувофиқлаштириш талаб этилади. HEMIS маълумотларидан фойдаланиш техник ва ҳуқуқий шартларга мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Дастлаб бир ёки икки таълим дастурида пилот баҳолаш ўтказилиб, маълумотлар тўлиқлиги, ҳисоблаш қоидалари ва натижаларнинг бошқарув қарорларига таъсири текширилиши лозим. Электрон ҳисобот туфайли вақт тежалиши бюджет маблағлари тежалиши билан айнан бир хил эмас; лицензия, техник қўллаб-қувватлаш ва ходимларни тайёрлаш харажатлари ҳам ҳисобга олинади. Муаллифлик таклифи мавжуд интеграл индекс формуласининг янгилигида эмас, балки олий таълим хизматлари учун тўрт натижавий йўналишни, когорта бўйича харажат ҳисобини ва рақамли маълумотлар манбаларини ягона мониторинг тартибида мувофиқлаштиришдадир. Бунда вазнлар ва нормаллаштириш чегаралари олдиндан белгиланиб, йўналишлар бўйича алоҳида натижалар ҳам эълон қилиниши лозим.

Таклифнинг илмий-услубий аҳамияти рақамли фаоллик кўрсаткичларини якуний самарадорлик билан тенглаштирмасдан, таълим, иқтисодий, меҳнат бозори ва ижтимоий натижаларни ягона баҳолаш мантиғига бирлаштиришдадир. Ушбу ёндашувнинг афзалликлари амалда тасдиқланиши учун эмпирик апробация зарур.

Шундай қилиб, ўтказилган назарий ва статистик таҳлил ҳамда таклиф этилган баҳолаш ёндашуви асосида қуйидаги умумлашмаларни келтириш

мумкин. Таҳлил натижалари олий таълим қамровининг кенгайиши таълим хизматлари самарадорлигини натижа ва ресурслар ўртасидаги боғлиқлик асосида баҳолаш заруратини кучайтиришини кўрсатди. Талабалар сонининг профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан тез ўсиши ресурслардан фойдаланиш интенсивлиги ўзгарганини кўрсатади, аммо таълим сифати ҳақида мустақил хулоса беришга асос бўлмайди.

Олий таълим хизматларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таълим натижадорлиги, бир муваффақиятли битирувчига харажат, меҳнат бозорига мослашув ва ижтимоий очиқлик кўрсаткичлари асосида комплекс баҳолаш таклиф этилди. Интеграл индекс бошқарув таҳлилини қўллаб-қувватловчи восита бўлиб, уни қўллашдан олдин кўрсаткичлар сифатини текшириш, вазнлар сезгирлигини баҳолаш ва эмпирик синов ўтказиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Schultz T. W. Investment in Human Capital // The American Economic Review. 1961. Vol. 51, No. 1. P. 1–17.

2. Becker G. S. Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education. 3rd ed. Chicago: University of Chicago Press, 1993.

3. Hanushek E. A., Woessmann L. The Role of Cognitive Skills in Economic Development // Journal of Economic Literature. 2008. Vol. 46, No. 3. P. 607–668.

4. Холмуминов Ш.Ш. Анализ финансовой эффективности государственных вузов // Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил. 2023. С. 92–100. DOI: 10.71337/inlibrary.uz.eitt.44775.

5. Abdukadirova K. A. Features of the Development of Competition in the Market of Higher Education Services of the Republic of Uzbekistan // Labor Economics and Human Capital. 2025. Vol. 4, No. 2. P. 66–73. DOI: 10.67668/LEHC/vol4iss2/28.

6. Qayumova M., Bilan S., Tagaev B. Institutional Efficiency and Research Productivity in Transitional Higher Education Systems: Panel Evidence from Uzbekistan // European Journal of Interdisciplinary Studies. 2025. Vol. 17, No. 2. P. 61–72. DOI: 10.24818/ejis.2025.14.

7. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. https://stat.uz.

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISH SOHASINI RIVOJLANTIRISH ORQALI KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH YO'LLARI

Umirzoqova Muxabbat Ismatjon qizi
Samarqand iqtisodiyot va servis institut
PhD v.b.dotsent
моб:+9989933576799
mumirzoqova@mail.ru

Annotatsiya. Mazkur tadqiqotda raqamli iqtisodiyot sharoitida qishloq joylarda xizmatlar sohasini rivojlantirish orqali kambag'allikni qisqartirish mexanizmlari o'rganilgan. Raqamli infratuzilma, inson kapitali va moliyaviy inkluziyaning o'zaro

bog‘liqligini tahlil qilinib, qishloq xizmatlarini raqamli transformatsiya qilish yo‘nalishlari aniqlangan. Tadqiqot yakunida raqamli xizmatlar ekotizimga asoslangan mualliflik yondashuvi va amaliy takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, kambag‘allikni qisqartirish, qishloq hududlari, xizmatlar bozori, raqamli inklyuziya, inson kapitali.

Сокращение бедности посредством развития сферы услуг в условиях цифровой экономики

Умирзоқова Мухаббат Исматжон қизи
Самаркандский институт экономика и сервис
PhD, и.о. доцент

Аннотация. В данном исследовании изучены механизмы сокращения бедности посредством развития сферы услуг в сельской местности в условиях цифровой экономики. Проанализирована взаимосвязь цифровой инфраструктуры, человеческого капитала и финансовой инклюзии, определены направления цифровой трансформации сельских услуг. По результатам исследования разработаны авторский подход, основанный на экосистеме цифровых услуг, и практические предложения по его реализации.

Ключевые слова: цифровая экономика, сокращение бедности, сельские территории, рынок услуг, цифровая инклюзия, человеческий капитал.

Poverty Reduction through the Development of the Service Sector in the Digital Economy

Umirzoqova Mukhabbat Ismatjon qizi
Samarkand Institute of Economics and Service,
PhD, Acting Associate Professor

Abstract. This study examines the mechanisms of poverty reduction through the development of the service sector in rural areas in the digital economy. The interrelation of digital infrastructure, human capital and financial inclusion is analysed, directions for the digital transformation of rural services are identified, and practical proposals are developed.

Keywords: digital economy, poverty reduction, rural areas, services market, digital inclusion, human capital.

Kirish

Raqamli transformatsiya sharoitida kambag‘allikni qisqartirish mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishidagi ustuvor vazifalardan biridir. Ushbu jarayon nafaqat aholi daromadlarini oshirish, balki munosib bandlik, sifatli ta’lim, tibbiyot va moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirishni ham talab etadi. Ayniqsa, qishloq hududlarida xizmatlar bozorining yetarlicha diversifikatsiyalanmagani va infratuzilma imkoniyatlarining cheklanganligi kambag‘allikni qisqartirishga ta’sir ko‘rsatadi.

O‘zbekistonda kambag‘allik darajasi 2021-yildagi 17 foizdan 2024-yilda 8,9 foizgacha pasaygan, 2025-yil yakunida esa 5,8 foizni tashkil etgan [1]. 2025-yilda qishloq hududlarida bu ko‘rsatkich 6,4 foiz, shaharlarda esa 5,2 foiz bo‘lgan [2]. Bu holat qishloq joylarda iqtisodiy imkoniyatlarni kengaytirish va xizmatlar sohasini rivojlantirish zarurligini ko‘rsatadi. “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasi (PF-6079) iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohani raqamlashtirishning muhim yo‘nalishlarini belgilab berdi [3].

Raqamli iqtisodiyot sharoitida elektron platformalar, mobil ilovalar va raqamli to‘lov tizimlari xizmatlarni ishlab chiqarish hamda iste’mol qilish jarayonlarini takomillashtiradi. Bu markazlardan uzoqda joylashgan qishloq hududlari uchun yangi bozor imkoniyatlarini yuzaga keltiradi. Xizmatlar sohasini rivojlantirish orqali kambag‘allikni qisqartirish uchta mexanizmga tayanadi: birinchidan, yangi tadbirkorlik subyektlari va ish o‘rinlari tashkil etilib, bandlik oshadi; ikkinchidan, raqamli platformalar orqali mahsulot va xizmatlarni sotish imkoniyatlari kengayadi; uchinchidan, ta’lim, tibbiyot va moliyaviy xizmatlardan foydalanish yaxshilanib, inson kapitali rivojlanadi.

Qishloq xizmatlari rivojlanishidagi birinchi muammo – raqamli infratuzilmaning hududlar bo‘yicha notekisligi. Milliy statistika qo‘mitasi ma’lumotlariga ko‘ra, 2025-yil yanvar–avgust oylarida aholining internetdan foydalanish darajasi 94,2 foizga yetgan [4], biroq umumrespublika ko‘rsatkichi hududlar o‘rtasidagi sifat tafovutlarini to‘liq ifodalamaydi. Ikkinchi muammo – kichik tadbirkorlarning elektron savdo, onlayn reklama va raqamli boshqaruv bo‘yicha amaliy ko‘nikmalari yetarli emasligi. Uchinchi muammo – kredit, sug‘urta va naqdsiz to‘lov xizmatlaridan foydalanishdagi to‘siqlar hamda qishloq xo‘jaligiga mavsumiy bog‘liqlik bandlik va daromadlar barqarorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

Birinchidan, elektron savdo va raqamli marketing qishloq tadbirkorlarining mahsulot va xizmatlarini kengroq bozorlarga olib chiqish imkonini beradi hamda sotish xarajatlarini kamaytiradi. Ikkinchidan, agroturizm va qishloq turizmi raqamli bronlash tizimlari, elektron xaritalar va ijtimoiy tarmoqlar orqali qo‘shimcha daromad manbalarini yaratadi; bu jarayonga oilaviy tadbirkorlik subyektlari, ayollar va yoshlarni jalb etish bandlikni kengaytiradi. Uchinchidan, raqamli moliyaviy xizmatlar (mobil bank, elektron hamyon) moliyaviy operatsiyalarni soddalashtiradi, buning uchun aholining moliyaviy savodxonligini oshirish ham zarur. To‘rtinchidan, masofaviy ta’lim va telemeditsina olis hududlarda inson kapitalini rivojlantiradi. Beshinchidan, davlat xizmatlarini raqamlashtirish aholining vaqt va transport xarajatlarini kamaytiradi.

2026-yil 16-fevraldagi PF-22-son Farmonda mahallalarda ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish loyihalarini kengaytirish, yangi ish o‘rinlarini yaratish hamda kambag‘allik va ishsizlikdan xoli mahallalar sonini ko‘paytirish vazifalari

belgilangan [5]. Bu qishloq xizmatlari bozorini rivojlantirish uchun muhim institutsional asos yaratadi.

Xulosa va takliflar

Raqamli iqtisodiyot sharoitida qishloq joylarda xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirish yangi daromad manbalarini shakllantirish, bandlikni kengaytirish va ijtimoiy xizmatlardan foydalanishni yaxshilashga xizmat qiladi. Quyidagi takliflar ishlab chiqildi:

- raqamli infratuzilmani mahallalarda xizmatlarga talab va tadbirkorlik imkoniyatlarini baholash asosida rivojlantirish;
- qishloq tadbirkorlari uchun reklama, buyurtma, elektron to‘lov va yetkazib berishni birlashtiruvchi yagona elektron xizmatlar platformasini shakllantirish;
- raqamli agroturizmni rivojlantirish: turistik resurslarni elektron xaritalarga joylashtirish, mehmon uylarini onlayn bronlash;
- mahallalarda elektron savdo, mobil bank va masofaviy ishlash bo‘yicha amaliy o‘quv kurslarini tashkil etish;
- kambag‘al oilalar a’zolarini kasbiy tayyorlash, startap va mikromoliyalashtirish orqali raqamli xizmatlar bozoriga jalb etish;
- samaradorlikni yangi ish o‘rinlari, daromadlar, tadbirkorlik subyektlari soni va kambag‘allik darajasidagi o‘zgarish indikatorlari bilan baholash.

Mazkur takliflarni amalga oshirish qishloq hududlarida xizmatlar bozorining raqobatbardoshligini oshirish va kambag‘allikni qisqartirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi. Kambag‘allik darajasi bo‘yicha rasmiy statistik ma’lumotlar, 2021–2025-yillar. https://siat.stat.uz/data/3495/
2. O‘zbekiston Respublikasi Hukumati. 2025-yil yakunlari: 302 ming oila kambag‘allikdan chiqdi. 2026-yil 2-yanvar. https://gov.uz/oz/mj/news/view/142157
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi PF-6079-son Farmoni. “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida. https://www.lex.uz/docs/-5030957
4. O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi. 2025-yil yanvar–avgust oylarida aholining internetdan foydalanish ko‘rsatkichi. 29.09.2025. https://stat.uz/en/press-center/news-of-committee/64213
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 16-fevraldagi PF-22-son Farmoni. https://www.lex.uz/acts/-8050787

KICHIK BIZNES SUBYEKTLARIDA MEHNAT MUNOSABATLARINI RASMIYLASHTIRISH INSON KAPITALIGA INVESTITSIYALARNI RAG‘BATLANTIRISH OMILI SIFATIDA

Ulug‘muradova Nodira Berdimuradovna
Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti dotsenti
nodi_79.79@mail.ru
+99891-530-79-79

Annotatsiya. *Tezisda kichik biznes subyektlarida norasmiy bandlik va inson kapitaliga investitsiyalar darajasi o‘rtasidagi bog‘liqlik tahlil qilingan. Rasmiylashtirilmagan mehnat munosabatlari ish beruvchining xodim malakasini oshirishga bo‘lgan qiziqishini pasaytirishi asoslab berilgan hamda mehnat shartnomasini rasmiylashtirishni kasbiy o‘qitish xarajatlarini rag‘batlantirish bilan bog‘lovchi mexanizm taklif etilgan.*

Kalit so‘zlar: *kichik biznes, inson kapitali, mehnat munosabatlari, norasmiy bandlik, mehnat shartnomasi, kasbiy o‘qitish, malaka oshirish.*

Аннотация. *В диссертации анализируется взаимосвязь между неформальной занятостью и уровнем инвестиций в человеческий капитал в малых предприятиях. Утверждается, что неформальные трудовые отношения снижают заинтересованность работодателя в повышении квалификации сотрудников, и предлагается механизм, связывающий формализацию трудового договора со стимулированием затрат на профессиональное обучение.*

Ключевые слова: *малый бизнес, человеческий капитал, трудовые отношения, неформальная занятость, трудовой договор, профессиональное обучение, повышение квалификации.*

Abstract. *This paper analyzes the relationship between informal employment and the level of investment in human capital within small business entities. It is argued that informal labor relations reduce an employer's incentive to invest in enhancing employee skills; furthermore, a mechanism is proposed that links the formalization of employment contracts with incentives for covering the costs of professional training.*

Keywords: *small business, human capital, labor relations, informal employment, employment contract, professional training, skills development.*

O‘zbekistonda kichik biznes iqtisodiyotning asosiy bandlik manbai bo‘lib qolmoqda. 2025-yilda mamlakatdagi jami band aholining 74,9 foizi kichik biznes subyektlari hissasiga to‘g‘ri keldi. Ayni paytda sektorning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 2021-yildagi 56,9 foizdan 2025-yil yanvar-sentyabrida 51,5 foizga tushdi (1-jadval). Bandlikdagi ulush o‘zgarmagani holda qo‘shilgan qiymatdagi ulushning

qisqarishi kichik biznesda mehnat unumdorligi yirik korxonalarga nisbatan sekinroq o‘sayotganini ko‘rsatadi. Mehnat unumdorligining asosiy omili esa xodimlarning bilim va malakasi, ya’ni inson kapitalidir.

1-jadval

Kichik biznesning O‘zbekiston iqtisodiyotidagi ulushi, foizda

Ko‘rsatkich	**2021**	**2022**	**2023**	**2024**	**2025**
YaIMdagi ulushi	56,9	54,4	53,7	53,4	51,5*
Jami bandlikdagi ulushi	74,5	73,9	74,0	73,9	74,9

1-jadval ma’lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, 2021-2025-yillarda kichik biznesning bandlikdagi ulushi 74-75 foiz atrofida barqaror saqlangan, YaIMdagi ulushi esa to‘rt yil ichida 5,4 foiz bandga qisqargan. Ikki ko‘rsatkich o‘rtasidagi farq 2021-yildagi 17,6 foiz banddan 2025-yilda 23,4 foiz bandga kengaygan. Boshqacha aytganda, mamlakatdagi har to‘rtta band kishidan uchtasi kichik biznesda ishlaydi, lekin ular yaratayotgan qo‘shilgan qiymat iqtisodiyotning yarmiga ham yetmay qolmoqda. Bu farq kichik biznesda bir xodimga to‘g‘ri keladigan qo‘shilgan qiymat iqtisodiyot bo‘yicha o‘rtacha darajadan sezilarli past ekanini bildiradi. Shu bilan birga, sektor investitsiyalar bo‘yicha faol: 2025-yil yanvar–sentyabrida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning 60,9 foizi kichik biznes hissasiga to‘g‘ri kelgan. Demak, mehnat unumdorligining sekin o‘sishini faqat moddiy kapital yetishmasligi bilan izohlab bo‘lmaydi, moddiy kapital bilan birga xodimlarning malakasi ham o‘sishi zarur.

Kichik biznes subyektlarining tarkibi ham inson kapitalini rivojlantirish imkoniyatlariga bevosita ta’sir ko‘rsatadi (2-jadval).

2-jadval

Faoliyat yuritayotgan kichik biznes subyektlarining tarkibi (2025-yil 1-oktabr holatiga)

Subyektlar turi	**Soni, ming birlik**	**Ulushi, foizda**
Kichik korxonalar va mikrofirmalar	479,0	39,5
Yakka tartibdagi tadbirkorlar	281,9	23,3
Dehqon xo‘jaliklari	422,3	34,8
Boshqa subyektlar	28,8	2,4
Jami	**1212,0**	**100,0**

2-jadvaldan ko‘rinadiki, kichik biznes subyektlarining 58,1 foizini yakka tartibdagi tadbirkorlar va dehqon xo‘jaliklari tashkil etadi. Bu subyektlarda yollanma mehnat, odatda, oila a’zolari, qarindoshlar yoki mavsumiy ishchilar hisobidan shakllanadi va ko‘p hollarda yozma shartnomasiz amalga oshiriladi. Ularda kadrlar bo‘limi, o‘qitish rejasi yoki malaka oshirish byudjeti bo‘lmaydi, xodimning bilim va ko‘nikmasi esa faqat ish jarayonida, ustozdan shogirdga o‘tish

yo‘li bilan shakllanadi. Kichik korxonalar va mikrofirmalar ulushi 39,5 foiz bo‘lsa-da, ularning ham aksariyati bir necha xodimdan iborat bo‘lib, xodimni o‘qitishga ajratilgan har bir kun ishlab chiqarishdan to‘g‘ridan-to‘g‘ri yo‘qotish sifatida qabul qilinadi. Shu sababli kichik biznes uchun ishlab chiqilgan inson kapitalini rivojlantirish choralari yirik korxonalar uchun mo‘ljallangan dasturlarni oddiy ko‘chirishdan iborat bo‘lmasligi, sektorning ana shu tarkibiy xususiyatini hisobga olishi lozim.

Kichik biznesda inson kapitalini rivojlantirishga to‘sqinlik qiluvchi asosiy omil mehnat munosabatlarining norasmiy shaklda saqlanib qolayotganidir. BMTTD tadqiqotiga ko‘ra, 2022-yilda norasmiy bandlik taxminan 41 foizni (6 mln. kishiga yaqin) tashkil etgan, xususiy sektorda ishlovchi ayollarning 61 foizi yozma mehnat shartnomasisiz faoliyat yuritgan. Ish beruvchilar norasmiy yollashning asosiy sababi sifatida ijtimoiy to‘lovlar yukini va rasmiylashtirish bilan bog‘liq ma’muriy xarajatlarni ko‘rsatadi.

Inson kapitali tushunchasini iqtisodiyot faniga kiritgan T.Shults ta’lim va malakaga sarflangan mablag‘larni iste’mol emas, kelgusida daromad keltiradigan investitsiya sifatida talqin qilgan. Bu yondashuv kichik biznes uchun alohida ahamiyatga ega: kichik korxonada har bir xodimning hissasi yirik korxonadagiga nisbatan ancha katta, bitta malakali xodimning ketishi yoki malakasining yetishmasligi butun korxona faoliyatiga sezilarli ta’sir qiladi. Shu bilan birga, investitsiya bo‘lgani uchun inson kapitaliga sarflangan mablag‘ ham boshqa investitsiyalar singari qaytimni kafolatlovchi institutsional shartlarni talab qiladi. Mehnat munosabatlarida bunday shart vazifasini mehnat shartnomasi bajaradi.

G.Bekkerning inson kapitali nazariyasiga ko‘ra, ish beruvchi xodimning umumiy malakasiga emas, faqat korxonaga xos malakasiga sarmoya kiritishga moyil, chunki umumiy malakaga ega xodim boshqa korxonaga o‘tib ketishi mumkin. Norasmiy mehnat munosabatlarida bu muammo yanada keskinlashadi. Yozma shartnoma bo‘lmasa, xodimning ishdan ketishi hech qanday shart bilan cheklanmaydi, ish beruvchi esa o‘qitish xarajatlarini qaytarish yoki xodimni muayyan muddat ushlab qolish imkoniyatiga ega bo‘lmaydi. Natijada kichik korxona xodimni o‘qitish o‘rniga tayyor malakali xodimni izlashga yoki past malakali mehnatdan foydalanishga majbur bo‘ladi. Xodim tomonida esa rasmiy mehnat stajining yo‘qligi uning malakasi rasmiy hujjat bilan tasdiqlanmasligiga, kredit va ijtimoiy himoyadan foydalanish imkoniyatining cheklanishiga olib keladi. Shunday qilib, norasmiylik ikki tomonlama ravishda inson kapitaliga investitsiyalarni kamaytiradi.

Mehnat kodeksida o‘qitish xarajatlarini qoplash to‘g‘risidagi shartlarni mehnat shartnomasiga kiritish imkoniyati nazarda tutilgan. Ammo bu norma faqat rasmiylashtirilgan mehnat munosabatlarida amal qiladi. Demak, mehnat

shartnomasini rasmiylashtirish ish beruvchi uchun nafaqat majburiyat, balki xodimga kiritilgan sarmoyani himoya qilish vositasi hamdir. Kichik biznes uchun ushbu afzallikni amalda his qilinadigan rag‘batga aylantirish zarur.

So‘nggi yillarda mamlakatda mehnat munosabatlarini rasmiylashtirish bo‘yicha muhim qadamlar qo‘yildi. Jumladan, o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarni ro‘yxatdan o‘tkazishning soddalashtirilgan tartibi joriy etildi va 2025-yil yanvar holatiga ularning soni 4,4 mln. kishiga yetdi. Biroq bu shakl xodimning o‘zini ijtimoiy himoya tizimiga kiritsa-da, ish beruvchi bilan uzoq muddatli mehnat munosabatini shakllantirmaydi va ish beruvchida xodim malakasiga sarmoya kiritish uchun rag‘bat yaratmaydi. BMTTD tadqiqotida o‘zini o‘zi band qilganlarning ro‘yxatdan o‘tishdagi asosiy maqsadi ijtimoiy himoya (64 foiz) va moliyaviy resurslardan foydalanish (37 foiz) ekani, kasbiy o‘qitish imkoniyatlari haqida esa ularning ko‘pchiligi xabardor emasligi qayd etilgan. Demak, rasmiylashtirish siyosati hozircha asosan soliq va ijtimoiy himoya maqsadlariga yo‘naltirilgan bo‘lib, uning inson kapitalini rivojlantirish bilan aloqasi yetarlicha ishlatilmayapti.

Xorijiy tajriba kichik korxonalarda xodimlarni o‘qitishni rag‘batlantirish rasmiy mehnat munosabatlariga bog‘langan holda samarali ishlashini ko‘rsatadi. Germaniyada hunarmandchilik palatalari qoshidagi korxonalararo o‘quv ustaxonalari kichik korxonalarga o‘z kuchi bilan ta’minlay olmaydigan amaliy o‘qitish qismini bajarishda yordam beradi, bunda shogird korxona bilan rasmiy o‘qish shartnomasi asosida ishlaydi. Janubiy Koreyada bandlik sug‘urtasi tizimiga badal to‘lovchi ish beruvchilarga xodimlarni o‘qitish xarajatlari qoplab beriladi, kichik va o‘rta korxonalar uchun esa qoplash darajasi yuqoriroq belgilangan. Singapurda 2020-yilda joriy etilgan SkillsFuture Enterprise Credit grantidan foydalanish uchun korxona rasmiy ro‘yxatdan o‘tgan bo‘lishi va mahalliy xodimlar uchun ijtimoiy badallar to‘lab borishi talab qilingan. Uchala tajribaning umumiy jihati shundaki, davlat qo‘llab-quvvatlovi to‘g‘ridan-to‘g‘ri rasmiy bandlikka bog‘langan, ya’ni rasmiylashtirish ish beruvchi uchun o‘qitish resurslariga kirish shartiga aylantirilgan.

Fikrimizcha, buning uchun quyidagi mexanizmni joriy etish maqsadga muvofiq:

1) xodimlarini Yagona milliy mehnat tizimi orqali rasmiy ro‘yxatdan o‘tkazgan kichik korxonalar va mikrofirmalarga ularni kasbiy o‘qitish va malaka oshirishga sarflangan xarajatlarni soliq solinadigan bazadan oshirilgan koeffitsient bilan chegirish huquqini berish;

2) rasmiy mehnat shartnomasi bo‘yicha birinchi marta ishga olingan yoshlar va ayollarni o‘qitish uchun davlat bandlikka ko‘maklashish jamg‘armasi hisobidan

malaka vaucherlarini ajratish, bunda vaucher faqat xodim mehnat shartnomasi asosida ishlayotgan korxonaga beriladi;

3) bir tarmoqdagi kichik korxonalarning tarmoq uyushmalari yoki tadbirkorlik markazlari qoshida birgalikda o‘qitish markazlarini tashkil etish, bu bitta korxonaning o‘qitish xarajatini va xodimni yo‘qotish xavfini kamaytiradi;

4) mehnat shartnomasiga kiritiladigan o‘qitish xarajatlarini qoplash shartining namunaviy shaklini ishlab chiqish va uni elektron mehnat shartnomasi shabloniga kiritish.

Taklif etilayotgan mexanizmning mantiqi shundan iboratki, rasmiylashtirishning ish beruvchi uchun qo‘shimcha xarajati inson kapitaliga investitsiyaga beriladigan imtiyoz bilan qoplanadi. Birinchi band bevosita ish beruvchiga qaratilgan: o‘qitish xarajati soliq bazasidan oshirilgan miqdorda chegirilganda, korxona xodimni o‘qitishga sarflagan mablag‘ining bir qismini soliq tejami hisobidan qaytaradi. Imtiyozni faqat rasmiy ro‘yxatdan o‘tgan xodimlarga nisbatan qo‘llash esa uni rasmiylashtirishga undovchi omilga aylantiradi. Ikkinchi band mehnat bozorida eng zaif guruhlar – yoshlar va ayollarga qaratilgan bo‘lib, ular uchun birinchi rasmiy ish joyi kasbiy malaka olish bilan birga keladi. Uchinchi band kichik korxonaning eng katta to‘sig‘i – o‘qitish xarajatining yuqoriligi va o‘qitilgan xodimni yo‘qotish xavfini bir nechta korxona o‘rtasida taqsimlaydi: tarmoq bo‘yicha birgalikda tayyorlangan xodim boshqa korxonaga o‘tsa ham, malaka shu tarmoq ichida qoladi. To‘rtinchi band esa Mehnat kodeksida mavjud bo‘lgan imkoniyatni kichik tadbirkor uchun amalda qo‘llash mumkin bo‘lgan sodda vositaga aylantiradi, chunki aksariyat kichik korxonalarda yuridik xizmat mavjud emas.

Mexanizmni joriy etish samaradorligini bir nechta o‘lchanadigan ko‘rsatkichlar orqali kuzatish mumkin: kichik biznesda mehnat shartnomasi bilan ishlovchilar soni va ulushi, kasbiy o‘qitish va malaka oshirishdan o‘tgan xodimlar soni, kichik biznesda bir xodimga to‘g‘ri keladigan qo‘shilgan qiymat hamda sektorning YaIM va bandlikdagi ulushlari o‘rtasidagi farqning qisqarishi. Ushbu ko‘rsatkichlarni Yagona milliy mehnat tizimi va soliq hisobotlari ma’lumotlari asosida hududlar va tarmoqlar kesimida muntazam monitoring qilib borish choralarni aniq yo‘naltirish imkonini beradi.

Xulosa qilib aytganda, kichik biznesda inson kapitali va mehnat munosabatlari masalalarini alohida-alohida emas, o‘zaro bog‘liq holda hal etish zarur. Norasmiy mehnat munosabatlari ish beruvchining ham, xodimning ham malakaga sarmoya kiritishga bo‘lgan qiziqishini pasaytiradi, past malaka esa o‘z navbatida kichik biznesda mehnat unumdorligi va ish haqining past bo‘lishiga, natijada norasmiylikning saqlanib qolishiga olib keladi. Bu berk doirani buzish uchun rasmiylashtirishni majburlov choralari bilan emas, ish beruvchi uchun inson kapitaliga investitsiyalarni qo‘llab-quvvatlash vositalariga kirish sharti sifatida

rag‘batlantirish samaraliroq. Natijada mehnat munosabatlarini rasmiylashtirish va xodim malakasini oshirish bir-birini to‘ldiruvchi jarayonlarga aylanadi, bu esa kichik biznesda mehnat unumdorligining o‘sishiga, sektorning YaIMdagi ulushini bandlikdagi ulushiga yaqinlashtirishga va munosib ish o‘rinlari sonini ko‘paytirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi. 28.10.2022-y., O‘RQ-798.

2. Schultz T.W. Investment in Human Capital // The American Economic Review. – 1961. – Vol. 51, No. 1. – P. 1-17.

3. Becker G.S. Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education. – Chicago: University of Chicago Press, 1964.

4. Kichik tadbirkorlik (biznes) faoliyati: 2025-yil yanvar–sentyabr. – Toshkent: Statistika agentligi, 2025. – https://stat.uz

5. Kichik biznesning jami bandlikdagi ulushi. – SIAT ochiq ma’lumotlar portali. – https://siat.stat.uz/data/274

6. Informal Employment in Uzbekistan. – UNDP, CERR, 2025. – https://www.undp.org/uzbekistan/publications/informal-employment-uzbekistan

AGROSERVIS XIZMATLARI SOHASIDA YANGI ISH O‘RINLARINI YARATISHNING ASOSIY YO‘NALISHLARI

Abilov Feruz Nematullayevich *– Samarqand iqtisodiyot va servis instituti mustaqil izlanuvchisi.*

feruzabilov@gmail.com

Annotatsiya ushbu maqolada xizmat ko‘rsatish sohasining ajralmas qismi bo‘lgan agroservis xizmatlari sohasida yangi ish o‘rinlarini yaratishning asosiy yo‘nalishlariga alohida e’tibor qaratilgan.

Kalit so‘zlar: agroservis xizmatlari, bandlik, yangi ish o‘rinlari, “aqlli qishloq xo‘jaligi”, intensiv bog‘dorchilik, issiqxona xo‘jaliklari, qishloq xo‘jaligi.

Аннотация: В данной статье рассматриваются основные направления создания рабочих мест в агросервисном секторе, являющемся неотъемлемой частью сектора услуг.

Ключевые слова: агроуслуги, занятость, новые рабочие места, «умное сельское хозяйство», интенсивное садоводство, тепличные хозяйства, сельское хозяйство.

Abstract: This article examines the main directions for job creation in the agro-service sector, which is an integral part of the service sector.

Keywords: agricultural services, employment, new jobs, "smart agriculture," intensive horticulture, greenhouse farming, agriculture.

Agroservis xizmatlarini rivojlantirish orqali bandlikni oshirish imkoniyatlari faqat mavjud xizmat turlarini ko‘paytirish bilan cheklanib qolmay, qishloq iqtisodiyotida mutlaqo yangi iqtisodiy munosabatlar va mehnat shakllarini shakllantiradi. Bunda agroservis infratuzilmasi atrofida bilimga asoslangan mehnat bozori yuzaga kelib, ilmiy-tadqiqot muassasalari, ta’lim tizimi va xususiy sektor o‘rtasida uzviy aloqalar paydo bo‘ladi. Masalan, innovasion agrotexnologiyalar joriy etilishi natijasida faqat fermer emas, balki agroinjener, ma’lumotlar tahlilchisi, masofaviy maslahatchi, agrar startaplar menejeri kabi yangi kasbiy yo‘nalishlar shakllanadi. Bu esa qishloq joylarda bilimli kadrlar uchun jozibador mehnat muhitini yaratib, intellektual kapitalni hududlarda saqlab qolishga xizmat qiladi.

Shu bilan birga, agroservis xizmatlari kengayishi mahalliy byudjetlar daromadlarining o‘sishiga turtki beradi. Yangi servis subyektlari faoliyat boshlashi natijasida soliq bazasi kengayadi, hududlarda ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish uchun qo‘shimcha moliyaviy manbalar shakllanadi. Bu esa ta’lim, sog‘liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar sohasida ham yangi ish o‘rinlari yaratilishiga sabab bo‘lib, bandlikning ko‘p sohali o‘sishini ta’minlaydi.

Agroservis xizmatlarini takomillashtirish qishloq hududlarida yangi ish o‘rinlarini yaratish va aholi bandligini oshirishning eng samarali instrumentlaridan biri hisoblanadi, chunki mazkur xizmatlar faqat ishlab chiqarishni qo‘llab-quvvatlash bilan cheklanib qolmasdan, butun agrar infratuzilmani qamrab olgan iqtisodiy faollikni shakllantiradi. Agroservis tizimi rivojlanar ekan, agronom, veterinar, injener-mexanik, logist, marketolog, axborot texnologiyalari mutaxassisi, laboratoriya xodimi kabi ko‘plab yangi kasblar va xizmat turlariga ehtiyoj ortib boradi. Bu esa qishloq joylarda yuqori malakali kadrlarga bo‘lgan talabni kuchaytiradi va mahalliy aholi uchun barqaror ish o‘rinlari yaratilishiga zamin yaratadi.

Agroservis xizmatlarining rivoji qishloq aholisining mehnatga munosabatini o‘zgartiradi. Ya’ni, aholi passiv ish qidiruvchidan faol xizmat ko‘rsatuvchi, maslahatchi yoki tadbirkorga aylanib, o‘zining bilim va tajribasini daromad manbaiga aylantirish imkoniga ega bo‘ladi. Bu jarayon qishloq joylarda ijtimoiy faollikni oshiradi, o‘z-o‘zini band qilish madaniyatini shakllantiradi va uzoq muddatli istiqbolda kambag‘allikni barqaror qisqartirishga xizmat qiluvchi muhim omilga aylanadi.

Agroservis sohasida yangi ish o‘rinlarini yaratish qishloq xo‘jaligi samaradorligini oshirish, aholi bandligini ta’minlash va qishloq joylarda kambag‘allikni qisqartirishning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Xalqaro tajriba va O‘zbekiston bo‘yicha tahlillar agroservisning kengayishi ishlab chiqarishdan tortib mahsulotni iste’molchiga yetkazib berishgacha bo‘lgan butun qiymat zanjirida yangi ish o‘rinlari paydo qilishini ko‘rsatadi.

Agroservis sohasida yangi ish o‘rinlarini yaratishning bir qancha yo‘nalishlari mavjud. Bulardan asosiy yo‘nalishlar quyidagi jadvalda jamlangan (1-jadval).

1-jadval

Agroservis sohasida yangi ish o‘rinlarini yaratishning asosiy yo‘nalishlari

T/r	ASX sohasida yangi ish o‘rinlarini yaratishning asosiy yo‘nalishlari	ASX sohasidagi yangi ish o‘rinlari bo‘yicha asosiy yo‘nalishlarning mazmuni
1.	Agrotexnika va mashina-traktor xizmatlari	Mazkur sohaga traktor va kombayn operatorlari, qishloq xo‘jaligi texnikalarini ta’mirlash ustalari, ehtiyot qismlar savdosi va servis markazlari xodimlari zarurdir. Mazkur sohada ham yangi ish o‘rinlari yaratilib turiladi.
2.	Agrokimyo xizmatlari	ASXda mineral o‘g‘it va kimyoviy vositalarni qo‘llash mutaxassislari, tuproq tahlili laboratoriyalari, agrokimyoviy maslahatchilar faoliyat ko‘rsatadi. Har bir yo‘nalish bo‘yicha kadrlar bilan ta’minlanishi ham muim ahamiyat kasb etadi..
3.	Urug‘chilik va ko‘chatchilik xizmatlarini	ASXni ko‘rsatishda ham yangi ish o‘rinlarini yaratishga oid bir qancha ishlar mavjud. Ushbu xizmatlarga hozirgi zamon talabidan kelib chiqib, sertifikatlangan urug‘ yetishtirishni, intensiv bog‘lar uchun ko‘chat yetishtirishni, issiqxona ko‘chatxonalarida ish o‘rinlarini yaratish kabilarni keltirish mumkin
4.	O’simliklarni himoya qilish xizmatlari	Ushbu yo‘nalishga fitosanitariya mutaxassislari, biologik himoya vositalari ishlab chiqaruvchilari, dronlar orqali dorilash operatorlari lozim bo‘ladi. Bular ham vaqt o‘tishi bilan yangi-yangi yo‘nalishlarni ochadi va kadrlarga talab ham ortadi.
5.	Sug‘orish va meliorasiya xizmatlari	Hozirgi paytda tomchilatib sug‘orish tizimlarini o‘rnatish, nasos va irrigasiya uskunalarini ta’mirlash, suv tejovchi texnologiyalar bo‘yicha injenerlar faoliyat ko‘rsatishlari lozim. Bularning aksariyati yangi yo‘nalishdagi mutaxas-sislarni talab qiladi. Bu esa yangi ish o‘rinlarini ham yaratish imkoniyatini paydo qiladi..
6.	Veterinariya va zootexnika xizmatlari	ASX tarkibida chorvachilik bilan bog‘liq xususiy veterinariya klinikalari, sun’iy urug‘lantirish xizmatlari, chorvachilik bo‘yicha maslahatchilar ham kerak bo‘ladi. Bunda ham yangi ish o‘rinlarining yaratilishi obyektiv zaruriyat.
7.	Agrokonsalting va AKIS xizmatlari	Ushbu xizmatlar orqali fermerlarga iqtisodiy maslahatlar berish chun raqamli agroservis platformalarini, buxgalteriya va biznes-rejalashtirish xizmatlarini aksariyat holda yangidan tashkil qilishni taqozo qiladi.
8.	Raqamli agroservis	Zamon talabidan kelib chiqib, GPS va GIS mutaxassislari, dron operatorlari, IoT sensorlari va "aqlli fermerlik" tizimlari bo‘yicha xizmat ko‘rsatish, agrar dasturiy ta’minot mutaxassislari ham yangi malakali kadrlarni talab qiladi..
9.	Agrologistika xizmatlari	Yig‘ilgan mahsulotlarni muzlatkichli omborlarda saralash va qadoqlash markazlari ham mavjud bo‘lib, transport va yetkazib berish xizmatlari ham ortiqcha isrofsiz amalga oshirilishi lozim. Bu ham yangi kadrlarga talabning vujudga kelishini taqozo qiladi.
10.	Qayta ishlash va qo‘shimcha qiymat yaratish	Hozirgi paytda oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash maqsadida meva-sabzavotlarni qayta ishlash, sut va go‘sht mahsulotlarini tayyorlash, quritish, qadoqlash va eksportga tayyorlash xizmatlariga ham mavsumiy xodimlarni jalb qilishni taqozo qiladi.
11.	Moliyaviy va sug‘urta xizmatlari	Barcha sohalar singari mazkur sohada ham agrokredit bo‘yicha mutaxassislar, agrosug‘urta agentlari, lizing kompaniyalari xodimlari lozim bo‘ladi. Bular uchun ham faoliyatni kengaytirib yangi ish o‘rinlarini yaratish maqsadga muvofiq bo‘ladi.
12.	Kooperasiya va servis markazlari	Hozirda ko‘p tarmoqli agroservis markazlari, fermer kooperativlari va servis klasterlari tashkil qilingan Bularda zamon talabidan kelib chiqib yangi ish o‘rinlarini yaratish mumkin bo‘ladi.

1-jadvaldan ko‘rinib turibdiki, ustuvor rivojlantirish yo‘nalishlari bir qanchadir. Bularga raqamli agroservis va “aqlli qishloq xo‘jaligi”, intensiv bog‘dorchilik va issiqxona xo‘jaliklarini rivojlantirish, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlashni yo‘lga qo‘yish, logistika va eksport infratuzilmasini yaratish, xususiy agroservis korxonalarini qo‘llab-quvvatlash, yoshlar va ayollar tadbirkorligini rivojlantirish

kabilarni kiritish mumkin. Bularning ahamiyatli jihatlari shundaki, Jahon banki tahlillariga ko‘ra, mehnat talab qiluvchi tarmoqlar, xususan, bog‘dorchilik, issiqxona xo‘jaliklari, agrologistika va oziq-ovqatni qayta ishlash sohalarini rivojlantirish O‘zbekistonda yuz minglab barqaror ish o‘rinlarini yaratish imkonini beradi. Shu bilan birga, moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni zamonaviy texnologiyalar, malaka oshirish va biznes-konsalting bilan uyg‘unlashtirish eng yuqori samara berishi ham qayd etilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Юрий Кочетков / EPA / Scanpix / LETA. ва Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд: СамИСИ. – 2020. – 12 бет

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 27 январда “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини

3. Davis, K. (2008). *Extension in Sub-Saharan Africa: Overview and Assessment of Past and Current Models*. Journal of International Agricultural and Extension Education.

4. Anderson, J.R., Feder, G. (2007). *Agricultural Extension. Handbook of Agricultural Economics*.

5. Birner, R., Swanson, B. (2006). *Best Practices for Pluralistic Agricultural Advisory Services*. World Bank.

JAHON IQTISODIYOTIDA AUTSORSING XIZMATLARINING RIVOJLANISH TENDENSIYALARI

Gulnora Mardievna Shadiyeva – *Samarqand iqtisodiyot va servis instituti real iqtisodiyot kafedrasi professori, i.f.d.* ***gulnora.shodiyeva@mail.ru***

Mirxonov Mirfoziljon Olimjon o‘g‘li – *Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, mustaqil izlanuvchi.* *mirxonovmirfoziljon@gmail.com*

Annotatsiya ushbu maqolada jahon iqtisodiyotida autsorsing xizmatlarining rivojlanish tendensiyalariga alohida e’tibor qaratilgan. Jahonda autsorsing bozoridagi muhim tendensiyalarning yuzaga kelishi misollar yordamida yoritilgan.

Kalit so‘zlar: autsorsing xizmatlari, raqamli autsorsing, autsorsing shartnomasi, IT, moliya, buxgalteriya, marketing, logistika, inson resurslari.

Аннотация: В данной статье рассматриваются тенденции развития аутсорсинговых услуг в мировой экономике. На примерах иллюстрируется появление важных тенденций на глобальном рынке аутсорсинга.

Ключевые слова: аутсорсинговые услуги, цифровой аутсорсинг, аутсорсинговое соглашение, ИТ, финансы, бухгалтерский учет, маркетинг, логистика, управление персоналом.

Abstract: This article examines trends in the development of outsourcing services within the global economy. Examples are used to illustrate the emergence of significant trends in the global outsourcing market.

Keywords: outsourcing services, digital outsourcing, outsourcing agreement, IT, finance, accounting, marketing, logistics, human resource management.

Jahon iqtisodiyotida autsorsingning rivojlanishi globallashuv bilan chambarchas bog‘liq. Kompaniyalar turli mamlakatlardagi mehnat resurslari, texnologiyalar va professional xizmatlardan foydalanish orqali o‘z raqobatbardoshligini oshirmoqda. Dastlab autsorsing asosan ishlab chiqarish sohasida rivojlangan bo‘lsa, keyinchalik xizmatlar sektoriga keng tarqaldi. Hozirgi kunda IT, moliya, buxgalteriya, marketing, logistika, inson resurslari, mijozlarga xizmat ko‘rsatish va tahliliy faoliyat autsorsingning asosiy yo‘nalishlaridir.

Jahon autsorsing bozoridagi muhim tendensiyalardan biri - **raqamli autsorsing**ning rivojlanishidir. An’anaviy autsorsingda xodimlar va xizmat ko‘rsatish markazlari asosiy resurs hisoblangan bo‘lsa, raqamli autsorsingda sun’iy intellekt, bulutli hisoblash, avtomatlashtirish va katta ma’lumotlar texnologiyalaridan foydalanish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Ikkinchi tendensiya - **remote work**, ya’ni masofadan ishlashning kengayishi. Masofaviy ish autsorsing kompaniyalariga geografik jihatdan turli mamlakatlardagi mutaxassislarni jalb qilish imkonini bermoqda.

Uchinchi tendensiya - **AI va avtomatlashtirish**. Oddiy ma’lumotlarni qayta ishlash kabi vazifalar avtomatlashtirilayotgan bo‘lsa-da, yuqori malakali tahliliy va ijodiy xizmatlarga talab saqlanib qolmoqda.

To‘rtinchi tendensiya - **kiberxavfsizlikka e’tiborning ortishi**. Korxonalar ma’lumotlarining katta qismi raqamli muhitga o‘tishi sababli autsorsing xizmatlarini ko‘rsatuvchi kompaniyalardan axborot xavfsizligi standartlariga rioya qilish talab qilinmoqda.

Beshinchi tendensiya - **multi-sourcing** modelining rivojlanishi. Korxona barcha xizmatlarni bitta autsorsing kompaniyasiga emas, balki bir nechta ixtisoslashgan hamkorlarga taqsimlashi mumkin.

Oltinchi tendensiya - **Knowledge Process Outsourcing** xizmatlarining rivojlanishi. Korxonalar oddiy operatsiyalar bilan birga yuqori malakali tahlil, konsalting va ilmiy xizmatlarni ham tashqi tashkilotlarga topshirmoqda.

Shu sababli kelajakda autsorsing xizmatlari oddiy xarajatlarni kamaytirish vositasidan strategik biznes hamkorligiga aylanib boradi. Autsorsingdan foydalanish korxonaga bir qator iqtisodiy va tashkiliy afzalliklar beradi.

Birinchi afzallik - **xarajatlarni kamaytirish**. Tashqi xizmat ko‘rsatuvchi kompaniya bir vaqtning o‘zida bir nechta mijozga xizmat ko‘rsatgani uchun resurslardan samaraliroq foydalanishi mumkin.

Ikkinchi afzallik - **mutaxassislik va tajribadan foydalanish**. Korxonada ma’lum soha bo‘yicha doimiy mutaxassis bo‘lmasa, tegishli xizmatni professional tashkilotga topshirish mumkin.

Uchinchi afzallik - **asosiy biznesga e’tiborni kuchaytirish**. Korxona rahbariyati yordamchi jarayonlarga emas, balki asosiy mahsulot va xizmatlarni rivojlantirishga ko‘proq vaqt ajratadi.

To‘rtinchi afzallik - **moslashuvchanlik**. Xizmat hajmi biznes ehtiyojiga qarab oshirilishi yoki kamaytirilishi mumkin.

Beshinchi afzallik - **zamonaviy texnologiyalardan foydalanish**. Autsorsing kompaniyalari o‘z sohasida yangi texnologiyalarni doimiy joriy qilib boradi.

Shu bilan birga, autsorsing ma’lum xavflarga ham ega.

Birinchi xavf - **ma’lumotlar xavfsizligi**. Tashqi tashkilot maxfiy ma’lumotlarga ega bo‘lishi mumkin. Shu sababli ma’lumotlarni himoyalash va kiberxavfsizlik masalalari muhim.

Ikkinchi xavf - **xizmat sifatining pasayishi**. Agar tashqi hamkor to‘g‘ri tanlanmasa, xizmat sifati kutilgan darajada bo‘lmasligi mumkin.

Uchinchi xavf - **tashqi hamkorga qaramlik**. Muhim biznes jarayonlarini to‘liq boshqa tashkilotga topshirish korxonaning mustaqilligini kamaytirishi mumkin.

To‘rtinchi xavf - **kommunikatsiya muammolari**. Xalqaro autsorsingda til, vaqt zonasi, madaniy farqlar va huquqiy talablar muammolarni keltirib chiqarishi mumkin.

Shuning uchun autsorsing shartnomasini tuzishda xizmat sifati ko‘rsatkichlari, maxfiylik, ma’lumotlarni himoya qilish, javobgarlik va shartnomani bekor qilish shartlari aniq belgilanadi.

O‘zbekistonda autsorsing xizmatlarining rivojlanish holati. O‘zbekistonda IT va autsorsing xizmatlari so‘nggi yillarda jadal rivojlanmoqda. Bunga raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha davlat siyosati, IT Park faoliyati, soliq imtiyozlari, kadrlar tayyorlash dasturlari va eksportni qo‘llab-quvvatlash mexanizmlari katta ta’sir ko‘rsatmoqda.

2025-yilda ham mazkur yo‘nalishdagi o‘sish davom etdi. 2025-yilning dastlabki yetti oyida IT Parkga 481 ta eksportga yo‘naltirilgan kompaniya a’zo bo‘lgan. Shundan 298 tasi IT xizmatlari, 162 tasi BPO va servis xizmatlariga ixtisoslashgan. Eksport geografiyasi 90 dan ortiq mamlakatni qamrab olgan.

Milliy statistika qo‘mitasi ma’lumotlari ham xizmatlar eksportining yuqori sur’atlarda o‘sayotganini ko‘rsatadi. IT Park ishtirokchilari xizmatlari eksporti 2022-yilda 276,3 mln dollar, 2023-yilda 333,4 mln dollar, 2024-yilda 454,9 mln dollar va 2025-yilda 728,4 mln dollarni tashkil etgan.

1-jadval.

IT Park ishtirokchilari xizmatlari eksporti

Yil	Eksport hajmi, mln AQSH dollari
2022 yil	276,3
2023 yil	333,4
2024 yil	454,9
2025 yil	728,4

1-jadval ma’lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, 2022–2025-yillarda IT Park ishtirokchilari xizmatlari eksporti sezilarli darajada oshgan. 2025-yil ko‘rsatkichi 2022-yilga nisbatan qariyb 2,6 baravar yuqori. 2026-yil ham ijobiy dinamika bilan boshlandi. Milliy statistika qo‘mitasi ma’lumotlariga ko‘ra, 2026-yil yanvar-mart oylarida IT Park ishtirokchilari xizmatlari eksporti 191,8 mln dollarni tashkil etgan. Bu 2025-yilning mos davriga nisbatan 38,5 mln dollarga ko‘p.

2026-yil yanvar-iyun oylarida esa eksport hajmi 392,5 mln dollarga yetgan bo‘lib, bu 2025-yilning shu davriga nisbatan 90,3 mln dollarga ko‘pdir. Mazkur ko‘rsatkichlar O‘zbekistonda autsorsing va raqamli xizmatlar eksporti jadal rivojlanayotganini ko‘rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Даль В.И. Толковыий словарь великорусского языка. 2-е изд. М., 1882. Т. IV. С.512.

2. Котлер Ф. Основы маркетинга. М. Прогресс. 1992.-734с.

3. Макконнелл К.Р., Брю С.Л., Экономикс-Принципы, проблемы и политика. /В 2 –х томах. Пер.с анг. –Таллин. Римол. 1993.Т.: 1. -398с.

4. Райзберг Б.А. (2007) Современный экономический словарь. 5–е изд., перераб. И доп./Б.А.Райзберг, Л.Ш.Лозовский, Е.Б.Стародубцева.–М.: ИНФРА–М,.–495 с.

5. Ивлев, А. (2021) 10 ключевых вопросов аутсорсинга / Ивлев А. https://up-pro.ru/library/strategi/outsourcing/10_key_quest/ (дата обращения: 30.11.2021 г.)

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISHNING ME’ZONLARI

Saparov Murod Irgashovich *– Samarqand iqtisodiyot va servis instituti mustaqil izlanuvchisi. saparovmurod11@gmail.com.*

Annotasiya. Ushbu maqolada xizmatlar sohasini rivojlantirish orqali kambag‘allikni qisqartirishning mezonlariga alohida e'tibor qaratilgan. Mezonlar

mamlakatning iqtisodiy rivojlanish darajasi, ijtimoiy siyosati va xalqaro standartlarga qarab farqlanishi asoslab berilgan.

Kalit so‘zlar: xizmatlar sohasi, kambag‘allikni qisqartirish, kambag‘allik me’zonlari, aholi, daromad, bandlik.

Аннотация. В данной статье рассматриваются критерии сокращения бедности посредством развития сектора услуг. Обоснование этих критериев обусловлено их различиями в зависимости от уровня экономического развития страны, социальной политики и международных стандартов.

Ключевые слова: сектор услуг, сокращение бедности, критерии бедности, население, доход, занятость.

Abstract. This article examines the criteria for poverty reduction through the development of the service sector. The rationale for these criteria is based on the variations that exist depending on a country's level of economic development, social policy, and international standards.

Keywords: service sector, poverty reduction, poverty criteria, population, income, employment.

Dunyo mamlakatlaridagi hayot qiymatidagi tafovutlar ortib borganligi sababli Jahon banki global kambag‘allik ko‘rsatkichini vaqti-vaqti bilan qayta ko‘rib chiqish zaruriyatiga duch keldi. 2005-yilda bank dunyoning eng qashshoq mamlakatlarida qabul qilingan kambag‘allik darajasi asosida ana shu ko‘rsatkichni qayta hisobladi. Natijada global qashshoqlikning pastki chegrasi 1,25 dollargacha deb topildi. 2018 yilda bu chegra qayt ko‘rib chiqildi va 1,9 dollargacha degan fikrga kelindi[60].

Bizning fikrimizcha kambag‘allik toifasiga kiradigan aholini to‘rt guruhga bo‘lish mumkin. Birinchisi, malakasiz ishsizlar, ma’lumoti yetarli bo‘lmagan “qora mehnat”dan boshqalariga yaramaydigan aholi. Ikkinchi toifa aholiga tegishli toifasi bor, ammo o‘zlariga munosib ish topa olmayotgan aholi. Uchinchi toifa, ish bilan band, ammo olgan oylik maoshi oilasini kambag‘allik chegarasidan chiqib ketishiga yetarli bo‘lmaydigan shaxslar. To‘rtinchisi, ishlash imkoniyati yo‘q (nogironligi bor, mehnatga qobiliyatsiz, boquvchisi yo‘q bolalar va qariyalar) aholi qatlami.

Kambag‘allik mezonlarini belgilashda – kambag‘allikni qisartirishga aratilgan chora-tadbirlar va uning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi asoslanadi. Kambag‘allikni aniqlash va baholash uchun turli mezonlar qo‘llaniladi. Ushbu mezonlar mamlakatning iqtisodiy rivojlanish darajasi, ijtimoiy siyosati va xalqaro standartlarga qarab farqlanadi.

Birinchi va eng keng tarqalgan mezon - **daromadga asoslangan mezon** hisoblanadi. Bu usulda inson yoki oilaning ma’lum vaqt ichidagi daromadi minimal yashash darajasidan past bo‘lsa, u kambag‘al deb hisoblanadi. Masalan, xalqaro amaliyotda kuniga ma’lum miqdordan kam daromad topadigan insonlar kambag‘allik

[60] Ш. Шодмонов, М. Рахматов. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Замин нашр», 2021. – 856 б.

chegarasidan pastda yashayotgan deb belgilanadi. Ushbu mezonning afzalligi shundaki, u oddiy va aniq hisoblanadi. Biroq uning kamchiligi ham mavjud: daromad miqdori insonning haqiqiy yashash darajasini to‘liq aks ettirmasligi mumkin. Chunki ayrim hollarda odamning daromadi past bo‘lsa ham, u davlat yordamidan yoki boshqa manbalardan foyda ko‘rib yashashi mumkin.

Ikkinchi mezon - **iste’molga asoslangan mezon**dir. Bu yondashuvda insonlarning kundalik ehtiyojlari, ya’ni oziq-ovqat, kiyim-kechak, uy-joy va boshqa zarur xarajatlar hisobga olinadi. Agar bir insonning iste’moli minimal ehtiyojlardan past bo‘lsa, u kambag‘al deb topiladi. Ushbu mezon daromadga qaraganda aniqroq bo‘lishi mumkin, chunki u real hayotiy xarajatlarni hisobga oladi. Lekin uni o‘lchash murakkabroq, chunki barcha xarajatlarni aniq hisoblash qiyin.

Uchinchi muhim mezon - **nisbiy kambag‘allik mezoni** hisoblanadi. Bu usulda insonning daromadi yoki yashash darajasi jamiyatdagi o‘rtacha daraja bilan solishtiriladi. Masalan, agar bir inson jamiyatdagi o‘rtacha daromadning ma’lum foizidan kamiga ega bo‘lsa, u nisbiy kambag‘al hisoblanadi. Bu mezon jamiyatdagi tengsizlikni aniqlashda muhim ahamiyatga ega. Chunki ayrim mamlakatlarda umumiy daromad yuqori bo‘lishiga qaramay, aholining bir qismi boshqalarga nisbatan ancha past darajada yashashi mumkin.

To‘rtinchi mezon - **ko‘p o‘lchovli kambag‘allik mezoni**dir. Bu zamonaviy yondashuv bo‘lib, unda faqat daromad emas, balki ta’lim darajasi, sog‘liq holati, yashash sharoitlari va ijtimoiy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlari ham hisobga olinadi. Masalan, agar inson ta’lim olish imkoniyatidan mahrum bo‘lsa yoki tibbiy xizmatlardan foydalana olmasa, u kambag‘allik holatida deb baholanadi. Ushbu mezon eng to‘liq va haqqoniy yondashuv hisoblanadi, chunki u inson hayotining barcha muhim jihatlarini qamrab oladi.

Yuqoridagi natijalariga ko‘ra, kambag‘allik me’zonlariga mos kambag‘allikni qisqartirish aholi daromadlarini oshirish, barqaror bandlikni ta’minlash, kasb-hunarga o‘qitish, tadbirkorlikni rivojlantirish va ijtimoiy xizmatlarning manzilliligini kuchaytirishga asoslanadi. Bunda minimal iste’mol xarajatlari, oilalarning daromad va ijtimoiy holatini baholash, xizmatlar sohasida yangi ish o‘rinlari yaratish hamda raqamli texnologiyalardan foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababli ushbu muammolarni hal etishda tegishli mablag‘larni va zarur shart-sharoitlarni yaratish ham maqsadga muvofiq hisoblanadi. Xususan, kambag‘allikni qisqartirish bo‘yicha aniq mezonlar, ko‘rsatkichlarni shakllantirish va natijasini baholab, munosib boshqaruv qarorlarini qabul qilish lozim. Buning uchun kambag‘allikni qisqartirishga qaratilgan barcha yo‘nalishlarda malakali mutaxassislarning mavjudligini taqozo qiladi. Malakali mutaxassislar munosib rag‘batlantirilsa, ulardan yangi g‘oyalar chiqadi. Bu investisiyani yaratadi va oqibatda innovatsion g‘oyalar asosida kambag‘allikni qisqartirish imkoniyatini kengayishiga sabab bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Ш. Шодмонов, М. Рахматов. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Замин нашр», 2021. – 856 б.

2. Калонов М. “Камбағалликни қисқартириш: имконият ва ҳаракатлар қандай натижа беради?” «Халқ сўзи» газетасининг 2021 йил 11 февраль 30-сони.

3. Эрназарова Н.Н. Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш //“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2021 yil. 253-258 бетлар.

4. Porter, M. International competition / M. Porter; per. from English.: ed. and with a preface by V.D. Shchetinin. - M.: International relations, 2004. - 896 p.

5. Glichev, A.V. Essays on the economy and organization of product quality management/A.V. Glichev. Essay 5. Needs, demand, quality and marketing // Standards and quality. - 1994. - No. 12. - P. 19 – 24.

MEHMONXONA XO‘JALIKLARIDA AUTSORSING VA KEYTERING XIZMATLARI SAMARADORLIGI KO‘RSATKICHLARI TASNIFI

Davlanov Baxriddin

Qarshi davlat texnika universiteti mustaqil izlanuvchisi

Annatatsiya: Mazkur maqolada mehmonxona xo‘jaliklarida autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanishning tashkiliy-iqtisodiy shartlari hamda boshqaruv samaradorligini oshirishdagi ahamiyati yoritilgan. Ushbu xizmatlarni jalb etishning xarajatlarni optimallashtirish, resurslardan oqilona foydalanish, xizmat ko‘rsatish sifatini yaxshilash va tavakkalchiliklarni taqsimlash bilan bog‘liq jihatlari tahlil qilingan. Mehmonxona xo‘jaliklarida autsorsingdan foydalanish xususiyatlari boshqa soha korxonalari bilan qiyosiy ko‘rib chiqilgan. Autsorsing xizmatlarini biznes jarayonlari, tomonlarning majburiyatlari va tavakkalchiliklari, xizmat ko‘rsatish shakllari hamda shartnoma muddati bo‘yicha tasniflashga mualliflik yondashuvi taklif etilgan. Mehmonxonalarning faoliyat xususiyatlari va mavjud resurslarini hisobga olgan holda autsorsing hamda keytering xizmatlarini tashkil etishning ahamiyati asoslangan.

Kalit so‘zlar: mehmonxona xo‘jaligi, autsorsing va keytering xizmatlari, samaradorlig, mexanizm, mexanizm, xususiyatlari, baholash, mezon.

Hozirgi zamonaviy sharoitda biznes uchun korxona va tashkilotlarda xodimlarning katta shtatini saqlash foydasiz va samarasiz hisoblanmoqda. Ushbu vazifalarning bir qismini boshqa tashkilotga o‘tkazish yanada samarali va oqilonadir. Har bir tadbirkor o‘zining biznes jarayonida bu nima ekanligini, ya’ni autsorsing yoki autsorsing kompaniyasi oddiy ma’noda nimani anglatishini bilishi va ish jarayonini shakllantirishning bunday variantining yaxshi va samarali tomonlarini o‘rganib chiqib, uning faoliyati uchun zarurligini hal qilishi kerak.

Autsorsing va keytering tashkiliy sxemasi, bizga G‘arbdan kelganiga qaramay, tezda rivojlanib borayotgan xizmat turlaridan biriga aylanib ulgirdi.Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, O‘zbekiston Respublikasi korxonalari g‘arblik hamkasblarining tajribasidan nusxa ko‘chirmasdan, lekin mamlakat sharoitida ushbu usulni qo‘llash imkoniyatini mustaqil ravishda o‘rganishni afzal ko‘radi.

Fikrimizcha, mehmonxona xo‘jaliklari uchun autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanishning obyektiv shartlari quyidagilardan iborat:

1. Mehmonxona xo‘jaliklaridagi vaziyatni sezilarli darajada o‘zgartirish, uni yanada raqobatbardosh qilish, bozor sharoitida o‘z joyini topish va zabt etish.

2. Mehmonxona xo‘jaliklari uchun iqtisodiy samara ixtisoslashgan korxonalardan professional xizmatlarni izlashning asosiy motividir.

3. Zamonaviy texnologiyalardan foydalanish ham autsorsing va keyteringning paydo bo‘lishiga hissa qo‘shadi.

4. Yangi texnologiyalarning joriy etilishi ham autsorsing va keyteringning paydo bo‘lishiga yordam beradi.

5. Loyihani sifatli amalga oshirish istiqboli, shuningdek, autsorsing va keytering xizmatlaridan ularning bajarilishining oldindan belgilangan sifati bilan foydalanishga olib keladi.

6. Xarajatlarni optimallashtirish, mehmonxona xo‘jaliklarini yanada samarali boshqarish uchun vaqtni tejash maqsadida o‘z resurslarini bo‘shatish rahbariyatni yuqori ixtisoslashgan tashkilotlarga murojaat qilishga undaydi.

7. Mehmonxona xo‘jaliklari faoliyatining uzluksiz jarayoni va yakuniy natijasi ma’lum boshqaruv funksiyalarining o‘z vaqtida bajarilishiga bog‘liq.

8. Resurslarning yetishmasligi mehmonxona xo‘jaliklari xodimlariga to‘g‘ridan-to‘g‘ri ishlarni bajarishga imkon beruvchi boshqaruvga sarflangan vaqtning ko‘p qismini bo‘shatish imkonini beradi.

9. Budjet ustidan nazorat o‘z ichki bo‘linmasini doimiy moliyalashtirishni emas, balki autsorsing va keytering kompaniyalarga murojaat qilish orqali moliyaviy resurslardan foydalanishni avtomatik ravishda cheklashni nazarda tutadi.

10. Tavakkalchiliklarni taqsimlash. O‘zgarishlarning jadal sur’ati shuni anglatadiki, tashkilot kiritadigan investitsiyalar tobora xavfli bo‘lib bormoqda.

Olib borilgan ilmiy izlanishlar natijasida mehmonxona xo‘jaliklari amaliyotida autsorsing xizmatlarini joriy etish va ulardan unumli foydalanishning poydor xususiyatlari asoslab berildi va umumlashtirildi (1-jadval).

1-jadval.

Mehmonxona xo‘jaliklarining autsorsing xizmatlaridan foydalanish xususiyatlari[61]

Mezon	**Mehmonxonalar va boshqa turar joylar**	**Kasbiy faoliyatning boshqa sohalaridagi korxonalar**
Korxonalarning biznes jarayonlarida autsorsing xizmatlarini qo‘llash	Asosiy biznes jarayonlarida autsorsing kompaniyalari xizmatlaridan ustun foydalanish (turar joy va ovqatlanish xizmatlarini ko‘rsatish).	Yordamchi (qo‘llab-quvvatlovchi) biznes jarayonlarida (buxgalteriya hisobi, kadrlar hujjat aylanishi va boshqalar) autsorsing kompaniyalari xizmatlaridan ustun foydalanish.
Autsorsing kompaniyalari xodimlari umumiy sonidagi ulushi (korxona xodimlari)	Jami autsorsing kompaniyasi xodimlarining ulushi, asosiy biznes jarayonlarida ishtirok etadigan mehmonxona xodimlari. Balki erishish 30-50% gacha	Autsorsing kompaniyasi va umumiy korxona xodimlarining soni ahamiyatsiz (o‘rta va yirik kompaniyalarda – 10 foizdan ko‘p emas);

Mehmonxona biznesining amaliy spetsifikatsiyasini inobatga olgan holda, autsorsing xizmatlarining poydor klassifikatsion belgilarini o‘zida aks ettirgan original mualliflik yondashuvi quyida keltirilgan:

– mehmonxona majmualarining faoliyatini ta’minlovchi asosiy amaliy jarayonlar hamda mijozlarga xizmat ko‘rsatish bilan bog‘liq operatsion faoliyatlar;

– autsorser tashkilotlar va mehmonxona subyektlari o‘rtasida xavf-xatarlar va majburiyatlar ko‘lamining o‘zaro taqsimlanish va mutanosiblik darajasi;

– mehmonxona biznesida autsorsing xizmatlarining namoyon bo‘lishi hamda ularni ko‘rsatish mexanizmlarining o‘ziga xos modal shakllari;

– mehmonxona subyektlarining autsorsing xizmatlarini jalb etish shartnomalari hamda amaliyotining amal qilish davri bo‘yicha vaqtinchalik chegaralari.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Bragg S.M. Outsourcing: A Guide to Selecting the Correct Business Unit, Negotiating the Contract, Maintaining Control of the Process. — New York: John Wiley & Sons, 2006.

2. Greaver M.F. Strategic Outsourcing: A Structured Approach to Outsourcing Decisions and Initiatives. — New York: AMACOM, 1999.

3. Power M.J., Desouza K.C., Bonifazi C. The Outsourcing Handbook: How to Implement a Successful Outsourcing Process. — London: Kogan Page, 2006.

4. Quinn J.B., Hilmer F.G. Strategic Outsourcing // Sloan Management Review. — 1994. — Vol. 35, No. 4. — P. 43–55.

[61]Manba. Muallif tomonidan tuzilgan.

5. Gilley K.M., Rasheed A. Making More by Doing Less: An Analysis of Outsourcing and Its Effects on Firm Performance // Journal of Management. — 2000. — V

6. ol. 26, No. 4. — P. 763–790.

7. Espino-Rodríguez T.F., Padrón-Robaina V. A Review of Outsourcing from the Resource-Based View of the Firm // International Journal of Management Reviews. — 2006. — Vol. 8, No. 1. — P. 49–70.

8. Hemmington N., King C. Key Dimensions of Outsourcing Hotel Food and Beverage Services // International Journal of Contemporary Hospitality Management. — 2000. — Vol. 12, No. 4. — P. 256–261.

UDK: 657.1

ORCID: 0009-0008-1346-6842

TIBBIY XIZMATLAR TANNARXI TARKIBI VA TAHLILI

Shamsikulova Moxina Bonu Furkatovna
Samarqand iqtisodiyot va servis instiuti
mustaqil tadqiqotchisi
moxina0909@gmail.com

Annotatsiya. Mazkur maqolada nodavlat tibbiyot tashkilotlarida tibbiy xizmatlarni ko‘rsatish bo‘yicha amalga oshirilgan harajatlar, ushbu harajatlar asosida shakllangan tibbiy xizmatlar tannarxining o‘ziga xos xususiyatlari, tannarx tarkibida moddiy, mehnat haqi, amortizatsiya kabi harajatlarning ulushi tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: bevosita harajatlar, bilvosita harajatlar, mehnat haqi harajatlari, amortizatsiya harajatlari, tibbiy xizmatlar, tibbiy xizmatlarga oid harajatlar buxgalteriya hisobi, tibbiy xizmatlar tannarxi, nodavlat tibbiyot tashkilotlari.

СОСТАВ И АНАЛИЗ СЕБЕСТОИМОСТИ МЕДИЦИНСКИХ УСЛУГ

Шамсикулова Мохина Бону Фуркатовна
Самостоятельный соискатель
Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье анализируются расходы, связанные с оказанием медицинских услуг в негосударственных медицинских организациях, особенности формирования себестоимости медицинских услуг на основе этих расходов, а также доля таких составляющих затрат, как материалы, расходы на оплату труда и амортизация.

Ключевые слова: прямые затраты, косвенные затраты, расходы на оплату труда, амортизационные отчисления, медицинские услуги, учет затрат на

медицинские услуги, себестоимость медицинских услуг, негосударственные медицинские организации.

COMPOSITION AND ANALYSIS OF THE COST OF MEDICAL SERVICES

Shamsikulova Moxina Bonu Furkatovna
Independent Researcher
Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article analyzes the expenses incurred in providing medical services at non-state medical organizations, the specific characteristics of the cost of medical services derived from these expenses, and the proportions of cost components such as materials, labor costs, and depreciation.

Keywords: direct costs, indirect costs, labor costs, depreciation expenses, medical services, accounting for medical service costs, cost of medical services, non-state medical organizations.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tibbiyotda xususiy sektor faoliyatiga qo‘shimcha qulayliklar yaratish va soha xodimlarini qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmonida “nodavlat tibbiyot tashkilotlarida tibbiyot oliy ta’lim muassasalarining klinik bazalarini tashkil etib, ularda shifokor va hamshiralar malakasini oshirish hamda qayta tayyorlash”[62] deb keltirilgan bo‘lib, ushbu tartib mamlakat milliy iqtisodiyotida nodavlat tibbiyot tashkilotlari faoliyatining yana bir ahamiyatini ko‘rsatib beradi.

R.Hermanson, H.Rojer kabi xorijlik olimlar tomonidan “tannarx” bo‘yicha amalga oshirilgan quyidagi yondashuvlar muhim: “ishlab chiqarish kompaniyalari uchun mahsulot tannarxiga mahsulot ishlab chiqarish uchun zarur bo‘lgan materiallar, mehnat va kompaniya operatsiyalari uchun barcha harajatlar kiradi”[63].

S.Djumanov, “mahsulot tannarxini kalkulyatsiya qilishning har bir usulining o‘zining afzalliklari va kamchiliklari mavjud. To‘liq tannarx usuli xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarga mahsulotning umumiy tannarxini aniqlash va moliyaviy hisobotda barcha harajatlarni qamrab olish imkoniyatini beradi”[64], deb ta’kidlagan.

D.G.Xudaynazarova esa, “farmatsevtika mahsulotlari tannarxi – farmatsevtika mahsulotlari ishlab chiqarish jarayonlari bo‘yicha sarflangan asosiy, yordamchi, qadoqlash materiallari, ish haqi va u bilan bog‘liq ijtimoiy soliq, kommunal to‘lovlari

[62] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tibbiyotda xususiy sektor faoliyatiga qo‘shimcha qulayliklar yaratish va soha xodimlarini qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni. 2022 yil 11 aprel. PF-102-son.
[63] Hermanson, Roger H. Accounting Principles: A Business Perspective. First Global Text Edition, Volume 1. Financial Accounting. 1005p. 208-pages.
[64] Джуманов С. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этиш йўллари // Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил илмийэлектрон журнали. XI сон – ноябрь, 2025. 333-339-бетлар.

hamda asosiy ishlab chiqarish jarayonlari bilan bog‘liq boshqa harajatlar majmui”[65] deb hisoblaydi.

Ilmiy-izlanishlar davomida nodavlat tibbiyot tashkilotlarida ko‘rsatilgan tibbiy xizmat tannarxini hisob-kitob qilish, jumladan tibbiy xizmatlar tannarxi tarkibida moddiy, mehnat haqi, amortizatsiya va boshqa harajatlar ulushini tadqiq va tahlil qilish maqsadida tadqiqot ishlari olib borildi. Xususan, Respublikada tibbiyot tarmoqlarida faoliyat ko‘rsatayotgan nodavlat tashkilotlari tomonidan ko‘rsatilgan tibbiy xizmatlar tannarxi tarkibi quyida keltirilgan jadval ko‘rinishida ifodalandi (1-jadvalga qarang):

1-jadval.

Nodavlat tibbiyot tashkilotlari tomonidan ko‘rsatilgan tibbiy xizmatlar tannarxi tarkibi va tahlili[66]

2026 yil mart oyida

	Ming so‘mda	**Ulushi, %da**	**Ming so‘mda**	**Ulushi, %da**	**Ming so‘mda**	**Ulushi, %da**
Moddiy harajatlar	836 918	12,4	59 472	16,7	430 397	11,9
Mehnat haqi harajatlari	2 544 340	37,6	103 856	29,1	1 075 206	29,8
Amortizatsiya harajatlari	2 862 619	42,2	98 334	27,6	1 878 289	52,2
Kommunal harajatlar	339 126	5,0	50 430	14,1	140 060	3,9
Boshqa harajatlar	190 887	2,8	44 420	12,5	80 443	2,2
Jami tibbiy xizmatlar tannarxi	**6 773 890**	**100**	**356 512**	**100**	**3 604 395**	**100**

Yuqorida keltirilgan tibbiy xizmatlar tannarxi tarkibiy qismlari hisoblanadigan harajatlar nodavlat tibbiyot tashkilotlari buxgalteriya hisobida alohida ahamiyat kasb etadi. Nodavlat tibbiyot tashkilotlari tomonidan amalga oshirilgan tibbiy xizmatlar tannarxi va uning tarkibi bo‘yicha keltirilgan harajatlar buxgalteriya hisobini yuritish quyida keltirilgan bir qancha xususiyatlarga ega:

Birinchidan, olib borilgan izlanishlar natijasi shuni ko‘rsatdiki, nodavlat tibbiyot tashkilotlarida amalga oshirilgan harajatlar hajmi turlicha bo‘lib, ushbu harajatlar tarkibi beshta qismga ajratildi. Bular moddiy, mehnat haqi, amortizatsiya, kommunal to‘lovlari va boshqa ko‘rinishdagi harajatlardan tashkil topgan. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, nodavlat tibbiyot tashkilotlarida tibbiy xizmatlarni

[65] Xudaynazarova D.G. Farmatsevtika mahsulotlari tannarxini aniqlashning ilmiy-amaliy masalalari: muammo va yechimlar. // «Iqtisodiyot va turizm» xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali. – Buxoro, 2026. - № 1 – B. 52-61.
[66] Нодавлат тиббиёт ташкилотлари маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ko‘rsatish natijasida yuzaga keladigan mazkur harajatlar mazmuni va ular buxgalteriya hisobini yuritish o‘ziga xos alohida xususiyatlarga ega.

Ikkinchidan, tibbiy xizmat ko‘rsatish bo‘yicha amalga oshirilgan harajatlar tarkibida moddiy harajatlar ulushi nodavlat tibbiyot tashkilotlarida o‘rtacha 12-15 foizni tashkil etadi. Demak, ishlab chiqarish faoliyati bilan shug‘ullanuvchi tarmoq korxonalaridan farqli ravishda, nodavlat tibbiyot tashkilotlarida moddiy harajatlarning ulushi boshqa harajatlar tarkibiga nisbatan ancha pastligini ko‘rsatmoqda. Ushbu harajatlar tarkibi asosan diagnostika xizmatlari uchun zarur bo‘lgan laboratoriya diagnostikasi reaktivlari, qon tahlili indikatorlari, mikro preparatlar, dori vositalari, tibbiy texnikalar, va boshqa tibbiy materiallar sarfidan tashkil topgan. Buxgalteriya hisobida mazkur harajatlar buxgalteriya hisobi 1010-“Xom ashyo va materiallar” schyoti orqali yuritiladi.

Uchinchidan, mehnat haqi nodavlat tibbiyot tashkilotlarida tibbiy xizmatlar bo‘yicha eng asosiy harajatlarni tashkil etuvchi moddalardan biri hisoblanadi. Mazkur harajatlar tarkibi tibbiy xizmat ko‘rsatish jarayonlarida band bo‘lgan xodimlar mehnat haqi va ular bo‘yicha ijtimoiy soliq to‘lovlaridan tashkil topadi. Tibbiy xizmatlar tannarxi tarkibida mehnat haqi bo‘yicha harajatlar ulushi o‘rtacha 30-40 foizni tashkil etganligiga guvoh bo‘lish mumkin. Respublikamizda faoliyat ko‘rsatayotgan nodavlat tibbiyot tashkilotlari tarkibida “Bio Nur Med Servis” MCHJda hisobot oyida amalga oshirilgan mehnat haqi harajatlari ilmiy tadqiqot ishimizning ob’ekti sifatida tanlab olingan barcha nodavlat tibbiyot tashkilotlari ichida eng katta ulushni, ya’ni tibbiy xizmat ko‘rsatish tannarxining 37,6 foizini tashkil etganligiga guvoh bo‘lish mumkin. Bundan ko‘rinib turibdiki, nodavlat tibbiyot tashkilotlarida tibbiy xizmat ko‘rsatish tannarxini hisob-kitob qilishda mehnat haqi harajatlari buxgalteriya hisobini to‘g‘ri tashkil etish muhim hisoblanadi.

To‘rtinchidan, tibbiy xizmat ko‘rsatish jarayonlarida ishtirok etuvchi eng asosiy aktiv bu asosiy vositalar hisoblanadi. Bugungi kunda, nodavlat tibbiyot tashkilotlarida tibbiy xizmat ko‘rsatish jarayonlarini modernizatsiyalash, zamonaviy tibbiy uskunalar bilan jihozlash orqali tibbiy xizmatlar sifatini oshirishga erishish mumkin. Shu bois, nodavlat tibbiyot tashkilotlari tomonidan moddiy-texnika ta’minotini yanada optimallashtirish bo‘yicha xorijiy mamlakatlardan eng so‘nggi asbob-uskunlar harid qilinmoqda. Mazkur asosiy vositalarning harid qiymati hamda ushbu aktivlarning boshlang‘ich qiymatiga qo‘shiladigan harajatlar juda baland bo‘lganligi bois, ularning amortizatsiya harajatlari ham jami tibbiy xizmatlar tannarxi tarkibida mos ravishda yuqori hissani tashkil etadi. Jumladan, mazkur hisobot oyida tibbiy xizmatlar ko‘rsatish faoliyati bilan shug‘ullanuvchi “STDHEALTHMED” MCHJda tibbiy xizmatlar tannarxi tarkibida asosiy vositalar amortizatsiya harajatlari 52,2 foizni tashkil etganligiga guvoh bo‘lindi.

Beshinchidan, tadqiqot ishi davomida tibbiy xizmatlar tannarxi tarkibidagi boshqa harajatlar, jumladan kommunal harajatlar ulushi ham tadqiq va tahlil qilindi. Olib borilgan tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, nodavlat tibbiyot tashkilotlarida kommunal harajatlar tibbiy xizmatlar tannarxining o‘rtacha 5 foizni va ayrim tashkilotlarda, xususan “Ixtisoslash-tirilgan pullik xizmat va reabilitatsiya markazining gepatalogiya markazi” nodavlat tashkilotida yanada ko‘proq hissani tashkil etgan. Mazkur kommunal harajatlar tarkibi asosan elektr-energiya to‘lovlari, tibbiy chiqindilarni utilizatsiya qilish xizmatlari bo‘yicha amalga oshirilgan harajatlardan tashkil topgan.

Oltinchidan, nodavlat tibbiyot tashkilotlarida tibbiy xizmatlar tannarxini tashkil etuvchi yana boshqa harajatlar ham mavjud bo‘lib, ushbu harajatlar tarkibida asbob-uskunalarga texnik xizmat ko‘rsatish va ularning butligini ta’minlash, asbob-uskunalar bo‘yicha ijara to‘lovlari asosiy hissani tashkil etadi. Nodavlat tibbiyot tashkilotlarida ushbu harajatlarning ulushi o‘rtacha 2-3 foizni tashkil etganligiga guvoh bo‘lish mumkin.

Bundan ko‘rinib turibdiki, nodavlat tibbiyot tashkilotlarida tibbiy xizmatlar tannarxini tashkil etuvchi ushbu harajatlar buxgalteriya hisobini yuritish muhim va o‘ziga xos ahamiyatga ega. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, tashkilotlarda amalga oshirilgan ushbu harajatlar tibbiy xizmatlar tannarxiga turlicha ta’sir ko‘rsatib, nodavlat tibbiyot tashkilotlarida ko‘rsatilgan tibbiy xizmatlar tannarxini aniqlash buxgalteriya hisobida eng muhim jarayonlardan biri sanaladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tibbiyotda xususiy sektor faoliyatiga qo‘shimcha qulayliklar yaratish va soha xodimlarini qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni. 2022 yil 11 aprel. PF-102-son.

2. Hermanson, Roger H. Accounting Principles: A Business Perspective. First Global Text Edition, Volume 1. Financial Accounting. 1005p. 208-pages.

3. Джуманов С. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этиш йўллари // Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил илмийэлектрон журнали. XI сон – ноябрь, 2025. 333-339-бетлар.

4. Xudaynazarova D.G. Farmatsevtika mahsulotlari tannarxini aniqlashning ilmiy-amaliy masalalari: muammo va yechimlar. // «Iqtisodiyot va turizm» xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali. – Buxoro, 2026. - № 1 – B. 52-61.

5. Боронов Б.Ф. Маҳсулот таннархини ҳисоблашда умумишлаб чиқариш харажатларининг ўрни ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. – Тошкент, 2022. - № 6. 31-42-бетлар.

MEHMONXONA XO‘JALIKLARIDA AUTSORSING VA KEYTERING XIZMATLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING IJTIMOIY-IQTISODIY MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH

Ergashev R.X.-
Qarshi davlat texnika universiteti professori, i.f.d.

Annatatsiya: Ushbu maqolada mehmonxona xo‘jaliklarida autsorsing va keytering xizmatlari samaradorligini oshirishning ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmining asosiy elementlari, ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmning o‘ziga xos jihati, autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirishning ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmining asosiy bosqichlari hamda baholash mezonlari keltirilgan.

Kalit so‘zlar: mehmonxona xo‘jaligi, autsorsing va keytering xizmatlari, samaradorlig, ijtimoiy-iqtisodiy mexanizm, mexanizm elementlari.

Mehmonxona xo‘jaliklarida autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirishga qaratilgan ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmni takomillashtirish jarayonida amalga oshirilishi lozim bo‘lgan asosiy bosqichlar, ularning mazmuni va tarkibiy elementlari quyida izchil hamda tizimli tarzda bayon etiladi. Alohida ta’kidlash joizki, ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmning asosiy tamoyillari, subyektlari va obyektlari mazmun va funksional jihatdan tashkiliy mexanizmning tegishli tarkibiy qismlari bilan o‘zaro uyg‘unlashadi. Mehmonxona xo‘jaliklarida autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirishga yo‘naltirilgan ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmni shakllantirish tashkiliy mexanizm bilan umumiy maqsad va vazifalarga ega. Har ikkala mexanizmning ustuvor vazifasi mehmonxona xo‘jaliklarining hayotiy siklining tegishli bosqichini hisobga olgan holda, autsorsing va keytering xizmatlarini joriy etish hamda ulardan foydalanish bo‘yicha asoslangan boshqaruv qarorlarini qabul qilishni ta’minlashdan iborat. Shunday qilib, 1-jadvalda mehmonxona xo‘jaliklari hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirishning ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmining asosiy elementlari keltirilgan.

Shu bilan birga, ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmning o‘ziga xos jihati uning qo‘shimcha strategik maqsadida namoyon bo‘ladi. Mazkur maqsad mehmonxona xo‘jaligining butun hayotiy sikli davomida autsorsing va keytering xizmatlarining ijtimoiy hamda iqtisodiy natijadorligini izchil oshirib borishni nazarda tutadi. Mehmonxona xo‘jaliklarida autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish natijadorligini oshirishga yo‘naltirilgan ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmning asosiy vazifalarini quyidagi yo‘nalishlarda belgilash mumkin:

– mehmonxona xo‘jaliklarining hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing va keytering xizmatlarini tashkil etish, rivojlantirish hamda taklif qilish uchun zarur bo‘lgan ijtimoiy-iqtisodiy shart-sharoit va resurslar bazasini shakllantirish;

– mehmonxona xo‘jaliklarining hayotiy sikli davomida autsorsing va keytering

xizmatlarini ko‘rsatish hamda ulardan foydalanish jarayonining ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini muntazam baholash va uni oshirish bo‘yicha tegishli chora-tadbirlarni ishlab chiqish.

1-jadval.

Mehmonxona xo‘jaliklari hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirishning ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmining asosiy elementlari[67]

Iqtisodiy elementlar mexanizmi	Elementlarning tavsifi
Ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmni yaratish maqsadlari	- mehmonxona xo‘jaliklari hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirishning ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmini yaratish bo‘yicha ilmiy-uslubiy tavsiyalar majmuasini ishlab chiqish; - mehmonxona xo‘jaliklari rahbariyatining mehmonxona xo‘jaliklarining hayot aylanish bosqichlariga qarab autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanishga sodiqligini oshirish; - mehmonxona xo‘jaliklari rahbariyatining mehmonxona xo‘jaliklarining hayot aylanishini hisobga olgan holda autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish bo‘yicha samarali boshqaruv qarorlarini qabul qilishini ta’minlash; - hayot siklining turli bosqichlarida autsorsing va keytering xizmatlaridan samarali foydalanadigan mehmonxona xo‘jaliklari uchun raqobatbardosh ustunliklarni yaratish; - mehmonxona xo‘jaliklari hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanishning ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini oshirishni ta’minlash.

Ijtimoiy elementlar iqtisodiy mexanizmi	Elementlarning tavsifi
Ijtimoiy faoliyat tamoyillari iqtisodiy mexanizmi	- mehmonxona xo‘jaliklari hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish jarayonining barcha ishtirokchilarining manfaatlarini hisobga olish; - mehmonxona xo‘jaliklari hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish jarayonida subyektlar o‘rtasidagi ijtimoiy-iqtisodiy hamkorlikni optimallashtirish.
Ijtimoiy -iqtisodiy mexanizmning vazifalari	- mehmonxona xo‘jaliklari hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing va keytering xizmatlarini tashkil etish va ko‘rsatishning ijtimoiy-iqtisodiy asoslarini yaratish; - mehmonxona xo‘jaliklari hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing va keytering xizmatlarini ko‘rsatishning ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini baholash va oshirish.
Ijtimoiy -iqtisodiy mexanizmning subyektlari	- mehmonxona korxonalari, hayot aylanishi, ularning alohida tarkibiy bo‘linmalari va biznes jarayonlari; - mehmonxona biznesiga ixtisoslashgan xizmatlar ko‘rsatuvchi autsorsing va keytering kompaniyalari; - mehmonxona xo‘jaliklari tomonidan autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish bo‘yicha tavsiyalar.
Ijtimoiy -iqtisodiy mexanizmning	- autsorsing va keytering kompaniyalari tomonidan mehmonxona xo‘jaliklariga ko‘rsatiladigan xizmatlar majmuasi;

[67] Manba: muallif tomonidan tuzilgan.

obyektlari	- o‘rtasidagi hamkorlik shakllari va usullari autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish natijasida autsorsing va keytering kompaniyalari va mehmonxona xo‘jaliklari; - mehmonxona xo‘jaliklari hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing va keytering xizmatlarini ko‘rsatish jarayonini ijtimoiy-iqtisodiy qo‘llab-quvvatlash.

Mazkur ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmning iqtisodiy tarkibiy qismlarini quyidagi yo‘nalishlar asosida shakllantirish mumkin:

– autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanuvchi mehmonxona xo‘jaliklari bilan sohaga ixtisoslashgan ta’lim tashkilotlari o‘rtasidagi hamkorlikni rivojlantirish va mustahkamlashga qaratilgan iqtisodiy rag‘batlantirish mexanizmlari;

– mehmonxona xo‘jaliklariga autsorsing va keytering xizmatlarini ko‘rsatuvchi ixtisoslashgan kompaniyalar faoliyatini qo‘llab-quvvatlashga yo‘naltirilgan imtiyozlar, preferensiyalar va iqtisodiy rag‘batlantirish vositalari tizimi.

Mehmonxona xo‘jaliklarining hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanish natijadorligini oshirishga qaratilgan ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmning ijtimoiy tarkibiy elementlari quyidagi yo‘nalishlarni o‘z ichiga oladi:

– mehmonxona xo‘jaliklari xodimlari hamda autsorsing va keytering kompaniyasi xodimlari o‘rtasida yuzaga keladigan munosabatlar tizimi;

– autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanishda mehmonxona xo‘jaliklari xodimlarini rag‘batlantirish va rag‘batlantirish tizimi.

Autsorsing va keytering xizmatlaridan foydalanishning ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlik koeffitsiyenti belgilangan chegaraviy qiymatga yoki undan yuqori darajaga yetgan hollarda, mazkur jarayonning samaradorligi yuqori deb baholanadi va mexanizmning to‘rtinchi bosqichiga o‘tiladi. Aksincha, samaradorlik koeffitsiyenti belgilangan minimal mezondan past bo‘lsa, mavjud kamchiliklarni aniqlash, jarayonni takomillashtirish va zarur tuzatish choralarini ishlab chiqishga qaratilgan oltinchi bosqichga o‘tish maqsadga muvofiq.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Lamminmaki D. Accounting and the management of outsourcing: An empirical study in the hotel industry // Management Accounting Research. — 2008. — Vol. 19, No. 2. — P. 163–181. DOI: 10.1016/j.mar.2008.02.002. ScienceDirect

2. Hemmington N., King C. Key dimensions of outsourcing hotel food and beverage services // International Journal of Contemporary Hospitality Management. — 2000. — Vol. 12, No. 4. — P. 256–261. DOI: 10.1108/09596110010330831. emerald.com

3. Scanlon N. L. Catering Management. — 4th ed. — Hoboken: John Wiley & Sons, 2013. WorldCat.org

4. Davis B., Lockwood A., Alcott P., Pantelidis I. S. Food and Beverage Management. — 6th ed. — Abingdon: Routledge, 2018. The University of Brighton

5. Nickson D. Human Resource Management for the Hospitality and Tourism Industries. — 2nd ed. — London: Routledge, 2013. routledge.com

6. Quinn R. E., Cameron K. Organizational Life Cycles and Shifting Criteria of Effectiveness: Some Preliminary Evidence // Management Science. — 1983. — Vol. 29, No. 1. — P. 33–51. DOI: 10.1287/mnsc.29.1.33. Management Science.

AUTSORSING SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING TASHKILIY-IQTISODIY MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH

Ergasheva Nasiba
Qarshi davlat texnika universiteti professori, i.f.d.

Annatatsiya: Ushbu maqolada autsorsing samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarining maktabgacha ta’lim tashkilotlari tomonidan autsorsing xizmatlaridan foydalanish samaradorligi va sifatini oshirishning tashkiliy mexanizmini yaratish maqsadlar va elementlari, hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing xizmatlaridan foydalanish samaradorligi va sifatini oshirishning ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmi ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: autsorsing, samaradorlig, sifati, tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlar, maktabgacha ta’lim tashkilotlari, elementlari

Autsorsing xizmatlaridan foydalanish samaradorligi va sifatini oshirishning tashkiliy mexanizmini yaratishdan asosiy maqsad maktabgacha ta’lim tashkilotlari rahbariyatining maktabgacha ta’lim tashkilotlarining hayot aylanishini hisobga olgan holda autsorsing xizmatlaridan foydalanish bo‘yicha samarali boshqaruv qarorlarini qabul qilishini ta‘minlashdan iborat. Maktabgacha ta’lim tashkilotlari tomonidan autsorsing xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirishning tashkiliy mexanizmining obyektlari autsorsing kompaniyasi tomonidan maktabgacha ta’lim tashkilotlariga ko‘rsatiladigan xizmatlardir; autsorsing xizmatlaridan foydalanishda mehmonxona korxonasi va autsorsing kompaniyasi o‘rtasidagi hamkorlikning shakllari va usullari va maktabgacha ta’lim tashkilotlari hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing xizmatlarini ko‘rsatish jarayonini tashkiliy qo‘llab-quvvatlash hisoblanadi.

Maktabgacha ta’lim tashkilotlari tomonidan autsorsing xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirishning tashkiliy va ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmlari ishlab chiqildi. Har qanday ijtimoiy-iqtisodiy jarayonning tashkiliy va ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmlari tashkiliy va ijtimoiy-iqtisodiy elementlardan tashkil topgan tuzilmadir. Maktabgacha ta’lim tashkiloti rahbariyati tomonidan qo‘shimcha

harakatlarsiz xizmatlar. Agar autsorsing xizmatlaridan foydalanishning ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlik koeffitsiyenti (K) (0,8) dan kam bo‘lsa, u holda maktabgacha ta’lim tashkiloti rahbariyati tomonidan ko‘paytirish uchun tuzatish choralarini qo‘llash bilan bog‘liq oltinchi bosqichga o‘tish kerak.

Autsorsingning tashkiliy shakli kompaniyaning yuqori rahbariyatining jarayonlarga egalik qilish istagi darajasiga bog‘liq. Uyda hamma narsaga ega bo‘lish istagi yuqori bo‘lsa, yordamchi birliklarni ajratish mustaqil xo‘jalik yurituvchi subyektlarni yaratish asosida sodir bo‘ladi. Aks holda, ichki bo‘linmalar tugatilishi va zarur xizmatlar uchinchi shaxslardan sotib olinishi mumkin. Tarmoqni boshqarish bosqichida biznes egasi rahbariyati autsorsing biznes tashkiloti doirasida umumiy faoliyat bilan birlashtirilgan kompaniyalar guruhi bilan o‘zaro aloqani tashkil qiladi. Buyurtmachi kompaniya har bir elementi uchun mahsulot sifatini nazorat qilish tizimini tashkil qiladi, bu esa xarajatlarni kamaytirish imkonini beradi.


Biroq, amaliyot shuni ko‘rsatadiki, subpudratchilikdan farqli o‘laroq, autsorsing:

- nafaqat sheriklik o‘zaro ta’sirining bir turi, balki kompaniyaning ichki korporativ jarayonlari va tashqi aloqalarini ma’lum bir qayta qurishni o‘z ichiga olgan kompaniyani boshqarish strategiyasi;
- buyurtmachi autsorser oldiga yakuniy maqsadlarni qo‘yadi va bu maqsadlarga erishish usullari, vositalari va yo‘llari faqat pudratchiga bog‘liq;
- autsorser zarur natijalarni olish uchun to‘liq javobgarlikni o‘z zimmasiga oladi, bu har doim shartnomada aniq ko‘rsatilgan;
- “Xizmat darajasi kelishuvi” (SLA) mustahkamlangan autsorsing ishining talab qilinadigan sifatini aniqlashdir.

Yuqorida aytilganlarning barchasini umumlashtirib, zamonaviy bozor sharoitida kompaniya faoliyatiga autsorsingning ta’sirini baholashning eng muhim yo‘nalishlarini ajratib ko‘rsatishimiz mumkin (1-rasm).

Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida autsorsing xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish xizmatlarni rejalashtirish, ijrochini tanlash, shartnomaviy munosabatlarni tashkil etish, sifatni nazorat qilish va natijalarni baholashni yagona boshqaruv tizimiga birlashtirishni talab etadi. Mazkur tashkiliy mexanizmning asosiy maqsadi tashkilotning hayotiy sikli, mavjud resurslari va xizmatlarga bo‘lgan ehtiyojlarini hisobga olgan holda asoslangan boshqaruv qarorlarini qabul qilishga sharoit yaratishdan iborat. Autsorsing samaradorligini baholashda xarajatlarning tejalishi bilan bir qatorda xizmatlarning sifati va uzluksizligi, bolalar salomatligi va xavfsizligi, ota-onalarning qoniqish darajasi hamda rahbariyatning asosiy ta’lim-tarbiya vazifalariga ajratadigan vaqti hisobga olinishi lozim. Shu sababli autsorsing kompaniyasini tanlashda taklif etilgan narx, kasbiy tajriba, moddiy-texnik

imkoniyatlar, xodimlar malakasi va sifatni ta’minlash salohiyatini birgalikda baholash maqsadga muvofiq.



1-rasm. Maktabgacha ta’lim tashkilotlari hayotiy siklining turli bosqichlarida autsorsing xizmatlaridan foydalanish samaradorligi va sifatini oshirishning ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmi[68]

[68] Manba: muallif tomonidan “mexanizm” tushunchasining mohiyatini aniqlashda tizimli-funksional yondashuvdan foydalanish asosida tuzilgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O‘zbekiston Respublikasining “Maktabgacha ta’lim va tarbiya to‘g‘risida”gi Qonuni. 2019-yil 16-dekabr, O‘RQ–595-son.

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Davlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarida sog‘lom ovqatlantirish tizimini yanada takomillashtirish to‘g‘risida”gi qarori. 2019-yil 25-iyul, 626-son.

3. International Organization for Standardization. ISO 37500:2014. Guidance on outsourcing. — Geneva: ISO, 2014.

4. Oshri I., Kotlarsky J., Willcocks L. P. The Handbook of Global Outsourcing and Offshoring. — Palgrave Macmillan, 2009. — DOI: 10.1057/9780230251076.

5. Prahalad C. K., Hamel G. The Core Competence of the Corporation // Harvard Business Review. — 1990. — May–June.

III SHO’BA. RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA HUDUDLARDA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISH IMKONIYATLARI

ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ РЕГИОНОВ НА ОСНОВЕ ТЕХНОЛОГИЙ СМАРТ-ТУРИЗМА: ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА

Халимов Шахбоз Халимович
д.ф.н., доцент и.о., Самаркандский институт экономики и сервиса
e-mail: xalimovshaxboz8545@gmail.com ORCID: 0009-0004-0721-4754
Аминджанова Румейса Ботировна
магистрантка Самаркандского института экономики и сервиса

Аннотация: В статье рассматриваются возможности повышения социально-экономической эффективности регионов Узбекистана на основе технологий смарт-туризма. Выявлена проблема неравномерного распределения туристических потоков и «цифрового разрыва» между крупными предприятиями и малым бизнесом в регионах (гостиницы, гиды, туроператоры). На основе анализа концепций смарт-дестинаций (Д. Бухалис, У. Гретцель) и данных о развитии туристической инфраструктуры (7 440 средств размещения, 202,6 тыс. мест, 48 туристических деревень) обоснована модель смарт-дестинации, включающая QR/AR-гиды, единый билет, IoT-управление потоками и цифровые профили туристов.

Ключевые слова: смарт-туризм, смарт-дестинация, региональная экономика, цифровой разрыв, малый бизнес, социально-экономическая эффективность, цифровые технологии, Узбекистан.

Abstract: The article examines the opportunities for improving the socio-economic efficiency of Uzbekistan's regions through smart tourism technologies. The problem of uneven distribution of tourist flows and the "digital divide" between large enterprises and small businesses in the regions (hotels, guides, tour operators) is identified. Based on the analysis of smart destination concepts (D. Buhalis, U. Gretzel) and data on tourism infrastructure development (7,440 accommodation facilities, 202.6 thousand beds, 48 tourist villages), a smart destination model is substantiated, including QR/AR guides, a single ticket, IoT flow management, and digital tourist profiles.

Keywords: smart tourism, smart destination, regional economy, digital divide, small business, socio-economic efficiency, digital technologies, Uzbekistan.

Введение. В условиях цифровой экономики повышение социально-экономической эффективности регионов становится ключевым приоритетом государственной политики Узбекистана. Туризм, обладающий высоким мультипликативным эффектом, способен стать драйвером регионального развития: создание рабочих мест, развитие малого бизнеса, рост доходов местных бюджетов. Однако потенциал реализуется неравномерно.

Научная проблема состоит в том, что туристические потоки концентрируются в нескольких крупных центрах (Самарканд, Бухара, Хива, Ташкент), тогда как периферийные регионы остаются вне зоны активного развития. Одновременно наблюдается «цифровой разрыв»: крупные отели и туроператоры имеют доступ к онлайн-каналам продаж, PMS-системам и CRM, тогда как малые гостиницы и гиды в регионах зачастую не подключены к цифровым платформам. Это ограничивает их доходы и снижает общую социально-экономическую эффективность регионов.

Цель исследования — обосновать возможности повышения социально-экономической эффективности регионов Узбекистана на основе технологий смарт-туризма и предложить механизмы преодоления цифрового разрыва.

Для достижения цели поставлены задачи:

1. Проанализировать современное состояние туристической инфраструктуры регионов Узбекистана.
2. Выявить сущность «цифрового разрыва» и его влияние на эффективность малого бизнеса.
3. Обосновать модель смарт-дестинации и оценить её экономический эффект на примере малого предприятия.
4. Предложить рекомендации по развитию смарт-дестинаций в ключевых регионах.

Основная часть. Анализ данных Комитета по туризму Республики Узбекистан показывает устойчивый рост туристической инфраструктуры (Таблица 1).

Таблица 1.

Показатели инфраструктуры размещения и транспорта

Показатель	***Значение***	***Динамика***
Средства размещения (янв.–июль 2026)	7 440	+8,4% к ноябрю 2025 г. (6 861)
Номерной фонд, тыс. мест	202,6	+10,2% к ноябрю 2025 г. (183,9)
Гостиницы международных брендов (июнь 2026)	31	–
Туристические деревни (июнь 2026)	48	–

Пассажиропоток аэропортов, 1 пол. 2026	8,15 млн	+16%
Международные рейсы, 1 пол. 2026	47 371	+12%
Поездки по внутреннему туризму	23,7 млн (янв.–нояб. 2025); 13,4 млн (1 пол. 2026)	–
Туристические компании и агентства (июль 2025)	4 348	+662 новых за янв.–нояб. 2025

Запущены новые прямые рейсы из Шанхая, Сеула, Еревана, а в августе 2026 г. — из Абу-Даби. Рост доступности дальних рынков создаёт предпосылки для увеличения доли туристов, пользующихся онлайн-бронированием. Однако, как показывает анализ, инфраструктурный рост концентрируется в крупных городах, тогда как малые предприятия в регионах сталкиваются с барьерами цифровизации.

Под **цифровым разрывом** в контексте смарт-туризма понимается неравенство в доступе к цифровым технологиям и каналам продаж между крупными и малыми предприятиями, а также между городскими и периферийными дестинациями.

Ключевым условием реализации модели является **интеграция** — разрозненные приложения не создают сетевого эффекта. Единая национальная платформа туризма (запуск с 1 июля 2026 г.) должна стать ядром, объединяющим данные, платежи и сервисы.

Для оценки экономического эффекта от внедрения цифровых решений на уровне отдельного предприятия был выполнен условный расчёт для гостиницы на 40 номеров. Все параметры являются допущениями автора и должны заменяться фактическими данными конкретного предприятия.

Выводы и предложения. Анализ показал, что инфраструктура туризма в Узбекистане растёт (7 440 средств размещения, 202,6 тыс. мест, 48 туристических деревень), однако развитие концентрируется в крупных центрах, а малые предприятия в регионах сталкиваются с «цифровым разрывом» — отсутствием PMS, CRM и доступа к онлайн-каналам продаж. Обоснована модель смарт-дестинации, включающая QR/AR-гиды, единый билет, IoT-управление потоками и цифровые профили туристов. Ключевым условием является интеграция сервисов на единой платформе, создающая сетевой эффект.

Использованная литература:

1. Buhalis D., Amaranggana A. Smart tourism destinations // Information and Communication Technologies in Tourism 2014. — Cham: Springer, 2013. — P. 553–564.

2. Gretzel U., Sigala M., Xiang Z., Koo C. Smart tourism: foundations and developments // Electronic Markets. — 2015. — Vol. 25, No. 3. — P. 179–188.

3. Постановление Президента Республики Узбекистан от 19.11.2025 № ПП-348 «О мерах по организации деятельности Комитета по туризму и ускоренному развитию сферы туризма».

4. Комитет по туризму Республики Узбекистан. 7,7 млн туристов и $3,9 млрд экспорта: туризм в Узбекистане продолжает расти. 12.08.2026.

5. Комитет по туризму Республики Узбекистан. Новые цифровые сервисы запускаются для иностранных туристов. 08.07.2026.

6. Центр «Стратегия развития»: главные изменения в сфере туризма (электронные визы, e-mehmon, QR-коды в Хиве) // Spot.uz. 24.08.2018.

7. Халимов Ш. Х., Аминджанова Р. Б. Подходы к повышению конкурентоспособности туристических услуг посредством цифровых технологий (рукопись).

8. World Economic Forum. Travel & Tourism Development Index 2024. — Geneva: WEF, 2024.

RAQAMLI IQTISODIYOT VOSITASIDA HUDUDLARNING IJTIMOIY-IQTISODIY SALOHIYATINI YUKSALTIRISH IMKONIYATLARI VA ISTIQBOLLARI

Musurmonova Muxlisa Samandar qizi-SamISI assistenti.
E-mail: muxlisamusurmonova97@gmail.com **.**
Obloqulova Shaxnoza Qodirovna-SamISI talabasi,
E-mail: shaxnozaobloqulova19@gmail.com .

Annotatsiya: Mazkur tezisda globallashuv va jadal raqamlashtirish sharoitida mamlakat hududlarining ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatini yuksaltirishda raqamli iqtisodiyot mexanizmlarining o‘rni har tomonlama tadqiq etilgan.

Kalit so‘zlar: Raqamli iqtisodiyot, hududiy salohiyat, ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlik, raqamli transformatsiya.

Аннотация: В данном тезисе всесторонне исследована роль механизмов цифровой экономики в повышении социально-экономического потенциала регионов страны в условиях глобализации и интенсивной цифровизации.

Ключевые слова: Цифровая экономика, региональный потенциал, социально-экономическая эффективность, цифровая трансформация.

Abstract: This thesis comprehensively examines the role of digital economy mechanisms in enhancing the socio-economic potential of the country's regions under conditions of globalization and intensive digitalization.

Keywords: Digital economy, regional potential, socio-economic efficiency, digital transformation.

KIRISH: Hozirgi jadal texnologik taraqqiyot sharoitida mamlakat barqaror iqtisodiy o‘sishining asosiy sharti hududlarning ichki salohiyatini to‘laqonli yuzaga chiqarishdan iboratdir. Bugungi kunda raqamli transformatsiya jarayonlari davlat boshqaruvi va biznesning ajralmas qismiga aylanib, ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirishning hal qiluvchi omiliga aylandi. Respublikamizda barcha hududlarni keng ko‘lamda raqamlashtirish bo‘yicha strategik chora-tadbirlar amalga oshirilayotgan bo‘lsa-da, joylarda raqamli imkoniyatlardan foydalanish sur'atlarida ma'lum tafovutlar saqlanib qolmoqda. Xususan, olis hududlarda raqamli infratuzilmani rivojlantirish, elektron xizmatlar qamrovini kengaytirish va tadbirkorlikni innovatsion vositalar bilan ta'minlash dolzarb vazifalardan hisoblanadi. Mazkur holat hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatini yuksaltirishda raqamli iqtisodiyot mexanizmlaridan foydalanish imkoniyatlarini ilmiy jihatdan o‘rganish va istiqbolli yo‘nalishlarni belgilash zaruriyatini yuzaga keltiradi.

ASOSIY QISM: Hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatini yuksaltirishda raqamli iqtisodiyot mexanizmlarini joriy etish bir qator muhim yo‘nalishlarni qamrab oladi. Birinchidan, elektron boshqaruv va raqamli davlat xizmatlari tizimini joylarda yanada kengaytirish davlat organlari faoliyatining shaffofligini ta’minlash bilan birga, aholi va tadbirkorlar uchun ortiqcha vaqt hamda xarajatlarni keskin qisqartiradi. Bu esa hududiy ishbilarmonlik muhitini yaxshilashga xizmat qiladi. Ikkinchidan, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini raqamli vositalar — elektron tijorat platformalari, bulutli texnologiyalar va avtomatlashtirilgan hisob-kitob tizimlari bilan ta’minlash ularning bozor raqobatbardoshligini oshiradi. Qishloq xo‘jaligi, sanoat va xizmat ko‘rsatish kabi an’anaviy tarmoqlarda “aqlli” texnologiyalar va sun’iy intellekt elementlarini qo‘llash resurslardan oqilona foydalanish va mahsulot tannarxini pasaytirish imkonini beradi.

O‘zbekiston sharoitida ham raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish hududlar o‘rtasidagi ijtimoiy-iqtisodiy tafovutlarni kamaytirishning muhim yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Xususan, “Raqamli O‘zbekiston -2030” strategiyasi doirasida davlat boshqaruvi, iqtisodiyot tarmoqlari va hududlarda raqamli texnologiyalarni keng joriy etishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Ushbu jarayon hududlarda elektron davlat xizmatlarini rivojlantirish, tadbirkorlik faoliyatini raqamlashtirish, zamonaviy axborot infratuzilmasini shakllantirish va aholi uchun qulay xizmatlar yaratishga xizmat qiladi.

Shu bilan birga, hududiy rivojlanishni ta’minlashda yo‘l qo‘yilayotgan asosiy muammolardan biri-markaz va olis tumanlar o‘rtasidagi raqamli tafovutdir. Uni bartaraf etish uchun zamonaviy telekommunikatsiya infratuzilmasini (yuqori tezlikdagi internet, 5G tarmoqlari) kengaytirish, shuningdek, joylarda aholi, ayniqsa yoshlarning raqamli savodxonligini oshirish bo‘yicha maqsadli dasturlarni amalga

oshirish taqozo etiladi. Kelgusida hududlarni "aqlli hudud" (Smart Region) tamoyillari asosida transformatsiya qilish hududiy iqtisodiyotning barqarorligini ta'minlovchi strategik asos bo‘lib xizmat qiladi.

XULOSA TAKLIFLAR: Xulosa o‘rnida ta’kidlash joizki, raqamli iqtisodiyot mexanizmlarini hududiy boshqaruv va iqtisodiyot tarmoqlariga chuqur tatbiq etish mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘taruvchi strategik ustuvor yo‘nalish hisoblanadi. Hududlarni raqamlashtirish jarayonlarini tizimli davom ettirish orqali ishlab chiqarish samaradorligini keskin oshirish, ishbilarmonlik muhitini yaxshilash hamda mavjud resurslardan oqilona foydalanish imkoniyati yaratiladi. Biroq, bu boradagi ishlarning samaradorligi ko‘p jihatdan markaz va olis hududlar o‘rtasidagi raqamli tafovutni bartaraf etishga, zamonaviy telekommunikatsiya infratuzilmasini izchil rivojlantirishga hamda kadrlar salohiyatini zamon talablariga moslashtirishga bog‘liqdir. Kelgusida hududlarni "aqlli hudud" (*Smart Region*) konsepsiyasi asosida kompleks transformatsiya qilish hududiy nomutanosibliklarni qisqartiradi. Bu esa o‘z navbatida hududlarning investitsiyaviy jozibadorligini oshirib, mamlakatimizda barqaror iqtisodiy o‘sishni va aholi farovonligini ta’minlashning poydevori bo‘lib xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

[1] B.Uralov va H.Ishturdiyev, “O‘zbekistonda hududlar kesimida raqamli iqtisodiyotning rivojlanish holati,” Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot, 2023.

[2] B.Ma’murov, “Hududlarda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning institutsional asoslari,” Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot, , 2024.

[3] B.Zokirova, “Raqamli transformatsiya va hududlarning inklyuziv iqtisodiy o‘sishini ta’minlash yo‘llari,” Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot, 2024.

[4] A.Axmediyeva va Z.Fazliddinova, “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish istiqbollarini hisoblashda GAT texnologiyalari imkoniyatlaridan foydalanish,” Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2023.

Amriyeva Shaxzoda Shuxratovna
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti,
“Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi assistenti
Telefon: +99897 925 37 27
E-mail: amriyevashaxzoda250@gmail.com

HUDUDIY IQTISODIYOTDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKKA TA’SIRI

ВЛИЯНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РЕГИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ НА СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКУЮ ЭФФЕКТИВНОСТЬ

THE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGY ADOPTION IN REGIONAL ECONOMIES ON SOCIO-ECONOMIC EFFICIENCY

Annotatsiya. Maqolada hududiy iqtisodiyotda raqamli texnologiyalarni qo‘llashning iqtisodiy va ijtimoiy samaralari nazariy hamda uslubiy jihatdan tahlil qilinadi. Samarqand viloyati misolida elektron xizmatlar, raqamli tadbirkorlik, turizm va ma’lumotlarga asoslangan boshqaruvning imkoniyatlari ko‘rib chiqiladi. Hududiy raqamlashtirish natijalarini baholash uchun ko‘rsatkichlar tizimi, hisoblash yondashuvi va amaliy takliflar ishlab chiqiladi.

Аннотация. В статье анализируются экономические и социальные эффекты применения цифровых технологий в региональной экономике. На примере Самаркандской области рассматриваются электронные услуги, цифровое предпринимательство, туризм и управление на основе данных. Предложены показатели оценки результатов цифровизации регионов и практические рекомендации.

Abstract. The paper analyzes the economic and social effects of digital technology adoption in regional economies. Using Samarkand region as an illustrative context, it examines e-services, digital entrepreneurship, tourism and data-driven governance. An indicator framework, an assessment approach and practical recommendations for regional digitalization are proposed.

Kalit so‘zlar: hududiy iqtisodiyot, raqamli texnologiyalar, ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlik, elektron xizmatlar, Samarqand viloyati, raqamli infratuzilma.

Ключевые слова: региональная экономика, цифровые технологии, социально-экономическая эффективность, электронные услуги, Самаркандская область, цифровая инфраструктура.

Keywords: regional economy, digital technologies, socio-economic efficiency, e-services, Samarkand region, digital infrastructure.

Kirish. Hududlarning barqaror rivojlanishi ishlab chiqarish resurslaridan unumli foydalanish, xizmatlar sifatini oshirish va aholining iqtisodiy imkoniyatlarini kengaytirishga bog‘liq. Raqamli texnologiyalar ushbu vazifalarni amalga oshirishda yangi vositalarni taklif etadi: elektron davlat xizmatlari murojaatlarni tezlashtiradi, raqamli savdo tadbirkorlar uchun bozor chegaralarini kengaytiradi, elektron to‘lovlar hisob-kitoblarni soddalashtiradi, ma’lumotlar tahlili esa boshqaruv qarorlarini asoslashga yordam beradi. Biroq texnologiyaning joriy etilishi bilan ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikning oshishi bir xil tushuncha emas. Natijani aniqlash uchun xarajat, vaqt, sifat, bandlik va inklyuzivlik ko‘rsatkichlari birgalikda baholanishi zarur.

Nazariy asoslar. Raqamli iqtisodiyotning hududiy ta’siri ishlab chiqarish unumdorligi, tranzaksiya xarajatlari va tarmoq samaralari orqali namoyon bo‘ladi. R. Kouzning tranzaksiya xarajatlari haqidagi yondashuvi bozor aloqalarini tashkil etish va nazorat qilish xarajatlarining ahamiyatini ko‘rsatadi [1]. OECDning raqamli transformatsiya bo‘yicha yondashuvi esa infratuzilma, ko‘nikmalar, ishonch va ochiqlikni birgalikda ko‘rib chiqishga asoslanadi [2]. O‘zbekistonda “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasi raqamli transformatsiya uchun muhim siyosiy-huquqiy asoslardan biridir [3]. Shu bilan birga, hududiy natijalarni baholashda raqamli xizmatdan real foydalanish darajasini texnik joriy etish ko‘rsatkichlaridan ajratish zarur.

Samarqand viloyati konteksti. Samarqand viloyati iqtisodiyotida turizm, savdo, transport, qishloq xo‘jaligi va turli xizmatlar faoliyatining mavjudligi raqamli yechimlarni tarmoqlararo qo‘llash uchun imkoniyat yaratadi. Masalan, mehmonxonalarning onlayn bronlash tizimlari bo‘sh xonalar haqidagi axborotni tez yetkazishi, kichik ishlab chiqaruvchilarning elektron savdoga chiqishi yangi xaridorlarga yo‘l ochishi, elektron navbat tizimlari esa xizmat olish vaqtini kamaytirishi mumkin. Ushbu misollar imkoniyatlarni tavsiflaydi; viloyat bo‘yicha aniq iqtisodiy ta’sirni isbotlash uchun rasmiy statistik ma’lumotlar va korxonalar darajasidagi kuzatuvlar talab etiladi.

Samaradorlikni baholash metodologiyasi. Hududiy raqamlashtirish samaradorligini uch blokda baholash taklif etiladi. Birinchi blok — resurs samaradorligi: xizmat ko‘rsatish tannarxi, bir operatsiyaga sarflangan vaqt va mehnat unumdorligi. Ikkinchi blok — bozor natijasi: elektron savdo ulushi, xizmatlardan foydalanish faolligi, yangi mijozlarga chiqish imkoniyati va korxonalar daromadining o‘zgarishi. Uchinchi blok — ijtimoiy natija: elektron xizmatlarga kirish, qishloq va shahar o‘rtasidagi raqamli tafovut, fuqarolar murojaatini ko‘rib chiqish muddati va foydalanuvchi qoniqishi. Har bir blok uchun boshlang‘ich davr ko‘rsatkichlari olinib, keyingi davr bilan taqqoslanishi kerak.

Natijalarni taqqoslashdagi muammolar. Bir hududda raqamli xizmatlar sonining ko‘payishi samaradorlik oshganini avtomatik isbotlamaydi. Masalan, onlayn ariza topshirish joriy etilgan bo‘lsa-yu, fuqarodan baribir qog‘oz hujjat talab qilinsa, haqiqiy vaqt tejalishi cheklangan bo‘ladi. Bundan tashqari, iqtisodiy o‘sishga investitsiyalar, turizm oqimi, infratuzilma va boshqa omillar ham ta’sir ko‘rsatadi. Shuning uchun raqamli texnologiyalar ta’sirini baholashda oldin-keyin taqqoslash bilan birga o‘xshash xizmat ko‘rsatuvchi tashkilotlar yoki hududlar o‘rtasidagi farqlarni tahlil qilish maqsadga muvofiq. Natijalarni faqat korrelyatsiya asosida sabab-oqibat munosabati sifatida talqin qilishdan saqlanish lozim.

Shartli hisoblash misoli. Faraz qilaylik, tuman miqyosidagi xizmat markazida bir murojaatni ko‘rib chiqish uchun ilgari 40 daqiqa, elektron tizim joriy etilgach 25 daqiqa sarflangan. Bitta murojaatdagi vaqt tejalishi 15 daqiqa, ya’ni 0,25 soatni tashkil etadi. Oyiga 2 000 ta murojaat bo‘lsa, jami 500 soat vaqt tejaladi. Bir soatning shartli iqtisodiy qiymati 30 ming so‘m deb baholansa, oylik yalpi tejam 15 million so‘m bo‘ladi. Biroq dasturiy ta’minot, texnik xizmat, xodimlarni o‘qitish va axborot xavfsizligi xarajatlari hisobga olinmaguncha sof iqtisodiy samara aniqlanmaydi. Raqamlar o‘quv-uslubiy hisoblash misoli bo‘lib, Samarqand viloyatining rasmiy statistik ko‘rsatkichlari emas.

Hududiy raqamli tafovut. Raqamlashtirishning ijtimoiy samarasi texnologiyadan foydalanish imkoniyati aholining turli guruhlari uchun teng bo‘lgandagina to‘liq namoyon bo‘ladi. Internet sifati, raqamli savodxonlik, qurilma xarajatlari va xizmatlarning qulay interfeysi hududiy tafovutni belgilaydi. Ayniqsa, chekka qishloq hududlarida faqat elektron xizmatni ishga tushirish emas, undan amalda foydalanish uchun sharoit yaratish muhim. Muqobil oflayn xizmat kanallarini saqlash va raqamli ko‘nikmalarni rivojlantirish ijtimoiy inklyuzivlikni qo‘llab-quvvatlaydi.

Ilmiy-nazariy taklif. Hududiy raqamlashtirish natijalarini “joriy etish — foydalanish — natija” ketma-ketligida baholash taklif etiladi. Joriy etish bosqichida internet va tizim mavjudligi, foydalanish bosqichida elektron xizmatdan amalda foydalanuvchilar ulushi, natija bosqichida esa vaqt tejalishi, xarajatlar kamayishi va xizmat sifati o‘zgarishi o‘lchanadi. Ushbu uch bosqichni ajratish raqamlashtirishga yo‘naltirilgan investitsiyalar bilan aholi va biznes uchun yaratilgan real samara o‘rtasidagi farqni ko‘rsatadi.

Amaliy tavsiyalar. Birinchidan, hududiy dasturlarda faqat raqamli xizmatlar soni emas, balki ulardan foydalanish darajasi va bir operatsiyaga to‘g‘ri keladigan xarajatni kamaytirish maqsadlari belgilanishi kerak. Ikkinchidan, turizm, savdo va transport sohalarida ma’lumot almashish standartlarini uyg‘unlashtirish tavsiya etiladi. Uchinchidan, kichik biznes uchun raqamli savdo, elektron hisob-kitob va ma’lumotlar xavfsizligi bo‘yicha amaliy o‘quvlar tashkil etish maqsadga muvofiq. To‘rtinchidan,

shahar va qishloq hududlari kesimida raqamli xizmatlar qamrovi hamda foydalanuvchi qoniqishi muntazam baholanishi zarur.

Xulosa qilib aytganda raqamli texnologiyalar hududiy iqtisodiyotda resurs tejalishi, xizmatlar sifati va bozorga kirish imkoniyatlarini yaxshilashi mumkin. Ammo iqtisodiy samaradorlikni texnologiya mavjudligi bilan emas, o‘lchanadigan natijalar bilan asoslash lozim. Samarqand viloyati kabi ko‘p tarmoqli hududlarda raqamli transformatsiya siyosati infratuzilma, tadbirkorlik ko‘nikmalari va inklyuziv xizmatlarni o‘zaro bog‘lagan holda amalga oshirilsa, barqaror ijtimoiy-iqtisodiy samara olish imkoniyati ortadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Coase R. H. The Nature of the Firm // Economica. 1937. Vol. 4, No. 16. P. 386–405.

2. OECD. Going Digital: Shaping Policies, Improving Lives. Paris: OECD Publishing, 2019.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi PF-6079-son Farmoni. “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida.

RAQAMLI XIZMATLAR VA EKSPORTNING HUDUDIY INKLYUZIV IQTISODIY O‘SISH BILAN BOG‘LIQLIGINI EKONOMETRIK BAHOLASH (SURXONDARYO VILOYATI MISOLIDA)

Rahmonqulova Komila Muhammadi qizi

Termiz davlat universiteti tayanch doktoranti, Ekonometrika va statistika

Annotatsiya

Ushbu tezisda Surxondaryo viloyatining 15 ta tumani va shahrida 2020–2025-yillarda inklyuziv iqtisodiy o‘sish bilan bog‘liq omillar panel ekonometrik model yordamida baholandi. Hisob-kitoblar eksportning inklyuziv o‘sish indeksi bilan ijobiy va statistik ahamiyatli bog‘liqligini ko‘rsatdi. AKT xizmatlari bo‘yicha ham ijobiy natija olindi.

Kalit so‘zlar: inklyuziv iqtisodiy o‘sish, integral indeks, panel ma’lumotlar, eksport, investitsiya, tadbirkorlik, AKT xizmatlari.

Аннотация

В статье с помощью панельной эконометрической модели оценены факторы, связанные с инклюзивным экономическим ростом в 15 районах и городах Сурхандарьинской области за 2020–2025 годы. Расчёты показали положительную и статистически значимую связь экспорта с индексом инклюзивного роста. По услугам ИКТ также получен положительный результат.

Ключевые слова: инклюзивный экономический рост, интегральный индекс, панельные данные, экспорт, инвестиции, предпринимательство, услуги ИКТ.

Abstract

This study uses a panel econometric model to assess factors associated with inclusive economic growth across 15 districts and cities of Surkhandarya region during 2020–2025. The results show a positive and statistically significant relationship between exports and the inclusive growth index. ICT services also demonstrate a positive relationship.

Keywords: inclusive economic growth, integral index, panel data, exports, investment, entrepreneurship, ICT services.

Kirish

Hududlarning iqtisodiy rivojlanishini faqat ishlab chiqarish hajmi yoki daromadlarning o‘sishi bilan baholash yetarli emas. Iqtisodiy o‘sish natijalari aholining turmush darajasi, bandligi va xizmatlardan foydalanish imkoniyatlarida ham namoyon bo‘lishi kerak. Shu sababli inklyuziv iqtisodiy o‘sishni baholash va uning omillarini aniqlash muhim hisoblanadi.

O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish davlat siyosatining muhim yo‘nalishlaridan biridir [1]. Shu sharoitda hududlarda eksport va raqamli xizmatlarning inklyuziv iqtisodiy o‘sish bilan bog‘liqligini statistik ma’lumotlar asosida o‘rganish dolzarbdir.

Tadqiqotning maqsadi Surxondaryo viloyati tuman va shaharlarida inklyuziv iqtisodiy o‘sish bilan bog‘liq omillarni ekonometrik usulda baholashdan iborat.

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotda Surxondaryo viloyatining 15 ta tumani va shahri bo‘yicha 2020–2025-yillar ma’lumotlaridan foydalanildi. Jami 90 ta kuzatuv asosida panel ma’lumotlar bazasi shakllantirildi. Natijaviy ko‘rsatkich sifatida avvalgi hisob-kitoblar asosida tuzilgan inklyuziv iqtisodiy o‘sish integral indeksi (IGI) olindi.

Investitsiya, tadbirkorlik, eksport va axborot-kommunikatsiya xizmatlari tushuntiruvchi o‘zgaruvchilar sifatida tanlandi. Statistik ma’lumotlar O‘zbekiston Respublikasi rasmiy statistika portalidan olindi [2]. Hisob-kitoblar Gretl dasturida qat’iy effektlar (Fixed Effects — FE) modeli yordamida amalga oshirildi.

Panel ma’lumotlarni tahlil qilishda hududlarga xos farqlarni hisobga olish muhim. Shu maqsadda qat’iy effektlar modeli qo‘llanildi [3]. Standart xatolar hududlar bo‘yicha klasterlangan robust usulda hisoblandi [4]. Modelga yillar bo‘yicha vaqt effektlari ham kiritildi.

Natijalar va muhokama

Ekonometrik hisob-kitoblar natijasida investitsiya, tadbirkorlik, eksport va AKT xizmatlari ko‘rsatkichlarining inklyuziv iqtisodiy o‘sish indeksi bilan bog‘liqligi baholandi. Natijalar 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval

Inklyuziv iqtisodiy o‘sish omillarining ekonometrik baholash natijalari

Ko‘rsatkich	Koeffitsiyent	Robust standart xato	p-qiymat
Investitsiya	−0,000000152	0,000000793	0,8510
Tadbirkorlik	0,0000412	0,0043336	0,9926
Eksport	0,0000569	0,0000246	0,0366
AKT xizmatlari	0,120406	0,057429	0,0547

Manba: muallifning Gretl dasturidagi hisob-kitoblari [5].

Eksport koeffitsiyenti 0,0000569, p-qiymati esa 0,0366 ga teng. Bu eksport va inklyuziv iqtisodiy o‘sish indeksi o‘rtasida ijobiy hamda 5 foizlik darajada statistik ahamiyatli bog‘liqlik mavjudligini ko‘rsatadi.

AKT xizmatlari koeffitsiyenti 0,120406 ga teng, p-qiymati esa 0,0547 ni tashkil etdi. Demak, natija 10 foizlik darajada statistik ahamiyatli, biroq 5 foizlik darajaga yetmaydi. Shu sababli AKT xizmatlari bo‘yicha xulosani ehtiyotkorlik bilan talqin qilish lozim.

Investitsiya va tadbirkorlik ko‘rsatkichlarining p-qiymatlari mos ravishda 0,8510 va 0,9926 bo‘ldi. Demak, tanlangan modelda ushbu omillarning IGI bilan statistik ahamiyatli bog‘liqligi aniqlanmadi. Bu ularning umuman ta’siri yo‘qligini emas, balki mazkur modelda bunday bog‘liqlik statistik tasdiqlanmaganini anglatadi.

Modelning hududlar ichidagi o‘zgarishlarni tushuntirish darajasi (within R^2) 0,954443 ga teng bo‘ldi. Tanlangan omillarning qo‘shma ahamiyatliligi testi ham statistik ahamiyatli natija berdi: $F(4,14) = 25,7807$; $p = 0,00000249756$. Hududlar bo‘yicha farqlar va vaqt effektlari testlari ham ushbu omillarni modelda hisobga olish muhimligini ko‘rsatdi.

Xulosa va takliflar

Tadqiqot natijalariga ko‘ra, Surxondaryo viloyatining tuman va shaharlarida eksport inklyuziv iqtisodiy o‘sish integral indeksi bilan ijobiy va statistik ahamiyatli bog‘liqlikka ega. Shu sababli eksport qiluvchi korxonalarni qo‘llab-quvvatlash va mahalliy mahsulotlarning tashqi bozorlarga chiqish imkoniyatlarini kengaytirish maqsadga muvofiq.

AKT xizmatlari bo‘yicha ham ijobiy natija olindi. Bu raqamli xizmatlardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirishni hududiy rivojlanish siyosatida e’tiborga olish lozimligini ko‘rsatadi. Investitsiya va tadbirkorlik bo‘yicha esa kelgusida

qo‘shimcha ko‘rsatkichlardan foydalanib, ularning ta’sirini chuqurroq o‘rganish maqsadga muvofiq.

Umuman olganda, panel ekonometrik tahlil hududiy inklyuziv iqtisodiy o‘sishni baholashda hududiy farqlar va vaqt omillarini hisobga olish zarurligini ko‘rsatdi.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi PF-6079-son Farmoni. “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida.

[2] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi. Rasmiy statistika ma’lumotlari portali: https://siat.stat.uz/.

[3] Wooldridge, J. M. (2010). Econometric Analysis of Cross Section and Panel Data (2nd ed.). MIT Press.

[4] Arellano, M. (1987). Computing robust standard errors for within-groups estimators. Oxford Bulletin of Economics and Statistics, 49(4), 431–434.

[5] Muallifning Surxondaryo viloyati tuman va shaharlari bo‘yicha 2020–2025-yillar ma’lumotlari asosida shakllantirilgan IGI va Gretl dasturidagi ekonometrik hisob-kitoblari.

MINTAQADA AGROTURIZMNI RAQAMLI IQTISODIYOT ORQALI RIVOJLANTIRISH ZAMONAVIY MEXANIZMLAR VA ISTIQBOLLI YO‘NALISHLAR

Ergashev R.X. - Qarshi davlat texnika universiteti professori, i.f.d.
Aliqulov Humoyun - Qarshi davlat texnika universiteti, tayanch doktoranti. Iqtisodiyot va pedagogika universiteti, assistant

Annotatsiya. Mazkur maqolada mintaqalarda agroturizmni raqamli iqtisodiyot vositalari asosida rivojlantirishning zamonaviy mexanizmlari tadqiq etilgan. Raqamli marketing, ijtimoiy tarmoqlar, onlayn bronlash va to‘lov tizimlari, mobil ilovalar, katta ma’lumotlar hamda sun’iy intellekt texnologiyalarining agroturizm xizmatlarini shakllantirish va bozorga olib chiqishdagi ahamiyati tahlil qilingan. Tadqiqot natijasida fermer xo‘jaliklari, turistlar va xizmat ko‘rsatuvchi subyektlarni yagona raqamli platformada birlashtirishga asoslangan hududiy agroturizm raqamli ekotizimi taklif etilgan.

Kalit so‘zlar: agroturizm, raqamli iqtisodiyot, raqamli marketing, raqamli platforma, qishloq turizmi, onlayn bronlash, sun’iy intellekt, hududiy rivojlanish.

Jahon iqtisodiyotida raqamlashtirish jarayonlarining jadallashuvi turizm xizmatlarini tashkil etish va iste’molchiga yetkazib berish mexanizmlarini tubdan

o‘zgartirmoqda. Ushbu jarayon agroturizm uchun ayniqsa muhim bo‘lib, qishloq hududlarida joylashgan kichik fermer va oilaviy xo‘jaliklarga geografik cheklovlarni kamaytirish, potensial turistlarga to‘g‘ridan-to‘g‘ri chiqish va xizmatlarini nisbatan kam xarajat bilan targ‘ib qilish imkoniyatini yaratadi. Agroturizm qishloq xo‘jaligi faoliyati bilan turistik xizmatlarning integratsiyasiga asoslanib, fermer xo‘jaliklari daromadlarini diversifikatsiya qilish, mahalliy aholi bandligini ta’minlash va hududlarning turistik salohiyatidan samarali foydalanishga xizmat qiladi. Zamonaviy sharoitda esa agroturizmning raqobatbardoshligi ko‘p jihatdan uning raqamli muhitga qanchalik integratsiyalashganiga bog‘liq. Ilmiy tadqiqotlarda veb-saytlar, ijtimoiy tarmoqlar, onlayn bronlash tizimlari, mobil ilovalar va chatbotlar agroturizmda qo‘llanilayotgan muhim axborot-kommunikatsiya vositalari sifatida qayd etiladi.[69]

O‘zbekiston hududlari, jumladan Qashqadaryo viloyatining tabiiy-landshaft, qishloq xo‘jaligi, gastronomik va madaniy resurslari agroturizmni rivojlantirish uchun katta imkoniyat yaratadi. Biroq alohida agroxo‘jaliklarning internetdagi ko‘rinuvchanligi, yagona elektron katalog, onlayn bronlash hamda hududiy raqamli marketing tizimlarining rivojlanishi agroturistik mahsulotni ichki va xalqaro bozorlarga samarali olib chiqishda muhim ahamiyat kasb etadi. Tadqiqotda tizimli va qiyosiy tahlil, ilmiy adabiyotlarni umumlashtirish, induksiya va deduksiya hamda mantiqiy tahlil usullaridan foydalanildi. Raqamli texnologiyalarning agroturizm qiymat zanjiriga ta’siri “agroxo‘jalik – raqamli platforma – turist” o‘zaro aloqalari asosida tahlil qilindi.



1-rasm. Mintaqaviy agroturizmni rivojlantirishning raqamli ekotizim modeli

[69] Mutipforo G., Muwani T.S., Katsande C., Marime S., Ranganai N. *ICTs and Their Influence on Agritourism* // Agritourism for Sustainable Development: Reflections from Emerging African Economies. – CABI, 2024. – P. 174–188. DOI: 10.1079/9781800623705.0013.

O‘tkazilgan tahlillar agroturizmni raqamli iqtisodiyot asosida rivojlantirishda bir nechta muhim texnologik yo‘nalishlar mavjudligini ko‘rsatadi. Raqamli texnologiyalar, ayniqsa, markaziy turistik oqimlardan uzoqda joylashgan qishloq hududlari uchun muhimdir. Zamonaviy tadqiqotlarda raqamli kommunikatsiya vositalari chekka hududlarda joylashgan agroturizm obyektlarining potensial mijozlar bilan aloqasini yaxshilashi va bozor ko‘rinuvchanligini oshirishi qayd etiladi[70]. Shu nuqtai nazardan, Qashqadaryo viloyatida fermer va dehqon xo‘jaliklari, milliy taomlar, hunarmandchilik, tog‘ va qishloq hududlari hamda mahalliy turistik xizmatlarni yagona raqamli axborot maydoniga birlashtirish maqsadga muvofiq.

Mazkur mexanizmda raqamli platforma fermer bilan turist o‘rtasidagi axborot masofasini qisqartiruvchi asosiy vosita vazifasini bajaradi. Zamonaviy ilmiy tadqiqotlar ham raqamli transformatsiya qishloq turizmining rivojlanishi va mahalliy turistik resurslardan foydalanish uchun yangi imkoniyatlar yaratishini ko‘rsatmoqda[8].Tadqiqotning ilmiy natijasi sifatida taklif etilayotgan ekotizimda fermer xo‘jaligi agroturistik mahsulotni shakllantiradi, raqamli platforma uni turistga yetkazadi, raqamli marketing vositalari talabni rag‘batlantiradi, elektron bronlash va to‘lov tizimlari tranzaksiyani amalga oshiradi, turistlarning elektron baholari esa qayta aloqa manbai vazifasini bajaradi. Yig‘ilgan ma’lumotlarni Big Data va sun’iy intellekt texnologiyalari yordamida tahlil qilish orqali talab dinamikasini aniqlash, xizmatlarni individuallashtirish va hududiy agroturizm siyosatini takomillashtirish imkoniyati yuzaga keladi. Shu sababli mazkur model agroturizmni raqamlashtirishni faqat marketing jarayoni sifatida emas, balki turistik mahsulot yaratishdan boshlab hududiy iqtisodiy samara shakllanishigacha bo‘lgan integratsiyalashgan tashkiliy-iqtisodiy mexanizm sifatida talqin etadi.

Ushbu chora-tadbirlarning izchil amalga oshirilishi agroturizm xizmatlarining ichki va tashqi turizm bozoridagi raqobatbardoshligini oshirish bilan bir qatorda qishloq xo‘jaligi subyektlari daromadlarini diversifikatsiya qilish, yangi ish o‘rinlarini yaratish, mahalliy mahsulotlarning sotuvini kengaytirish va mintaqalarning barqaror iqtisodiy rivojlanishini rag‘batlantirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mutipforo G., Muwani T.S., Katsande C., Marime S., Ranganai N. ICTs and Their Influence on Agritourism. Agritourism for Sustainable Development: Reflections from Emerging African Economies. – CABI, 2024. – P. 174–188. https://doi.org/10.1079/9781800623705.0013

[70] Digital marketing tools for supporting farmhouse development in rural areas: a regional case study* // Agricultural and Food Economics. – 2025. DOI: 10.1186/s40100-025-00409-y.

2. Digital marketing tools for supporting farmhouse development in rural areas: a regional case study. Agricultural and Food Economics. – 2025. **https://doi.org/10.1186/s40100-025-00409-y**

3. Zhang B., Zhang J., Xu Q. Design of rural tourism management cloud platform based on intelligent audio processing and sensor navigation positioning. Measurement: Sensors. – 2024. – Vol. 33. – Article 101101. **https://doi.org/10.1016/j.measen.2024.101090**

4. Ergashev, R. K., & Jabborova, Z. (2021). The importance of innovative activity in tourism. European Scholar Journal, 2(4), 467-472.

5. Khakimov, R., & Toxirovna, S. G. (2020). Agrarian Sector of the Republic of Uzbekistan in a Way of Development and Features of Enterprise Activity. International Journal on Orange Technologies, 2(10), 53-57.

6. Aliqulov, H. (2026). Mintaqada Agroturizmni Xorijiy Tajriba Asosida Rivojlantirish: Xalqaro Modellar Va O ‘Zbekiston Uchun Innovatsion Mexanizmlar. GREEN ECONOMY AND DEVELOPMENT, 4(9), 288-293. **https://doi.org/10.5281/zenodo.22653431**

7. Aliqulov, H. (2026). Agroturizmni Rivojlantirish Asosida Qishloq Hududlarining Barqaror Iqtisodiy Va Ijtimoiy Taraqqiyotini Ta’Minlash Asoslari. GREEN ECONOMY AND DEVELOPMENT, 4(6). **https://doi.org/10.5281/zenodo.20636942**

HUDUDLARNING IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH YO‘NALISHLARI

Fayziyeva Shirin Shodmonovna - i.f.n., professor
Qarshi davlat texnika universiteti, e-mail: fayziyevashirin66gmail.com

Annotatsiya. Mazkur maqolada raqamli texnologiyalardan foydalanish asosida hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish samaradorligini oshirishning nazariy va amaliy jihatlari yoritilgan. Hududiy boshqaruv, tadbirkorlik, bandlik, ta’lim, sog‘liqni saqlash va davlat xizmatlari tizimida raqamli yechimlarni joriy etish imkoniyatlari tahlil qilingan. Shuningdek, muammolar aniqlanib, ularni bartaraf etish hamda raqamli texnologiyalarning iqtisodiy va ijtimoiy samaradorligini oshirishga qaratilgan ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, raqamli texnologiyalar, hududiy rivojlanish, ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlik, raqamli transformatsiya, elektron davlat xizmatlari, innovatsion rivojlanish, tadbirkorlik, inson kapitali, raqamli infratuzilma.

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты повышения эффективности социально-экономического развития регионов посредством использования цифровых технологий. Анализируется потенциал внедрения цифровых решений в таких сферах, как региональное управление, предпринимательство, занятость, образование, здравоохранение и предоставление государственных услуг. Кроме того, в работе выявлены проблемы, препятствующие цифровому развитию регионов, а также предложены научно-практические меры, направленные на преодоление этих барьеров.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровые технологии, региональное развитие, социально-экономическая эффективность, цифровая трансформация, электронные государственные услуги, инновационное развитие, предпринимательство, человеческий капитал, цифровая инфраструктура.

Abstract. This article examines the theoretical and practical aspects of enhancing the socio-economic development of regions through the use of digital technologies. It analyzes the potential for implementing digital solutions in areas such as regional governance, entrepreneurship, employment, education, healthcare, and the provision of public services. Furthermore, the paper identifies challenges that hinder the digital development of regions and proposes research-based, practical measures aimed at overcoming these barriers.

Keywords: digital economy, digital technologies, regional development, socio-economic efficiency, digital transformation, electronic public services, innovative development, entrepreneurship, human capital, digital infrastructure.

Jahon iqtisodiyotida raqamli transformatsiya jarayonlarining jadallashuvi hududlarning iqtisodiy salohiyatidan samarali foydalanish, aholi turmush sifatini yaxshilash va davlat boshqaruvi tizimining natijadorligini oshirishda muhim omilga aylanmoqda. Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ishlab chiqarish va xizmat koʻrsatish jarayonlarini takomillashtirish, iqtisodiy resurslardan oqilona foydalanish, yangi ish oʻrinlarini yaratish hamda hududlar oʻrtasidagi iqtisodiy tafovutlarni qisqartirish uchun keng imkoniyatlar yaratadi. Hozirgi kunda hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini faqat tabiiy resurslar, ishlab chiqarish quvvatlari yoki investitsiyalar hajmi bilan baholash yetarli emas. Bunda mavjud resurslarni boshqarish sifati, axborotdan foydalanish tezligi, innovatsion faoliyat darajasi va raqamli xizmatlarning ommabopligi ham muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababli raqamli texnologiyalarni hududiy rivojlanish siyosatining tarkibiy qismi sifatida qarash zarur.

O‘zbekistonda ushbu yo‘nalishning institutsional asoslari O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi PF-6079-son Farmoni bilan tasdiqlangan “Raqamli O‘zbekiston - 2030” strategiyasida belgilangan. Mazkur hujjatda iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvini raqamlashtirish, raqamli infratuzilmani rivojlantirish hamda elektron davlat xizmatlarini takomillashtirish ustuvor vazifalar sifatida ko‘rsatilgan. Shu nuqtayi nazardan, hududlarda raqamli texnologiyalardan foydalanishning iqtisodiy va ijtimoiy samaralarini o‘rganish, mavjud muammolarni aniqlash va samarali boshqaruv mexanizmlarini ishlab chiqish dolzarb ilmiy-amaliy masala hisoblanadi. Raqamli texnologiyalar iqtisodiy faoliyatni tashkil etish, axborotni qayta ishlash, resurslarni taqsimlash va boshqaruv qarorlarini qabul qilish jarayonlariga zamonaviy yondashuvlarni olib kiradi.

Hududlarda raqamli texnologiyalardan foydalanish quyidagi asosiy yo‘nalishlarda namoyon bo‘ladi:

Birinchidan, **hududiy boshqaruvni raqamlashtirish** mahalliy davlat hokimiyati organlari faoliyatini takomillashtirish imkonini beradi. Elektron hujjat aylanishi, raqamli ma’lumotlar bazalari, geografik axborot tizimlari va elektron murojaatlar bilan ishlash mexanizmlari boshqaruv jarayonlaridagi ortiqcha vaqt va xarajatlarni kamaytirishi mumkin. Shuningdek, hududning iqtisodiy holati, infratuzilmasi, aholi bandligi va tadbirkorlik faoliyati to‘g‘risidagi ma’lumotlarni bir tizimda jamlash rejalashtirish sifatini yaxshilaydi.

Ikkinchidan, **tadbirkorlik va ishlab chiqarish jarayonlarini raqamlashtirish** korxonalar faoliyatining samaradorligini oshiradi. Elektron savdo platformalari, raqamli marketing, elektron to‘lovlar, avtomatlashtirilgan hisob-kitoblar va logistika tizimlari tadbirkorlarning bozorga chiqish imkoniyatlarini kengaytiradi. Ayniqsa, kichik biznes subyektlari uchun raqamli vositalardan foydalanish an’anaviy savdo kanallariga bog‘liqlikni kamaytirib, mahsulot va xizmatlarni kengroq iste’molchilar guruhiga taklif etish imkonini yaratadi.

Uchinchidan, **ijtimoiy xizmatlarni raqamlashtirish** ta’lim, sog‘liqni saqlash va ijtimoiy himoya tizimining qulayligini oshiradi. Masofaviy ta’lim, elektron tibbiy xizmatlar, onlayn maslahatlar va elektron arizalar orqali fuqarolarning ayrim xizmatlardan foydalanish uchun uzoq masofani bosib o‘tishiga ehtiyoj kamayadi. Biroq bunday imkoniyatlarning real samarasi internet sifati, texnik vositalar mavjudligi va aholining raqamli savodxonligiga bevosita bog‘liq.

To‘rtinchidan, **raqamli texnologiyalar mehnat bozori va aholi bandligiga ta’sir ko‘rsatadi**. Masofaviy mehnat, frilans faoliyati, elektron savdo va IT xizmatlari hududiy mehnat bozorida yangi imkoniyatlarni shakllantiradi. Bu, ayniqsa, yirik iqtisodiy markazlardan uzoqda joylashgan hududlarda yashovchi yoshlar va mutaxassislarning iqtisodiy faolligini oshirish uchun muhimdir.

Demak, raqamli texnologiyalar hududlarning mavjud iqtisodiy salohiyatini ro‘yobga chiqarish, resurslardan samarali foydalanish va aholi uchun qulay ijtimoiy muhitni shakllantirishga xizmat qiluvchi muhim vositadir. Hududlarda raqamli texnologiyalardan foydalanish imkoniyatlari keng bo‘lsa-da, ularning iqtisodiy va ijtimoiy natijadorligi bir qator tashkiliy, texnologik va institutsional omillarga bog‘liq.

Birinchi muhim imkoniyat - hududiy iqtisodiyotni boshqarishda ma’lumotlarga asoslangan yondashuvni rivojlantirishdir. Raqamli platformalar yordamida ishlab chiqarish hajmi, tadbirkorlik subyektlari faoliyati, bandlik darajasi, investitsiyalar, xizmatlar bozori va ijtimoiy infratuzilma holati to‘g‘risidagi ma’lumotlarni muntazam tahlil qilish mumkin. Buning natijasida hududning ustuvor muammolari aniqlanadi va moliyaviy resurslarni maqsadli yo‘naltirish imkoniyati kengayadi.

Ikkinchi imkoniyat - kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning raqamli ekotizimini shakllantirishdir. Mahalliy ishlab chiqaruvchilarni elektron savdo maydonchalari bilan bog‘lash, mahsulotlar katalogini yaratish, raqamli to‘lovlarni rivojlantirish va elektron logistika xizmatlaridan foydalanish orqali hududiy mahsulotlarning ichki va tashqi bozorlarga chiqishini qo‘llab-quvvatlash mumkin.

Uchinchi imkoniyat - qishloq xo‘jaligi va qishloq hududlarida raqamli yechimlarni kengaytirishdir. Masalan, ob-havo ma’lumotlari, suv sarfini hisobga olish, masofadan kuzatish vositalari va raqamli maslahat xizmatlari qishloq xo‘jaligi resurslaridan oqilona foydalanishga yordam beradi. Bunday texnologiyalarning samarasi ularning mahalliy sharoitga mosligi, boshlang‘ich xarajatlari va foydalanuvchilarning malakasiga bog‘liq.

To‘rtinchi imkoniyat - raqamli ta’lim va kasbiy tayyorgarlikni rivojlantirishdir. Hududiy oliy ta’lim muassasalari, kasb-hunar ta’limi tashkilotlari va IT markazlari o‘rtasidagi hamkorlik orqali raqamli ko‘nikmalarga ega kadrlarni tayyorlash, yoshlarning zamonaviy kasblarni egallashi va mehnat bozorida raqobatbardoshligini oshirish mumkin.

Shu bilan birga, raqamli rivojlanish jarayonida quyidagi muammolar ham mavjud bo‘lishi mumkin:

- shahar va qishloq hududlari o‘rtasida internet sifati va raqamli infratuzilma imkoniyatlarining farqlanishi;
- aholining ayrim qatlamlarida raqamli savodxonlik va texnologiyalardan foydalanish ko‘nikmalarining yetarli emasligi;

-kichik biznes subyektlarining raqamli yechimlarni joriy etish uchun moliyaviy va texnik imkoniyatlari cheklanganligi;

-turli idoralar axborot tizimlarining o‘zaro muvofiqlashuvi va ma’lumotlar almashinuvidagi qiyinchiliklar;

-shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish, kiberxavfsizlik va axborot tizimlarining ishonchliligini ta’minlash zarurati.

Demak, yuqoridagi muammolarni bartaraf etishda raqamli texnologiyalarni faqat texnik vositalar sifatida joriy etish emas, balki ularni hududiy iqtisodiyotning real ehtiyojlari bilan uyg‘unlashtirish muhimdir.

Xulosa qilib aytganda, hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish muhim strategik ahamiyatga ega. Raqamli texnologiyalarni iqtisodiyot tarmoqlari va davlat boshqaruvi tizimiga keng joriy etish orqali boshqaruv jarayonlarining shaffofligini ta’minlash, resurslardan samarali foydalanish, tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish hamda yangi ish o‘rinlarini yaratish imkoniyatlari kengayadi. Shu bilan birga, elektron davlat xizmatlari, raqamli infratuzilma, sun’iy intellekt va innovatsion yechimlardan foydalanish hududlar o‘rtasidagi iqtisodiy tafovutlarni kamaytirish hamda aholi turmush darajasini yaxshilashga xizmat qiladi. Shu sababli hududlarda raqamli texnologiyalarni rivojlantirish, raqamli savodxonlikni oshirish va zamonaviy axborot-kommunikatsiya infratuzilmasini takomillashtirishga qaratilgan chora-tadbirlarni izchil amalga oshirish zarur. Bu esa hududlarning barqaror iqtisodiy o‘sishi va ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini oshirishning muhim omili hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli O‘zbekiston - 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi 2020 yil 5 oktabrdagi PF-6079-son Farmoni.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son Farmoni.

3. Raqamli texnologiyalarning iqtisodiy samaradorlikka ta’siri: World Bank, OECD va ITU hisobotlari.

IV SHO’BA. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISH VA RIVOJLANTIRISH STRATEGIYASI

УДК 330.131.7:334.7

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.
Мирзобек Улуғбекович Болтабаев
Самарқанд вилоят молия бошқармаси етакчи мутахассиси
Темур Олимович Мамаюнусов
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

ТАВАККАЛЧИЛИК ВА НОАНИҚЛИК ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада таваккалчилик ва ноаниқлик шароитида тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган бозор, молиявий, инвестицион, ишлаб чиқариш, технологик ва ташқи иқтисодий таваккалчиликларнинг мазмуни ёритилган. Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилишга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилиниб, тадбиркорлик субъектларида таваккалчиликларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари асосланган. Тадбиркорлик таваккалчиликларини камайтиришда диверсификация, суғурталаш, молиявий захираларни шакллантириш, ахборот-таҳлил тизимларидан фойдаланиш ва рақамли технологияларни жорий этишнинг аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, таваккалчилик, ноаниқлик, бизнес хавфи, молиявий хавф, инвестиция, диверсификация, риск-менежмент, қарор қабул қилиш, рақамли технологиялар.

Аннотация. В статье исследуются теоретические и практические аспекты ведения предпринимательской деятельности в условиях риска и неопределенности. Раскрывается содержание рыночных, финансовых, инвестиционных, производственных, технологических и внешнеэкономических рисков, возникающих в предпринимательской деятельности. Анализируются факторы, влияющие на принятие предпринимательских решений в условиях неопределенности, а также обосновываются направления совершенствования механизмов управления рисками. Особое внимание уделяется диверсификации, страхованию, формированию финансовых

резервов, использованию информационно-аналитических систем и цифровых технологий как инструментов снижения предпринимательских рисков.

Ключевые слова: предпринимательство, риск, неопределенность, предпринимательский риск, финансовый риск, инвестиции, диверсификация, риск-менеджмент, принятие решений, цифровые технологии.

Abstract. This article examines the theoretical and practical aspects of conducting entrepreneurial activity under conditions of risk and uncertainty. The paper reveals the nature of market, financial, investment, production, technological and external economic risks arising in entrepreneurial activity. The factors influencing entrepreneurial decision-making under uncertainty are analyzed, and directions for improving risk management mechanisms are substantiated. Particular attention is paid to diversification, insurance, formation of financial reserves, information and analytical systems, and digital technologies as important tools for reducing entrepreneurial risks.

Keywords: entrepreneurship, risk, uncertainty, entrepreneurial risk, financial risk, investment, diversification, risk management, decision-making, digital technologies.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари янги маҳсулот ва хизматларни яратиш, инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш орқали иқтисодий фаолликни таъминлайди.

Бироқ тадбиркорлик фаолияти муайян даражадаги таваккалчилик билан боғлиқ. Тадбиркор қарор қабул қилаётганда келажакдаги бозор ҳолати, истеъмолчилар талаби, рақобатчилар хатти-ҳаракатлари, нархлар динамикаси ва молиявий ресурслар қийматини тўлиқ аниқ била олмайди. Шу сабабли тадбиркорлик фаолиятида асосий вазифалардан бири нафақат фойда олиш, балки мавжуд ва эҳтимолий таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқаришдан иборат. Чунки жуда кўп масалаларнинг ноаниқлиги тадбиркорлар фаолиятини таваккалчилик асосида давом эттиришга ҳам тўғри келади. Бу айниқса ҳозирги тез ўзгараётган замонда ўта долзарбдир. Зеро, бозор шароитида тадбиркорлик мавжуд, тадбиркорлик мавжуд жойда албатта ноаниқлик ҳм бор, бундай шароитда таваккалчиликнинг бўлиши табиий. Шунинг учун мазкур мақола ўта долзарб масаланинг ечимини ахтаришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Таҳлил ва натижалар. Мақолада тадбиркорлик таваккалчилигининг иқтисодий моҳиятига аамият беришдан бошлашни мақсад қилиб олдик. **Тадбиркорлик таваккалчилиги деганда, тадбиркорлик субъекти томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида режалаштирилган иқтисодий натижага эриша олмаслик ёки зарар кўриш эҳтимоли билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади.** Таваккалчиликнинг муҳим хусусияти шундаки, у фақат салбий натижа билан чекланмайди. Таваккалчилик билан ҳаракакт қилган одам жуда кўп ижобий натижаларга ҳам эришиши табиий. Аммо ҳаёт ҳамиша бир хил кечмаганлиги туфайли, айрим хатарлар ҳам содир бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик асосида айрим ҳолатларда юқори даражадаги таваккалчилик юқори даромад олиш имкониятини ҳам яратади. Шунинг учун тадбиркорликда таваккалчиликни бутунлай йўқотиш эмас, балки уни оқилона даражада бошқариш илмини ҳам эгаллаши ва унга амал қилиб фаолият олиб бориши ҳам муҳимдир. Буларнинг моҳиятини тўғри тушуниш учун тадбиркорлик таваккалчилигининг асосий турлари билишни тақозо қилади. Бу қуйиаги жадвалда келтирилган (1-жадвал**).**

1-жадвал


Тадбиркорлик таваккалчилигининг асосий турлари, уларнинг сабаблари ва оқибатлари

Т/р	Таваккалчилик тури	Асосий сабаблар	Эҳтимолий оқибатлари
1.	Бозор таваккалчилиги	Талаб ва таклиф ўзгариши	Савдо ҳажмининг камайиши
2.	Молиявий таваккалчилик	Кредит, фоиз, валюта ўзгариши	Молиявий йўқотиш
3.	Инвестицион таваккалчилик	Лойиҳа самарадорлигининг пасайиши	Инвестиция қайтмаслиги
4.	Ишлаб чиқариш таваккалчилиги	Хом ашё, ускуна муаммолари	Ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши
5.	Технологик таваккалчилик	Технологиянинг тез эскириши	Рақобатбардошликнинг пасайиши
6.	Ташқи иқтисодий таваккалчилик	Ташқи бозор ўзгаришлари	Экспорт-импорт йўқотишлари

Таваккалчилик ва ноаниқликнинг ўзаро фарқи борлигини ҳам инобатга олиш лозим. Чунки, таваккалчилик ва ноаниқлик бир-бирига яқин тушунчалар бўлса-да, улар ўртасида муҳим фарқ мавжуд. **Таваккалчилик** ҳолати келажакдаги бир қанча натижаларни ва уларнинг эҳтимолини маълум даражада баҳолаш имкониятларининг мавжудлиги билан белгиланади.

Ноаниқлик шароитида эса келажакдаги натижалар ва уларнинг эҳтимолини аниқ белгилаш имконияти маълум даражада чекланган бўлади. Шунинг учун тадбиркор ноаниқлик даражасини камайтириш учун қўшимча ахборот тўплаши, бозор таҳлилини амалга ошириши ва бир нечта муқобил сценарийларни ишлаб чиқиши зарурлиги объектив заруриятдан келиб чиқади.

Тадбиркорлик таваккалчилигини бошқариш механизми ҳам бир қанча босқичларда амалга оширилади. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, тадбиркорликда таваккалчиликларни бошқариш қуйидаги босқичларда амалга оширилиши мумкин экан. Булар қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Тадбиркорлик таваккалчилигини бошқариш механизмининг кетма-кетлиги

Расмдан кўриниб турибдики, муаммонинг ечитмини топиш учун энг аввало, вазиятга аниқллик киритиш лозим бўлади. Бунинг учун вазиятни аниқ баҳолаш муҳим. Бу иш ҳолатни батафсил таҳлил қилиш орқали амалга ошрилади. Таҳлил натижасида ҳолатни яхшилаш чораларини белгилаб, унинг бажарилишини назорат қилиб, ваиятни қайта баҳолашга ҳам тўғри келади. Ушбу механизм тадбиркорга хавфларни тизимли равишда бошқариш ва кутилмаган йўқотишларни камайтириш имконини беради.

Тадқиқот жараёнида таваккалчиликларни камайтириш усулларига ҳам эътибор қаратишни лозим, деб топдик. Тадбиркорлик амалиётида таваккалчиликларни камайтиришнинг бир қанча асосий усуллари мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Булар тизимли равишда қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (2-жадвал).

2-жадвал

Тадбиркорлик амалиётида таваккалчиликларни камайтириш усулларининг турлари ва уларнинг изоҳи

Т/р	Таваккалчиликларни камайтириш усулларининг турлари	Таваккалчиликларни камайтириш усуллари турларининг изоҳи
1.	Диверсификация.	Фаолиятни бир маҳсулот ёки бир бозорга **нинг** боғлаб қўймаслик орқали таваккалчиликни тақсимлаш.
2.	Суғурталаш.	Муайян хавфлар юзага келганда молиявий зарарларни қоплаш имкониятини яратиш.
3.	Захираларни шакллантириш.	Кутилмаган харажатларни қоплаш учун молиявий захира яратиш
4.	Ахборот билан таъминлаш	Бозор, рақобатчилар, истеъмолчилар ва нархлар ҳақида ишончли маълумотларни мунтазам йиғиш
5.	Сценарийли режалаштириш	Оптимистик, реал ва пессимистик сценарийлар асосида қарорларни баҳолаш
6.	Инновация ва рақамлаштириш	Замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш ва бошқарув самарадорлигини ошириш

Ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, тадбиркорлик қарорларини қабул қилишда рақамли технологияларнинг аҳамиятига ҳам алоҳида аҳҳҳамият бериш лозим. Рақамли иқтисодиёт шароитида маълумот тадбиркорлик қарорларининг муҳим ресурсига айланмоқда. Электрон тижорат, рақамли маркетинг, бизнес-таҳлил, сунъий интеллект ва катта маълумотлар технологияларидан фойдаланиш бозордаги ўзгаришларни тезроқ аниқлаш имконини бермоқда.

Ҳозирги пайтда рақамли технологиялар ёрдамида тадбиркор бир қанча вазифаларни мувоффақият билан бажармоқда. Булар:

истеъмолчилар талабини таҳлил қилиши;

маҳсулот сотувини прогноз қилиши;

харажатларни назорат қилиши;

молиявий оқимларни таҳлил қилиши;

бозордаги ўзгаришларни кузатиши;

бизнес қарорларининг эҳтимолий натижаларини баҳолаши мумкин.

Ушбу тадбирлар натижада қарор қабул қилиш жараёнидаги ахборот ноаниқлиги ўз-ўзидан қисқаради.

Мавзуни ёритишда тадбиркорлик таваккалчилигини бошқаришни такомиллаштириш йўналишларига ҳам алоҳида аҳамият беришни мақсадга

мувофиқ, деб топдик. Тадбиркорлик субъектларида таваккалчиликларни бошқаришни такомиллаштириш учун қуйидаги йўналишларни устувор деб ҳисоблаш мумкин. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

корхоналарда риск-менежмент тизимини шакллантириш;

замонавий таҳлил ва прогнозлаш усулларидан фойдаланиш;

молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мунтазам мониторинг қилиш;

фаолият турларини диверсификация қилиш;

суғурта механизмларидан самарали фойдаланиш;

рақамли технологияларни кенг жорий этиш;

ходимларнинг рискларни бошқариш бўйича малакасини ошириш;

инқирозли вазиятлар учун муқобил режалар ишлаб чиқиш;

бозор конъюнктурасини мунтазам ўрганиш;

стратегик ва оператив режалаштиришни ўзаро уйғунлаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятини таваккалчилик ва ноаниқликдан ажратиб бўлмайди. Бозор иқтисодиётида ҳар қандай тадбиркорлик қарори муайян даражада хавф билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги нафақат фойда олиш имконияти, балки мавжуд таваккалчиликларни қай даражада тўғри бошқаришга ҳам боғлиқ.

Тадқиқот натижасида шуни таъкидлаш мумкинки, тадбиркорлик субъектларида риск-менежмент тизимини шакллантириш, диверсификация, суғурталаш, молиявий захиралар яратиш, ишончли ахборотдан фойдаланиш ва рақамли технологияларни жорий этиш таваккалчиликларни камайтиришнинг муҳим шартларидан эканлигини унутмаслик лозим.

Шунингдек, ноаниқлик шароитида бир нечта муқобил сценарий асосида қарор қабул қилиш тадбиркорлик субъектларининг ташқи муҳит ўзгаришларига мослашувчанлигини оширади. Бу эса уларнинг молиявий барқарорлиги, рақобатбардошлиги ва узоқ муддатли ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда мазкур мавзу ҳозирги тез ривожланишлар шароитида катт аҳамиятга эга.

Artikova Shoxida Ilyasovna
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
dotsenti, i.f.f.d. (Phd)

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA INSON KAPITALINI RIVOJLANTIRISH VA MEHNAT UNUMDORLIGINI OSHIRISH STRATEGIYASI

Annotatsiya. Maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida inson kapitalini rivojlantirish va mehnat unumdorligini oshirishning nazariy-iqtisodiy asoslari tadqiq etilgan. Shuningdek, raqamli kompetensiyalar, kasbiy malaka va innovatsion texnologiyalarning iqtisodiy samaradorlikka ta’siri tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, inson kapitali, mehnat unumdorligi, raqamli kompetensiyalar, innovatsiyalar, iqtisodiy samaradorlik.

СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА И ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ТРУДА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация. В статье исследованы теоретико-экономические основы развития человеческого капитала и повышения производительности труда в условиях цифровой экономики. Также проанализировано влияние цифровых компетенций, профессиональной квалификации и инновационных технологий на экономическую эффективность.

Ключевые слова: цифровая экономика, человеческий капитал, производительность труда, цифровые компетенции, инновации, экономическая эффективность.

STRATEGY FOR HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT AND LABOR PRODUCTIVITY IMPROVEMENT IN THE DIGITAL ECONOMY

Abstract. The article examines the theoretical and economic foundations of human capital development and labor productivity improvement in the digital economy. It also analyzes the impact of digital competencies, professional qualifications, and innovative technologies on economic efficiency.

Keywords: digital economy, human capital, labor productivity, digital competencies, innovations, economic efficiency.

Raqamli iqtisodiyotning jadal rivojlanishi iqtisodiy o‘sish omillarining mazmuni va tarkibini o‘zgartirmoqda. An’anaviy iqtisodiy tizimda ishlab chiqarish samaradorligi asosan moddiy kapital, tabiiy resurslar va mehnat resurslariga bog‘liq bo‘lgan bo‘lsa, raqamli iqtisodiyot sharoitida bilim, kasbiy kompetensiya, innovatsion salohiyat hamda axborot texnologiyalaridan foydalanish qobiliyati ustuvor ahamiyat kasb etmoqda. Shu sababli inson kapitalini rivojlantirish va mehnat unumdorligini oshirish milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini ta’minlashning muhim strategik

yo‘nalishlaridan biriga aylanmoqda. Inson kapitali shaxsning bilimlari, kasbiy ko‘nikmalari, tajribasi, salomatligi va mehnat faoliyatida iqtisodiy qiymat yaratish imkoniyatlarini ifodalaydi. Raqamli iqtisodiyotda inson kapitalining samaradorligi zamonaviy texnologiyalarni o‘zlashtirish va ulardan amaliy foydalanish darajasi bilan belgilanadi. Sun’iy intellekt, katta ma’lumotlar tahlili, bulutli hisoblash, avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlari va raqamli platformalar ishlab chiqarish jarayonlarini optimallashtirish imkonini beradi. Biroq texnologiyalarni joriy etishning o‘zi yuqori iqtisodiy natijadorlikni kafolatlamaydi. Ularning samarasi xodimlarning raqamli savodxonligi, kasbiy tayyorgarligi va boshqaruv tizimining moslashuvchanligiga bog‘liq.

Raqamli texnologiyalar mehnat unumdorligiga bir necha yo‘nalishda ta’sir ko‘rsatadi. Jumladan, takrorlanuvchi operatsiyalarni avtomatlashtirish ish vaqtini tejaydi, ma’lumotlarni tezkor qayta ishlash boshqaruv qarorlarining aniqligini oshiradi, raqamli kommunikatsiya vositalari esa muvofiqlashtirish xarajatlarini kamaytiradi. Natijada xodimlarning bir birlik ish vaqtida ko‘proq iqtisodiy qiymat yaratish imkoniyati kengayadi. O‘zbekistonda inson kapitalini raqamli iqtisodiyot talablariga mos rivojlantirishning muhim institutsional asoslaridan biri 2020-yil 5-oktabrdagi PF-6079-son Farmon bilan tasdiqlangan «Raqamli O‘zbekiston — 2030» strategiyasidir. Ushbu strategiyada iqtisodiyot tarmoqlarini raqamlashtirish, raqamli infratuzilmani rivojlantirish, axborot texnologiyalari sohasida ta’lim va malaka oshirish masalalariga alohida e’tibor qaratilgan.

Shu bilan birga, inson kapitalini rivojlantirishda ta’lim dasturlarining mehnat bozori talablariga yetarlicha moslashmaganligi, ayrim xodimlarning raqamli ko‘nikmalari cheklanganligi, korxonalarda uzluksiz kasbiy ta’lim mexanizmlarining sustligi va hududlar o‘rtasidagi raqamli imkoniyatlar tafovuti kabi muammolar iqtisodiy samaradorlikning o‘sishini cheklashi mumkin. Ushbu muammolarni bartaraf etish ta’lim, bandlik, innovatsiyalar va ishlab chiqarish siyosatini o‘zaro muvofiqlashtirishni talab etadi. Ayniqsa, ta’lim tizimi va ishlab chiqarish o‘rtasidagi hamkorlikni kuchaytirish raqamli iqtisodiyot talablariga javob beradigan mutaxassislarni tayyorlashda muhim ahamiyatga ega. Bunda oliy ta’lim muassasalarida raqamli kompetensiyalarni rivojlantirish, amaliy mashg‘ulotlar ulushini oshirish va ish beruvchilar ishtirokida ta’lim dasturlarini takomillashtirish maqsadga muvofiq.

Xulosa qilib aytganda, raqamli iqtisodiyot sharoitida inson kapitalini rivojlantirish va mehnat unumdorligini oshirish strategiyasi bilim va kompetensiyalarga investitsiyalarni ko‘paytirish, uzluksiz ta’limni rivojlantirish, raqamli innovatsiyalarni keng joriy etish hamda iqtisodiy natijadorlikni muntazam baholashga asoslanishi lozim. Mazkur yo‘nalishlarning izchil amalga oshirilishi milliy

iqtisodiyot raqobatbardoshligini mustahkamlash va barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi PF-6079-son «Raqamli O‘zbekiston — 2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Farmoni. — https://lex.uz/docs/-5030957

2. Abdurahmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti: nazariya va amaliyot. Darslik. — Toshkent: Fan, 2019. — 544 bet.

O‘ZBEKISTONDA INSTITUTSIONAL ISLOHOTLARNING IQTISODIY O‘SISH VA INVESTITSION MUHITGA TA’SIRI

Usmonov Murodbek Dusmurot o‘g’li
Samarqan iqtisodiyot va servis instituti, Raqamli iqtisodiyot kafedrasi asistenti
Baratov Doston
Samarqan iqtisodiyot va servis instituti, Iqtisodiyot fakulteti 3-bosqich talabasi

Annotatsiya

Maqolada 2017-yildan boshlab O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan institutsional islohotlarning iqtisodiy o‘sish va investitsion muhitga ta’siri tahlil qilingan. Nazariy asos sifatida institutsional iqtisodiyot (D. Nort), institutlarning uzoq muddatli rivojlanishdagi roli (D. Acemoglu va hammualliflari) hamda islohotlar sifati yondashuvlari qo‘llanilgan. Rasmiy ma’lumotlarga ko‘ra, 2025-yilda iqtisodiyot 7,7 foizga o‘sgan, o‘zlashtirilgan xorijiy investitsiyalar hajmi 43,1 mlrd AQSh dollariga yetgan (2024-yilga nisbatan +24%).

Kalit so‘zlar: *institutsional islohotlar, investitsion muhit, iqtisodiy o‘sish, xorijiy to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar, xususiylashtirish, mulk huquqi, korrupsiyaga qarshi kurash, JSTga a’zolik.*

Аннотация

В статье анализируется влияние институциональных реформ, проводимых в Узбекистане с 2017 года, на экономический рост и инвестиционный климат. Теоретической основой послужили институциональная экономика (Д. Норт), концепция роли институтов в долгосрочном развитии (Д. Аджемоглу и соавт.) и подходы к оценке качества реформ. По официальным данным, в 2025 году экономика выросла на 7,7%, объём освоенных иностранных инвестиций достиг 43,1 млрд долл. США (+24% к 2024 году).

Ключевые слова: *институциональные реформы, инвестиционный климат, экономический рост, прямые иностранные инвестиции, приватизация, права собственности, борьба с коррупцией, присоединение к ВТО.*

Abstract

The article analyzes the impact of the institutional reforms implemented in Uzbekistan since 2017 on economic growth and the investment climate. The theoretical basis combines institutional economics (D. North), the long-run role of institutions in development (D. Acemoglu and co-authors) and approaches to reform quality. According to official data, the economy grew by 7.7% in 2025 and utilized foreign investment reached US$43.1 billion (+24% year on year).

Keywords: *institutional reforms, investment climate, economic growth, foreign direct investment, privatization, property rights, anti-corruption, WTO accession.*

Kirish

Iqtisodiy o‘sishning uzoq muddatli sur’atini nafaqat kapital va mehnat zaxiralari, balki ularni qanday qoidalar asosida ishlatish - ya’ni institutlar sifati belgilaydi. Mulk huquqining himoyasi, sud va nazorat tizimining ishonchliligi, tartibga solishning bashorat qilinishi investorlar uchun tranzaksiya xarajatlari va xavflarni kamaytiradi, shu orqali investitsion faollikni oshiradi. O‘zbekiston 2017-yildan boshlab yopiq, markazlashgan iqtisodiy modeldan ochiq, bozorga yo‘naltirilgan modelga o‘tish bo‘yicha institutsional islohotlarni amalga oshirmoqda. Davlat xususiylashtirish va davlat korxonalarini isloh qilish dasturlarini boshladi, bir qator sohalarda narxlarni erkinlashtirdi, investitsiya qonunchiligini mustahkamladi, shuningdek, “O‘zbekiston – 2030” strategiyasida xususiy sektor boshchiligidagi o‘sishni asosiy yo‘nalish sifatida belgiladi. 2025-yilda iqtisodiyot 7,7 foizga o‘sdi, o‘zlashtirilgan xorijiy investitsiyalar esa 43,1 mlrd dollarga yetdi. Shu bois islohotlarning haqiqiy iqtisodiy samarasi va qolgan to‘siqlarni baholash dolzarb ilmiy-amaliy masalaga aylandi. **Tadqiqotning maqsadi**-institutsional islohotlarning iqtisodiy o‘sish va investitsion muhitga ta’sirini aniqlash hamda islohotlarni chuqurlashtirish yo‘nalishlarini asoslashdir. Tadqiqotda qiyosiy, statistik va tizimli tahlil usullaridan foydalanildi. Institutsional iqtisodiyot asoschilaridan biri D. Nort institutlarni jamiyatdagi “o‘yin qoidalari” sifatida ta’riflaydi: rasmiy qoidalar (qonunlar, shartnomalar) va norasmiy me’yorlar iqtisodiy agentlarning rag‘batini belgilaydi.

2. Institutsional islohotlarning asosiy yo‘nalishlari va natijalari

O‘zbekistondagi islohotlar bir necha o‘zaro bog‘liq yo‘nalishda amalga oshirilmoqda. 1-jadvalda ularning mazmuni va kuzatilayotgan natijalari umumlashtirilgan.

1-jadval.

O‘zbekistonda institutsional islohotlarning asosiy yo‘nalishlari va natijalari

Islohot yo‘nalishi	Asosiy chora-tadbirlar	Natijalar
Iqtisodiy liberalizatsiya	Valyuta va savdo bozorini erkinlashtirish	2025-yilda YaIM 7,7% ga o‘sdi
Investitsiya muhiti	Investorlar huquqlarini himoya qilish, DXSh	2025-yilda xorijiy investitsiyalar 43,1 mlrd dollar
Xususiylashtirish	Davlat aktivlarini xususiy sektorga o‘tkazish	Xususiy va xorijiy investorlar ishtiroki kengaydi
Moliyaviy-huquqiy islohotlar	Moliyaviy infratuzilma va huquqiy kafolatlarni rivojlantirish	Investitsiyalar uchun institutsional sharoitlar yaxshilandi

Manba: Kun.uz (2026), O‘zbekistonning investitsiyaviy rivojlanishiga oid ma’lumotlar asosida mualliflar tomonidan tuzilgan.

Jadval tavsifi: 1-jadvalda O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan institutsional islohotlarning to‘rtta asosiy yo‘nalishi umumlashtirilgan. Iqtisodiy liberalizatsiya, investitsiyalarni huquqiy himoya qilish, xususiylashtirish va moliyaviy infratuzilmani rivojlantirish mamlakatda iqtisodiy faollikni rag‘batlantirishga xizmat qilmoqda. 2025-yilda YaIM o‘sishining 7,7 foizni, xorijiy investitsiyalar hajmining 43,1 mlrd dollarni tashkil etgani ushbu davrdagi ijobiy iqtisodiy dinamikani aks ettiradi. Biroq bu ko‘rsatkichlar islohotlarning bevosita sababiy ta’sirini alohida isbotlamaydi.

Xulosa. Tadqiqot O‘zbekistonda 2017-yildan boshlangan institutsional islohotlar iqtisodiy o‘sishni va investitsion faollikni sezilarli oshirganini ko‘rsatdi: 2025-yilda YaIM 7,7 foizga o‘sdi, o‘zlashtirilgan xorijiy investitsiyalar 43,1 mlrd dollarga yetdi, Osiyo mamlakatlaridan to‘plangan XTI 2016-yildan beri 45 baravardan ko‘proq oshdi. Islohotlarning ta’siri bir nechta kanal orqali amalga oshmoqda: erkinlashtirish va ochiqlik, investorlar uchun huquqiy kafolatlar, xususiylashtirish va davlat korxonalari islohoti, shuningdek, korrupsiyaga qarshi chora-tadbirlar. Biroq korrupsiya xavfi, davlatning yuqori ishtiroki, JSTga a’zolikning yakunlanmagani, investitsiyalarning energetika va infratuzilmaga konsentratsiyasi hamda tashqi omillarga (pul o‘tkazmalari, xorijiy kapital) bog‘liqlik islohotlar samarasini cheklaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. North D. C. Institutions, Institutional Change and Economic Performance. Cambridge University Press, 1990.

2. Acemoglu D., Johnson S., Robinson J. A. The Colonial Origins of Comparative Development: An Empirical Investigation. American Economic Review, 91(5), 2001.

3. Rodrik D., Subramanian A., Trebbi F. Institutions Rule: The Primacy of Institutions over Geography and Integration in Economic Development. Journal of Economic Growth, 9(2), 2004.

4. Kun.uz. Foreign investment in Uzbekistan tops $43 billion in 2025. 2026-yil 7-yanvar. https://kun.uz/en/news/2026/01/07/foreign-investment-in-uzbekistan-tops-43-billion-in-2025

СТРАТЕГИЯ ЦИФРОВОГО УСКОРЕНИЯ: СЦЕНАРНЫЙ АНАЛИЗ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ СЕКТОРА УСЛУГ ДО 2030 ГОДА

Халимов Шахбоз Халимович
д.ф.н., доцент и.о., Самаркандский институт экономики и сервиса
e-mail: xalimovshaxboz8545@gmail.com ORCID: 0009-0004-0721-4754
Аминджанова Румейса Ботировна
магистрантка Самаркандского института экономики и сервиса

Аннотация: В статье представлен сценарный анализ социально-экономической эффективности сектора услуг (на примере туризма Узбекистана) до 2030 года. На основе данных за 2025 год (11,7 млн туристов, средние расходы около 411 долл.) смоделированы три сценария: инерционный (рост числа туристов на 5% и расходов на 3% в год), базовый (7% и 6%) и сценарий «цифрового ускорения» (9% и 10%). Расчёты показывают, что при цифровом ускорении экспорт туристических услуг к 2030 г. может достичь 11,9 млрд долл. против 7,1 млрд долл. в инерционном сценарии.

Ключевые слова: сценарный анализ, цифровое ускорение, социально-экономическая эффективность, сектор услуг, экспорт услуг, стратегическое планирование, KPI, дорожная карта, Узбекистан.

Abstract: The article presents a scenario analysis of the socio-economic efficiency of the service sector (using the example of Uzbekistan's tourism) up to 2030. Based on 2025 data (11.7 million tourists, average spending of about USD 411), three scenarios are modeled: inertial (annual growth of tourists by 5% and spending by 3%), baseline (7% and 6%), and the "digital acceleration" scenario (9% and 10%). Calculations show that under digital acceleration, tourism service exports could reach **USD 11.9 billion** by 2030, compared with **USD 7.1 billion** under the inertial scenario.

Keywords: scenario analysis, digital acceleration, socio-economic efficiency, service sector, service exports, strategic planning, KPI, roadmap, Uzbekistan.

Введение. В условиях цифровой экономики стратегическое планирование в секторе услуг требует не только постановки целевых показателей, но и обоснованного выбора траектории развития. Для Узбекистана, где туризм рассматривается как стратегическая отрасль, вопрос приобретает особую актуальность: Стратегия «Узбекистан – 2030» ориентирует отрасль на привлечение 15 млн иностранных туристов и многократное увеличение вклада туризма в ВВП (с 3,5 до 7%).

Научная проблема состоит в том, что существующие стратегические документы ориентируются преимущественно на количественные показатели (число туристов), но не учитывают качественные параметры (расходы на туриста, структура рынков, цифровая зрелость). Как следствие, возникает риск «роста без качества»: целевой показатель по числу туристов может быть достигнут, но социально-экономический эффект окажется ниже ожидаемого.

Цель исследования — провести сценарный анализ социально-экономической эффективности сектора услуг до 2030 года и обосновать стратегию цифрового ускорения.

Для достижения цели поставлены задачи:

1. Определить параметры трёх сценариев развития (инерционный, базовый, цифровое ускорение).
2. Рассчитать экспорт услуг и расходы на туриста к 2030 году по каждому сценарию.
3. Разложить разрыв между сценариями на количественную и качественную компоненты.
4. Предложить дорожную карту и систему KPI для мониторинга реализации стратегии.

Основная часть. Для оценки возможного эффекта сформированы три сценария на основе мультипликативной модели экспорта услуг ($E = N \times S$), где E — экспорт услуг, N — число туристов, S — средние расходы на одного туриста. За базу принят 2025 год: **11,7 млн туристов** и расходы на туриста около **411 долл.** (отношение экспорта 4,4 млрд долл. к 10,7 млн туристов за январь–ноябрь).

Параметры сценариев (Таблица 1) являются допущениями автора, а не прогнозом официальных органов.

Таблица 1.

Параметры сценариев развития до 2030 года

Сценарий	Рост числа туристов в год	Рост расходов в год	Логика сценария
Инерционный	5%	3%	Сохранение текущих тенденций, без масштабной цифровизации

Базовый	7%	6%	Умеренное внедрение цифровых решений
Цифровое ускорение	9%	10%	Интеграция платформы, ИИ-персонализация, диверсификация рынков

Расчёты показывают два важных результата.

Во-первых, целевой показатель в 15 млн туристов достигается или почти достигается уже в инерционном сценарии (14,9 млн), особенно с учётом роста на 22,6% в январе–июле 2026 г. Следовательно, главная конкурентная задача — **не объём, а ценность визита.**

Во-вторых, разрыв между сценариями ускорения и инерции по экспорту составляет около **4,8 млрд долл.** По логарифмическому разложению, порядка **64%** этого разрыва обеспечивается ростом расходов на туриста (качественный фактор) и около **36%** — ростом числа прибытий (количественный фактор). Это подтверждает логику приоритизации: цифровые инвестиции должны быть направлены прежде всего на повышение «стоимости визита» (дополнительные услуги, персонализация, диверсификация рынков), а не только на наращивание потока.

Выводы и предложения. Сценарный анализ показал, что при цифровом ускорении экспорт туристических услуг к 2030 г. может достичь **11,9 млрд долл.** против **7,1 млрд долл.** в инерционном сценарии. Разрыв в 4,8 млрд долл. на 64% обеспечивается ростом расходов на туриста (качественный фактор), что подтверждает приоритетность инвестиций в повышение «ценности визита». Целевой показатель в 15 млн туристов достигается уже в инерционном сценарии (14,9 млн), следовательно, стратегическая задача — не наращивание объёма, а рост качества и диверсификация рынков.

Предложена дорожная карта цифровой трансформации на 2026–2030 гг., включающая запуск платформы, внедрение ИИ и Big Data, единый билет, AR/VR-гиды, динамическое ценообразование и интеграцию с международными платёжными системами. Разработана система из восьми KPI, охватывающая количественные, качественные и цифровые показатели, которая может быть использована Комитетом по туризму и региональными администрациями для мониторинга реализации стратегии.

Практическая значимость заключается в возможности применения результатов при разработке стратегических документов, формировании KPI Единой национальной платформы туризма и программ цифровизации сектора услуг. **Перспективы дальнейших исследований** — верификация параметров сценариев на основе фактических данных после запуска платформы, проведение

опросов туристов и предприятий, сравнительный анализ с Казахстаном, Турцией и Грузией.

Использованная литература:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 19.11.2025 № ПП-348 «О мерах по организации деятельности Комитета по туризму и ускоренному развитию сферы туризма».

2. Указ Президента Республики Узбекистан от 11.09.2023 № УП-158 «О Стратегии «Узбекистан – 2030»».

3. Комитет по туризму Республики Узбекистан. 7,7 млн туристов и $3,9 млрд экспорта: туризм в Узбекистане продолжает расти. 12.08.2026.

4. Комитет по туризму Республики Узбекистан. Итоги первого полугодия 2026 г. по показателям Стратегии «Узбекистан – 2030». 26.08.2026.

5. UN Tourism. International tourist arrivals up 4% in 2025 reflecting strong travel demand around the world (World Tourism Barometer, January 2026).

6. Travel Industry's Top New Research of Q1 2025 (Phocuswright) // TravelPulse.

7. Gretzel U., Sigala M., Xiang Z., Koo C. Smart tourism: foundations and developments // Electronic Markets. — 2015. — Vol. 25, No. 3. — P. 179–188.

8. Халимов Ш. Х., Аминджанова Р. Б. Подходы к повышению конкурентоспособности туристических услуг посредством цифровых технологий (рукопись).

9. World Economic Forum. Travel & Tourism Development Index 2024. — Geneva: WEF, 2024.

РОЛЬ ЦИФРОВИЗАЦИИ В КОРПОРАТИВНЫХ ФИНАНСАХ

Алиева Сусанна Сейрановна, к.э.н., и.о. профессора кафедры финансов,
Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В тезисе рассматривается роль цифровизации в трансформации корпоративных финансов. Показано, как цифровые технологии меняют функции финансового управления: планирование, управление денежными потоками, привлечение капитала, финансовый контроль и управление рисками. Обоснованы направления цифровой трансформации финансовой службы предприятий Узбекистана и выделены барьеры, сдерживающие этот процесс.

Ключевые слова: цифровизация, корпоративные финансы, финансовая аналитика, управление денежными потоками, цифровая экономика, финансовые технологии.

KORPORATIV MOLIYADA RAQAMLAŞTIRIŞNING ÖRNI

Aliyeva Susanna Seyranovna, *i.f.n., Moliya kafedrasi professor v.b.,*
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

Annotatsiya. Mazkur tezisda korporativ moliyani transformatsiya qilişda raqamlaştirişning örni körib çiqilgan. Raqamli texnologiyalar rejalaştiriş, pul oqimlarini boşqariş, kapital jalb etiş, moliyaviy nazorat va risklarni boşqariş kabi moliyaviy boşqaruv funksiyalarini qay tarzda özgartirayotgani körsatib berilgan. Özbekiston korxonalarining moliya xizmatini raqamli transformatsiya qiliş yönalişlari asoslab berilgan hamda uşbu jarayonni sekinlaştirayotgan tösiqlar ajratib körsatilgan.

Kalit sözlar: raqamlaştiriş, korporativ moliya, moliyaviy tahlil, pul oqimlarini boşqariş, raqamli iqtisodiyot, moliyaviy texnologiyalar.

THE ROLE OF DIGITALIZATION IN CORPORATE FINANCE

Susanna Alieva, Candidate of Economic Sciences, Associate Professor of the Department of Finance, Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. The thesis examines the role of digitalization in the transformation of corporate finance. It demonstrates how digital technologies are changing financial management functions: planning, cash flow management, capital attraction, financial control, and risk management. The directions of digital transformation of the financial service of enterprises in Uzbekistan are substantiated, and the barriers hindering this process are identified.

Keywords: digitalization, corporate finance, financial analytics, cash flow management, digital economy, financial technologies.

В последнее десятилетие цифровые технологии перестали быть вспомогательным инструментом бухгалтерии и превратились в фактор, определяющий конкурентоспособность компании. Финансовая служба предприятия, которая раньше занималась преимущественно учетом и отчетностью, сегодня становится центром обработки данных и поддержки управленческих решений.

Для Республики Узбекистан этот вопрос имеет особую значимость. Государство последовательно формирует институциональную основу цифровой экономики: Стратегия «Цифровой Узбекистан – 2030» определяет приоритеты развития цифровой инфраструктуры, электронного правительства и цифровизации реального сектора [1], а Стратегия «Узбекистан – 2030» ставит

задачу ускоренного роста частного сектора и повышения его эффективности [2]. В этих условиях компаниям необходимо перестроить управление финансами в соответствии с требованиями прозрачности и открытости для инвесторов.

Классическая теория корпоративных финансов рассматривает три ключевых решения финансового менеджера: какие активы приобретать, из каких источников их финансировать и как распоряжаться созданной стоимостью [3]. Цифровизация меняет не суть этих решений, а способ их подготовки. Можно выделить пять направлений, в которых влияние цифровых технологий проявляется наиболее отчетливо.

1. Финансовое планирование и бюджетирование. Переход от бюджетов, которые составляются раз в год в электронных таблицах, к непрерывному скользящему планированию стал возможен благодаря интегрированным ERP-системам и облачным платформам. Данные поступают в единую базу в режиме реального времени, и план обновляется вслед за рынком.

2. Управление денежными потоками и оборотным капиталом. Системы казначейства и дистанционного банковского обслуживания обеспечивают централизованный контроль над остатками на счетах всех подразделений компании. Для предприятий Узбекистана особое значение имеет распространение электронных счетов-фактур и цифровых платежных инструментов, которые ускоряют расчеты с контрагентами и снижают долю наличного оборота.

3. Привлечение капитала. Цифровые каналы расширяют доступ компаний к источникам финансирования. Онлайн-кредитование, электронные платформы для размещения облигаций и краудфандинг снижают транзакционные издержки для среднего бизнеса.

4. Финансовый анализ и поддержка решений. Технологии больших данных и машинного обучения превращают финансовую службу из поставщика отчетов в аналитический центр. Как отмечают А. Бхимани и Л. Уиллкокс, цифровизация меняет природу учетной информации: на смену ретроспективным агрегированным данным приходят детализированные и непрерывно обновляемые массивы, пригодные для прогнозирования [4]. Аналитические панели (дашборды) позволяют отслеживать ключевые показатели: рентабельность, ликвидность, оборачиваемость, долговую нагрузку – без ожидания закрытия отчетного периода.

5. Внутренний контроль и управление рисками. Автоматизированные системы контроля проверяют каждую операцию на соответствие лимитам и регламентам, выявляют нетипичные платежи и сигнализируют о возможном мошенничестве.

В совокупности перечисленные изменения ведут к смене роли финансового директора. Из контролера и хранителя отчетности он превращается в стратегического партнера руководства. Тем самым цифровизация непосредственно влияет на главную цель корпоративных финансов – рост стоимости компании.

Несмотря на преимущества, цифровая трансформация корпоративных финансов на отечественных предприятиях идет неравномерно. Анализ позволяет выделить следующие основные барьеры:

– высокая стоимость внедрения и сопровождения информационных систем при ограниченных собственных ресурсах предприятий;

– нехватка специалистов, сочетающих компетенции в области финансов и анализа данных;

– низкое качество и несопоставимость исходных данных, накопленных в разных подразделениях;

– риски информационной безопасности и утечки конфиденциальной финансовой информации;

– организационное сопротивление изменениям и недостаточная вовлеченность руководства.

Для преодоления этих барьеров целесообразно реализовать ряд мер. На уровне предприятия цифровизацию финансовой функции следует проводить поэтапно: сначала автоматизировать учет и расчеты, затем внедрить системы бюджетирования и казначейства и только после этого переходить к предиктивной аналитике. Необходимо утвердить единые стандарты данных и регламенты их ввода, поскольку качество аналитики не может быть выше качества исходной информации. Важную роль при этом играет кибербезопасность: разграничение прав доступа, резервное копирование и регулярный аудит информационных систем.

На уровне государства и образовательной системы требуется расширять льготное финансирование цифровых проектов малого и среднего бизнеса, развивать облачные сервисы, доступные по подписке, а также включать в подготовку финансистов навыки работы с ERP-системами и анализа данных.

Цифровизация выступает одним из ключевых факторов развития корпоративных финансов. Она повышает скорость и точность финансовой информации, расширяет доступ компаний к капиталу, сокращает операционные издержки и усиливает контроль над рисками.

Для предприятий Узбекистана цифровизация финансовой функции является условием повышения инвестиционной привлекательности и конкурентоспособности в контексте реализации национальных стратегий развития. Успех этого процесса зависит от качества данных, защищенности

информационных систем и подготовки финансистов, сочетающих экономическое мышление с цифровыми компетенциями.

Список литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 5 октября 2020 г. № УП-6079 «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030» и мерах по ее эффективной реализации».

2. Указ Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 г. № УП-158 «О Стратегии «Узбекистан – 2030».

3. Brealey R. A., Myers S. C., Allen F. Principles of Corporate Finance. 13th ed. New York: McGraw-Hill Education, 2020.

4. Bhimani A., Willcocks L. Digitisation, ‘Big Data’ and the transformation of accounting information // Accounting and Business Research. 2014. Vol. 44, No. 4. P. 469-490.

V SHO’BA. RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH ASOSIDA TARMOQLAR VA SOHALARDA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISH MASALALARI.

Mu Zhendi
PhD Candidate in Management (08.00.13), “Silk Road” International University of Tourism and Cultural Heritage, Samarkand, Uzbekistan
Zhejiang Seaport Group, Zhejiang, P.R. China
Tel.: +998 933650315 | E-mail: muzhendi@163.com

DIGITAL MULTIMODAL CONNECTIVITY AND SOCIO-ECONOMIC EFFICIENCY: A SEAPORT–DRY PORT CORRIDOR PERSPECTIVE

RAQAMLI MULTIMODAL BOG‘LANISH VA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIK: DENGIZ PORTI–QURUQLIK PORTI KORIDORI NUQTAI NAZARIDAN

ЦИФРОВАЯ МУЛЬТИМОДАЛЬНАЯ СВЯЗНОСТЬ И СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ: С ПОЗИЦИИ КОРИДОРА «МОРСКОЙ ПОРТ–СУХОЙ ПОРТ»

Track 5: Issues of increasing socio-economic efficiency in other sectors and industries under the digital economy.

Annotatsiya. Ushbu konseptual maqolada raqamli multimodal bog‘lanish dengiz porti–quruqlik porti koridorlarida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni qanday oshirishi mumkinligi tahlil qilinadi. To‘rtta imkoniyat ajratiladi: axborot ko‘rinuvchanligi, operatsion sinxronlash, ma’lumot va hujjatlar integratsiyasi hamda istisnolarni muvofiqlashtirilgan boshqarish. Ular logistika vaqti va xarajatlarini kamaytirishi, xizmat ishonchliligini va bozor imkoniyatlarini oshirishi mumkin. Raqamli o‘zaro muvofiqlikni multimodal muvofiqlashtirish, logistika samaradorligi va hududiy natijalar bilan bog‘lovchi koridor mexanizmi taklif etiladi.

Kalit so‘zlar: raqamli multimodal bog‘lanish; dengiz porti; quruqlik porti; ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlik; transport-logistika koridori.

Аннотация. В данной концептуальной статье рассматривается, каким образом цифровая мультимодальная связность может повышать социально-экономическую эффективность в коридорах «морской порт–сухой порт». Выделены четыре возможности: информационная прозрачность, операционная синхронизация, интеграция данных и документов и координированное управление отклонениями. Они могут сокращать логистические затраты и время, повышать надежность услуг и доступ к рынкам. Предлагается механизм, связывающий цифровую

интероперабельность, мультимодальную координацию, логистическую эффективность и региональные результаты.

Ключевые слова: цифровая мультимодальная связность; морской порт; сухой порт; социально-экономическая эффективность; транспортно-логистический коридор.

Abstract. This conceptual paper explores the potential for socio-economic efficiency gains for seaport–dry port corridors through digital multimodal connectivity. It's about four capabilities: information visibility, operational synchronization, data/document integration, and coordinated exception management. These capabilities can help to reduce logistics time and cost, increase service reliability and expand market access. A mechanism is suggested at the corridor level, connecting digital interoperability, multimodal coordination, logistics efficiency and regional socio-economic outcomes.

Keywords: Digital Multimodal Connectivity; Seaport; Dry Port; Socio-Economic Efficiency; Transport and Logistics Corridor.

1. Introduction

Digitalization is transforming freight transport from optimizing individual nodes to managing networks. The overall performance of a seaport–dry port corridor relies on the ability to share cargo information, transport documents, schedules, and operational decisions between seaports, rail transportation, customs, and inland terminals. Digitalization of ports has been shown to support logistics performance and sustainability, but the value added will not only depend on the adoption of the technologies but also on their integration in the organizations, governance arrangements, interoperability, and conditions for implementation (Almeida & Okon, 2024; Zeng et al., 2025; Sirajuddin et al., 2026). If information is not integrated, the actors in the corridor have to wait longer, miss rail connections, face greater inventory exposure and have to pay more transaction costs.

There is also a broader economic role for connectivity. Maritime connectivity and transport infrastructure can play a role in regional economic growth, and port–hinterland connectivity affects the spatial scope and efficiency of transport (Li et al., 2023; Deng et al., 2022). Dry ports extend gateway functions inland and facilitate the linkage between maritime transport and regional logistics systems (Sun et al., 2022). The question this paper poses is therefore how the operational improvements of digitally enabled multimodal connectivity can be realised in terms of greater socio-economic efficiency. The China-Uzbekistan logistics relationship is taken as an example of a logistics corridor, and the conceptual mechanism is designed to be applicable to other international seaport–dry port corridors.

2. Digital Multimodal Connectivity and Efficiency Mechanisms

Digital multimodal connectivity in this study is the ability of all the various actors in the transport sector to share trusted operational information, synchronise schedules and capacities, process interoperable documents, and coordinate responses to deviations across organizational boundaries. This is more comprehensive than having separate digital platforms: corridor connectivity is still constrained if the definition of milestones, data standards, document formats or decision rules do not match.

The proposed framework incorporates four analytical capabilities. Information visibility brings visibility to vessel status, cargo readiness, rail capacity, customs status, and dry-port conditions to relevant actors. Operational synchronization transforms visibility into synchronized plans and minimizes discrepancies between berth, yard, rail, and inland-terminal processes. Data and document integration minimizes data duplication and administrative lag. Coordinated exception management allows corridor actors to respond to delays, congestion or temporary loss of capacity in a coordinated manner with shared alerts, agreed responsibilities and escalation procedures. Resilient multimodal dry-port networks also emphasize the need for coordinated tactical and operational planning in a context of uncertainty (Zhang et al., 2026).

The proposed transmission mechanism is sequential. First, digital interoperability enhances multimodal coordination by facilitating the sharing of consistent information and the coordination of operational decisions by actors. Second, better coordination enhances logistics efficiency through minimizing dwell time at interfaces, missed connections, redundant buffers and document processing delays. Thirdly, higher logistics efficiency brings about socio-economic efficiency by reducing the total logistics cost, inventory exposure and enhancing the reliability of logistics services. On a regional scale, more reliable logistics services can improve market accessibility, the use of infrastructure, and the attractiveness of inland nodes as distribution and trade hubs. This is supported by evidence that economic impacts of transport connectivity improvements can be long-lasting and extend beyond the transport sector (Li et al., 2023).

3. Seaport–Dry Port Corridor Perspective

Digitalization must be managed as a corridor capability, not a series of stand-alone IT projects, for long-distance corridors. Cargo identity, planned and actual milestone times, rail and terminal capacity, customs and document status and disruption alerts are examples of key information elements that need to be interoperable. The goal is not to consolidate all the data, but to have the right people making the right decisions in a timely manner before schedule conflicts turn into physical congestion.

This should then shift the focus from technology inputs to corridor outcomes in performance measurement. These are the indicators that are relevant: door to door lead-time variability, interface dwell time, missed rail connections, document-processing time, asset utilization, exception-resolution time, and logistics-cost stability. When digital platforms or automated functions do not enhance operational coordination or economic results, the number of such platforms or functions is a poor performance indicator. Recent studies on smart-port digitalization indicate that the quality of smart technologies and the synergies created during the digital transition are crucial for value creation (Li et al., 2025). The complementary evidence also shows that integrated governance and digitalization can improve the logistics performance of ports (Sirajuddin et al., 2026).

Regarding the China-Uzbekistan corridor, the framework proposes to link the digitalization of seaports and railways with border procedures, capacity of inland terminals, trade facilitation and development of regional logistics. The enhancement of seaport–dry port connections can further expand the functions of seaports inland and promote the development of inland logistics networks (Sun et al., 2022). At a wider level, better transport connectivity can help to increase market access and to improve regional economic performance (Li et al., 2023).

4. Conclusions and Practical Recommendations

Digital multimodal connectivity can help to achieve socio-economic efficiency when digital systems provide visibility, synchronization, interoperability and exception management for the seaport–rail–dry port chain. Such capabilities minimize coordination losses and logistics uncertainties, and can bring operational benefits that lead to increased market access and more efficient use of transport infrastructure. The following recommendations are suggested for research and practice:

1) Define corridor-level data interoperability standards including cargo status, milestone definitions, capacity availability, customs release and exception alerts.

2) Implement shared performance metrics that link digital connectivity with interface dwell time, schedule reliability, document-processing time, logistics-cost variability, market accessibility, and disruption-resolution performance.

3) Create cross-node exception-management protocols to set thresholds for escalation, data responsibility, communication and alternate-capacity rules for delays, congestion and temporary loss of capacity.

4) Ensure that public support for the digital transport infrastructure is aligned with measurable improvements in accessibility, reliability, reduction in transaction costs and use of the infrastructure for corridor users.

Operationalisation of the proposed framework by future research with corridor level event data, surveys or panel data to estimate the relative contribution

of information visibility, information synchronization, information interoperability and exception management to socio-economic efficiency should be done.

References

Almeida, F., & Okon, E. (2024). Achieving sustainable development goals through digitalization in ports. Business Strategy and the Environment, 33(7), 6737–6747. https://doi.org/10.1002/bse.3842

Deng, P., Song, L., Xiao, R., & Huang, C. (2022). Evaluation of logistics and port connectivity in the Yangtze River Economic Belt of China. Transport Policy, 126, 249–267. https://doi.org/10.1016/j.tranpol.2022.07.019

Li, K., Wang, L., Gharehgozli, A., Joo, S.-J., & Lee, J.-Y. (2025). Optimal quality design of smart technologies for port digitalization: A game theoretical approach under digitalization synergy. Transportation Research Part E: Logistics and Transportation Review, 204, 104459. https://doi.org/10.1016/j.tre.2025.104459

Li, W., Bai, X., Yang, D., & Hou, Y. (2023). Maritime connectivity, transport infrastructure expansion and economic growth: A global perspective. Transportation Research Part A: Policy and Practice, 170, 103609. https://doi.org/10.1016/j.tra.2023.103609

Sirajuddin, Januarsi, Y., Irman, A., & Ridwan, A. (2026). Integrated port governance and digitalization system: A model for boosting port logistics performance. The Asian Journal of Shipping and Logistics, 42(2), 84–96. https://doi.org/10.1016/j.ajsl.2025.12.002

Sun, Y., Wang, Y., & Xie, J. (2022). The co-evolution of seaports and dry ports in Shandong province in China under the Belt and Road Initiative. Journal of Shipping and Trade, 7, 3. https://doi.org/10.1186/s41072-021-00104-3

Zeng, F., Chen, A., Xu, S., Chan, H. K., & Li, Y. (2025). Digitalization in the maritime logistics industry: A systematic literature review of enablers and barriers. Journal of Marine Science and Engineering, 13(4), 797. https://doi.org/10.3390/jmse13040797

Zhang, X., Guo, G., Irawan, C. A., Chan, H. K., Zeng, F., & Gu, X. (2026). Tactical and operational planning of resilient multimodal dry port transportation network. Industrial Management & Data Systems, 126(1), 66–96. https://doi.org/10.1108/IMDS-01-2025-0096

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Саттаров Т.А.,
д.ф.э.н., независимый соискатель,
Ташкентский международный университет Кимё

Аннотация. *В статье рассмотрены методологические основы обеспечения финансовой устойчивости сельскохозяйственных предприятий с учетом отраслевой специфики. Предложены система показателей и последовательность этапов оценки, учитывающие сезонность и природные риски аграрного производства.*

Ключевые слова: *финансовая устойчивость, сельскохозяйственное предприятие, методология оценки, финансовые риски, собственный капитал, платежеспособность.*

Abstract. *The article examines the methodological foundations of ensuring the financial stability of agricultural enterprises with regard to sector-specific features. A system of indicators and a sequence of assessment stages reflecting the seasonality and natural risks of agricultural production are proposed.*

Keywords: *financial stability, agricultural enterprise, assessment methodology, financial risks, equity capital, solvency.*

Annotatsiya. *Maqolada soha xususiyatlaridan kelib çiqqan holda qişloq xöjaligi korxonalarining moliyaviy barqarorligini ta'minlaşning metodologik asoslari körib çiqilgan. Agrar işlab çiqarişning mavsumiyligi hamda tabiiy xatarlarini inobatga oluvçi körsatkiçlar tizimi va baholaş bosqiçlari ketma-ketligi taklif etilgan.*

Kalit sözlar: *moliyaviy barqarorlik, qişloq xöjaligi korxonasi, baholaş metodologiyasi, moliyaviy xatarlar, xususiy kapital, tölovga qobiliyatlilik.*

Аграрный сектор занимает важное место в экономике Узбекистана: он обеспечивает продовольственную безопасность страны, занятость сельского населения и сырьевую базу перерабатывающей промышленности. Стратегия развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы ставит задачи повышения конкурентоспособности аграрного производства, развития рыночных механизмов финансирования отрасли и рационального использования ресурсов [1]. Выполнение этих задач во многом зависит от финансового состояния самих сельскохозяйственных предприятий, их способности сохранять платежеспособность и расширять производство в условиях высокой неопределенности.

Финансовая устойчивость аграрных предприятий складывается под влиянием факторов, которые в других отраслях проявляются значительно слабее. К ним относятся длительный производственный цикл, сезонное поступление выручки, зависимость результатов от погодных условий и высокая доля биологических активов в имуществе. По этой причине универсальные методики финансового анализа нуждаются в адаптации к условиям сельского хозяйства.

Под финансовой устойчивостью сельскохозяйственного предприятия мы понимаем такое состояние его финансовых ресурсов, при котором оно финансирует воспроизводственный процесс преимущественно за счет собственных и долгосрочных заемных источников, своевременно выполняет обязательства и сохраняет способность к развитию при неблагоприятных изменениях внешней среды. Данное определение объединяет статический аспект, отражающий структуру капитала на определенную дату, и динамический аспект, характеризующий способность предприятия восстанавливать финансовое равновесие после воздействия рисков.

Методология обеспечения финансовой устойчивости, по нашему мнению, должна опираться на следующие принципы: системность, при которой показатели рассматриваются во взаимосвязи; учет отраслевой специфики; сочетание статической и динамической оценки; превентивность, позволяющая выявлять угрозы до наступления кризисного состояния; сопоставимость данных внутри производственного цикла. Показатели, рассчитанные только на конец года, искажают реальную картину, поскольку после уборки урожая у предприятия накапливаются запасы готовой продукции, а пик потребности в заемных средствах приходится на весенне-летний период. Г.В. Савицкая обоснованно указывает, что анализ деятельности предприятий АПК должен учитывать особенности кругооборота средств в отрасли [2]. Поэтому мы предлагаем рассчитывать ключевые коэффициенты по квартальным данным и по среднегодовым значениям.

Предлагаемая система показателей включает четыре группы. Первая группа характеризует структуру капитала: коэффициент автономии, коэффициент финансовой зависимости, доля долгосрочных обязательств в заемном капитале. Вторая группа отражает обеспеченность оборотных активов собственными источниками: коэффициент обеспеченности собственными оборотными средствами и коэффициент маневренности собственного капитала. Третья группа объединяет показатели ликвидности и платежеспособности, рассчитанные по среднеквартальным данным. Четвертая группа введена с учетом природного характера аграрных рисков и характеризует рискоустойчивость предприятия: уровень страхового покрытия

посевов и поголовья, коэффициент вариации выручки за ряд лет, долю выручки от дополнительных направлений деятельности.

При определении типа финансовой устойчивости по соотношению запасов и источников их формирования необходимо учитывать, что в составе запасов сельскохозяйственного предприятия значительную часть составляют затраты в незавершенное производство, в частности посевы под урожай будущего года. Эти вложения имеют длительный срок оборота, поэтому их финансирование краткосрочными кредитами создает повышенный риск утраты платежеспособности.

Методика оценки и обеспечения финансовой устойчивости реализуется в пять этапов. На первом этапе формируется и корректируется информационная база: данные отчетности группируются по кварталам, отдельно выделяются биологические активы и незавершенное производство. На втором этапе рассчитываются показатели четырех групп и сравниваются с нормативными и среднеотраслевыми значениями. Третий этап предусматривает определение типа финансовой устойчивости и интегральную оценку состояния предприятия. На четвертом этапе проводится факторный анализ, позволяющий установить влияние урожайности, цен реализации и структуры финансирования на изменение показателей. Пятый этап посвящен разработке мер по укреплению финансового положения.

Механизм обеспечения финансовой устойчивости включает внутренние и внешние инструменты. К внутренним инструментам относятся управление оборотным капиталом с учетом сезонности, формирование резервного фонда при распределении прибыли, контроль дебиторской задолженности и диверсификация производства. Внешние инструменты охватывают государственную поддержку отрасли, агрострахование, льготное кредитование и лизинг сельскохозяйственной техники.

Обеспечение финансовой устойчивости сельскохозяйственных предприятий требует методологии, которая учитывает сезонность производства, длительность операционного цикла и природные риски. Предложенная система из четырех групп показателей и пятиэтапная методика оценки позволяют получать более достоверную картину финансового состояния, чем расчеты по годовой отчетности. Практическое применение методики даст руководству предприятий возможность заблаговременно выявлять угрозы платежеспособности и обоснованно выбирать инструменты укрепления финансового положения.

Список литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 г. № УП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы».

2. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий АПК: учебник. М.: ИНФРА-М, 2012.

Исхакова С.А.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
рақамли иқтисодиёт кафедраси доценти, PhD
e-mail:isarvar@yandex.ru
тел:(+998)90-227-22-74

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада рақамли трансформация шароитида олий таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги институционал ҳамда компетенциявий мувофиқликни таъминлашнинг иқтисодий асослари тадқиқ этилади. Ўзбекистонда олий таълим битирувчилари сони динамикаси ва OECD мамлакатларидаги бандлик кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилиниб, таълим кўламининг кенгайиши билан касбий натижалар ўртасидаги фарқ очиб берилади. Иш берувчилар талабини таълим дастурлари, иқтисодий рағбатлар ва битирувчиларнинг касбий траекториялари билан боғловчи қайта алоқага асосланган ташкилий-иқтисодий механизм таклиф этилади. Унинг натижадорлигини касбий мувофиқ бандлик ва қўшимча натижа бирлигига тўғри келадиган харажат орқали баҳолаш ёндашуви асосланади.

Калит сўзлар: олий таълим, меҳнат бозори, рақамли иқтисодиёт, инсон капитали, компетенциялар номутаносиблиги, институционал интеграция, касбий мувофиқ бандлик.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНТЕГРАЦИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ И РЫНКА ТРУДА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация. В статье исследуются экономические основы институционального и компетентностного согласования высшего образования и рынка труда в условиях цифровой трансформации. На основе сопоставления динамики численности выпускников в Узбекистане и показателей занятости в

странах ОЭСР обоснована необходимость разграничения расширения образовательного предложения и профессиональных результатов. Предложен организационно-экономический механизм обратной связи между запросами работодателей, образовательными программами, экономическими стимулами и профессиональными траекториями выпускников. Представлен подход к оценке его результативности по профессионально соответствующей занятости и затратам на единицу дополнительного результата.

Ключевые слова: высшее образование, рынок труда, цифровая экономика, человеческий капитал, несоответствие компетенций, институциональная интеграция, занятость по специальности.

IMPROVING THE INTEGRATION OF HIGHER EDUCATION AND THE LABOR MARKET IN THE DIGITAL ECONOMY

Annotation. The article investigates the economic foundations of institutional and skills alignment between higher education and the labor market under digital transformation. Comparing trends in graduate numbers in Uzbekistan with employment indicators in OECD countries, it distinguishes expansion of educational provision from labor-market outcomes. An organizational and economic mechanism is proposed to connect employer demand, curricula, economic incentives and graduate career trajectories through continuous feedback. Its performance is assessed through qualification-matched employment and cost per additional outcome.

Keywords: higher education, labor market, digital economy, human capital, skills mismatch, institutional integration, qualification-matched employment.

Рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълимнинг иқтисодий вазифаси мутахассислар тайёрлаш кўламини кенгайтириш билангина чекланмайди. Технологик ўзгаришлар натижасида меҳнат функциялари, касбий компетенциялар таркиби ва иш берувчиларнинг кадрларга қўядиган талаблари тез янгиланмоқда. Бундай шароитда таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги номувофиқлик фақат битирувчилар бандлиги муаммоси эмас, балки инсон капиталига киритилган инвестицияларнинг иқтисодий қайтими, корхоналарнинг кадрларни излаш ва мослаштириш харажатлари ҳамда иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларга мослашувчанлиги билан боғлиқ муаммо сифатида намоён бўлади.

Мазкур муаммонинг институционал хусусияти шундаки, олий таълим муассасаси таълим натижаларини узоқ муддатли дастурлар доирасида шакллантиради, иш берувчи эса компетенцияларга бўлган талабини ишлаб

чиқариш жараёнида ва нисбатан қисқа муддатда ўзгартиради. Ахборотнинг тарқоқлиги, натижалар учун масъулиятнинг турли субъектлар ўртасида тақсимланганлиги ва рағбатлар номувофиқлиги таълим таклифи билан меҳнат талаби ўртасидаги тафовутни кучайтириши мумкин. Шу сабабли интеграцияни фақат ҳамкорлик шартномалари ёки вакансиялар электрон базаси орқали эмас, балки ахборот, рағбат ва натижаларни ўзаро боғловчи иқтисодий муносабатлар тизими сифатида талқин этиш зарур.

Инсон капитали назариясининг асосчиларидан Т. Шульц[71] ва Г. Беккер[72] таълимни келгусидаги маҳсулдорлик ва даромадларга таъсир кўрсатувчи инвестиция сифатида асослайди. Э. Ханушек ва Л. Вёссман эса таълим давомийлиги билан бир қаторда эгалланган билим ва когнитив кўникмалар сифатининг иқтисодий аҳамиятини кўрсатади. Ушбу назарий қарашлардан келиб чиққанда, олий таълим тизимининг натижадорлигини фақатгина дипломлар сони билан тенглаштириш методологик жиҳатдан тўғри ҳисобланмайди, бунда меҳнат бозорида талаб этиладиган компетенцияларга эгалик ва улардан амалий фойдаланиш имконияти ҳам таҳлил объекти бўлиши лозим.

Маҳаллий тадқиқотларда Ф. Ҳаққулов[73] олий таълим ва иш берувчилар интеграциясининг кадрлар тайёрлашдаги ўрнини, Г. Хусниддинова[74] таълим ва бандлик муносабатини, У. Тўлаков ва О. Махмудов[75] эса битирувчилар бандлигига кўмаклашишда лойиҳавий ёндашувга эътибор қаратган. Бу тадқиқотлар масаланинг алоҳида институционал ва амалий қирраларини очиб беради. Бироқ компетенцияларга бўлган талаб, университет ва корхоналарнинг иқтисодий манфаатлари, битирувчиларнинг касбий мувофиқ бандлиги ҳамда интеграция харажатларини ягона таҳлилий контурда баҳолаш вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур мақоланинг мақсади айнан шу ўзаро боғлиқликка таянган ташкилий-иқтисодий механизмни назарий асослашдан иборат.

Тадқиқотда қиёсий-статистик таҳлил, институционал ёндашув, тизимли умумлаштириш ва ташкилий-иқтисодий моделлаштириш усуллари қўлланилди. Ўзбекистонда битирувчилар сони динамикаси миллий статистика маълумотлари, халқаро қиёслар эса OECD ҳисоботлари асосида ёритилди.

---

[71] Schultz T. W. Investment in Human Capital. American Economic Review. 1961. Vol. 51, No. 1. P. 1–17.

[72] Becker G. S. Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education. 3rd ed. University of Chicago Press, 1993.

[73] Haqqulov F. F. Oliy ta’lim va mehnat bozori integratsiyasi asosida yuqori malakali kadrlar bilan ta’minlashning asosiy yo‘nalishlari. Marketing Jurnali. 2025. № 10.

[74] Khusniddinova G. Assessment of the Relationship Between Higher Education and Employment (Case of Uzbekistan). Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance. 2026.

[75] Tulakov U., Maxmudov O. The Role of TRIGGER Project in the Employment of University Graduates in Uzbekistan. Perspectives of Higher Education Development. 2024. Vol. 15, No. 1.

Турли манбалардаги кўрсаткичлар қамрови ва таърифлари бир хил эмаслиги сабабли улар тўғридан-тўғри сабабий таъсирни ўлчаш учун эмас, балки интеграция натижаларини баҳолаш мезонларини асослаш учун қўлланилди.

Ўзбекистонда олий таълим муассасалари битирувчилари сони 2020 йилдаги 83,9 минг нафардан 2025 йилда 211,2 минг нафарга етган, яъни 127,3 минг нафарга ёки 151,7 фоизга ошган.[76] Самарқанд вилоятида 2025 йилда 17,6 минг нафар битирувчи қайд этилган бўлиб, бу республика миқёсидаги кўрсаткичнинг тахминан 8,3 фоизини ташкил этади. Мазкур динамика олий таълим хизматлари таклифининг кенгайганини ифодалайди. Аммо битирувчилар сонининг ўсиши иш ўринлари таркиби, малака талаблари ёки ишга жойлашиш сифати мутаносиб равишда яхшиланганини англатмайди.

Шу нуқтаи назардан, меҳнат бозори натижаларини баҳолашда умумий бандлик билан касбий мувофиқ бандлик ўртасидаги фарқни ажратиш муҳим. Биринчи кўрсаткич битирувчининг иқтисодий фаолиятда иштирокини акс эттирса, иккинчиси унинг эгаллаган таълим йўналиши ва компетенцияларидан меҳнат фаолиятида қай даражада фойдаланаётганини тавсифлайди. Бундай фарқлаш таълимга киритилган инвестицияларнинг фақат миқдорий эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам қайтимини ўрганиш имконини беради.

Битирувчилар сонининг ўсиши кадрлар таклифининг кенгайишини кўрсатади, аммо уларга талаб ҳам шу суръатда ортганини исботламайди. Шу боис вакансиялар, иш ҳақи, касбий мувофиқлик ва ишга жойлашиш муддатини биргаликда кузатиш лозим.

1-жадвал.

OECD мамлакатларида олий маълумотли аҳолининг таълим йўналишлари бўйича бандлиги[77]

Таълим йўналиши	Бандлик, %
Ахборот-коммуникация технологиялари	90
Муҳандислик, ишлаб чиқариш ва қурилиш	89
Таълим	87
Санъат, гуманитар ва ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот	84

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, OECD мамлакатларида олий маълумотли аҳолининг таълим йўналишлари бўйича бандлик 84–90 фоиз оралиғида фарқланади. Бироқ мазкур фарқларни фақат таълим сифати билан изоҳлаш тўғри бўлмайди: иқтисодиётнинг тармоқ таркиби, меҳнатга талаб, ёш ва иш тажрибаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, OECD маълумотларига кўра, Кореяда 25–34 ёшлилар орасида олий маълумотлилар улуши 71 фоиз,

[76] Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. https://stat.uz.
[77] OECD. Education at a Glance 2025. Table A3.3. OECD Publishing, 2025.

уларнинг бандлиги 80 фоизни ташкил этган; OECD бўйича тегишли кўрсаткичлар 48 ва 87 фоиздир. [78] Бу эса ўз навбатида таълим қамрови билан бандлик натижалари ўртасида автоматик мутаносиблик мавжуд эмаслигини кўрсатади, бироқ Ўзбекистон билан тўғридан-тўғри статистик тенглаштириш учун асос бўла олмайди.

Таҳлилдан келиб чиқадиган асосий хулоса шундаки, олий таълим ва меҳнат бозори интеграциясининг иқтисодий самараси алоҳида электрон хизматлар сони билан эмас, балки ахборот асимметриясининг камайиши, компетенциялар тафовутининг қисқариши ва касбга мувофиқ ишга ўтиш натижалари билан белгиланиши керак. Шунга мувофиқ, интеграциянинг ташкилий-иқтисодий механизмини иш берувчиларнинг ўзгарувчан талаби, таълим натижалари, иштирокчилар рағбатлари ва битирувчиларнинг касбий траекторияларини узлуксиз мувофиқлаштирувчи институтлар ҳамда рақамли ахборот воситалари мажмуи сифатида таърифлаш таклиф этилади.

Таклиф этилаётган механизмнинг биринчи таркибий қисми меҳнат бозори сигналларини тизимли йиғиш ва таҳлил қилишга қаратилган. Бунда вакансиялар, компетенцияларга талаб, иш ҳақи диапазонлари ва иш берувчилар баҳолари таълим дастурларини янгилаш учун ахборот асосини ташкил этади. Иккинчи таркибий қисм компетенциялар харитаси орқали ўқув натижаларини касбий вазифалар билан мувофиқлаштиришдан иборат. Учинчи қисмда университет ва иш берувчи манфаатлари амалиёт, менторлик, қўшма лойиҳалар ва ҳамкорлик харажатларини тақсимлаш орқали боғланади. Тўртинчи қисм эса битирувчиларнинг 6 ва 12 ойдан кейинги ҳолатини кузатиб, олинган натижаларни таълим дастурларига қайта киритишни назарда тутади.

Ушбу элементлар ўзаро алоқадор бўлмаса, рақамлаштириш фақат мавжуд жараёнларни электрон шаклга кўчириш билан чекланади. Аксинча, иш берувчи талаби — компетенциялар шаклланиши — амалиёт ва ишга ўтиш — касбий натижа — қайта алоқа занжири ягона бошқарув циклига айлантирилганда, рақамли инфратузилма институционал мувофиқлаштириш воситасига айланади. Ўзбекистонда 2026 йилги давлат дастурида «Карьера» электрон платформасини жорий этиш вазифасининг белгилангани[79] бу йўналишдаги институционал имкониятларни кенгайтиради; бироқ платформанинг мавжудлиги ўз-ўзидан иқтисодий натижани кафолатламайди.

Таклиф этилаётган механизмнинг иқтисодий мазмуни қуйидаги таркибий боғлиқликларда умумлаштирилади.

---

[78] OECD. Education at a Glance 2025. Table A3.3. OECD Publishing, 2025.

[79] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ–22-сон Фармони билан тасдиқланган давлат дастури. https://lex.uz.

2-жадвал.

Таклиф этилаётган ташкилий-иқтисодий механизм[80]

Механизм таркиби	Иқтисодий вазифаси	Баҳолаш мезони
Рақамли ахборот-таҳлилий таъминот	Ахборот асимметрияси ва излаш харажатларини қисқартириш	Иш излаш муддати
Компетенциялар мувофиқлиги	Таълим таклифи ва малака талаби тафовутини камайтириш	Касбга мувофиқ бандлик
Институционал ҳамкорлик	Танлаш ва мослаштириш харажатларини тақсимлаш	Амалиётдан ишга ўтиш улуши
Битирувчилар мониторинги	Натижалар асосида дастурларни қайта кўриб чиқиш	6 ва 12 ойлик мониторинг қамрови

Иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун интеграция механизми натижасида қўшимча касбга мувофиқ бандликнинг бир бирлигига тўғри келадиган харажатни ҳисоблаш таклиф этилади:

$$\textbf{Скмб} = \textbf{Синт} / \Delta\textbf{N}\textbf{кмб}$$

бу ерда:

Скмб — қўшимча касбга мувофиқ ишга жойлашишнинг бир бирлигига тўғри келадиган харажат;

Синт — механизмни жорий этиш ва амалга оширишнинг қўшимча харажатлари;

ΔNкмб — механизм таъсири билан боғлиқ қўшимча касбга мувофиқ ишга жойлашган битирувчилар сони.

ΔNкмб мусбат бўлмаган ҳолларда мазкур нисбатни одатдаги бирлик харажати сифатида талқин қилиш мумкин эмас.

Бу ерда асосий методологик масала қўшимча натижани аниқлашдир. Механизм жорий этилганидан кейинги бандлик ўсишини тўлиқ равишда унинг таъсирига боғлаш хато бўлиши мумкин, чунки меҳнат бозори конъюнктураси, таълим йўналишлари таркиби ва битирувчиларнинг дастлабки хусусиятлари ҳам ўзгаради. Шу боис амалиётда ўхшаш хусусиятларга эга таққослама гуруҳлардан фойдаланиш, бошланғич фарқларни ҳисобга олиш ва бир хил кузатув даврини белгилаш талаб этилади. Харажатларга дастурий таъминот, техник хизмат, маълумотларни текшириш ва ходимлар меҳнати ҳам киритилиши лозим.

Шундай қилиб, таклиф этилаётган ёндашув рақамли платформани алоҳида инновация сифатида тақдим этишдан фарқ қилади. Унинг илмий-услубий мазмуни компетенцияларга талабни аниқлаш, иқтисодий рағбатларни

[80] Муаллиф ишланмаси.

мувофиқлаштириш ва касбий натижаларни баҳолашни ягона қайта алоқа тизимига бирлаштиришда намоён бўлади. Бу ёндашув таълим муассасаси фаолиятини фақат қабул ёки битирув кўрсаткичлари асосида эмас, балки меҳнат бозоридаги натижалар ва уларга эришиш харажатлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш имконини назарий жиҳатдан кенгайтиради.

Олиб борилган таҳлил олий таълим қамровининг ўсиши ва меҳнат бозори билан интеграция самарадорлиги бир хил иқтисодий категориялар эмаслигини кўрсатади. Ўзбекистонда битирувчилар сонининг тез ўсиши компетенциялар мувофиқлиги, касбий бандлик ва ишга ўтиш харажатларини мунтазам баҳолаш аҳамиятини кучайтиради. Таклиф этилган ташкилий-иқтисодий механизм ушбу кўрсаткичларни ахборот, институционал ҳамкорлик ва натижавий қайта алоқа воситасида боғлашга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ–22-сон Фармони билан тасдиқланган давлат дастури. https://lex.uz/docs/8050787

2. OECD. Education at a Glance 2025: Korea. OECD Publishing, 2025. https://www.oecd.org/en/publications/education-at-a-glance-2025_1a3543e2-en/korea_252c9ed2-en.html

3. Schultz T. W. Investment in Human Capital. American Economic Review. 1961. Vol. 51, No. 1. P. 1–17.

4. Becker G. S. Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education. 3rd ed. University of Chicago Press, 1993.

5. Hanushek E. A., Woessmann L. The Role of Cognitive Skills in Economic Development. Journal of Economic Literature. 2008. Vol. 46, No. 3. P. 607–668.

6. Haqqulov F. F. Oliy ta’lim va mehnat bozori integratsiyasi asosida yuqori malakali kadrlar bilan ta’minlashning asosiy yo‘nalishlari. Marketing Jurnali. 2025. № 10. DOI: 10.67668/mj/2025iss10/18.

7. Khusniddinova G. Assessment of the Relationship Between Higher Education and Employment (Case of Uzbekistan). Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance. 2026. DOI: 10.51699/cajitmf.v7i2.1246.

8. Tulakov U., Maxmudov O. The Role of TRIGGER Project in the Employment of University Graduates in Uzbekistan. Perspectives of Higher Education Development. 2024. Vol. 15, No. 1. DOI: 10.34920/phe.2024.15.08.

Исхакова С.А.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
рақамли иқтисодиёт кафедраси доценти, PhD
e-mail:isarvar@yandex.ru
тел:(+998)90-227-22-74

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация. Мақолада олий таълимда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги таълим натижадорлиги, ресурслардан фойдаланиш ва рақамли инклюзивлик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Хорижий эмпирик тадқиқотлар асосида технологиянинг оммалашуви ва унинг таълим натижаларига таъсири ўртасидаги фарқ асосланган. Педагогик меҳнат вақтининг муқобил қиймати ва тўлиқ харажатлар асосида иқтисодий самарадорликни баҳолашга қаратилган шартли ҳисоб-китоблар амалга оширилган. Ўзбекистон олий таълим муассасаларида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини комплекс баҳолаш ёндашуви таклиф этилган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, генератив сунъий интеллект, олий таълим, таълим сифати, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик, рақамли тенглик, академик ҳалоллик.

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ

Аннотация. В статье исследуется социально-экономическая эффективность использования искусственного интеллекта в высшем образовании с точки зрения результативности образовательной деятельности, эффективности использования ресурсов и цифровой инклюзивности. На основе зарубежных эмпирических исследований обосновано различие между распространением технологии и её влиянием на образовательные результаты. Проведены условные расчёты, направленные на оценку экономической эффективности с учётом альтернативной стоимости рабочего времени преподавателей и совокупных затрат. Предложен комплексный подход к оценке социально-экономической эффективности использования искусственного интеллекта в высших образовательных учреждениях Узбекистана.

Ключевые слова: искусственный интеллект, генеративный искусственный интеллект, высшее образование, качество образования,

социально-экономическая эффективность, цифровое равенство, академическая добросовестность.

SOCIO-ECONOMIC EFFICIENCY OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE USE IN HIGHER EDUCATION

Annotation. The article examines the socio-economic efficiency of artificial intelligence use in higher education in terms of educational outcomes, resource utilization efficiency, and digital inclusion. Drawing on international empirical studies, the distinction between technology adoption and its impact on educational outcomes is substantiated. Hypothetical calculations are conducted to assess economic efficiency, taking into account the opportunity cost of academic staff time and total costs. A comprehensive approach to assessing the socio-economic efficiency of artificial intelligence use in higher education institutions in Uzbekistan is proposed.

Keywords: artificial intelligence, generative artificial intelligence, higher education, education quality, socio-economic efficiency, digital equity, academic integrity.

Рақамли трансформация шароитида сунъий интеллектнинг олий таълимга кириб келиши таълим хизматларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнларидаги анъанавий муносабатларни ўзгартирмоқда. Мазкур технология таълим контентини индивидуаллаштириш ва педагогик фаолиятнинг айрим операцияларини автоматлаштириш имкониятини яратсада, унинг институционал аҳамияти фойдаланувчилар сони ёки вазифаларни бажариш тезлиги билан чекланмайди. Асосий илмий муаммо технологиядан фойдаланиш интенсивлиги, талабаларда мустақил компетенциялар шаклланиши ва таълим муассасаси ресурсларининг иқтисодий қайтими ўртасидаги боғлиқликни аниқлашдан иборат. Айниқса, тайёр жавобга кириш осонлашган шароитда формал академик натижа билан ҳақиқий билим ўзлаштириш ўртасидаги тафовут кучайиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, сунъий интеллектнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги кўп мезонли категория сифатида талқин этилади: унинг педагогик компоненти мустақил билим ва компетенциялар ўсишини, иқтисодий компоненти тўлиқ институционал харажатларга нисбатан ресурслардан фойдаланиш натижадорлигини, ижтимоий компоненти эса турли талабалар гуруҳларининг сифатли таълим ёрдамига тенг кириш имкониятларини ифодалайди. Ушбу компонентлар бир-бирини тўлиқ алмаштирмайди: вақт тежалиши таълим сифати пасайишини, ўртача ўзлаштиришнинг ўсиши эса рақамли тенгсизликнинг кучайишини автоматик

равишда оқламайди. Тадқиқотнинг мақсади мазкур чекловларни ҳисобга олган ҳолда сунъий интеллектни жорий этиш натижаларини иқтисодий жиҳатдан асосланган баҳолаш ёндашувини ишлаб чиқишдир.

Мазкур муаммонинг илмий талқини маҳаллий тадқиқотларда турли йўналишларда шаклланмоқда. М. Раҳматуллаев генератив сунъий интеллектнинг олий таълимдаги имкониятларини унинг институционал хавфлари, стратегия ва педагогик назорат масалалари билан боғлайди.[81] И. Вихров ва Ш. Аширбоев тиббий олий таълим мисолида технологияни ўқув ва илмий фаолиятга интеграциялашнинг ташкилий шартларини ёритади.[82] А. Аликулов баҳолаш тизимини рақамлаштириш ва унинг шаффофлигига эътибор қаратади.[83] Д. Зарипова ва ҳаммуаллифлар эса Ўзбекистон талабалари мисолида сунъий интеллектдан фойдаланиш частотасини академик мустақиллик, ўзини ўзи бошқариш ва ахлоқий хабардорлик билан биргаликда таҳлил қилади.[84] Ушбу ишлар технологияни ўзлаштиришнинг педагогик ва ташкилий омилларини очиб берса-да, таълим натижаси, ресурсларнинг тўлиқ иқтисодий қиймати ва ижтимоий тенгликни ягона баҳолаш мантиғида мувофиқлаштириш масаласи алоҳида тадқиқот предмети бўлиб қолмоқда. Мақоланинг муаллифлик ёндашуви айнан шу уч натижавий ўлчам ўртасидаги муносабатларни аниқлашга қаратилган.

Тадқиқотнинг услубий асосини иккиламчи эмпирик маълумотларни қиёсий талқин қилиш, иқтисодий сценарий ҳисоб-китоби ва концептуал моделлаштириш ташкил этади. HEPI–Kortextнинг 2025 йилги сўрови Буюк Британиядаги 1041 нафар кундузги бакалавриат талабасининг сунъий интеллектдан фойдаланиш амалиёти ва субъектив баҳоларини акс эттиради.[85] Бундай маълумотлар технологиянинг тарқалиш кўламини тавсифлайди, бироқ унинг таълим натижасига сабабий таъсирини аниқлашга етарли эмас. Шу боис Кестин ва ҳаммуаллифларнинг 194 нафар талаба иштирокида физика курси доирасида ўтказилган тадқиқоти алоҳида таҳлил қилинди.[86] Турли методологияга эга ушбу манбалар бир-бирини тўлдиради, аммо улар натижаларини Ўзбекистон олий таълим тизимига тўғридан-тўғри кўчириш

[81] Rakhmatullaev M. Artificial Intelligence in Higher Education. Problems and Solutions. Perspectives of Higher Education Development. 2024. Vol. 16, No. 2.
[82] Vikhrov I., Ashirbayev Sh. Introduction of Artificial Intelligence Technologies in Higher Education. Perspectives of Higher Education Development. 2024. Vol. 15, No. 1.
[83] Aliqulov A. Sun’iy intellekt texnologiyalarining oliy ta’lim baholash tizimiga integratsiyalashuvi. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. 2025. № 6. Б. 25–32.
[84] Zaripova D., Zohirov K., Rasulova N. et al. Generative AI use, self-regulation, and Neuro-AI Pedagogical competence in higher education: a comparative study of undergraduate and graduate students in Uzbekistan. Frontiers in Education. 2026. Vol. 11.
[85] Freeman J. Student Generative AI Survey 2025. HEPI Policy Note 61. HEPI and Kortext, February 2025. https://www.hepi.ac.uk/wp-content/uploads/2025/02/HEPI-Kortext-Student-Generative-AI-Survey-2025.pdf
[86] Kestin G. et al. AI tutoring outperforms in-class active learning: an RCT introducing a novel research-based design in an authentic educational setting. Scientific Reports. 2025. Vol. 15.

мумкин эмас. Иқтисодий ҳисоб-китоб эса реал муассаса ҳисоботи эмас, балки параметрлар ўзгаришига сезгирликни кўрсатувчи шартли сценарийдир.

1-жадвал.

HEPI сўровида талабаларнинг сунъий интеллектдан фойдаланиши[87]

Кўрсаткич	2024, %	2025, %	Фарқ, фоиз пункт
СИдан камида бир шаклда фойдаланиш	66	92	+26
Баҳоланадиган ишларга тайёрланишда СИдан фойдаланиш	53	88	+35
СИ бўйича ёрдам беришга ходимлар тайёр деб ҳисоблаш	18	42	+24

1-жадвалда акс этган динамика сунъий интеллектдан фойдаланиш таълим муассасаларининг расмий қўллаб-қувватлаш имкониятларига нисбатан тезроқ кенгайганини кўрсатади. 2025 йилда респондентларнинг 36 фоизи сунъий интеллект кўникмаларини ривожлантириш бўйича ОТМдан ёрдам олганини, 18 фоизи эса технология яратган матнни ўз ишига бевосита киритганини билдирган.[88] Бироқ 92 фоизлик умумий фойдаланиш ва 36 фоизлик институционал ёрдам кўрсаткичлари турли саволларга асосланган сабабли улар орасидаги 56 фоиз пунктлик тафовутни тайёргарликсиз фойдаланувчилар улуши сифатида талқин этиш методологик жиҳатдан нотўғри. Бу ерда асосий хулоса технология тарқалишининг юқори суръати билан педагогик бошқарув институтларининг мослашиш суръати ўртасидаги эҳтимолий номутаносибликни қўшимча ўрганиш заруратидир.

Баҳоланадиган ишларга тайёрланишда сунъий интеллектдан фойдаланиш кўрсаткичи ҳам бир маъноли эмас: у тушунчани изоҳлаш, манбаларни тизимлаштириш ва ғояларни шакллантириш каби рухсат этилган ёрдам турларини қамраб олиши мумкин. Шунинг учун 88 фоизлик кўрсаткични академик қоидабузарлик даражасига тенглаштириш илмий жиҳатдан асосланмайди. Академик ҳалолликка таъсирни баҳолашда топшириқ дизайни, мустақил интеллектуал ҳисса ва фойдаланишнинг ошкоралиги каби омиллар ажратилиши зарур. Демак, фойдаланиш статистикаси технологияга бўлган талабни акс эттирса, педагогик самарадорликни баҳолаш учун мустақил натижавий кўрсаткичлар талаб қилинади.

Фойдаланиш кўламига оид далиллардан таълим натижадорлигига ўтишда тадқиқот дизайни ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Кестин ва

[87] HEPI–Kortext, Student Generative AI Survey 2025.
[88] Freeman J. Student Generative AI Survey 2025. HEPI Policy Note 61. HEPI and Kortext, February 2025.

ҳаммуаллифлар тадқиқотида махсус педагогик тамойилларга мувофиқ ишлаб чиқилган сунъий интеллект тьютори фаол ўқитишга асосланган аудитория машғулотлари билан қиёсланган.[89] Тадқиқотда сунъий интеллект тьютори билан ишлаган талабаларнинг билим ўзлаштириши юқорироқ, сарфлаган вақти эса камроқ бўлгани қайд этилган. Мазкур натижа технологиянинг ўзи эмас, балки унинг педагогик вазифага мослаштирилган дизайни самарадорликнинг муҳим шарти эканини кўрсатади. Шу сабабли натижани умумий мақсадли чатботлардан чекловсиз фойдаланиш ёки ўқитувчи меҳнатини тўлиқ алмаштириш фойдасига далил сифатида талқин этиш мумкин эмас.

Шу билан бирга, мазкур эмпирик далилнинг ташқи валидлиги муайян университет, физика фани, махсус тьютор архитектураси ва чекланган ўқув фаолияти билан чегараланган. Узоқ муддатли билим сақланиши, мустақил муаммо ечиш, касбий компетенцияларнинг шаклланиши ва меҳнат бозоридаги натижалар алоҳида тадқиқ этилиши лозим. Ўзбекистонда иқтисодий фанларга мослаштиришда ўзбек тилидаги илмий терминология, миллий иқтисодий маълумотлар, ҳисоб-китобларнинг аниқлиги ва контекстга мослик қўшимча баҳолаш мезонларини шакллантиради.

Иқтисодий фанлар мисолида бу талабнинг аҳамияти айниқса яққол намоён бўлади. Масалан, «Корхона иқтисодиёти»да айланма маблағлар айланишини ҳисоблаш ёки «Молиявий иқтисодиёт»да номинал ва реал фоиз ставкаларини фарқлаш вазифалари сунъий интеллект ёрдамида бажарилганда, якуний матннинг тўғрилиги талабанинг мустақил иқтисодий тафаккурини тўлиқ ифодаламайди. Натижавий баҳолаш формулани асосли танлаш, ўлчов бирликларини текшириш, ҳисоб натижасини иқтисодий талқин қилиш ва янги шартларда ечимни мустақил такрорлаш қобилиятига таяниши лозим. Бу мулоҳазалар маҳаллий эксперимент натижаси эмас, балки келгуси эмпирик синов учун баҳолаш конструкциясини белгилайди.

Педагогик натижадорлик билан бир қаторда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг иқтисодий оқибатларини баҳолаш ҳам муҳим. Бунда лицензия харажатларини тежалган соатлар қиймати билан механик таққослаш етарли эмас, чунки технологияни жорий этиш инфратузилма, контентни маҳаллийлаштириш, профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш, техник қўллаб-қувватлаш, ахборот хавфсизлиги ва генерация қилинган материалларни текшириш харажатларини ҳам келтириб чиқаради. Бундан ташқари, педагогик меҳнат вақтининг бўшаши билан бюджет харажатларининг амалда қисқариши ўртасида принципиал фарқ мавжуд. Иш ҳақи фонди ўзгармаган ҳолда

[89] Kestin G. et al. AI tutoring outperforms in-class active learning: an RCT introducing a novel research-based design in an authentic educational setting. Scientific Reports. 2025. Vol. 15.

тежалган вақт пул оқими эмас, балки уни илмий раҳбарлик, индивидуал маслаҳат ва таълим сифатини оширишга қайта тақсимлаш имкониятидир. Шу боис иқтисодий баҳолашда ресурснинг муқобил қиймати ва реал молиявий тежам алоҳида ҳисобга олиниши керак.

Шу боис сунъий интеллектни жорий этишнинг натижадорлигини учта мустақил, бироқ ўзаро боғлиқ мезон бўйича баҳолаш таклиф этилади: мустақил педагогик натижа, институционал ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва рақамли имкониятлар тенглиги. Ушбу ёндашувнинг илмий-услубий хусусияти алоҳида кўрсаткичларни механик йиғишда эмас, балки улар ўртасидаги чекловли муносабатни тан олишдадир: ресурс тежами педагогик сифатнинг пасайиши ҳисобига таъминланмаслиги, ўртача натижалар эса талабалар гуруҳлари ўртасидаги имкониятлар тафовутини яширмаслиги лозим. Таклиф ҳозирча концептуал хусусиятга эга бўлиб, унинг эмпирик асосланганлиги маҳаллий ОТМларда текширилиши зарур.

Мазкур концептуал ёндашувни институционал даражада синовдан ўтказиш таълим жараёнида сунъий интеллектнинг аниқ функцияларини белгилашдан бошланади. Технологиядан фойдаланишнинг педагогик вазифаси, текширилган контент манбалари, миллий терминологияга мувофиқлик ва академик ҳалоллик талаблари олдиндан аниқланса, кейинги натижаларни талқин қилишдаги ноаниқлик камаяди. Ўқитувчининг роли тайёр материални қабул қилишдан унинг ишончлилигини текшириш, талабанинг мустақил ҳиссасини ажратиш ва таълим натижасини назорат қилишга қараб ўзгаради. Шу маънода технологияни жорий этиш фақат дастурий таъминот хариди эмас, балки педагогик меҳнатни ташкил этишнинг институционал қайта қурилишидир.

Самарадорлик ҳақида асосли хулоса чиқариш учун қиёсий тадқиқот дизайни талаб этилади. Имкон бўлган шароитда талабаларни тасодифий тақсимлаш орқали анъанавий қўллаб-қувватлаш ва педагогик жиҳатдан мослаштирилган сунъий интеллект ёрдами натижалари таққосланиши мумкин. Бунда фан мазмуни, баҳолаш мезонлари ва кузатув муддати мувофиқлаштирилиб, дастлабки ва якуний мустақил билим баҳолари, вазифани бажариш вақти ҳамда кечиктирилган текширув натижалари ўлчанади. Технологиясиз бажариладиган якуний вазифалар мустақил ўзлаштириш билан восита ёрдамида ҳосил қилинган ташқи натижани фарқлаш имконини беради. Бундай дизайн сабабий таъсирни баҳолашга яқинлаштиради, аммо танланма ҳажми ва иштирокчиларнинг дастлабки фарқлари ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Баҳолашнинг ижтимоий компоненти технологияга кириш имкониятлари ва натижаларнинг талабалар гуруҳлари кесимида тақсимланишини таҳлил

қилишни тақозо этади. Пулли хизматлар, техник қурилмалар ва рақамли саводхонликдаги фарқлар ўртача ижобий натижалар фонида ҳам янги тенгсизлик манбаига айланиши мумкин. Шу сабабли ўзбек тилидаги жавоблар сифати, маълумотлар махфийлиги, ҳисоблаш ишончлилиги ва муқобил таълим ёрдами мавжудлиги институционал самарадорликнинг ажралмас шартлари сифатида қаралиши керак. Бу ҳолат сунъий интеллектнинг иқтисодий натижасини унинг ижтимоий тақсимот оқибатларидан ажратиб баҳолаш мумкин эмаслигини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари олий таълимда сунъий интеллектнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини фойдаланиш кўлами ёки операциялар тезлигига тенглаштириш методологик жиҳатдан етарли эмаслигини кўрсатади. HEPI–Kortext сўрови технологиянинг тез тарқалишини, Кестин ва ҳаммуаллифлар тадқиқоти эса муайян педагогик дизайн шароитида таълим натижаси яхшиланиши мумкинлигини намоён этади; бироқ ушбу далилларни Ўзбекистон ОТМларига бевосита умумлаштириш мумкин эмас. Шартли иқтисодий сценарий ресурс тежамининг фаразларга сезгирлигини ва ҳисобий вақт қиймати билан реал молиявий самара ўртасидаги фарқни очиб берди. Шу асосда мустақил ўзлаштириш, тўлиқ институционал харажатлар ва рақамли инклюзивликни биргаликда ҳисобга олувчи баҳолаш ёндашуви асосланди. Унинг амалий аҳамияти технологияни оммавий жорий этишдан олдин қиёсий педагогик натижалар, ресурс харажатлари ва ижтимоий таъсирни эмпирик текшириш учун ягона таҳлилий асос яратишидадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Freeman J. Student Generative AI Survey 2025. HEPI Policy Note 61. HEPI and Kortext, February 2025. https://www.hepi.ac.uk/wp-content/uploads/2025/02/HEPI-Kortext-Student-Generative-AI-Survey-2025.pdf

2. Kestin G. et al. AI tutoring outperforms in-class active learning: an RCT introducing a novel research-based design in an authentic educational setting. Scientific Reports. 2025. Vol. 15. Article 17458. https://doi.org/10.1038/s41598-025-97652-6 (электрон манбаларга мурожаат санаси 08.10.2026).

3. Rakhmatullaev M. Artificial Intelligence in Higher Education. Problems and Solutions. Perspectives of Higher Education Development. 2024. Vol. 16, No. 2. https://doi.org/10.34920/phe.2024.16.06

4. Vikhrov I., Ashirbayev Sh. Introduction of Artificial Intelligence Technologies in Higher Education. Perspectives of Higher Education Development. 2024. Vol. 15, No. 1. https://doi.org/10.34920/phe.2024.15.01

5. Aliqulov A. Sun’iy intellekt texnologiyalarining oliy ta’lim baholash tizimiga integratsiyalashuvi. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. 2025. № 6. Б. 25–32. https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/123972

6. Zaripova D., Zohirov K., Rasulova N. et al. Generative AI use, self-regulation, and Neuro-AI Pedagogical competence in higher education: a comparative study of undergraduate and graduate students in Uzbekistan. Frontiers in Education. 2026. Vol. 11. Article 1846709. https://doi.org/10.3389/feduc.2026.1846709

OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA XARAJATLARNI TAQSIMLASHDA INVESTITSION RISKLARNI BAHOLASH

Jonuzokov Mirzabek Kulmamatovich
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti tadqiqotchisi, PhD.
mirzabekjonuzokov@gmail.com
https://orcid.org/0009-0004-3010-9266
+998901960196

Annotatsiya. Mazkur maqolada oliy ta'lim muassasalarida xarajatlarni taqsimlash jarayonida yuzaga keladigan investitsion risklarni aniqlash, baholash va boshqarish masalalari tadqiq etilgan. Moliyaviy va nomoliyaviy risklarning tasnifi ishlab chiqilib, ularni miqdoriy baholash ko'rsatkichlari hamda integral riskni aniqlash metodikasi taklif etilgan. Shuningdek, investitsion resurslarni risk darajasi va kutilayotgan iqtisodiy samaradorlik asosida taqsimlash, moliyalashtirish manbalarini diversifikatsiya qilish va oliy ta'lim muassasalarining moliyaviy barqarorligini mustahkamlash bo'yicha ilmiy-amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: oliy ta'lim muassasalari investitsion risklari, xarajatlarni taqsimlash, moliyaviy barqarorlik, oliy ta'limda risk-menejment, investitsion samaradorlik, moliyalashtirish manbalari, resurslar diversifikatsiyasi.

Bilimlarga asoslangan iqtisodiyotning shakllanishi sharoitida oliy ta'lim muassasalarining moliyaviy ta'minoti diversifikatsiyalashib, moliyalashtirish yukining davlat budjeti, talabalar, xususiy sektor hamda xorijiy hamkorlar o'rtasida taqsimlanishi kuchaymoqda. Mazkur jarayon oliy ta'lim muassasalarining moliyaviy resurslar bazasini kengaytirish bilan bir qatorda, mavjud mablag'larni ustuvor yo'nalishlar bo'yicha taqsimlashda investitsion noaniqlik va risk omillarini hisobga olish zaruratini yuzaga keltirmoqda. Xususan, har bir xarajat yo'nalishi bo'yicha qabul qilinadigan investitsion qarorlarning iqtisodiy samaradorligi, moliyaviy barqarorligi va kutilayotgan natijalarini kompleks baholash muhim ahamiyat kasb etadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2026-yil 3-aprel kuni oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar tizimini takomillashtirish masalalariga bag'ishlangan yig'ilishida mavjud salohiyatdan samarali foydalanish, ilm-fan

natijalarini iqtisodiyot tarmoqlariga integratsiya qilish hamda ta’lim va ilmiy tadqiqotlar o‘rtasidagi uzviylikni kuchaytirish ustuvor vazifalar sifatida belgilangan[90]. Ushbu vazifalarning samarali ijrosi oliy ta’lim muassasalarida cheklangan moliyaviy resurslarni infratuzilmani rivojlantirish, ilmiy tadqiqotlar, raqamli texnologiyalar va inson kapitaliga investitsiyalar o‘rtasida iqtisodiy jihatdan asoslangan holda taqsimlashni talab etadi. Shu bilan birga, mazkur yo‘nalishlarning har biri bo‘yicha potensial investitsion risklarni oldindan aniqlash, baholash va boshqarish mexanizmlarini takomillashtirish moliyaviy resurslardan foydalanish samaradorligini oshirishning muhim sharti hisoblanadi.

Amaldagi amaliyotda oliy ta’lim muassasalarida xarajatlarni taqsimlash jarayoni, asosan, avvalgi davrlarda shakllangan moliyalashtirish ulushlari va joriy ehtiyojlardan kelib chiqib amalga oshirilmoqda. Bunda investitsion risklar, moliyaviy noaniqliklar va xarajat yo‘nalishlarining istiqboldagi samaradorligini baholash omillariga yetarlicha e’tibor qaratilmaydi. Islomov ma’lumotlariga ko‘ra, 2020–2024 yillarda oliy ta’limga yo‘naltirilgan davlat investitsiyalari taxminan 10 barobar oshgan, biroq markazlashgan investitsiyalardagi ulushi atigi 3,7 foiz bandga ko‘tarilgan; muallif buni strukturaviy nomutanosiblik belgisi deb baholaydi[91]. Demak, resurs hajmining o‘sishi o‘z-o‘zidan investitsion samaradorlikni kafolatlamaydi.

Inson kapitali nazariyasiga ko‘ra, ta’limga sarflanadigan mablag‘ iste’mol emas, kelgusida daromad keltiruvchi uzoq muddatli investitsiya hisoblanadi deb ta’kidlagan T. Shults[92] va G. Bekker[93]. Psaxaropulos va Patrinos ta’limning shaxsiy va ijtimoiy daromadliligini empirik tasdiqlagan[94]. Shu sababli OTMdagi xarajatlar kapital qo‘yilma sifatida baholanadi, kapital qo‘yilma esa doimo qaytim noaniqligi, ya’ni risk bilan bog‘liq.

B. Jonston xarajatlarni davlat, talaba (ota-ona) va boshqa manbalar o‘rtasida taqsimlash tizimini oliy ta’limni moliyalashtirishdagi markaziy masala va moliyaviy risklarning muhim manbai deb ko‘rsatadi[95]. Jonston va Markuchchi bu modelning tarixiy sabablari hamda turli mamlakatlardagi variantlarini tahlil qilgan[96]. Barr oliy ta’lim bozorida axborot nomukammalligi va kredit bozoridagi cheklovlar

[90] Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar tizimini takomillashtirish masalalari muhokamasi, 3-aprel 2026-yil. president.uz
[91] Islomov, B. Z. (2025). Oliy ta’lim muassasalarida moliyaviy resurslarni boshqarishning joriy holati tahlili. International Finance & Accounting, (3), iyun. ISSN 2181-1016.
[92] Schultz, T. W. (1961). Investment in human capital. The American Economic Review, 51(1), 1–17.
[93] Becker, G. S. (1964). Human capital: A theoretical and empirical analysis, with special reference to education. National Bureau of Economic Research.
[94] Psacharopoulos, G., & Patrinos, H. A. (2018). Returns to investment in education: A decennial review of the global literature. Education Economics, 26(5), 445–458.
[95] Johnstone, D. B. (2004). The economics and politics of cost sharing in higher education: Comparative perspectives. Economics of Education Review, 23(4), 403–410.
[96] Johnstone, D. B., & Marcucci, P. N. (2010). Financing higher education worldwide: Who pays? Who should pay? Johns Hopkins University Press.

taqsimot risklarini kuchaytirishini asoslaydi[97]. Marginson ommaviy oliy ta’lim sharoitida tizimlar o‘rtasida tabaqalanish va raqobat kuchayishini ko‘rsatadi[98], Altbach, Raysberg va Rumbli esa global raqobat universitetlarning resurs ehtiyojini oshirayotganini qayd etadi[99]. Mahalliy tadqiqotlarda Otaxanov OTMning investitsion jozibadorligi institutsional islohotlar, moliyaviy shaffoflik va risklarni boshqarish tizimiga bog‘liqligini asoslagan[100]. B. Klark diversifikatsiyalangan moliyalashtirish manbalariga tayangan tadbirkor universitet barqarorroq bo‘lishini ta’kidlaydi[101].

Shu asosda xarajatlarni taqsimlashdagi investitsion risk — moliyalashtirish manbalari va xarajat yo‘nalishlari o‘rtasidagi taqsimot rejalashtirilgan ta’lim, ilmiy va moliyaviy natijalarga erishishni ta’minlamaslik ehtimoli hamda shundan ko‘riladigan yo‘qotishlar miqdori sifatida ta’riflanadi. Uning sanoat tarmoqlaridagi riskdan farqi ikkita: birinchidan, samaradorlik ko‘p mezonli (ta’lim sifati, bitiruvchilar bandligi, ilmiy natijadorlik bilan birga moliyaviy ko‘rsatkichlar); ikkinchidan, qaytim uzoq muddatda shakllanadi va ko‘pincha bevosita pul oqimida ko‘rinmaydi.

Xarajatlarni taqsimlash jarayonida yuzaga keladigan investitsion risklarni tizimli baholash maqsadida ularni moliyaviy va nomoliyaviy guruhlarga ajratish taklif etiladi. Moliyaviy risklar mablag‘lar yetishmovchiligi, xarajatlarning oshishi, daromadlar beqarorligi va likvidlik bilan bog‘liq bo‘lsa, nomoliyaviy risklar tashkiliy, operatsion, strategik, huquqiy va institutsional omillar bilan izohlanadi. Har bir risk guruhi bo‘yicha uning kelib chiqish manbalari va ehtimoliy oqibatlarini aniqlash investitsion resurslarni samarali taqsimlash, salbiy ta’sirlarni kamaytirish hamda asoslangan boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun metodologik asos yaratadi (1-jadval).

Ayniqsa, taqsimot riski muhim boshqa risklarni yo‘qotishga aylantiradigan omil hisoblanadi, chunki to‘g‘ri baholanmagan xarajat yo‘nalishi bo‘yicha moliyaviy, operatsion va natijadorlik risklari bir vaqtda namoyon bo‘ladi.

Investitsion loyihalar va xarajat yo‘nalishlari bo‘yicha yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan risklarni aniqlash, ularning ehtimoliy oqibatlarini baholash hamda moliyaviy resurslardan samarali foydalanishni ta’minlash maqsadida risklarni

[97] Barr, N. (2004). Higher education funding. Oxford Review of Economic Policy, 20(2), 264–283.
[98] Marginson, S. (2016). The worldwide trend to high participation higher education: Dynamics of social stratification in inclusive systems. Higher Education, 72(4), 413–434.
[99] Altbach, P. G., Reisberg, L., & Rumbley, L. E. (2009). Trends in global higher education: Tracking an academic revolution. UNESCO.
[100] Otaxanov, R. (2025). Oliy ta’lim muassasalari investitsion jozibadorligini boshqarish mexanizmini takomillashtirish. Green Economy and Development, 3(7). doi.org/10.5281/zenodo.16628115
[101] Clark, B. R. (1998). Creating entrepreneurial universities: Organizational pathways of transformation. Pergamon Press.

baholash metodikasi ishlab chiqiladi. Mazkur metodika ISO 31000:2018[102] risklarni boshqarish va COSO ERM[103] korporativ risklarni boshqarish xalqaro standartlari tamoyillariga asoslanadi. Ushbu standartlar risklarni boshqarishni tashkilotning strategik maqsadlari, moliyaviy barqarorligi va operatsion faoliyati bilan uzviy bog‘liq holda amalga oshirishni nazarda tutadi.

1-jadval.

Xarajatlarni taqsimlashda investitsion risklar tasnifi[104]

Risk guruhi	Yuzaga kelish manbai	Asosiy oqibati
Moliyaviy	Davlat budjeti ulushining o‘zgarishi, xususiy va xorijiy manbalarga haddan tashqari tayanish	Moliyalashtirishning uzilishi, loyiha muddatining cho‘zilishi
Talab va to‘lov qobiliyati	Talabalar soni va to‘lov-kontrakt tushumlarining kamayishi, kredit bozoridagi cheklovlar	Daromad bazasining qisqarishi, ta’lim xizmatlari hajmining pasayishi
Taqsimot (allokatsiya)	Xarajatlarning ustuvor yo‘nalishlar bo‘yicha asossiz taqsimlanishi, tarixiy ulushga tayanish	Resurslarning samarasiz ishlatilishi, strukturaviy nomutanosiblik
Institutsional va normativ	Moliyalashtirish qoidalari, tariflar va soliq imtiyozlarining o‘zgarishi, shaffoflik yetishmasligi	Investor ishonchining pasayishi, rejalashtirish noaniqligi
Operatsion va texnologik	Loyihalarni boshqarish salohiyati yetishmasligi, raqamli infratuzilmaning eskirishi	Byudjetdan ortiqcha sarf, texnologik moslashuvning kechikishi
Samaradorlik (natijadorlik)	Ta’lim sifati, bitiruvchilar bandligi, ilmiy natijalar rejadan orqada qolishi	Investitsiyaning ijtimoiy-iqtisodiy qaytimi pasayishi
Tashqi va raqobat	Xalqaro raqobat, valyuta kursi va inflyatsiya o‘zgarishi, kadrlar migratsiyasi	Importga bog‘liq xarajatlarning qimmatlashishi, malakali kadrlar yo‘qotilishi

Oliy ta’lim muassasalarida xarajatlarni taqsimlash jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan investitsion risklarni miqdoriy baholash maqsadida moliyaviy, iqtisodiy, operatsion va samaradorlik ko‘rsatkichlarini qamrab oluvchi indikatorlar tizimi ishlab chiqiladi. Mazkur tizim xarajatlar taqsimotining risk profilini aniqlash,

[102] ISO 31000:2018. Risk management — Guidelines. International Organization for Standardization.
[103] COSO (2017). Enterprise risk management — Integrating with strategy and performance. Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission.
[104] Muallif tomonidan tadqiqotlar asosida ishlab chiqildi

potensial xavf omillarini identifikatsiya qilish hamda ularning chegaraviy qiymatlarini belgilash imkonini beradi. Taklif etilayotgan ko‘rsatkichlar va ularning yuqori riskni ifodalovchi taxminiy chegaralari 2-jadvalda keltirilgan. Bunda chegaraviy qiymatlar muallif tomonidan ishlab chiqilgan bo‘lib, OTMning moliyaviy holati, faoliyat xususiyatlari va daromadlar tarkibidan kelib chiqib moslashtirilishi mumkin.

2-jadval.

Risk ko‘rsatkichlari va ularning chegaraviy qiymatlari[105]

Risk guruhi	Ko‘rsatkich	Hisoblash	Yuqori risk belgisi
Moliyaviy	Davlat budjetiga bog‘liqlik ulushi	Budjet mablag‘lari / jami daromad × 100%	80% dan yuqori
Moliyaviy	Daromad manbalari konsentratsiyasi (Xerfindal indeksi)	$HHI = \Sigma s_j^2$, s_j — j-manba ulushi	0,5 dan yuqori
Talab va to‘lov qobiliyati	To‘lov-kontrakt tushumining yillik o‘zgarishi	$(Tushum_1 - Tushum_0) / Tushum_0 \times 100\%$	Ketma-ket ikki yil manfiy
Taqsimot	Loyiha xarajatining rejadan og‘ishi	(Haqiqiy − Reja) / Reja × 100%	10% dan yuqori
Operatsion	Muddatida bajarilgan loyihalar ulushi	Muddatida tugagan / jami loyihalar × 100%	70% dan past
Samaradorlik	Bitiruvchilar bandligi darajasi	Ishga joylashganlar / jami bitiruvchilar × 100%	Reja ko‘rsatkichidan past
Moliyaviy barqarorlik	Joriy likvidlik	Joriy aktivlar / qisqa muddatli majburiyatlar	1 dan past

2-jadvalda oliy ta’lim muassasalarining investitsion faoliyatida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan asosiy risklarni baholash ko‘rsatkichlari va ularning chegaraviy qiymatlari keltirilgan. Taklif etilgan metodika moliyaviy, talab, xarajatlarni taqsimlash, operatsion va samaradorlik risklarini kompleks baholashga asoslanadi.

Xususan, davlat budjetiga bog‘liqlik ulushining 80 foizdan yuqori bo‘lishi va daromadlar konsentratsiyasi indeksining 0,5 dan oshishi moliyaviy diversifikatsiya darajasi pastligini ko‘rsatadi. To‘lov-kontrakt tushumlarining ketma-ket ikki yil kamayishi ta’lim xizmatlariga talab va to‘lov qobiliyati bilan bog‘liq risklarni ifodalaydi. Shuningdek, loyiha xarajatlarining rejadan 10 foizdan ortiq oshishi, muddatida bajarilgan loyihalar ulushining 70 foizdan pastligi hamda joriy likvidlik koeffitsiyentining 1 dan kam bo‘lishi yuqori risk belgilari sifatida baholanadi.

[105] Muallif tomonidan tadqiqotlar asosida ishlab chiqildi.

Bitiruvchilar bandligining belgilangan maqsadli ko‘rsatkichdan pastligi esa ta’lim faoliyati samaradorligiga salbiy ta’sir etuvchi omil hisoblanadi.

Mazkur ko‘rsatkichlar asosida OTMning risk darajasini aniqlash, moliyaviy resurslarni ustuvor yo‘nalishlarga taqsimlash va investitsion qarorlar samaradorligini oshirish mumkin. Bunda jadvaldagi chegaraviy qiymatlar muallif taklifi bo‘lib, ularni har bir OTMning individual xususiyatlaridan kelib chiqib moslashtirish lozim.

Oliy ta’lim muassasalarida xarajatlarni taqsimlash jarayonida investitsion risklarni kamaytirish, moliyaviy resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish va moliyaviy barqarorlikni ta’minlash maqsadida quyidagi takliflar ishlab chiqildi.

Birinchidan, yillik budjetni shakllantirishda har bir xarajat yo‘nalishi bo‘yicha integral risk ko‘rsatkichini hisobga olish hamda moliyaviy resurslarni risk darajasi va kutilayotgan iqtisodiy samaradorlikka muvofiq taqsimlash maqsadga muvofiq.

Ikkinchidan, OTMlarning davlat budjetiga moliyaviy bog‘liqligini kamaytirish maqsadida xususiy investitsiyalar, xalqaro grantlar, xorijiy moliyalashtirish manbalari va davlat-xususiy sheriklik mexanizmlaridan foydalanishni kengaytirish zarur hisoblanadi.

Uchinchidan, investitsion loyihalarni amalga oshirish jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan kutilmagan xarajatlarni qoplash uchun loyiha qiymatiga mutanosib ravishda moliyaviy zaxira fondini shakllantirish taklif etiladi.

To‘rtinchidan, yirik infratuzilma va ilmiy tadqiqot loyihalarini bosqichma-bosqich moliyalashtirish mexanizmini joriy etish, bunda navbatdagi moliyalashtirish hajmini avvalgi bosqich natijalari va belgilangan samaradorlik ko‘rsatkichlariga bog‘lash lozim hisoblanadi.

Beshinchidan, talabalarning to‘lov qobiliyati bilan bog‘liq risklarni kamaytirish hamda kontrakt tushumlari barqarorligini ta’minlash uchun ta’lim kreditlari, moslashuvchan to‘lov mexanizmlari va grant dasturlarini kengaytirish muhim hisoblanadi.

Oltinchidan, OTMlarda moliyaviy natijalar, ta’lim sifati, bitiruvchilar bandligi va ilmiy faoliyat samaradorligini qamrab oluvchi yagona monitoring tizimini shakllantirish hamda uning natijalarini muntazam e’lon qilish tavsiya etiladi.

Yettinchidan, investitsion risklarni tizimli boshqarish maqsadida OTM boshqaruv tuzilmasida risk-menejment funksiyasini joriy etish, mas’ul mutaxassislarni tayinlash va loyiha menejerlarining risklarni baholash bo‘yicha kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirish zarur.

Tadqiqot natijalari oliy ta’lim muassasalarida xarajatlarni taqsimlash jarayoni investitsion risklarning shakllanishiga bevosita ta’sir etuvchi omillardan biri ekanligini ko‘rsatdi. Mazkur risklarni boshqarish maqsadida moliyaviy va

nomoliyaviy omillarni qamrab oluvchi ko‘rsatkichlar tizimi, ehtimollik va ta’sir darajasiga asoslangan integral baholash modeli hamda risk darajasiga muvofiq boshqaruv qarorlarini qabul qilish mexanizmi taklif etildi.

Taklif etilgan metodikaning ilmiy-amaliy ahamiyati investitsion resurslarni taqsimlashda nafaqat xarajatlar hajmi, balki yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan risklar, moliyaviy barqarorlik va kutilayotgan iqtisodiy samaradorlikni kompleks hisobga olish imkoniyati bilan belgilanadi. Mazkur yondashuvni OTMlar faoliyatiga joriy etish moliyalashtirish manbalarini diversifikatsiya qilish, investitsion qarorlar sifatini oshirish, resurslardan foydalanish samaradorligini ta’minlash hamda oliy ta’lim muassasalarining uzoq muddatli moliyaviy barqarorligini mustahkamlashga xizmat qiladi.

Ishlatilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar tizimini takomillashtirish masalalari muhokamasi, 3-aprel 2026-yil. president.uz
2. Islomov, B. Z. (2025). Oliy ta’lim muassasalarida moliyaviy resurslarni boshqarishning joriy holati tahlili. International Finance & Accounting, (3), iyun. ISSN 2181-1016.
3. Schultz, T. W. (1961). Investment in human capital. The American Economic Review, 51(1), 1–17.
4. Becker, G. S. (1964). Human capital: A theoretical and empirical analysis, with special reference to education. National Bureau of Economic Research.
5. Psacharopoulos, G., & Patrinos, H. A. (2018). Returns to investment in education: A decennial review of the global literature. Education Economics, 26(5), 445–458.
6. Johnstone, D. B. (2004). The economics and politics of cost sharing in higher education: Comparative perspectives. Economics of Education Review, 23(4), 403–410.
7. Johnstone, D. B., & Marcucci, P. N. (2010). Financing higher education worldwide: Who pays? Who should pay? Johns Hopkins University Press.
8. Barr, N. (2004). Higher education funding. Oxford Review of Economic Policy, 20(2), 264–283.
9. Marginson, S. (2016). The worldwide trend to high participation higher education: Dynamics of social stratification in inclusive systems. Higher Education, 72(4), 413–434.
10. Altbach, P. G., Reisberg, L., & Rumbley, L. E. (2009). Trends in global higher education: Tracking an academic revolution. UNESCO.

11. Otaxanov, R. (2025). Oliy ta’lim muassasalari investitsion jozibadorligini boshqarish mexanizmini takomillashtirish. Green Economy and Development, 3(7). doi.org/10.5281/zenodo.16628115

12. Clark, B. R. (1998). Creating entrepreneurial universities: Organizational pathways of transformation. Pergamon Press.

13. ISO 31000:2018. Risk management — Guidelines. International Organization for Standardization.

14. COSO (2017). Enterprise risk management — Integrating with strategy and performance. Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission.

ELEKTRON SAVDO XIZMATLARINI INNOVATSION RIVOJLANTIRISH YO‘NALISHLARI

Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
Raqamli iqtisodiyot kafedrasi katta o‘qituvchisi
Ulugmurodov Farxod Faxriddinovich
Farkhod1808@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada O‘zbekistonda elektron savdo xizmatlarining rivojlanish dinamikasi rasmiy statistik ma’lumotlar asosida tahlil qilingan, sohani innovatsion rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari — marketpleys ekotizimlari, raqamli to‘lov va moliyaviy texnologiyalar, sun’iy intellekt asosidagi xizmatlar, zamonaviy logistika hamda iste’molchilar huquqlarini raqamli himoya qilish masalalari asoslab berilgan. Tahlil natijalariga ko‘ra, 2020–2025-yillarda elektron savdo hajmi qariyb 31,5 barobar oshgan. Elektron savdo xizmatlarini innovatsion rivojlantirish bo‘yicha ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: elektron savdo, raqamli iqtisodiyot, innovatsiya, marketpleys, raqamli to‘lovlar, sun’iy intellekt, logistika.

Аннотация. В статье на основе официальных статистических данных проанализирована динамика развития услуг электронной торговли в Узбекистане, обоснованы основные направления их инновационного развития — экосистемы маркетплейсов, цифровые платежи и финансовые технологии, сервисы на основе искусственного интеллекта, современная логистика и цифровая защита прав потребителей. Установлено, что в 2020–2025 гг. объём электронной торговли вырос почти в 31,5 раза. Разработаны научно-практические предложения по инновационному развитию услуг электронной торговли.

Ключевые слова: электронная торговля, цифровая экономика, инновации, маркетплейс, цифровые платежи, искусственный интеллект, логистика.

Abstract. The article analyzes the development dynamics of e-commerce services in Uzbekistan based on official statistics and substantiates the main directions of their innovative development: marketplace ecosystems, digital payments and financial technologies, artificial intelligence-based services, modern logistics and digital consumer protection. The analysis shows that e-commerce volume grew almost 31.5-fold in 2020–2025. Scientific and practical proposals for the innovative development of e-commerce services are put forward.

Keywords: e-commerce, digital economy, innovation, marketplace, digital payments, artificial intelligence, logistics.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida savdo xizmatlari tarkibi tubdan o‘zgarmoqda: xaridorlar tovar va xizmatlarni tanlash, buyurtma berish, to‘lash va yetkazib olishning katta qismini onlayn amalga oshirmoqda. Elektron savdo nafaqat yangi savdo kanali, balki tadbirkorlik subyektlari uchun bozorga kirish xarajatlarini kamaytiruvchi, hududlar o‘rtasidagi tafovutni qisqartiruvchi va eksport imkoniyatlarini kengaytiruvchi omilga aylandi.

O‘zbekistonda bu yo‘nalishdagi davlat siyosati “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasi [1], “Elektron tijorat to‘g‘risida”gi Qonun [2] hamda 2023-yil fevralida taqdim etilgan 2023–2027-yillarga mo‘ljallangan Milliy elektron tijorat strategiyasi [3] orqali amalga oshirilmoqda. Shu bilan birga, sohaning jadal o‘sishi xizmat sifati, logistika, to‘lov xavfsizligi va iste’molchilar ishonchi bilan bog‘liq yangi vazifalarni ham yuzaga chiqarmoqda. Bu esa elektron savdo xizmatlarini innovatsion asosda rivojlantirish yo‘nalishlarini ilmiy asoslashni dolzarb qiladi.

Innovatsiyaning iqtisodiy rivojlanishdagi o‘rni dastlab J.Shumpeter tomonidan asoslangan bo‘lib, u innovatsiyani yangi mahsulot, yangi texnologiya, yangi bozor va yangi tashkiliy shakllarning “yangi kombinatsiyasi” sifatida talqin qilgan [4]. K.Laudon va K.Traver elektron savdoni internet va mobil platformalar orqali amalga oshiriladigan tijorat bitimlari majmui sifatida ta’riflab, uning raqamli texnologiyalar bilan birga rivojlanuvchi xususiyatini ta’kidlaydi [5]. D.Chaffey raqamli biznesda mijoz tajribasi, ma’lumotlar tahlili va ko‘p kanalli marketingni raqobatbardoshlikning hal qiluvchi omillari deb hisoblaydi [6]. E.Turban va hammualliflar esa ijtimoiy tarmoqlar va mobil tijoratning elektron savdo modellarini o‘zgartirayotganini ko‘rsatadi [7]. UNCTAD hisobotlarida rivojlanayotgan mamlakatlarda raqamli infratuzilma, to‘lov tizimlari va logistika elektron savdo rivojining asosiy cheklovchi omillari ekanligi qayd etiladi [8].

Mazkur ishlarni umumlashtirib aytish mumkinki, elektron savdo xizmatlarining innovatsion rivojlanishi texnologik, tashkiliy va institutsional innovatsiyalarning birgalikdagi natijasidir.

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining elektron savdo hajmi bo‘yicha rasmiy ma’lumotlari [9], Istiqbolli loyihalar milliy agentligi ma’lumotlari [10] va yirik marketpleyslarning ochiq hisobotlari [11] asosida dinamik qatorlar tahlili, o‘sish sur’atlarini hisoblash, qiyosiy tahlil va tizimli yondashuv usullaridan foydalanildi.

Tahlil va natijalar. O‘zbekistonda elektron savdo hajmining 2020–2025-yillardagi dinamikasi 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval

O‘zbekistonda elektron savdo hajmi dinamikasi (2020–2025-yillar)

Yillar	Elektron savdo hajmi, mlrd so‘m	O‘tgan yilga nisbatan, %
2020	1 002,5	–
2021	5 978,7	596,4
2022	10 886,8	182,1
2023	13 263,8	121,8
2024	15 211,5	114,7
2025	31 551,9	207,4

Manba: O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma’lumotlari [9] asosida muallif hisob-kitoblari.

1-jadval ma’lumotlaridan ko‘rinadiki, elektron savdo hajmi 2020-yildagi 1 002,5 mlrd so‘mdan 2025-yilda 31 551,9 mlrd so‘mga yetib, qariyb 31,5 barobar oshgan. 2021-yildagi keskin o‘sish pandemiya davrida onlayn xaridlarga o‘tish bilan, 2025-yildagi ikki barobarlik o‘sish esa marketpleyslar va raqamli to‘lov xizmatlarining keng tarqalishi bilan izohlanadi. Istiqbolli loyihalar milliy agentligi ma’lumotlariga ko‘ra, 2025-yilda ro‘yxatdan o‘tgan elektron tijorat platformalari soni 36 tadan 115 taga yetgan, ular orqali amalga oshirilgan savdo hajmi 22,7 trln so‘mni tashkil etib, chakana savdo umumiy hajmidagi ulushi 4,6 foizga teng bo‘lgan [10]. Bozorning yetakchi ishtirokchilaridan biri — Uzum ekotizimi xizmatlaridan oyiga 20 mln dan ortiq foydalanuvchi foydalanadi, unda 17 mingdan ortiq mahalliy sotuvchi faoliyat yuritadi, 450 dan ortiq aholi punktida 1 500 ta buyurtma topshirish punkti tashkil etilgan [11].

Shu bilan birga, chakana savdodagi ulushning 5 foizdan pastligi soha salohiyati hali to‘liq ishga solinmaganini ko‘rsatadi. Tahlil asosida elektron savdo xizmatlarini innovatsion rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari aniqlandi (2-jadval).

2-jadval

Elektron savdo xizmatlarini innovatsion rivojlantirish yo‘nalishlari

Yo‘nalish	Innovatsion yechimlar	Kutilayotgan natija
Marketpleys ekotizimlari	Savdo, to‘lov, kreditlash va yetkazib berishni yagona platformada birlashtirish	Kichik biznesning bozorga kirish xarajatlari kamayadi
Raqamli to‘lovlar va fintex	QR-to‘lov, “hozir xarid qil – keyin to‘la” (BNPL) xizmatlari, raqamli hamyonlar	Naqd pulsiz aylanma va xarid qulayligi oshadi
Sun’iy intellekt va katta ma’lumotlar	Shaxsiylashtirilgan tavsiyalar, chat-botlar, talabni prognozlash, dinamik narxlash	Konversiya oshadi, zaxiralar optimallashadi
Aqlli logistika	Buyurtma topshirish punktlari tarmog‘i, avtomatlashtirilgan omborlar, marshrutlarni optimallashtirish	Yetkazib berish muddati va narxi qisqaradi, hududlar qamrovi kengayadi
Raqamli ishonch va iste’molchilar himoyasi	Sotuvchilar reytingi, elektron chek va kafolat, onlayn nizolarni hal qilish tizimi	Iste’molchilar ishonchi ortadi
Transchegaraviy elektron savdo	Xalqaro marketpleyslarga chiqish, eksport uchun soddalashtirilgan bojxona tartiblari	Mahalliy mahsulotlar eksporti kengayadi

Manba: muallif ishlanmasi.

2-jadvalda keltirilgan yo‘nalishlar bir-biri bilan uzviy bog‘liq. Masalan, sun’iy intellekt asosidagi talab prognozi logistika xarajatlarini kamaytirsa, raqamli to‘lov va kreditlash xizmatlari xaridorlar sonini ko‘paytiradi, bu esa o‘z navbatida platformalardagi ma’lumotlar hajmini oshirib, tahlil sifatini yaxshilaydi. Demak, innovatsiyalarni alohida emas, balki ekotizim yondashuvi asosida joriy etish yuqori samara beradi.

Ayni paytda sohada bir qator muammolar saqlanib qolmoqda: qishloq hududlarida yetkazib berish xarajatlarining yuqoriligi, kichik sotuvchilarning raqamli savodxonligi yetarli emasligi, tovar sifati va qaytarish bo‘yicha nizolar, shuningdek ijtimoiy tarmoqlar orqali amalga oshiriladigan norasmiy onlayn savdoning statistikada to‘liq aks etmasligi shular jumlasidandir.

Tadqiqot natijalari asosida elektron savdo xizmatlarini innovatsion rivojlantirish bo‘yicha quyidagi takliflar ishlab chiqildi:

1) hududlarda buyurtma topshirish punktlari va mintaqaviy logistika markazlarini davlat-xususiy sheriklik asosida rivojlantirish, qishloq joylariga yetkazib berish xarajatlarini kamaytirish;

2) kichik va o‘rta biznes subyektlari uchun marketpleyslarda savdo qilish, raqamli marketing va ma’lumotlar tahlili bo‘yicha o‘quv dasturlarini tashkil etish;

3) sun’iy intellekt asosidagi tavsiya tizimlari, chat-botlar va talabni prognozlash vositalarini mahalliy platformalarda joriy etishni rag‘batlantirish;

4) onlayn nizolarni hal qilish tizimini joriy etish, sotuvchilarni majburiy identifikatsiya qilish va elektron kafolat talonlari orqali iste’molchilar huquqlarini himoya qilishni kuchaytirish;

5) ijtimoiy tarmoqlardagi onlayn savdoni rasmiylashtirishni soddalashtirish va elektron savdo statistikasini yagona metodika asosida yuritish.

Ushbu takliflarning amalga oshirilishi elektron savdoning chakana savdodagi ulushini oshirish, xizmatlar sifatini yaxshilash va raqamli iqtisodiyotning barqaror o‘sishini ta’minlashga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi PF-6079-son “«Raqamli O‘zbekiston – 2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni.

2. O‘zbekiston Respublikasining “Elektron tijorat to‘g‘risida”gi Qonuni (yangi tahrirda). – www.lex.uz.

3. Uzbekistan launches national e-commerce strategy to build successful ecosystem. – European Union Delegation to Uzbekistan, 09.02.2023. – www.eeas.europa.eu.

4. Schumpeter J.A. The Theory of Economic Development. – Cambridge, MA: Harvard University Press, 1934.

5. Laudon K.C., Traver C.G. E-commerce: Business, Technology, Society. – Pearson.

6. Chaffey D. Digital Business and E-Commerce Management. – Pearson.

7. Turban E., Outland J., King D. et al. Electronic Commerce 2018: A Managerial and Social Networks Perspective. – Springer, 2018.

8. UNCTAD. Digital Economy Report 2024. – Geneva: United Nations, 2024.

9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi. Elektron savdo hajmi (yillik). – siat.stat.uz/data/2833.

10. O‘zbekistonda 2025-yilda elektron tijorat platformalari soni 3,2 baravarga oshdi. – uz.kursiv.media, 17.02.2026.

11. Uzbekistan’s Uzum reports 2025 bottom line of $176mn, fintech fastest growing vertical. – intellinews.com, 15.02.2026.

O‘ZBEKISTONDA PUL-KREDIT SIYOSATI SAMARADORLIGINI OSHIRISH

Muallif: Hayitov Jamshid Xolvoyevich
Tashkilot:Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
Raqamli iqtisodiyot kafedrasi v b., dotsenti
Elektron pochta:jamshidhayitov23@gmail.com

ANNOTATSIYA. Maqolada O‘zbekiston Respublikasida inflyatsiya jarayonlari, Markaziy bankning pul-kredit siyosati va narxlar barqarorligini ta’minlash mexanizmlari 2026-yil 3-noyabr holatiga mavjud rasmiy ma’lumotlar asosida tahlil qilinadi. Tadqiqotning empirik bazasini O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining inflyatsiya ko‘rsatkichlari va pul-kredit siyosati sharhlari, Milliy statistika qo‘mitasining SIAT ma’lumotlari, Xalqaro valyuta jamg‘armasi tahlillari hamda amaldagi normativ-huquqiy hujjatlar tashkil etadi. 2025-yil dekabrida yillik inflyatsiya 7,3 foizni tashkil etgan bo‘lsa, 2026-yil sentabrida 6,4 foizga teng bo‘lgan. Shu davrda bazaviy inflyatsiya 5,5 foizni tashkil etib, umumiy narxlar o‘sishining ayrim tarkibiy omillari saqlanib qolayotganini ko‘rsatadi. Markaziy bankning asosiy stavkasi 2026-yil 16-sentabrdan 14 foiz darajasida saqlangan, inflyatsion target esa 5 foiz etib belgilangan. Maqolada foiz stavkasi, kreditlash, jamg‘arma, valyuta kursi, inflyatsion kutilmalar va taklif omillari o‘rtasidagi uzviy bog‘liqlik ochib beriladi. Yakunda pul-kredit siyosati transmissiyasini kuchaytirish, fiskal va monetar siyosat muvofiqligini ta’minlash, raqobat va taklif imkoniyatlarini kengaytirish hamda inflyatsion kutilmalarni boshqarishga qaratilgan takliflar ishlab chiqiladi.

Kalit so‘zlar: inflyatsiya, pul-kredit siyosati, inflyatsion targetlash, asosiy stavka, bazaviy inflyatsiya, narxlar barqarorligi, pul massasi, kreditlash, inflyatsion kutilmalar, makroiqtisodiy barqarorlik.

ABSTRACT. The article examines inflation dynamics and the effectiveness of monetary policy in Uzbekistan using official data available as of 3 November 2026. The empirical basis includes publications of the Central Bank, SIAT statistics of the National Statistics Committee, IMF assessments and national legal acts. Annual inflation declined from 7.3 percent in December 2025 to 6.4 percent in September 2026, while core inflation stood at 5.5 percent. The Central Bank’s policy rate remained at 14 percent from 16 September 2026, against a medium-term inflation target of 5 percent. The article discusses the transmission channels of monetary policy, the role of expectations, exchange-rate developments, supply-side

pressures and the coordination of fiscal and monetary policies. It concludes with policy recommendations aimed at strengthening monetary transmission, improving competition and supply capacity, anchoring expectations and preserving macroeconomic stability.

Keywords: inflation, monetary policy, inflation targeting, policy rate, core inflation, price stability, money supply, lending, inflation expectations, macroeconomic stability.

1.KIRISH

Inflyatsiya zamonaviy makroiqtisodiyotning eng muhim muammolaridan biri bo‘lib, u pulning xarid qobiliyati, uy xo‘jaliklarining real daromadlari, tadbirkorlik subyektlarining xarajatlari, jamg‘arma va investitsiya qarorlariga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Narxlar umumiy darajasining uzoq muddat davomida yuqori sur’atlarda o‘sishi iqtisodiy subyektlar o‘rtasida noaniqlikni kuchaytiradi, uzoq muddatli shartnomalar tuzish va kapital qo‘yilmalarni rejalashtirishni murakkablashtiradi. Shu bois narxlar barqarorligi iqtisodiy o‘sishning o‘zi kabi muhim makroiqtisodiy shartlardan biri hisoblanadi.

O‘zbekiston iqtisodiyotida so‘nggi yillarda tarkibiy islohotlar, ichki talabning kengayishi, xizmatlar va qurilish tarmoqlarining o‘sishi, energiya resurslari tariflarining bosqichma-bosqich erkinlashtirilishi hamda tashqi bozorlardagi narx o‘zgarishlari inflyatsiya jarayonlariga ta’sir ko‘rsatmoqda. Bunday sharoitda pul-kredit siyosatining vazifasi faqat pul massasini cheklash bilan cheklanmaydi. Markaziy bank foiz stavkasi, likvidlikni boshqarish, kommunikatsiya va inflyatsion kutilmalarni shakllantirish orqali iqtisodiy qarorlarga ta’sir ko‘rsatadi.

O‘zbekiston 2020-yildan boshlab inflyatsion targetlash rejimida pul-kredit siyosatini yuritmoqda. Markaziy bankning rasmiy ma’lumotiga ko‘ra, o‘rta muddatli inflyatsiya maqsadi 5 foiz etib belgilangan. Ushbu rejimda asosiy stavka siyosatning muhim instrumenti hisoblanadi, qarorlar esa makroiqtisodiy tahlil va prognozlarga asoslanadi [1].

2026-yil sentabrida yillik inflyatsiya 6,4 foizni, bazaviy inflyatsiya esa 5,5 foizni tashkil etdi. 2026-yil 16-sentabrdagi qaror bilan Markaziy bank asosiy stavkani 14 foiz darajasida saqlab qoldi. Regulyatorning izohiga ko‘ra, inflyatsiyaning pasayish tendensiyasiga qaramay, ichki talab, tartibga solinadigan narxlar va tashqi bozorlardagi ayrim omillar yuqori inflyatsion xatarlarni yuzaga keltirmoqda [2; 3].

Tadqiqotning dolzarbligi inflyatsiyaning pasayish tendensiyasi bilan birga narxlar bosimining ayrim tarkibiy qismlari saqlanib qolayotgani, asosiy stavkaning real iqtisodiyotga ta’siri va pul-kredit siyosatining boshqa iqtisodiy siyosat yo‘nalishlari bilan muvofiqligini chuqur baholash zaruratidan kelib chiqadi.

Tadqiqot maqsadi O‘zbekistonda inflyatsiya dinamikasi va pul-kredit siyosatining amaldagi mexanizmlarini statistik hamda institutsional jihatdan tahlil qilish, inflyatsiyani jilovlashga ta’sir qiluvchi omillarni aniqlash va siyosat samaradorligini oshirish bo‘yicha takliflar ishlab chiqishdan iborat.

Tadqiqot vazifalari: inflyatsiyaning iqtisodiy mohiyati va turlarini yoritish; mahalliy iqtisodiy adabiyotlarda pul, kredit va narxlar barqarorligi masalalarini tahlil qilish; 2025–2026-yillardagi inflyatsiya ko‘rsatkichlarini o‘rganish; asosiy stavka va inflyatsion target o‘rtasidagi munosabatni baholash; narxlar o‘sishining tarkibiy va hududiy xususiyatlarini aniqlash; pul-kredit siyosati transmissiyasini takomillashtirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqish.

Tadqiqot obyekti O‘zbekiston Respublikasining makroiqtisodiy va pul-kredit tizimidir. Tadqiqot predmeti inflyatsiya jarayonlari, pul-kredit siyosati instrumentlari va narxlar barqarorligini ta’minlashga doir iqtisodiy munosabatlardan iborat.

2.ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA (LITERATURE REVIEW AND METHODS)

2.1. Mahalliy iqtisodiy adabiyotlar tahlili

O‘zbekiston iqtisodiy maktabida pul, kredit, bank tizimi va makroiqtisodiy muvozanat masalalari iqtisodiyot nazariyasi hamda moliya fanlarining tarkibiy yo‘nalishi sifatida o‘rganilgan. B.Y. Xodiyev va hammualliflarning “Iqtisodiyot nazariyasi” darsligida bozor iqtisodiyoti, makroiqtisodiy jarayonlar, moliya, kredit, bank va pul tizimining iqtisodiy rivojlanishdagi o‘rni yoritilgan [4]. Ushbu nazariy yondashuv inflyatsiyani talab va taklif omillari, pul muomalasi hamda iqtisodiy subyektlarning qarorlari bilan bog‘liq holda tahlil qilish uchun asos yaratadi.

T.S. Malikov va O.O. Olimjonovning “Moliya” darsligida moliyaviy siyosat, moliyaviy tizim, davlat moliyasi, moliyaviy boshqaruv va nazorat masalalari yoritiladi [5]. Ushbu qarashlar pul-kredit siyosatini fiskal siyosat, davlat xarajatlari va moliyaviy resurslarni taqsimlash jarayonlaridan ajratib o‘rganmaslik lozimligini ko‘rsatadi.

Mahalliy ilmiy nashrlarda pul-kredit siyosatining iqtisodiy o‘sishga ta’siri ham tahlil qilinmoqda. A. Berdiyevning “Pul-kredit siyosati orqali iqtisodiyotni tartibga solish” nomli ilmiy maqolasida pul-kredit siyosatining qisqa va uzoq muddatli ta’sir kanallari, inflyatsion targetlash va valyuta kursi bilan bog‘liq jihatlar o‘rganilgan [6]. Mazkur tadqiqot pul-kredit siyosati samaradorligini faqat asosiy stavka darajasi bilan emas, balki uning real iqtisodiyotga uzatilish mexanizmi bilan baholash zarurligini ta’kidlaydi.

Mahalliy adabiyotlar umumiy xulosasiga ko‘ra, inflyatsiyani jilovlash monetar instrumentlar bilan bir qatorda ishlab chiqarish samaradorligi, raqobat,

bozor infratuzilmasi va davlat moliyasi bilan ham bog‘liq. Mazkur maqolada ushbu yondashuvlar 2026-yilning eng yangi rasmiy statistikasi bilan uyg‘unlashtiriladi.

2.2. Normativ-huquqiy va institutsional asoslar

O‘zbekiston Respublikasining “Markaziy bank to‘g‘risida”gi Qonunida Markaziy bankning pul-kredit siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirish vakolatlari, narxlar barqarorligini ta’minlash vazifasi, asosiy stavka va boshqa foiz instrumentlaridan foydalanish mexanizmlari belgilangan [7]. Qonun Markaziy bankning pul-kredit siyosati bo‘yicha asosiy yo‘nalishlarni e’lon qilishi va makroiqtisodiy prognozlar bilan jamoatchilikni xabardor etishini nazarda tutadi.

Prezidentning 2019-yil 18-noyabrdagi PF-5877-son Farmoni inflyatsion targetlash rejimiga bosqichma-bosqich o‘tish orqali pul-kredit siyosatini takomillashtirishning institutsional asosini belgiladi [8]. Ushbu hujjat doirasida inflyatsiya bo‘yicha doimiy maqsad 5 foiz etib belgilangan. Inflyatsion targetlashning mazmuni Markaziy bank qarorlarini aniq narxlar barqarorligi maqsadi atrofida tashkil etish, prognozlar va kommunikatsiya sifatini oshirishdan iborat.

Markaziy bankning 2026–2028-yillarga mo‘ljallangan pul-kredit siyosati yo‘nalishlari va choraklik sharhlari siyosatning amaliy ustuvorliklarini, inflyatsiya prognozlari va xatarlarini ochib beradi [9]. Ushbu hujjatlar pul-kredit siyosatining shaffofligi va hisobdorligini baholash uchun muhim manba hisoblanadi.

2.3. Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotda statistik dinamik qatorlar tahlili, qiyosiy tahlil, tarkibiy tahlil, normativ-huquqiy tahlil va iqtisodiy mantiqiy umumlashtirish usullaridan foydalanildi. Asosiy empirik manbalar Markaziy bankning yillik va oylik inflyatsiya ko‘rsatkichlari, SIAT narx indekslari, Markaziy bankning 2026-yil II chorak pul-kredit siyosati sharhi, 2026-yil 16-sentabrdagi asosiy stavka qarori va XVJning O‘zbekiston bo‘yicha 2026-yilgi baholashidan iborat.

Yillik inflyatsiya ko‘rsatkichi iste’mol narxlari indeksining tegishli oyda o‘tgan yilning ayni oyiga nisbatan o‘zgarishini ifodalaydi. Oylik inflyatsiya esa narxlar indeksining oldingi oyga nisbatan o‘zgarishini bildiradi. Ushbu ikki ko‘rsatkichni aralashtirmaslik lozim. Bazaviy inflyatsiya ayrim o‘zgaruvchan narxlar ta’sirini cheklash orqali narxlar bosimining barqarorroq qismini baholashga xizmat qiladi.

Tadqiqotning cheklovi shundan iboratki, rasmiy agregat ko‘rsatkichlar asosida asosiy stavkaning inflyatsiyaga sof sababiy ta’sirini aniqlab bo‘lmaydi. Buning uchun vaqt qatorlari, strukturaviy makroiqtisodiy model yoki boshqa ekonometrik usullar talab etiladi. Shu sababli maqoladagi natijalar tavsifiy-statistik va institutsional tahlil sifatida talqin qilinadi.

3. NATIJALAR (RESULTS)

3.1. Inflyatsiyaning so‘nggi dinamikasi


Markaziy bankning rasmiy inflyatsiya qatoriga ko‘ra, yillik inflyatsiya 2024-yil dekabrida 9,8 foiz, 2025-yil dekabrida 7,3 foizni tashkil etgan. 2026-yil davomida ko‘rsatkich yanvar oyidagi 7,2 foizdan sentabrda 6,4 foizga o‘zgargan. 2026-yil sentabrida oylik inflyatsiya 0,7 foiz, yil boshidan buyon yig‘ilgan inflyatsiya esa 4,2 foizni tashkil etgan [2; 10].

1-jadval

O'zbekistonda yillik inflatsiya dinamikasi

Davr	Yillik inflyatsiya, foiz	Izoh
Dekabr 2024	9,8	Yil yakuni
Dekabr 2025	7,3	2024-yilga nisbatan pasayish
Yanvar 2026	7,2	Yillik ko‘rsatkich
Mart 2026	7,1	Yillik ko‘rsatkich
May 2026	5,5	Kuzatilgan davr minimumi
Iyun 2026	6,4	O‘sish qayd etilgan
Avgust 2026	6,2	Yillik ko‘rsatkich
Sentabr 2026	6,4	Eng so‘nggi e’lon qilingan qiymat

Manba: O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki, inflyatsiya ko‘rsatkichlari. 2026-yil sentabr ma’lumoti 15-oktabrda yangilangan rasmiy qatordan olindi.



1-rasm. 2025-yil yanvaridan 2026-yil sentabrigacha yillik inflyatsiya. Manba: Markaziy bank.

Grafik 2025-yilda inflyatsiya bosqichma-bosqich pasayganini ko‘rsatadi. 2026-yil may oyida yillik ko‘rsatkich 5,5 foizgacha tushgan bo‘lsa-da, keyingi oylarda 6,2–6,4 foiz oralig‘ida shakllangan. Bu holat inflyatsiyaning pasayish jarayoni bir tekis kechmayotganini, ayrim narx guruhlari va taklif omillari umumiy indeksga qayta bosim o‘tkazishi mumkinligini ko‘rsatadi.

2025-yil dekabridagi 7,3 foizdan 2026-yil sentabridagi 6,4 foizga pasayish 0,9 foiz punktini tashkil etadi. Biroq 5 foizlik o‘rta muddatli targetga nisbatan farq 1,4 foiz punktidir. Demak, narxlar o‘sishi sekinlashgan bo‘lsa-da, belgilangan maqsadga erishish uchun qo‘shimcha vaqt va muvofiqlashtirilgan siyosat talab etiladi.


3.2. Umumiy va bazaviy inflyatsiya

2026-yil sentabrida umumiy yillik inflyatsiya 6,4 foiz, bazaviy inflyatsiya esa 5,5 foizni tashkil etgan. Bazaviy ko‘rsatkichning umumiy inflyatsiyadan pastligi ayrim o‘zgaruvchan yoki tartibga solinadigan narxlar umumiy indeksga qo‘shimcha bosim berganini anglatishi mumkin. Markaziy bankning 2026-yil II chorak sharhida elektr energiyasi, tabiiy gaz, ko‘mir va avtomobil yoqilg‘isi narxlaridagi o‘zgarishlar inflyatsiyaga ta’sir qiluvchi omillar sifatida qayd etilgan [3].

2-jadval

2026-yil sentabrdagi asosiy inflatsiya indikatorlari

Ko‘rsatkich	2026-yil sentabr	Mazmuni
Umumiy yillik inflyatsiya	6,4%	Iste’mol narxlari umumiy o‘sishi
Bazaviy yillik inflyatsiya	5,5%	Barqarorroq narx bosimi indikatori
Oylik inflyatsiya	0,7%	Sentabrning avgustga nisbatan o‘zgarishi
Yil boshidan buyon	4,2%	2026-yil yanvar–sentabr yig‘indisi
O‘rta muddatli target	5,0%	Markaziy bank maqsadi



2-rasm. Umumiy va bazaviy inflyatsiya: 2026-yil sentabr. Manba: Markaziy bank.

Bazaviy inflyatsiya pul-kredit siyosati uchun muhim, chunki u narxlar o‘sishining davomiyligini baholashga yordam beradi. Agar umumiy inflyatsiya vaqtinchalik oziq-ovqat yoki energiya shoklari sabab ko‘tarilsa, siyosiy javob bazaviy inflyatsiya, kutilmalar va ikkilamchi ta’sirlar bilan birgalikda baholanishi kerak. Biroq bazaviy inflyatsiyaning pasayishi barcha uy xo‘jaliklari his qilayotgan narxlar o‘sishi ham aynan shu darajada degani emas.


3.3. Inflyatsiyaning tarkibiy omillari

2026-yil sentabrida narxlar o‘sishi iste’mol savati tarkibiy qismlari bo‘yicha farqlangan. Oziq-ovqat mahsulotlari yillik hisobda 6,3 foiz, nooziq-ovqat mahsulotlari 5,8 foiz, xizmatlar 7,0 foizga qimmatlashgan. Uy-joy xizmatlari, suv, elektr energiyasi, gaz va boshqa yoqilg‘i guruhida yillik o‘sish 11,8 foizga yetgan [11].

3-jadval

2026-yil sentabrida iste'mol narxlari tarkibi

Tovar va xizmatlar guruhi	Yillik narx o‘zgarishi, foiz	Umumiy ko‘rsatkichga nisbatan
Oziq-ovqat mahsulotlari	6,3	Yaqin
Nooziq-ovqat mahsulotlari	5,8	Pastroq
Xizmatlar	7,0	Yuqoriroq
Uy-joy va kommunal xizmatlar	11,8	Eng yuqori
Umumiy inflyatsiya	6,4	Bazaviy taqqoslash



3-rasm. Asosiy iste’mol guruhlarida yillik narx o‘zgarishi. Manba: Milliy statistika qo‘mitasi ma’lumotlari.

Uy-joy va kommunal xizmatlar guruhidagi yuqori o‘sish uy xo‘jaliklari budjetiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Ushbu toifadagi narxlar ko‘pincha tartibga solinadigan tariflar bilan bog‘liq bo‘lgani sababli, tariflarni isloh qilish jarayoni

manzilli ijtimoiy himoya, energiya samaradorligi va raqobatni rivojlantirish choralari bilan uyg‘unlashtirilishi kerak.

Oziq-ovqat narxlari esa mavsumiylik, logistika, saqlash infratuzilmasi, import narxlari va ichki taklifga sezgir. Shu bois oziq-ovqat inflyatsiyasini faqat foiz stavkasi orqali boshqarish qiyin. Sovutkichli omborlar, ulgurji savdo infratuzilmasi, transport-logistika xarajatlarini kamaytirish va raqobat muhitini yaxshilash kabi taklif tomonidagi choralar ham muhim.


3.4. Hududlar kesimida narxlar o‘zgarishi

2026-yil sentabrida yillik inflyatsiya hududlar bo‘yicha bir xil bo‘lmagan. Tanlangan hududlar orasida eng yuqori ko‘rsatkich Toshkent shahrida 7,0 foiz, eng past ko‘rsatkich Sirdaryo viloyatida 5,4 foizni tashkil etgan. Andijon va Farg‘ona viloyatlarida ko‘rsatkich 6,7 foiz atrofida qayd etilgan [12].

4-jadval.

Tanlangan hududlarda yillik inflyatsiya, 2026-yil sentabr

Hudud	Yillik inflyatsiya, foiz
Sirdaryo viloyati	5,4
Toshkent shahri	7,0
Andijon viloyati	6,7
Farg‘ona viloyati	6,7



4-rasm. Hududlar kesimida yillik inflyatsiya. Manba: 2026-yil sentabr CPI ma’lumotlari.

Hududiy tafovutlar iste’mol savati, xizmatlar tarkibi, transport xarajatlari, uy-joy va kommunal tariflar, bozorlarning raqobat darajasi hamda ta’minot zanjirlariga bog‘liq bo‘lishi mumkin. Markaziy bankning yagona asosiy stavkasi butun mamlakat uchun belgilanadi, shu sababli hududiy narxlar tafovutini yumshatishda mahalliy taklif va infratuzilma siyosati alohida ahamiyatga ega.

3.5. Asosiy stavka va pul-kredit siyosati holati

Markaziy bank 2026-yil 16-sentabrdagi yig‘ilishida asosiy stavkani yillik 14 foiz darajasida saqlashga qaror qilgan. Qaror izohida avgust oyida umumiy

inflyatsiya 6,2 foiz, bazaviy inflyatsiya 5,5 foiz bo‘lgani, biroq ayrim tovar va xizmatlar narxlaridagi bosim hamda tashqi xatarlar saqlanayotgani qayd etilgan [13].

5-jadval.

Pul-kredit siyosatining asosiy indikatorlari

Ko‘rsatkich	Qiymat	Sana yoki davr
Markaziy bank asosiy stavkasi	14%	16.09.2026 dan
Inflyatsion target	5%	O‘rta muddatli maqsad
Yillik inflyatsiya	6,4%	2026-yil sentabr
Bazaviy inflyatsiya	5,5%	2026-yil sentabr
2026-yil yakuni inflyatsiya prognozi	taxminan 6,5%	Markaziy bank, II chorak sharhi
2027-yil targetga qaytish prognozi	5%	Markaziy bank, II chorak sharhi

2026-yil II chorak sharhida Markaziy bank milliy valyutadagi depozitlar yillik 46,1 foizga o‘sgani, kredit qoldig‘i o‘sishi esa 12,9 foizgacha sekinlashganini qayd etgan. Regulyator ijobiy real foiz stavkalari milliy valyutadagi jamg‘armalarni rag‘batlantirayotganini va kredit o‘sishini muvozanatlashtirishga yordam berayotganini ta’kidlaydi [3].

Asosiy stavkaning ta’siri iqtisodiyotga darhol emas, balki ma’lum kechikish bilan uzatiladi. Stavka o‘zgarishi banklararo bozor stavkalari, depozit va kredit foizlari, jamg‘arma va iste’mol qarorlari, valyuta kursi hamda inflyatsion kutilmalar orqali talabga ta’sir ko‘rsatadi. Shu sababli pul-kredit siyosati natijalarini bir oy yoki bir chorak bilan baholash yetarli emas.

4. MUHOKAMA (DISCUSSION)

4.1. Pul-kredit siyosatining transmissiya mexanizmi

Pul-kredit siyosati transmissiyasi Markaziy bank qarorlarining moliyaviy bozorlar va real iqtisodiyotga uzatilish jarayonidir. Birinchi kanal foiz stavkasi kanali bo‘lib, asosiy stavka oshirilganda yoki yuqori darajada saqlanganda banklararo resurslar qiymati va kreditlash shartlariga ta’sir ko‘rsatadi. Natijada ayrim iste’mol va investitsiya xarajatlari kechiktirilishi, jamg‘arma rag‘batlari esa ortishi mumkin.

Ikkinchi kanal — kredit kanali. Banklarning resurs bazasi, kapital yetarliligi, kredit risklari va qarz oluvchilarning moliyaviy holati stavka qarorining ta’sirini kuchaytirishi yoki susaytirishi mumkin. Agar bank kreditlari bozor stavkalariga sust javob bersa yoki kredit resurslari imtiyozli dasturlar orqali katta hajmda taqsimlansa, asosiy stavkaning umumiy talabga ta’siri cheklanishi mumkin.

Uchinchi kanal — valyuta kursi. Foiz stavkalari va kutilmalar milliy valyutadagi aktivlarning nisbiy jozibadorligiga ta’sir qilishi mumkin. Valyuta kursining o‘zgarishi import tovarlari va ishlab chiqarishda foydalaniladigan import xomashyosi narxlariga uzatiladi. Biroq kursga tashqi savdo, pul o‘tkazmalari, kapital oqimlari va global moliyaviy sharoitlar ham ta’sir qiladi.

To‘rtinchi kanal — kutilmalar kanali. Markaziy bankning aniq maqsadi, muntazam prognozlari va izchil kommunikatsiyasi aholi hamda biznesning kelajakdagi narxlar bo‘yicha qarashlarini shakllantiradi. Agar iqtisodiy subyektlar inflyatsiya o‘z vaqtida pasayishiga ishonsa, narx va ish haqi bo‘yicha qarorlar ham barqarorroq shakllanadi.

4.2. Inflyatsiyaning talab va taklif omillari

Inflyatsiya talab omillari va taklif omillarining o‘zaro ta’siri natijasida yuzaga keladi. Talab inflyatsiyasi iste’mol, investitsiya, davlat xarajatlari yoki kreditlashning ishlab chiqarish imkoniyatlariga nisbatan tez o‘sishi bilan bog‘liq. Taklif inflyatsiyasi esa energiya, xomashyo, transport, logistika va ishchi kuchi xarajatlarining ortishi natijasida yuzaga kelishi mumkin.

O‘zbekiston sharoitida energiya tariflarini bosqichma-bosqich erkinlashtirish, oziq-ovqat mahsulotlarining mavsumiy narxlari, import narxlari va logistika xarajatlari muhim taklif omillari hisoblanadi. Bunday shoklarga faqat foiz stavkasini oshirish bilan javob berish ishlab chiqarish va investitsiya faolligiga ortiqcha bosim keltirishi mumkin. Shu bois monetar choralar taklifni kengaytiruvchi tarkibiy siyosat bilan to‘ldirilishi lozim.

4.3. Fiskal va monetar siyosat muvofiqligi

Pul-kredit siyosatining samaradorligi davlat budjeti siyosati bilan muvofiqlikka bog‘liq. Agar davlat xarajatlari va transfertlar qisqa muddatda ichki talabni keskin oshirsa, Markaziy bank inflyatsion bosimni yumshatish uchun qat’iyroq pul-kredit sharoitlarini saqlashga majbur bo‘lishi mumkin. Bu esa kredit qiymati va investitsiya xarajatlariga ta’sir qiladi.

XVJning 2026-yilgi O‘zbekiston bo‘yicha missiyasi 2025-yilda real iqtisodiy o‘sish 7,7 foizga yetgani, yil yakunida inflyatsiya 7,3 foiz bo‘lgani va fiskal taqchillik yalpi ichki mahsulotga nisbatan 2,1 foizni tashkil etganini qayd etadi [14]. XVJ xulosalari makroiqtisodiy barqarorlikni saqlashda fiskal intizom, pul-kredit siyosati va tarkibiy islohotlarning birgalikdagi ahamiyatini ko‘rsatadi.

4.4. Mualliflik takliflari

Birinchi taklif — inflyatsion targetlash doirasida Markaziy bank kommunikatsiyasini yanada kuchaytirish. Asosiy stavka bo‘yicha qarorlar bilan birga, qarorning inflyatsiya prognozi, bazaviy inflyatsiya, talab va taklif xatarlariga qanday bog‘liqligi sodda va tushunarli shaklda izohlanishi lozim.

Ikkinchi taklif — pul-kredit siyosati transmissiyasini muntazam baholovchi ochiq indikatorlar panelini shakllantirish. Unda asosiy stavka, banklararo stavkalar, depozit va kredit foizlari, milliy valyutadagi depozitlar, kredit o‘sishi, inflyatsion kutilmalar va valyuta kursi ko‘rsatkichlari yagona tizimda kuzatilishi maqsadga muvofiq.

Uchinchi taklif — inflyatsiyaning taklif omillariga qarshi tarkibiy choralarni kuchaytirish. Oziq-ovqat mahsulotlarini saqlash, sovutish, tashish va ulgurji savdo infratuzilmasiga investitsiyalarni rag‘batlantirish, bozorlarga kirish to‘siqlarini kamaytirish hamda raqobatni kuchaytirish narxlar bosimini yumshatishi mumkin.

To‘rtinchi taklif — tartibga solinadigan tariflar islohotini oldindan e’lon qilinadigan jadval, aniq kommunikatsiya va manzilli ijtimoiy yordam bilan uyg‘unlashtirish. Bu kutilmagan narx shoklari va inflyatsion kutilmalarning keskin o‘zgarishini kamaytirishga yordam beradi.

Beshinchi taklif — fiskal siyosatning talabga ta’sirini oldindan baholash. Yirik budjet dasturlari va subsidiyalar bo‘yicha makroiqtisodiy ta’sir tahlilini kuchaytirish, pul-kredit siyosati bilan muntazam institutsional muloqotni yo‘lga qo‘yish zarur.

Oltinchi taklif — kichik biznes va ishlab chiqaruvchilar uchun moliyalashtirish imkoniyatlarini kengaytirishda bozor tamoyillarini saqlash. Imtiyozli kreditlar aniq maqsadli, shaffof va natijadorlik mezonlariga bog‘langan bo‘lishi, aks holda resurslar noto‘g‘ri taqsimlanishi va monetar transmissiya susayishi mumkin.

Yettinchi taklif — inflyatsiya ta’sirini ijtimoiy guruhlar kesimida baholash. Daromadi past uy xo‘jaliklari oziq-ovqat va kommunal xizmatlarga ko‘proq ulush sarflagani sababli, umumiy CPI ularning real xarid qobiliyatidagi o‘zgarishni to‘liq aks ettirmasligi mumkin. Shu bois daromad guruhlari bo‘yicha iste’mol savati indekslarini ishlab chiqish foydali bo‘ladi.

4.5. Taklif etilayotgan monitoring indikatorlari

6-jadval.

Inflyatsiya va pul-kredit siyosati samaradorligini monitoring qilish indikatorlari

Yo‘nalish	Indikator	O‘lchov birligi	Mas’ul yoki ma’lumot manbasi
Narxlar barqarorligi	Umumiy va bazaviy inflyatsiya	Foiz	Milliy statistika qo‘mitasi / Markaziy bank
Kutilmalar	Aholi va biznes inflyatsion kutilmalari	Foiz	Markaziy bank so‘rovlari
Transmissiya	Asosiy stavka va banklararo stavka farqi	Foiz punkt	Markaziy bank

Kredit bozori	Milliy valyutadagi kreditlar o‘sishi	Foiz	Markaziy bank
Jamg‘arma	Milliy valyutadagi muddatli depozitlar o‘sishi	Foiz	Markaziy bank
Taklif	Oziq-ovqat logistika xarajatlari va yo‘qotishlar	Foiz / so‘m	Tarmoq vazirliklari va statistika
Ijtimoiy ta’sir	Daromad guruhlari bo‘yicha inflyatsiya	Foiz	Milliy statistika qo‘mitasi

5. XULOSA (CONCLUSION)

Tadqiqot natijalari O‘zbekistonda inflyatsiya 2025-yil davomida pasayganini, 2026-yilda esa pasayish jarayoni notekis kechayotganini ko‘rsatdi. Markaziy bank ma’lumotlariga ko‘ra, yillik inflyatsiya 2025-yil dekabridagi 7,3 foizdan 2026-yil sentabrida 6,4 foizga tushgan. Shu bilan birga, 5 foizlik o‘rta muddatli targetga nisbatan 1,4 foiz punktlik tafovut saqlanib qolmoqda.

2026-yil sentabrida bazaviy inflyatsiyaning 5,5 foiz bo‘lishi umumiy narxlar o‘sishining ayrim tarkibiy omillari ta’sirida shakllanayotganini ko‘rsatadi. Uy-joy va kommunal xizmatlar guruhida yillik narx o‘sishining 11,8 foizga yetgani tarif siyosati, energiya samaradorligi va manzilli ijtimoiy himoya o‘rtasida muvofiqlik zarurligini ko‘rsatadi.

Markaziy bankning asosiy stavkani 14 foiz darajasida saqlashi inflyatsion bosim va kutilmalarni jilovlashga qaratilgan qat’iy monetar sharoitni ifodalaydi. Biroq pul-kredit siyosatining yakuniy samarasi asosiy stavkaning o‘zidan tashqari banklararo bozor, depozit va kredit stavkalari, valyuta kursi, jamg‘arma xulqi va kutilmalar orqali iqtisodiyotga uzatilish darajasiga bog‘liq.

Tadqiqotning asosiy ilmiy-amaliy xulosasi shundan iboratki, inflyatsiyani barqaror pasaytirish uchun monetar instrumentlar va taklif tomonidagi tarkibiy islohotlar o‘zaro to‘ldiruvchi tarzda qo‘llanishi kerak. Pul-kredit siyosati umumiy talab va kutilmalarni boshqaradi, raqobatni kuchaytirish, logistika va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish esa narxlar bosimining tarkibiy sabablarini yumshatadi.

Kelgusidagi tadqiqotlarda asosiy stavkaning kredit va depozit stavkalariga uzatilish tezligini, inflyatsion kutilmalarning narx belgilash qarorlariga ta’sirini hamda hududlar va daromad guruhlari kesimida inflyatsiyaning farqlarini ekonometrik usullar orqali baholash maqsadga muvofiq.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

[1] O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki. Pul-kredit siyosati maqsadi va tamoyillari. https://cbu.uz/uz/monetary-policy/concept/

[2] O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki. Year-on-year and month-on-month Inflation Indicators. Yangilangan: 15.10.2026. https://cbu.uz/en/monetary-policy/annual-inflation/indicators/?mobile=Y

[3] O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki. Monetary Policy Review – 2026 Q2. 22.09.2026. https://cbu.uz/en/press_center/releases/4565703/

[4] Xodiyev B.Y. va boshqalar. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. Toshkent: Barkamol fayz media, 2017. 784 b. https://cspu.uz/iq

[5] Malikov T.S., Olimjonov O.O. Moliya. Darslik. Toshkent, 2019. Elektron katalog: https://dilib.tsuos.uz/resources/01KFHZMT71PGX6D9QM8CFJY7MB

[6] Berdiyev A. Pul-kredit siyosati orqali iqtisodiyotni tartibga solish. Muhandislik va iqtisodiyot. https://muhandislik-iqtisodiyot.uz/index.php/journal/article/view/654

[7] O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 11-noyabrdagi O‘RQ-582-son Qonuni. O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida. https://www.lex.uz/acts/-4590452

[8] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 18-noyabrdagi PF-5877-son Farmoni. Inflyatsion targetlash rejimiga bosqichma-bosqich o‘tish orqali pul-kredit siyosatini takomillashtirish to‘g‘risida. https://lex.uz/docs/4600826

[9] O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki. Monetary Policy Guidelines for 2026–2028. https://cbu.uz/en/monetary-policy/publications/

[10] O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi. SIAT: The price index for all goods and services, compared to last month. Kod 1.11.01.0026. https://siat.stat.uz/data/4585/?lang=en

[11] O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi. Consumer Price Index in the Republic of Uzbekistan for September 2026. https://stat.uz/en/press-center/news-of-committee/70505-indeks-potrebitel-skikh-tsen-ipts-v-respublike-uzbekistan-za-sentyabr-2026-goda-2

[12] O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi. Prices and Indexes: CPI by regions, September 2026. https://stat.uz/en/official-statistics/prices-and-indexes

[13] O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki. The Central Bank Board decided at its meeting on 16 September 2026 to keep the policy rate at 14 percent per annum. https://cbu.uz/en/monetary-policy/publications/press-releases/4540138/

[14] International Monetary Fund. Uzbekistan: Staff Concluding Statement of the 2026 Article IV Mission. 13.04.2026. https://www.imf.org/en/News/Articles/2026/04/13/mcs041326-uzbekistan

[15] World Bank. Inflation, consumer prices (annual %) – Uzbekistan, World Development Indicators. https://data.worldbank.org/indicator/FP.CPI.TOTL.ZG?locations=UZ

ХОРИЖИЙ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ёдгоров Хушвакт Мансурович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
мустақил тадқиқотчиси
yodgorovkhushvaqt@gmail.com
Тел.: +998979191116

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги кунда хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий натижаларига оид кўрсаткичлар тадқиқи ва таҳлили амалга оширилган бўлиб, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мазкур тармоқ корхоналари молиявий ҳисоботларида ушбу молиявий натижалар кўрсаткичларининг ёритилиши бўйича ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: дори воситалари, хорижий дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, молиявий натижалар таҳлили, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

Аннотация. В данной статье проведены исследование и анализ показателей финансовых результатов предприятий фармацевтической промышленности, осуществляющих деятельность в зарубежных странах. Также исследованы сходства и различия в раскрытии данных показателей финансовых результатов в финансовой отчетности предприятий данной отрасли, осуществляющих деятельность в нашей стране.

Ключевые слова: лекарственные средства, зарубежные предприятия по производству лекарственных средств, процессы производства лекарственных средств, бухгалтерский учет процессов производства лекарственных средств, финансовая отчетность, анализ финансовых результатов, Международные стандарты финансовой отчетности.

Abstract. This article examines and analyzes the financial performance indicators of pharmaceutical manufacturing enterprises operating in foreign countries. It also investigates the similarities and differences in the disclosure of these financial performance indicators in the financial statements of pharmaceutical manufacturing enterprises operating in our country.

Keywords: medicines, foreign pharmaceutical manufacturing enterprises, pharmaceutical manufacturing processes, accounting for pharmaceutical manufacturing processes, financial statements, analysis of financial results, International Financial Reporting Standards (IFRS).

Молиявий натижалар дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида асосий ва бошқа фаолиятларини амалга ошириш натижасида эришилган фойдаси ёки зарари ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларда, хусусан дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги вазифаларига қуйидагилар киради: “корхона молиявий натижалари кўрсаткичларини тўғри туркумлаш ва гуруҳларга ажратиш; корхона молиявий натижалари кўрсаткичларини солиқ объекти сифатида тўғри шакллантириш; молиявий натижалар кўрсаткичларини ҳисоблаш тамойилига мувофиқ улар юз берган вақтдан бошлаб тан олиш ва тегишли счётларда акс эттириш; молиявий натижалар кўрсаткичларини молиявий ҳисоботда тўғри акс эттириш ва бошқалар”[106].

Дунёда дори воситалари ишлаб чиқариш саноати соғлиқни сақлаш соҳасида энг муҳим тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, жаҳонда дори воситалари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи 12 мингдан ортиқ субъектлар рўйхатга олинган бўлиб, ушбу корхоналар томонидан ҳар йили 60 миллиарддан ортиқ рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари ишлаб чиқарилади, шунингдек ушбу манбага кўра, бутун дунёда “фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш бозори ҳажми 2024-йилда 607,38 миллион АҚШ долларини ташкил этди ва 2033-йилга келиб 782,05 миллион АҚШ долларига етиши кутилмоқда, бу 2025-йилдан 2033-йилгача йиллик ўсиш суръати 3,21% ни ташкил қилади”[107].

Мазкур илмий изланишларимиз давомида молиявий ҳисоботда ахборотларни ёритишга оид хориж тажрибасини тадқиқ этиш мақсадида хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари томонидан тақдим этилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари жадвал кўринишида келтирилди (1-жадвалга қаранг):

[106] Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi” - 2021, 560 бет. 313-бет.
[107] https://www.marketreportsworld.com/market-reports/pharmaceutical-manufacturing-market-14720912

1-жадвал.

Хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий натижалар кўрсаткичлари, минг рублда[108]

№	Корхоналар	Йиллар	Тушум	Сотилган лот таннархи	Ялпи фойда (зарар)	Сотишдан йда (зарар)	Солиқ гангунча фойда (зарар)	Соф фойда (зарар)
1.	“НПО Петровакс Фарм” МЧЖ	2024	15 760 660	7 554 795	8 205 865	3 312 391	530 572	489 959
		2025	19 928 180	9 185 262	10 742 918	5 625 602	2 065 850	1 450 445
2.	“Озон Фарм” МЧЖ	2024	6 066 071	3 394 232	2 671 839	2 125 083	1 412 318	1 210 762
		2025	9 146 551	4 607 832	4 538 719	3 747 068	3 091 867	2 859 935
3.	“Р-Фарм” АЖ	2024	147 461 791	109 865 649	37 596 142	24 604 035	14 297 615	10 465 033
		2025	168 196 067	122 515 615	45 680 452	30 648 010	17 059 306	13 253 195
4.	“Росва Фарм” МЧЖ	2024	2 950 683	2 922 276	28 407	-46 789	-706 172	-506 313
		2025	4 333 777	4 148 096	185 681	742	301 510	225 402
5.	“Нита-Фарм” МЧЖ	2024	5 890 345	2 510 250	3 380 095	1 521 128	1 494 515	1 181 202
		2025	7 868 734	3 368 979	4 499 755	2 227 443	2 048 828	1 520 079
6.	“Р-Фарм Новосёлки” МЧЖ	2024	1 118 687	606 897	511 790	256 912	55 158	66 725
		2025	1 419 869	1 071 650	348 219	10 665	-242 547	-185 683
7.	“Р-Фарм Прогресс” АЖ	2024	395 383	262 939	132 444	10 870	-63 305	-39 550
		2025	385 729	210 614	175 115	25 800	-54 866	-45 970
8.	“Фарм-Про” МЧЖ ишлаб ниқариш компанияси	2024	1 323 287	967 563	355 724	252 271	233 563	185 875
		2025	1 333 370	992 004	341 366	223 342	251 689	189 486

[108] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

9.	**“Профит-Фарм” МЧЖ**	2024	1 246 724	677 281	569 443	215 764	49 449	38 170
		2025	1 267 329	654 029	613 300	161 017	94 350	69 529
10.	**“Фарм-Синтез” МЧЖ**	2024	994 361	400 001	594 360	408 079	314 649	225 842
		2025	1 203 708	550 918	652 790	320 829	238 411	178 183
11.	**“Алкой-Фарм” МЧЖ**	2024	672 496	147 657	524 839	83 212	74 980	59 850
		2025	1 159 482	215 985	943 497	263 250	249 372	186 793
12.	**“Эн.Си.Фарм” МЧЖ**	2024	1 300	-	1 300	-1 133	323	258
		2025	1 033	-	1 033	-1 203	1 175	881

Хорижий тажрибаларни тадқиқ этиш бўйича олиб борилган илмий изланишларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, хорижий мамлакатларда дори воситалари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи саноат корхоналарининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлари 2024-2025 йилларда турлича бўлиб, айрим йирик компанияларнинг дори воситаларини сотишдан олинган даромадлари 100 миллиард рублдан ҳам ортиқ суммани ташкил этган. Хусусан, Россиянинг энг йирик дори воситалари ишлаб чиқарувчи компанияларидан бири ҳисобланадиган “Р-Фарм” акциядорлик жамиятининг 2024 ва 2025 йиллардаги асосий фаолият бўйича даромадлари мос равишда 147 ва 168 миллиард рублни ташкил этган бўлиб, ҳисобот йили охиридаги соф фойда кўрсаткичи 10 миллиард рублдан ортиқ суммани ташкил этган. Демак, мазкур хорижий компанияда фойда рентабеллиги ўртача 10 %ни ташкил этган бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналарида айниқса, дори воситалари саноати корхоналарида жаҳонда рўй бераётган бугунги глобал сиёсий вазиятлар шароитида бу анча яхши кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган “Росва Фарм” МЧЖ, “Р-Фарм Прогресс” АЖдан ташқари бошқа барча дори воситалари ишлаб чиқариш компанияларида ушбу кўрсаткичлар, яъни корхоналар томонидан 2024-2025 йиллар бўйича тақдим этилган молиявий ҳисоботларда соф фойда ва фойда рентабелиги бўйича ижобий натижалар қайд этилган.

Ҳисоб-китоблар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, хорижий мамлакатларда дори воситалари ишлаб чиқариш саноатига кўрсатилиб келинаётган эътибор натижасида ушбу тармоқ корхоналари фаолияти йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Корхоналарда дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши натижасида ушбу саноат маҳсулотларини сотишдан олинган даромад ва фойда кўрсаткичлари ҳам мос равишда ошиб бормоқда. Бу эса, мазкур тармоқ корхоналари фаолиятининг ривожланиши барча мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётида муҳим эканлиги, дори воситалари саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг зарурияти, дори воситалари таннархини пасайтиришга эришиш, бунда ишлаб чиқариш харажатларини самарали бошқариш, назорат қилиш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш, шунингдек дори воситалари бўйича молиявий ахборотларни бухгалтерия ҳисоботларида ахборот фойдаланувчилари талабларига мувофиқ ҳолда реал ёритишнинг долзарб эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2-сон “Захиралар” БҲХС. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги 61-сон буйруғига 3-ИЛОВА.

2. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi” -2021, 560 бет. 313-бет.

3. Боронов, Бобур Фарходович. "Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш." *ISSN 2181-3191 VOLUME 1, ISSUE 7 OCTOBER 2022* (2022): 202284

4. Farxodovich, Boronov Bobur, Xudaynazarova Dilnoza Gafurovna, and Yodgorov Xushvaqt Mansurovich. "Farmasevtika korxonalarida buxgalteriya hisobining o‘ziga xos xususiyatlari." *FRONTIERS OF KNOWLEDGE AND INTERDISCIPLINARY DISCOVERY* 1.1 (2025): 282-289

5. https://www.marketreportsworld.com/market-reports/pharmaceutical-manufacturing-market-14720912

Амриева Шахзода Шухратовна
ассистент кафедры «Цифровая экономика»
Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан
E-mail: amriyevashaxzoda250@gmail.com
ORCID: 0009-0000-8008-3106

RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA OLIY TA’LIM XIZMATLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING TASHKILIY-IQTISODIY MEXANIZMLARI

ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ УСЛУГ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ORGANISATIONAL AND ECONOMIC MECHANISMS FOR IMPROVING HIGHER EDUCATION SERVICE EFFICIENCY THROUGH DIGITAL TECHNOLOGIES

Annotatsiya. Oliy ta’lim xizmatlarini raqamlashtirishning tashkiliy va iqtisodiy shartlari tahlil qilinadi. Pedagogik natija, ma’muriy jarayonlar, xarajatlar va foydalanish imkoniyatini bog‘lovchi baholash mexanizmi taklif etiladi. Natijalar konseptual xususiyatga ega bo‘lib, ta’lim muassasasi ma’lumotlari asosida tekshirilishi lozim.

Аннотация. Рассмотрены организационные и экономические условия цифровизации услуг высшего образования. Предложен механизм оценки, связывающий образовательные результаты, административные процессы, затраты и доступность. Выводы имеют концептуальный характер и требуют проверки на данных образовательной организации.

Abstract. The paper examines organisational and economic conditions for digitalising higher education services. An assessment mechanism connects learning

outcomes, administrative processes, costs and accessibility. The conceptual findings require validation using institutional data.

Kalit so‘zlar: oliy ta’lim, raqamlashtirish, samaradorlik, xarajatlar, baholash.

Ключевые слова: образование, цифровизация, эффективность, затраты, оценка.

Keywords: education, digitalisation, efficiency, costs, assessment.

Введение. Цифровизация высшего образования затрагивает обучение, взаимодействие со студентами и управление ресурсами. Наличие платформы не подтверждает повышение качества подготовки или снижение затрат. Необходим механизм, связывающий цифровое решение с конкретным процессом, ответственностью исполнителей и измеримым результатом.

Цель и методы исследования. Цель работы — предложить организационно-экономический механизм оценки цифровых решений в услугах высшего образования. Использованы документы UNESCO и NIST; применены анализ источников, сопоставление управленческих задач и концептуальное проектирование. Эмпирическое обследование вуза не проводилось. Результаты представляют модель организации и проверки изменений, а не установленную величину экономии или прироста успеваемости.

Теоретические основания. Эффективность образовательной услуги предлагается рассматривать как соотношение результатов и используемых ресурсов при сохранении требований к качеству и доступности. Экономическая составляющая отражает трудовые, финансовые и технические затраты. Образовательная составляющая характеризует освоение компетенций, а социальная — возможность получения услуги различными группами студентов. Улучшение одного показателя не компенсирует автоматически ухудшение остальных.

UNESCO рассматривает применение искусственного интеллекта в образовании через сочетание возможностей, ограничений и оценки рисков, уделяя внимание включённости и равенству [1]. Этот подход позволяет связать технологическое решение с институциональной ответственностью. В предлагаемом механизме административная автоматизация и педагогическая поддержка оцениваются отдельно, поскольку они имеют разные цели и источники доказательств.

Организационный механизм. Первый элемент — описание исходного процесса. Для выбранной услуги фиксируются участники, этапы, длительность, повторные обращения и причины ошибок. Например, при оформлении студенческой справки важно определить, какие сведения уже имеются в информационной системе и почему запрашиваются повторно. Автоматизация

неэффективного порядка без его пересмотра может лишь перенести избыточные действия в электронную среду.

Второй элемент — распределение ответственности. Владелец процесса определяет требования к результату, преподаватель отвечает за педагогическую обоснованность, техническая служба — за работоспособность, а администрация — за ресурсы и правила доступа. Студент должен понимать порядок обращения за помощью и исправления ошибки. Технологический поставщик не подменяет ответственность образовательной организации за услугу.

Педагогическое применение. В системе управления обучением можно организовать диагностические задания и рекомендации по повторению тем. Если студент затрудняется с дисконтированием денежных потоков, ему предлагаются дополнительные упражнения по соответствующей компетенции. Освоившему материал студенту предоставляется более сложная аналитическая задача. Такая последовательность является примером проектирования услуги, а не результатом проведённого эксперимента.

Генеративный искусственный интеллект может помогать создавать проекты объяснений и заданий. UNESCO подчёркивает необходимость человекоцентричного подхода, педагогической проверки и защиты данных пользователей [2]. В предлагаемой процедуре преподаватель проверяет содержание и ожидаемый ответ до использования материала. Ошибочный сгенерированный пример способен увеличить затраты на исправление и ухудшить понимание темы.

Экономическая оценка. Для пилота рассчитываются полные затраты: программное обеспечение, интеграция, оборудование, обучение персонала, поддержка и обновление материалов. Начальные инвестиции отделяются от текущих расходов. Сопоставление выполняется за одинаковый период и при сравнимом объёме услуг. Бесплатный доступ к инструменту не означает отсутствия затрат на его внедрение и сопровождение.

Проверка результативности. Пилот ограничивается одной услугой или учебным модулем. До начала фиксируются исходные значения времени обработки, ошибок, расходов и образовательных результатов. После внедрения применяются одинаковые критерии. По возможности используются сопоставимые группы или процессы. Различия в начальной подготовке, сложности заданий и нагрузке учитываются при интерпретации.

Риски и условия устойчивости. Сбой платформы требует заранее установленного резервного порядка обучения и обработки обращений. Для решений с искусственным интеллектом документируются границы применения и процедуры проверки. NIST выделяет управление, описание контекста, измерение и управление выявленными рисками как связанные функции [3]. Их

применение в вузе предполагает назначение ответственных и регулярный пересмотр результатов.

Заключение. Эффективность цифровых услуг высшего образования определяется связью технологии с образовательной задачей, организацией процесса и полными затратами. Предложенный механизм объединяет диагностику, ответственность, оценку данных и проверку результатов. Установление фактического эффекта требует институционального пилота.

Научно-практические предложения и рекомендации. Во-первых, предлагается формировать паспорт цифрового проекта: проблема, исходный процесс, ожидаемый результат, ответственные и критерии проверки. Это позволяет сопоставлять инициативы по решаемой задаче, а не по популярности программного продукта.

Во-вторых, финансирование расширения целесообразно связывать с результатами ограниченного пилота. Образовательные, экономические и социальные показатели оцениваются совместно. Проект не считается успешным только из-за сокращения времени, если качество или доступность услуги снизились.

В-третьих, рекомендуется организовать совместную работу кафедр и технических служб по проверке материалов и сопровождению изменений. Независимые задания, прозрачные правила доступа и резервные процедуры должны стать частью цифровой услуги. Следующий исследовательский этап — апробация модели на данных выбранной образовательной организации.

Использованная литература

1. Miao F., Holmes W., Huang R., Zhang H. AI and Education: Guidance for Policy-makers. Paris: UNESCO, 2021. DOI: 10.54675/PCSP7350.

2. Miao F., Holmes W. Guidance for Generative AI in Education and Research. Paris: UNESCO, 2023. URL: https://www.unesco.org/en/articles/guidance-generative-ai-education-and-research (дата обращения: 12.10.2026).

3. NIST. Artificial Intelligence Risk Management Framework (AI RMF 1.0). 2023. DOI: 10.6028/NIST.AI.100-1.

ALOQA XIZMATLARI TIZIMINI RIVOJLANTIRISHDA ILG‘OR XORIJIY TAJRIBADAN SAMARALI FOYDALANISH ZARURATI

Nazarov Sanjar Nasridinovich-
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada O‘zbekistonda aloqa xizmatlari tizimini yanada rivojlantirishda ilg‘or xorijiy tajribadan samarali foydalanish zarurati jahon telekommunikatsiya bozorida yuz berayotgan jadal texnologik o‘zgarishlar, raqamli transformatsiya jarayonlarining jadallashuvi hamda xizmatlar sifati va samaradorligiga nisbatan xalqaro miqyosda shakllanayotgan zamonaviy talablar bo‘yicha ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: aloqa xizmatlari, xorijiy tajriba, iqtisodiy holati, rivojlanish darajasi, iqtisodiy salohiyati, institutsional tizim, ijtimoiy rivojlanish, xususiyat.

Аннотация. В данной статье разработаны научно-практические предложения по необходимости эффективного использования передового зарубежного опыта в дальнейшем развитии системы телекоммуникационных услуг в Узбекистане, учитывая стремительные технологические изменения, происходящие на мировом телекоммуникационном рынке, ускорение процессов цифровой трансформации и современные требования к качеству и эффективности услуг, формирующиеся на международном уровне.


Ключевые слова: коммуникационные услуги, зарубежный опыт, экономическая ситуация, уровень развития, экономический потенциал, институциональная система, социальное развитие, характеристики.

Abstract. This article develops scientific and practical proposals regarding the need to effectively leverage advanced international experience for the further development of the telecommunications services system in Uzbekistan. This takes into account the rapid technological changes occurring in the global telecommunications market, the acceleration of digital transformation processes, and modern international requirements for the quality and efficiency of services.

Keywords: communication services, international experience, economic situation, level of development, economic potential, institutional system, social development, characteristics.

O‘zbekistonda aloqa xizmatlari tizimini yanada rivojlantirishda ilg‘or xorijiy tajribadan samarali foydalanish zarurati jahon telekommunikatsiya bozorida yuz berayotgan jadal texnologik o‘zgarishlar, raqamli transformatsiya jarayonlarining jadallashuvi hamda xizmatlar sifati va samaradorligiga nisbatan xalqaro miqyosda shakllanayotgan zamonaviy talablar bilan belgilanadi. Mazkur omillar milliy

telekommunikatsiya tizimini takomillashtirish, uning raqobatbardoshligini oshirish va xalqaro standartlarga mos rivojlanishini ta'minlash uchun ilg‘or xorijiy amaliyotlarni chuqur o‘rganish hamda ularni mamlakat sharoitiga moslashtirishni taqozo etadi. Shu nuqtai nazardan, quyida keltirilgan beshta omil O‘zbekistonda aloqa xizmatlarini rivojlantirishda xorij tajribasini qo‘llashning ilmiy va amaliy zaruratini asoslab beradi (1-rasm).



1-rasm. Aloqa xizmatlarini rivojlantirishda xorij tajribasining zarurati[109]

Yuqorida keltirilgan 1-rasmda ko’rinadi, xar bir zaruriyat respublikada aloqa xizmatlarini maksimal darajada rivojlantirish omili hisoblanadi. Jumladan, birinchidan, iqtisodiy jihatdan rivojlangan davlatlar tajribasi 5G/6G mobil aloqa texnologiyalari, optik tolali telekommunikatsiya tarmoqlari, buyumlar interneti (IoT), sun’iy intellekt hamda bulutli texnologiyalarni samarali joriy etish va ulardan oqilona foydalanishning zamonaviy tashkiliy hamda institutsional mexanizmlarini o‘zida mujassam etadi. Mazkur ilg‘or tajribalarni O‘zbekiston sharoitiga moslashtirish va amaliyotga tatbiq etish telekommunikatsiya infratuzilmasining texnologik yangilanishini jadallashtirish, raqamli transformatsiya jarayonlarini chuqurlashtirish hamda mamlakatning innovatsion rivojlanish sur’atlarini sezilarli darajada oshirishga xizmat qiladi.

Ikkinchidan, Janubiy Koreya, Singapur va Yaponiya kabi ilg‘or davlatlarda amaliyotga joriy etilgan xizmatlar sifati (QoS), foydalanuvchi tajribasi (QoE) hamda raqamli boshqaruv tizimlari sohasidagi ilg‘or yondashuvlarni chuqur o‘rganish va ularni O‘zbekiston sharoitiga moslashtirish aloqa xizmatlarining sifat ko‘rsatkichlari hamda ishonchliligini yanada oshirish, xizmatlar uzluksizligini ta’minlash va

[109] Muallif tadqiqotlari asosida ishlab chiqilgan

iste’molchilarning qoniqish darajasini yuksaltirish uchun muhim tashkiliy hamda amaliy asos bo‘lib xizmat qiladi.

Uchinchidan, rivojlangan mamlakatlar tajribasi telekommunikatsiya infratuzilmasini rivojlantirish jarayonida davlat-xususiy sheriklik (DXSh) mexanizmlari hamda xususiy investitsiyalarni jalb etishning samarali tashkiliy va moliyaviy modellarini namoyon etadi. Mazkur tajribalarni milliy sharoitga moslashtirish telekommunikatsiya infratuzilmasini modernizatsiya qilish bilan bog‘liq moliyaviy yukni kamaytirish, investitsiya resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish hamda istiqbolli infratuzilma loyihalarini qisqa muddatlarda amalga oshirish imkoniyatlarini kengaytiradi.

To‘rtinchidan, Malayziya, Turkiya va Qozog‘iston tajribasi chekka va qishloq hududlarini keng polosali internet bilan qamrab olishning samarali mexanizmlarini namoyish etadi. Ushbu yondashuvlarni O‘zbekiston sharoitiga moslashtirish hududlararo raqamli tengsizlikni kamaytiradi.

Beshinchidan, xorij tajribasini qo‘llash telekommunikatsiya sohasini xalqaro standartlarga moslashtirish, raqamli xizmatlar eksportini kengaytirish, xorijiy investorlar ishonchini oshirish va O‘zbekistonning global raqamli iqtisodiyotdagi o‘rnini mustahkamlashga xizmat qiladi.

O‘zbekistonda aloqa xizmatlarini rivojlantirish jarayonida xorijiy tajribadan foydalanishning asosiy maqsadi ilg‘or texnologiyalar va boshqaruv amaliyotlarini bevosita ko‘chirib tatbiq etish emas, balki ularni mamlakatning iqtisodiy imkoniyatlari, institutsional rivojlanish darajasi, demografik xususiyatlari hamda milliy taraqqiyotning ustuvor yo‘nalishlariga muvofiq ravishda moslashtirishdan iboratdir. Bunday yondashuv telekommunikatsiya infratuzilmasining uzoq muddatli va barqaror rivojlanishini ta’minlash, aloqa xizmatlari sifatini xalqaro standartlar talablariga yaqinlashtirish, raqamli iqtisodiyotning izchil va jadallashgan rivojlanishi uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish hamda aholining zamonaviy telekommunikatsiya xizmatlaridan foydalanish imkoniyatlari va qamrovini yanada kengaytirishga xizmat qiladi.

Demak, yuqorida keltirilgan fikrlardan kelib chiqib aloqa xizmatlarini rivojlantirishda xorij tajribasiga yuzlanish bugungi davrning dolzarb masalalaridan biri ekanligini ko’rishimiz mumkin. Xususan, kanadalik olim Villiam Melodiy “…telekommunikatsiya sohasidagi islohotlar xalqaro tajriba va ilg‘or tartibga solish amaliyotlarini milliy sharoitga moslashtirish orqali samarali amalga oshirilish lozim”[110] deb ta’kidlaydi. Yana bir ingliz olimi Martin Kav “…telekommunikatsiya bozorini rivojlantirishda turli mamlakatlarning muvaffaqiyatli tartibga solish tajribalarini o‘rganish va moslashtirish investitsiyalar hamda raqobatni

[110] Melody W.H. Telecom Reform: Principles, Policies and Regulatory Practices. — Lyngby, Denmark: Technical University of Denmark, 1997. – 346 p.

kuchaytirishini asoslaydi”[111] fikr bildirganidan kelib chiqib, telekommunikatsiya xizmatlarini rivojlantirishda ilg‘or xorijiy tajribalarni to‘g‘ridan-to‘g‘ri joriy etish emas, balki ularni milliy iqtisodiyotning rivojlanish darajasi, institutsional muhitning o‘ziga xos jihatlari hamda ijtimoiy-demografik xususiyatlarga moslashtirish yuqori natijadorlikka erishishning muhim sharti ekanligini ko’rsatmoqda. Shu nuqtai nazardan, rivojlanayotgan davlatlarda, xususan O‘zbekistonda aloqa xizmatlarini modernizatsiya qilish va telekommunikatsiya tizimining raqobatbardoshligini oshirish jarayonida ilg‘or xorijiy amaliyotlarni milliy sharoitga adaptatsiya qilish strategik ahamiyatga ega ustuvor yo‘nalishlardan biri sifatida namoyon bo‘ladi.

Biz tadqiqotlarimiz davomida mamlakatimizni iqtisodiy holati, rivojlanish darajasi, aloqa xizmatlarini holatidan kelib chiqib, Janubiy Koreya, Singapur, Malayziya, Turkiya va Qozog’istonni tajribalarini o’rganish maqdaga muvofiq deb hisobladik. Jumladan, dissertatsiya tadqiqoti doirasida mazkur besh davlatning tanlab olinishi ilmiy va amaliy mezonlarga asoslangan bo‘lib, tasodifiy xarakterga ega emas. Ushbu mamlakatlar telekommunikatsiya sohasida yuqori samaradorlik va barqaror rivojlanish ko‘rsatkichlariga erishganligi bilan bir qatorda, ularning qo‘llayotgan rivojlanish modellari O‘zbekistonning iqtisodiy salohiyati, institutsional tizimi hamda ijtimoiy rivojlanish xususiyatlari bilan muayyan darajada uyg‘unlik kasb etadi. Shu sababli, mazkur davlatlar tajribasini o‘rganish va ularning samarali amaliyotlarini milliy sharoitga moslashtirish telekommunikatsiya xizmatlarini takomillashtirishning ilmiy-uslubiy asoslarini boyitishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Melody W.H. Telecom Reform: Principles, Policies and Regulatory Practices. -Lyngby, Denmark: Technical University of Denmark, 1997. – 346 p.

2. Cave M. Encouraging Infrastructure Competition via the Ladder of Investment // *Telecommunications Policy* – 2006. – Vol. 30, No. 3–4. – P. 223–237. https://doi.org/10.1016/j.telpol.2005.09.001

3. Wilbur Schramm: Portrait of a Development Communication Pioneer. Communicator, 1987. 21 (1-4), 18-22.

4. Melkote S.R. Communication for Development in the Third World. New Delhi: Sage Publications.1991.

5. Голубицкая Е.А. Экономика связи: учебник для студентов вузов / Е.А. Голубицкая; — М.: ИРИАС, 2006. - 488 с. ISBN 5-93592-020-4

[111] **Cave M.** Encouraging Infrastructure Competition via the Ladder of Investment // *Telecommunications Policy* – 2006. – Vol. 30, No. 3–4. – P. 223–237. https://doi.org/10.1016/j.telpol.2005.09.001

6. Голубицкая Е.А. Банк лекцией. Экономика связь. https://siblec.ru/obshchestvennye-nauki/ekonomika-svyazi.

7. G.G.Brown. Introduction to communication definition of communication. https://architecture.uonbi.ac.ke /sites/default/files/cae/builtenviron/architecture.pdf

8. Абдурахимов Д.Б. Иқтисодий информатика фанидан тайёрланган маърузалар матни. Гулистон 2008 йил. http://library.ziyonet.uz/ru/book/39275. file:///C:/Users/Администратор/Downloads/iqtisodij_informatika.pdf

9. Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Лутфуллаев Х.С ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Тошкент.: “Шарқ”, 2000 й. 592 б.

OMNIKANAL MARKETING SAMARADORLIGINI BAHOLASHDA KANALLARARO KO‘RSATKICHLARNING AHAMIYATI

Ahmedov Shohjahon – Abu Rayhon Beruniy nomidagi Urganch davlat universiteti Iqtisodiyot kafedrasi dotsenti, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

e-mail: *shohjahon.ahmedov@urdu.uz*

Orcid: *0009-0005-3787-6449*

Annotatsiya. Mazkur maqolada chakana savdoda omnikanal marketing samaradorligini baholashda an’anaviy ko‘rsatkichlarning cheklovlari va kanallararo tahlilning ahamiyati yoritiladi. Onlayn izlanishdan so‘ng oflayn xarid qilish yoki aksincha, bir kanalda boshlangan xaridning boshqa kanalda yakunlanishi marketing natijalarini alohida kanallar kesimida baholashni murakkablashtiradi. Shu sababli savdo konversiyasi, kanallararo xaridlar ulushi, mijozning umumiy qiymati va takroriy xaridlar kabi ko‘rsatkichlarni birgalikda tahlil qilish taklif etiladi.

Kalit so‘zlar: omnikanal marketing, chakana savdo, kanallararo tahlil, konversiya, mijoz qiymati, marketing KPI, raqamli savdo.

Аннотация. В данной статье рассматриваются ограничения традиционных показателей при оценке эффективности омниканального маркетинга в розничной торговле и значение межканального анализа. Покупка в офлайн-магазине после онлайн-поиска или, наоборот, завершение покупки в другом канале, отличном от того, в котором она была начата, усложняют оценку результатов маркетинга в разрезе отдельных каналов. В связи с этим предлагается проводить комплексный анализ таких показателей, как конверсия продаж, доля межканальных покупок, совокупная ценность клиента и повторные покупки.

Ключевые слова: омниканальный маркетинг, розничная торговля, межканальный анализ, конверсия, ценность клиента, ключевые показатели эффективности маркетинга (KPI), цифровая торговля.

Abstract. This article examines the limitations of traditional metrics in evaluating omnichannel marketing effectiveness in retail and highlights the importance of cross-channel analysis. Purchasing in a physical store after conducting an online search, or vice versa, as well as completing a purchase through a different channel from the one in which it was initiated, complicates the assessment of marketing performance across individual channels. Therefore, the article proposes a comprehensive analysis of such metrics as sales conversion rate, the share of cross-channel purchases, customer lifetime value, and repeat purchases.

Keywords: omnichannel marketing, retail, cross-channel analysis, conversion rate, customer lifetime value, marketing key performance indicators (KPIs), digital commerce.

Raqamli texnologiyalar rivojlanishi natijasida iste’molchilarning xarid qarorlari birgina savdo kanalining ta’siri bilan cheklanmayapti. Mijoz mahsulotni internetda o‘rganishi, narxlarni taqqoslashi va xaridni fizik do‘konda amalga oshirishi mumkin. Shuningdek, do‘konda mahsulotni ko‘rgandan so‘ng uni onlayn buyurtma qilishi ham mumkin. Bunday sharoitda har bir kanal natijasini alohida baholash marketingning umumiy ta’sirini to‘liq aks ettirmaydi.

P. Verhoef va hammualliflar omnikanal chakana savdoda kanallarni mijoz tajribasi va umumiy samaradorlik nuqtayi nazaridan muvofiqlashtirish zarurligini ta’kidlaydi [1]. K. Lemon va P. Verhoef esa mijoz tajribasini xarid oldi, xarid va xariddan keyingi bosqichlarni qamrab oluvchi jarayon sifatida tahlil qiladi [2].

Omnikanal marketing samaradorligini baholashda, avvalo, korxonaning maqsadi aniqlanishi kerak. Agar maqsad yangi mijozlarni jalb qilish bo‘lsa, murojaat va konversiya ko‘rsatkichlari muhim. Agar maqsad mijozlarni saqlab qolish bo‘lsa, takroriy xaridlar, mijoz qoniqishi va uzoq muddatli qiymatga e’tibor qaratiladi.

Kanallararo samaradorlikni baholash uchun quyidagi ko‘rsatkichlardan foydalanish mumkin:

1. Konversiya darajasi – xaridni amalga oshirgan mijozlar yoki tashriflar sonining tegishli kuzatuv bazasiga nisbati.

2. Kanallararo xaridlar ulushi – bir kanalda boshlangan va boshqa kanalda yakunlangan, ishonchli tarzda aniqlangan xaridlarning tahlil qilinayotgan xaridlar umumiy sonidagi ulushi.

3. Takroriy xaridlar darajasi – belgilangan davrda qayta xarid qilgan mijozlarning tegishli mijozlar guruhidagi ulushi.

4. Mijozning umumiy qiymati – mijoz bilan uzoq muddatli munosabat davomida olinishi kutiladigan iqtisodiy qiymatni baholash.

5. Xizmat ko‘rsatish ko‘rsatkichlari – buyurtmaning o‘z vaqtida bajarilishi, murojaatga javob berish tezligi va qaytarish jarayonining samaradorligi.

Mazkur ko‘rsatkichlarni hisoblashda maxraj va kuzatuv davri aniq belgilanishi, bir mijozning bir nechta kanaldagi faoliyati takroran hisoblanmasligi kerak. Shuningdek, bir kanalda xarid bilan bog‘liq aloqa nuqtasi qayd etilgani o‘sha kanal xaridga sabab bo‘lganini avtomatik ravishda isbotlamaydi. Marketingning sababiy ta’sirini aniqlash uchun nazorat guruhi, tajriba dizayni yoki boshqa mos statistik usullar talab qilinishi mumkin.

O‘zbekiston chakana savdosi sharoitida kanallararo baholashning boshlang‘ich bosqichini murakkab analitik tizimlarsiz ham tashkil etish mumkin. Masalan, korxona onlayn murojaatlar, telefon orqali buyurtmalar, do‘kondagi savdolar va takroriy xaridlarni yagona tartibda qayd etishi mumkin. Keyingi bosqichda mijoz roziligi va shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish talablariga rioya qilgan holda, ushbu ma’lumotlar o‘zaro bog‘lanadi.

Bunday yondashuv marketing xarajatlarini faqat reklama orqali kelgan bevosita onlayn buyurtmalar bilan baholash cheklovini kamaytirishga yordam beradi. Shu bilan birga, kanallararo bog‘liqlikni aniqlash uchun yetarli ma’lumot bo‘lmagan holatlarda taxminiy natijalarni aniq o‘lchov sifatida ko‘rsatishdan saqlanish lozim.

Omnikanal marketing samaradorligini to‘g‘ri baholash uchun savdo kanallarini alohida ko‘rsatkichlar bilan cheklamasdan, ularning o‘zaro ta’sirini ham hisobga olish zarur. Konversiya, takroriy xaridlar, mijoz qiymati va xizmat ko‘rsatish ko‘rsatkichlarini birgalikda tahlil qilish korxonaga marketing strategiyasini yanada asosli shakllantirish imkonini beradi.

Kanallararo tahlilning ishonchliligi ma’lumotlarning to‘liqligi, hisoblash qoidalarining aniqligi va sababiy ta’sirni oddiy bog‘liqlikdan farqlashga bog‘liq. Shu sababli omnikanal KPI tizimini bosqichma-bosqich rivojlantirish va uni real korxona ma’lumotlari asosida sinovdan o‘tkazish tavsiya etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Verhoef P. C., Kannan P. K., Inman J. J. From Multi-Channel Retailing to Omni-Channel Retailing // *Journal of Retailing*. – 2015. – Vol. 91, No. 2. – P. 174-181.

2. Lemon K. N., Verhoef P. C. Understanding Customer Experience Throughout the Customer Journey // *Journal of Marketing*. – 2016. – Vol. 80, No. 6. – P. 69-96.

3. Neslin S. A. et al. Challenges and Opportunities in Multichannel Customer Management // *Journal of Service Research*. – 2006. – Vol. 9, No. 2. – P. 95-112.

MERCHENDAYZING SAMARADORLIGINI BAHOLASHNING IQTISODIY MEXANIZMLARI VA KO‘RSATKICHLARI

Mamatkulova Shoira Djalolovna
“Marketing” kafedrasi dotsenti, i.f.n.

Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

Annotatsiya: Ushbu maqolada chakana savdo korxonalarida merchendayzing samaradorligini baholashning iqtisodiy mexanizmlari va asosiy ko‘rsatkichlari tahlil qilindi. Tovarlarni joylashtirish, assortimentni boshqarish va savdo maydonidan foydalanishning savdo natijalariga ta’siri yoritildi. Tadqiqotda tizimli tahlil, taqqoslash va iqtisodiy hisoblash usullaridan foydalanildi.

Kalit so‘zlar: merchendayzing, chakana savdo, iqtisodiy samaradorlik, savdo tushumi, yalpi foyda, konversiya, savdo maydoni.

Аннотация: В данной статье анализируются экономические механизмы и ключевые показатели оценки эффективности мерчандайзинга в розничных предприятиях. Подчеркивается влияние размещения товаров, управления ассортиментом и использования торгового пространства на результаты продаж. В исследовании использованы методы систематического анализа, сравнения и экономического расчета.

Ключевые слова: мерчандайзинг, розничная торговля, экономическая эффективность, выручка от продаж, валовая прибыль, конверсия, торговое пространство.

Abstract: This article analyzes the economic mechanisms and key performance indicators used to evaluate the effectiveness of merchandising in retail enterprises. It highlights the impact of product placement, assortment management, and the utilization of retail space on sales results. The study employs methods of systematic analysis, comparison, and economic calculation.

Keywords: merchandising, retail trade, economic efficiency, sales revenue, gross profit, conversion rate, retail space.

Kirish. O‘zbekiston chakana savdo sektorida merchandayzing faoliyatining iqtisodiy samaradorligini baholash masalasi so‘nggi yillarda strategik ahamiyat kasb etmoqda. 2025-yil yanvar oyida respublika chakana savdo tovar aylanmasi 26 977,9 mlrd so‘mni tashkil etib, o‘tgan yilning mos davriga nisbatan 109,2 foiz o‘sish sur’atini qayd etdi. Ushbu hajmda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining ulushi 22 299,8 mlrd so‘mni (o‘sish sur’ati 111,0 foiz), uyushmagan savdo hajmi esa 2 916,0 mlrd so‘mni (o‘sish sur’ati 114,4 foiz) tashkil qilgani savdo infratuzilmasida merchandayzing vositalarining iqtisodiy salohiyati qanchalik kengayib borayotganini ko‘rsatadi. Shu bilan birga, savdo korxonalari sonining 81 033 taga yetgani raqobat

muhitining kuchayishi va iste’molchi e’tibori uchun kurashning yangi bosqichga ko‘tarilishini anglatadi. Bunday sharoitda merchandayzing samaradorligini baholashning iqtisodiy mexanizmlarini ilmiy asosda takomillashtirish dolzarb tadqiqot yo‘nalishiga aylanmoqda[1].

Merchandayzing faoliyatining iqtisodiy mohiyati savdo maydonchasidagi tovar joylashtirish, vizual kommunikatsiya va rag‘batlantirish usullari orqali xaridor xatti-harakatiga ta’sir ko‘rsatish hamda sotish hajmini oshirishdan iborat . Xalqaro tadqiqotlarda merchandayzing samaradorligini o‘lchashning asosiy ko‘rsatkichlari sifatida sotish hajmining merchandayzing tadbiri hisobiga ortishi (lift), tovar taqsimoti qamrovi (ACV bo‘yicha distributsiya) va merchandayzing faolligi ko‘rsatkichlari ajratib ko‘rsatiladi. Jumladan, do‘konlar tomonidan amalga oshiriladigan merchandayzing tadbirlari to‘rt toifaga bo‘linadi: faqat displey, faqat reklama e’loni, displey va reklama birgalikda hamda qo‘shimcha qo‘llab-quvvatlanmagan narx pasaytirishlari. Ushbu tasnif merchandayzing xarajatlarining qaytimini aniq o‘lchash imkonini beradi. Biroq mahalliy sharoitda merchandayzing samaradorligini baholashning yagona metodologik asosi shakllanmagan bo‘lib, ko‘plab savdo korxonalari hali ham intuitiv yondashuvlarga tayanmoqda.

O‘zbekistonning institutsional muhitida merchandayzing faoliyatini tartibga soluvchi huquqiy asoslar izchil takomillashtirib borilmoqda. Xususan, Vazirlar Mahkamasining chakana savdo qoidalariga kiritilgan o‘zgartirishlari doirasida savdo subyektlarining tovar muvofiqlik sertifikatlariga ega bo‘lishi, identifikatsiya vositalari bilan raqamli markirovkalash talablariga rioya etishi hamda sotiladigan tovarlarning vitrinalarga joylashtirilishi va narxnomalarda kelib chiqqan mamlakat, ishlab chiqaruvchi hamda narx ko‘rsatkichlari majburiy aks ettirilishi belgilandi . Ushbu talablar merchandayzingning axborot-kommunikatsiya funksiyasini huquqiy jihatdan mustahkamlab, iste’molchiga taqdim etilayotgan savdo ma’lumotlarining ishonchliligini ta’minlashga xizmat qiladi. Shuningdek, elektron savdo maydonchalari uchun “bojxona nazorati ostidagi omborlar” tartibini joriy etish onlayn merchandayzingning yangi segmentini shakllantirib, an’anaviy va raqamli savdo kanallarida samaradorlik ko‘rsatkichlarini qiyosiy baholash zaruratini keltirib chiqaradi.

Milliy statistik ma’lumotlar merchandayzing samaradorligini baholashning miqdoriy asoslarini boyitish imkoniyatini beradi. Chakana savdo aylanmasining tarkibiy tahlili yirik korxonalar, kichik biznes subyektlari va jismoniy shaxslar tomonidan amalga oshirilgan savdo hajmlarining keskin farqlanishini ko‘rsatadi . Masalan, Jizzax viloyatida 2025-yil yakunida savdo aylanmasining 64,5 foizi savdo faoliyati bilan shug‘ullanuvchi jismoniy shaxslar hissasiga to‘g‘ri kelgan . Ushbu tarkibiy xususiyat merchandayzing vositalarining turli savdo formatlarida turlicha samaradorlik berishini hisobga olgan holda differensial baholash metodikasini ishlab

chiqishni taqozo etadi. Shu bilan birga, savdo korxonalari samaradorligini baholashning mavjud ko‘rsatkichlari tizimida sotish rentabelligi, 1 m² savdo maydoniga to‘g‘ri keladigan daromad va foyda, operatsion xarajatlarning daromaddagi ulushi hamda sodiq mijozlar salmog‘i kabi indikatorlar ajratib ko‘rsatilgan . Ushbu ko‘rsatkichlarni merchandayzing faoliyatining bevosita natijalari bilan bog‘lash metodologik jihatdan hal etilmagan masala bo‘lib qolmoqda[3].

Asosiy qism. Merchandayzing samaradorligini baholashning iqtisodiy mexanizmlari chakana savdo korxonasining marketing xarajatlari bilan savdo natijalari o‘rtasidagi sabab-oqibat bog‘liqligini miqdoriy ifodalashga asoslanadi. Mahalliy tadqiqotlarda ta’kidlanishicha, merchandayzing faqat tovar joylashtirish texnikasi emas, balki iste’molchi qaror qabul qilish jarayoniga bevosita ta’sir ko‘rsatuvchi boshqaruv vositasi sifatida qaralishi lozim. Ushbu yondashuv merchandayzing samaradorligini baholashda ikki bosqichli metodologik asosni taqozo etadi: birinchi bosqichda merchandayzing tadbirlarining qamrov va ta’sir ko‘rsatkichlari, ikkinchi bosqichda esa ularning moliyaviy qaytimi o‘lchanadi.

Milliy ilmiy adabiyotlarda savdo korxonalari samaradorligini baholashning ko‘rsatkichlar tizimi ishlab chiqilgan bo‘lib, unda sotish rentabelligi, 1 m² savdo maydoniga to‘g‘ri keladigan daromad va foyda, operatsion xarajatlarning daromaddagi ulushi hamda sodiq mijozlar salmog‘i kabi indikatorlar ajratib ko‘rsatilgan [3]. Ushbu ko‘rsatkichlar merchandayzing faoliyatining bevosita natijalarini aks ettirmasa-da, ular merchandayzing tadbirlari ta’sirida yuzaga keladigan o‘zgarishlarni baholash uchun bazaviy ko‘rsatkichlar vazifasini o‘tashi mumkin. Xalqaro amaliyotda esa merchandayzing samaradorligini o‘lchashda ko‘rsatilgan mahsulotlar soni, bosish darajasi, savatga qo‘shish darajasi hamda merchandayzing tadbirlari hisobiga olingan daromad ulushi kabi raqamli ko‘rsatkichlar keng qo‘llaniladi. Ushbu ko‘rsatkichlarning integratsiyalashuvi merchandayzingning ham kommunikativ, ham iqtisodiy samaradorligini yaxlit baholash imkonini beradi.

O‘zbekiston sharoitida merchandayzing faoliyatining huquqiy-institutsional asoslari so‘nggi yillarda sezilarli darajada mustahkamlandi. Vazirlar Mahkamasining savdo faoliyatini tartibga solishga oid qarorlarida chakana savdo subyektlarining tovar operatsiyalari hisobini yuritish majburiyati, import tovarlarning muvofiqlik sertifikatlariga ega bo‘lishi hamda savdo obyektlarining belgilangan talablarga muvofiqligi qat’iy belgilab qo‘yilgan [5]. Bu talablar merchandayzingning axborot-ta’minot funksiyasini kuchaytirib, iste’molchiga taqdim etilayotgan savdo ma’lumotlarining ishonchliligini oshiradi. Shuningdek, raqamli markirovkalash tizimining joriy etilishi merchandayzing samaradorligini tovar birligi darajasida kuzatish imkoniyatini yaratadi.

Tadqiqotda merchandayzing samaradorligini baholashning ikki darajali ko‘rsatkichlar tizimi asoslandi. Birinchi daraja — merchandayzing faollik

ko‘rsatkichlari bo‘lib, ular merchandayzing tadbirlarining qamrovini o‘lchaydi. Ikkinchi daraja — iqtisodiy qaytim ko‘rsatkichlari bo‘lib, ular merchandayzing xarajatlarining moliyaviy natijalarga ta’sirini baholaydi. Ushbu tizim mavjud milliy ko‘rsatkichlar bilan integratsiyalashgan holda quyidagi shaklda taklif etiladi.

1-jadval.

Merchandayzing samaradorligini baholashning integratsiyalashgan ko‘rsatkichlari

Ko‘rsatkich	Hisoblash formulasi
Merchandayzing qamrov darajasi	Merchandayzing tadbirlari qo‘llanilgan savdo nuqtalari soni / Jami savdo nuqtalari soni × 100
Savdo maydoni birligiga merchandayzing xarajati	Merchandayzing xarajatlari / Savdo maydoni (m²)
Merchandayzing ta’sirida sotish hajmining ortishi	(Tadbirdan keyingi sotish − Tadbirdan oldingi sotish) / Tadbirdan oldingi sotish × 100
1 m² maydonga to‘g‘ri keladigan daromad	Jami daromad / Savdo maydoni (m²)
Operatsion xarajatlarning daromaddagi ulushi	Operatsion xarajatlar / Jami daromad

Ushbu ko‘rsatkichlar tizimining afzalligi shundaki, u merchandayzing faoliyatini ham jarayon, ham natija darajasida baholash imkonini beradi. Xususan, merchandayzing qamrov darajasi va savdo maydoni birligiga xarajat ko‘rsatkichlari merchandayzing resurslaridan foydalanish intensivligini o‘lchasa, sotish hajmining ortishi va 1 m² maydonga daromad ko‘rsatkichlari bevosita iqtisodiy samarani aks ettiradi. Operatsion xarajatlar ulushi esa merchandayzing tadbirlarining xarajat samaradorligini nazorat qilish imkonini beradi.

Xulosa va takliflar. O‘tkazilgan tadqiqot merchandayzing samaradorligini baholashning iqtisodiy mexanizmlari uchta o‘zaro bog‘liq komponentdan iborat bo‘lishi lozimligini asosladi: merchandayzing faollik ko‘rsatkichlari (qamrov, standartlarga muvofiqlik, vizual ta’sir), iqtisodiy qaytim ko‘rsatkichlari (sotish hajmining ortishi, 1 m² maydonga daromad) hamda xarajat samaradorligi ko‘rsatkichlari (merchandayzing xarajatlarining qaytimi, operatsion xarajatlar ulushi). Ushbu uch komponentli tizim merchandayzing faoliyatini ham jarayon, ham natija darajasida baholash imkonini beradi va mavjud milliy ko‘rsatkichlar tizimi bilan integratsiyalashuv xususiyatiga ega. Tadqiqot davomida merchandayzing samaradorligini baholash amaliyotiga to‘sqinlik qiluvchi uchta asosiy muammo aniqlangan holda, ularning har biri bo‘yicha aniq yechimlar taklif etildi: merchandayzing xarajatlarini mustaqil hisobga olish tartibini joriy etish, kichik korxonalar uchun soddalashtirilgan “oldin–keyin” baholash metodikasini standartlashtirish hamda oflayn va onlayn merchandayzing ko‘rsatkichlarini uyg‘unlashtirish. Ushbu yechimlarning amaliyotga joriy etilishi merchandayzing

samaradorligini muntazam monitoring qilish va boshqaruv qarorlarini asoslangan holda qabul qilish imkonini yaratadi.

Tadqiqot natijalari asosida quyidagi ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqildi. Jumladan:

Birinchidan, merchandayzing xarajatlarini boshqaruv hisobining mustaqil obyekti sifatida rasmiylashtirish.

Ikkinchidan, kichik savdo korxonalari uchun merchandayzing samaradorligini baholashning soddalashtirilgan metodik kasini joriy etish.

Uchinchidan, oflayn va onlayn merchandayzing ko‘rsatkichlarini uyg‘unlashtirish bo‘yicha yagona yondashuvni shakllantirish.

To‘rtinchidan, merchandayzing standartlarini joriy etishda davlat-xususiy sherikligi mexanizmlaridan foydalanish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi. (2025). O‘zbekiston Respublikasida chakana va ulgurji savdo tovar aylanmasi: 2025-yil yanvar. Toshkent. https://stat.uz/img/0--ichki__uzb-yanvar-2025_p56321.pdf

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi. (2021). Chakana savdoni amalga oshiruvchi yakka tartibdagi tadbirkorlar faoliyatiga qo‘yiladigan talablar. Lex.uz. https://www.lex.uz/uz/m/acts/-5205248

3. Jizzax viloyati statistika boshqarmasi. (2026). Chakana savdo tovar aylanmasi va o‘sish sur’ati dinamikasi (2025-yil yanvar-dekabr). https://jizzaxstat.uz/files/358/2025-4-chorak/3364/Ichki-savdo-aylanmasi.pdf

4. Artikova, D. (2022). O‘zbekiston Respublikasida chakana savdo qoidalari va umumiy ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish va sotish. European Journal of Law and Applied Sciences. https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/download/3672/3308/3363

5. Blattberg, R. C., & Neslin, S. A. (1998). Integrated measures of sales, merchandising, and distribution. International Journal of Research in Marketing, 15(5), 473–492. https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0167811698000159

6. Safarov, B. (2025). Chakana savdo muhitida merchandayzing standartlarini empirik tahlil qilish. Zenodo. https://zenodo.org/records/18174824

7. Abduxalilova, L. (2024). Savdo hududida tovarlarni joylashtirish va namoyish qilishni tashkil etish. Science and Practice. https://sci-p.uz/index.php/aept/article/download/3444/3235/6606

8. AB Tasty. (2025). Reporting Merchandising. https://docs.abtasty.com/~/revisions/CZyeQcVo7lKxzhx92s2M/recommendations-and-merchandising-1/getting-started/merchandising/reporting-merchandising

9. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti. (2024). Savdo kanallari samaradorligini baholash. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/Article_33_0.pdf

10. Yaqubov, A. (2025). O‘zbekiston chakana savdosi tizimi va uning rivojlanishi. Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot, 3(6). https://doi.org/10.5281/zenodo.15752828

RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH ASOSIDA CHAKANA SAVDO SAMARADORLIGINI OSHIRISH: ELEKTRON TIJORATNING TA’SIRINI EKONOMETRIK BAHOLASH

Abdinazarov Suhrobbek Bekmurod o‘g‘li
Samarqand iqtisodiyot va Servis instituti magistranti
E-mail: suhrobbekabdinazarov@gmail.com
Telefon: +998 915565121
F.U.Anarbayeva
Samarqand iqtisodiyot va Servis instituti dotsenti
Telefon: +998 93 850 24 07

Annotatsiya

Mazkur tezisda raqamli iqtisodiyot sharoitida elektron tijoratning chakana savdo rivojlanishiga ta’siri va savdo samaradorligini oshirish imkoniyatlari o‘rganilgan. Tadqiqotda O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasining 2016–2024-yillarga oid rasmiy statistik ma’lumotlari asosida elektron tijorat savdosi hajmi va chakana savdo tovar aylanmasining dinamikasi tahlil qilingan. Ko‘rsatkichlar o‘rtasidagi bog‘liqlikni baholash uchun korrelyatsion va chiziqli regressiya usullaridan foydalanilgan.

Kalit so‘zlar: elektron tijorat, raqamli iqtisodiyot, chakana savdo, iqtisodiy o‘sish, korrelyatsiya, regressiya.

Аннотация

В тезисе рассматривается влияние электронной торговли на развитие розничной торговли и возможности повышения эффективности торговых предприятий в условиях цифровой экономики. На основе официальных статистических данных Комитета по статистике Республики Узбекистан за 2016–2024 годы анализируется динамика объёма электронной торговли и розничного товарооборота. Для оценки взаимосвязи показателей применяются корреляционный анализ и линейная регрессия.

Ключевые слова: электронная торговля, цифровая экономика, розничная торговля, экономический рост, корреляция, регрессия.

Abstract

This paper examines the relationship between e-commerce development and retail trade performance in the digital economy. Official statistics from the National Statistics Committee of Uzbekistan for 2016–2024 are used to analyze changes in e-commerce turnover and total retail trade turnover. Correlation analysis and simple linear regression are applied to examine the relationship between the annual growth rates of these indicators.

Keywords: e-commerce, digital economy, retail trade, economic growth, correlation, regression.

Kirish

Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi savdo sohasida yangi imkoniyatlar yaratib, mahsulotlarni sotish, xaridorlarni jalb qilish va savdo jarayonlarini boshqarish usullarini o‘zgartirmoqda. Elektron tijorat orqali korxonalar o‘z mahsulotlarini kengroq bozorga taklif qilishi, buyurtmalarni masofadan qabul qilishi va elektron to‘lovlardan foydalanishi mumkin. Biroq raqamli savdo imkoniyatlarining kengayishi chakana savdo samaradorligiga qay darajada ta’sir ko‘rsatayotganini aniqlash uchun statistik tahlil zarur [1].

Elektron tijoratning rivojlanishini savdo aylanmasi o‘sishi bilan tenglashtirib bo‘lmaydi. Natijalarga aholi daromadlari, narxlar, iste’mol talabi va boshqa iqtisodiy omillar ham ta’sir qiladi [2].

Tadqiqotning maqsadi elektron tijorat rivojlanishi bilan chakana savdo tovar aylanmasining o‘sishi o‘rtasidagi statistik bog‘liqlikni ekonometrik usullar orqali baholash hamda olingan natijalardan kelib chiqib Samarqand viloyatida savdo samaradorligini oshirish bo‘yicha amaliy tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat [3].

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotda O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasining ma’lumotlar bazasida e’lon qilingan elektron tijorat savdosi hajmi va chakana savdo tovar aylanmasi ko‘rsatkichlaridan foydalanildi. Tahlil davri 2016-2024-yillarni qamrab oladi. Har ikkala ko‘rsatkich mlrd so‘mda ifodalangan.

Ko‘rsatkichlarning o‘zgarishini baholashda yillik o‘sish sur’ati quyidagi formula orqali hisoblandi:

$$g_t = ((X_t - X_{t-1}) / X_{t-1}) \times 100\%$$

Bu yerda X_t - joriy yil ko‘rsatkichi, X_{t-1} - oldingi yil ko‘rsatkichi, g_t - esa yillik o‘sish sur’atidir.

Elektron tijorat savdosi hajmining o‘sish sur’ati gE, chakana savdo tovar aylanmasining o‘sish sur’ati esa gR bilan belgilandi. Ular o‘rtasidagi bog‘liqlikni aniqlash uchun Pearson korrelyatsiya koeffitsiyenti hamda quyidagi oddiy chiziqli regressiya modelidan foydalanildi:

$$gR = \beta_0 + \beta_1 gE + \varepsilon$$

Bu yerda β_0 - ozod had, β_1 - elektron tijorat o‘sish sur’ati bilan chakana savdo o‘sish sur’ati o‘rtasidagi chiziqli bog‘liqlik koeffitsiyenti, ε — modelda hisobga olinmagan omillar ta’sirini ifodalovchi xatolik.

Natijalar va ularning tahlili

Milliy statistika qo‘mitasi ma’lumotlariga ko‘ra, O‘zbekistonda elektron tijorat savdosi hajmi 2016-yildagi 6,0 mlrd so‘mdan 2024-yilda 15 211,5 mlrd so‘mga yetgan. Shu davrda chakana savdo tovar aylanmasi 88 071,6 mlrd so‘mdan 407 416,0 mlrd so‘mgacha oshgan (1-jadval).

O‘zbekistonda elektron tijorat va chakana savdo ko‘rsatkichlari

1-jadval

Yil	**Elektron tijorat (mlrd so‘m)**	**Chakana savdo (mlrd so‘m)**
2016	6,0	88 071,6
2017	12,1	105 229,9
2018	40,9	133 195,2
2019	275,3	166 094,4
2020	1 002,5	199 518,8
2021	5 978,7	252 056,6
2022	10 886,8	270 687,2
2023	13 263,8	330 448,1
2024	15 211,5	407 416,0

Manba: O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasining ma’lumotlar bazasi.

Ko‘rsatkichlarning o‘zaro bog‘liqligini aniqroq baholash uchun ularning yillik o‘sish sur’atlari asosida korrelyatsion tahlil o‘tkazildi. Hisob-kitob natijasida Pearson korrelyatsiya koeffitsiyenti r = 0,456 ni tashkil etdi. Bu tanlangan davrda elektron tijorat o‘sish sur’ati va chakana savdo aylanmasining o‘sish sur’ati o‘rtasida musbat, ammo kuchli bo‘lmagan statistik bog‘liqlik mavjudligini ko‘rsatadi. Oddiy chiziqli regressiya natijasida quyidagi tenglama olindi:

$$\hat{g}R = 18{,}281 + 0{,}01324\ gE$$

Mazkur tenglamada elektron tijoratning yillik o‘sish sur’ati bir foiz punktga yuqori bo‘lgan holatda chakana savdoning o‘sish sur’ati o‘rtacha 0,01324 foiz punktga yuqori bo‘lishi bilan bog‘liq natija kuzatiladi. Bu koeffitsiyent model doirasidagi statistik bog‘liqlikni anglatadi.

Modelning determinatsiya koeffitsiyenti R^2 = 0,208 ga teng. Demak, ushbu oddiy model tanlanmadagi chakana savdo o‘sish sur’ati o‘zgarishlarining taxminan 20,8 foizini izohlaydi. Regressiya koeffitsiyenti uchun hisoblangan p = 0,256 qiymati 0,05 dan yuqori. [4].

Xulosa va amaliy takliflar

2016–2024-yillarda O‘zbekistonda elektron tijorat savdosi hajmi va chakana savdo tovar aylanmasi sezilarli darajada oshgan. Ekonometrik tahlilda ular o‘rtasida musbat bog‘liqlik aniqlandi. Samarqand viloyatida elektron savdo platformalaridan foydalanishni kengaytirish, raqamli infratuzilmani rivojlantirish va hududiy statistik ma’lumotlarni takomillashtirish zarurligi aniqlandi.

Samarqand viloyatida mazkur masalani chuqurroq o‘rganish uchun hududiy chakana savdo aylanmasi bilan bir qatorda elektron to‘lovlar, internetdan foydalanish imkoniyati, faol savdo korxonalari soni va raqamli savdo kanallaridan foydalanish ko‘rsatkichlarini ham tahlil qilish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi, “Elektron tijorat savdo hajmi (yillik),” https://siat.stat.uz/data/2833/

[2] O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi, “Chakana savdo tovar aylanmasi (yillik),” https://siat.stat.uz/data/2704/

[3] World Bank, “Individuals using the Internet (% of population) — Uzbekistan,” World Development Indicators. [Online]. Available: https://data.worldbank.org/indicator/IT.NET.USER.ZS?locations=UZ

[4] K. B. Otamurod o‘g‘li, “O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotga o‘tish sharoitida chakana savdo xizmatlarini rivojlantirish,” Научный Фокус, vol. 3, no. 33, pp. 190–197, 2026.

[5] N. Ergasheva and D. Axrarova, “Elektron tijoratning milliy iqtisodiyot va aholi daromadlariga ta’siri: 2020–2025 yillar tahlili,” in Proc. Scientific Practical Conference, vol. 1, no. 1, pp. 96–99, Nov. 2025.

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA ALOQA XIZMATLARINI RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI

Nazarov Sanjar Nasridinovich-
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyotning shakllanishi va rivojlanishi jarayonida aloqa xizmatlarining o‘rni hamda ushbu sohada iqtisodiy samaradorlikni oshirish yo‘llari tadqiq etilgan. Zamonaviy telekommunikatsiya texnologiyalari (5G, IoT, bulutli texnologiyalar) transformatsiyasining iqtisodiyot tarmoqlariga ta’siri tahlil qilinib, aloqa korxonalari faoliyatining samaradorlik ko‘rsatkichlarini yuksaltirish bo‘yicha ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: Raqamli iqtisodiyot, aloqa xizmatlari, telekommunikatsiya, iqtisodiy samaradorlik, AKT infratuzilmasi, innovatsiyalar, raqamli transformatsiya.

Аннотация. В данной статье рассматривается роль коммуникационных услуг в формировании и развитии цифровой экономики и пути повышения экономической эффективности в этой сфере. Анализируется влияние трансформации современных телекоммуникационных технологий (5G, IoT, облачные технологии) на экономические сектора, а также разрабатываются научно-практические предложения по повышению эффективности коммуникационных предприятий.

Ключевые слова: цифровая экономика, услуги связи, телекоммуникации, экономическая эффективность, ИКТ-инфраструктура, инновации, цифровая трансформация.

Abstract. This article examines the role of communication services in the formation and development of the digital economy, as well as ways to enhance economic efficiency within this sector. It analyzes the impact of the transformation of modern telecommunication technologies (5G, IoT, cloud technologies) on various economic sectors and develops scientific and practical proposals for improving the efficiency of communication enterprises.

Keywords: digital economy, communication services, telecommunications, economic efficiency, ICT infrastructure, innovations, digital transformation.

Bugungi kunda jahon xo‘jaligida kechayotgan global transformatsiyalar bevosita iqtisodiyotning raqamli platformalarga ko‘chishi bilan bog‘liq. O‘zbekiston Respublikasida ham raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri etib belgilangan. Aloqa xizmatlari bozori yuqori dinamikaga ega bo‘lib, u nafaqat aholining muloqotga bo‘lgan ehtiyojini qondiradi, balki biznes jarayonlarini optimallashtirish, tannarxni kamaytirish va mehnat unumdorligini oshirish orqali mamlakat yalpi ichki mahsuloti (YIM) o‘sishiga bevosita hissa qo‘shadi. Shu sababli, raqamli muhitda aloqa xizmatlarini rivojlantirishning iqtisodiy samaradorligini oshirish mexanizmlarini tadqiq etish dolzarb hisoblanadi.

Aloqa xizmatlari samaradorligini baholashda amalda bir necha guruh ko‘rsatkichlardan foydalaniladi. Birinchi guruh moliyaviy ko‘rsatkichlardan iborat bo‘lib, unga xizmat hajmi, daromad, foyda, rentabellik va xarajatlar qaytimi kiradi. Bu ko‘rsatkichlar tarmoqning pul ifodasidagi natijasini ochib beradi. Masalan, rentabellik xarajatlar yoki aktivlar hisobiga qancha foyda olinganini bildiradi. Xarajatlar qaytimi esa 1 so‘m xarajatga qancha xizmat hajmi to‘g‘ri kelishini ko‘rsatadi. Lekin moliyaviy ko‘rsatkichlar xizmat sifati, tarmoq barqarorligi va texnik quvvatlardan foydalanish holatini to‘liq aks ettirmaydi.

Ikkinchi guruh mehnat ko‘rsatkichlari bilan bog‘liq. Mehnat unumdorligi aloqa xizmatlari hajmining xodimlar soniga nisbati orqali aniqlanadi. Raqamli boshqaruv, avtomatlashtirilgan billing tizimlari, masofaviy texnik monitoring va mijozlarga

xizmat ko‘rsatishning elektron shakllari rivojlangan sari bitta xodimga to‘g‘ri keladigan xizmat hajmi ortishi mumkin. Biroq aloqa tarmog‘i kapital sig‘imi yuqori bo‘lgan soha hisoblanadi. Shu sabab mehnat unumdorligini yakka holda asosiy mezon sifatida olish to‘g‘ri emas. Xodimlar soni kam, lekin texnik xarajatlar yuqori bo‘lgan holatda mehnat unumdorligi o‘sishi umumiy samaradorlik oshganini anglatmasligi mumkin.

Uchinchi guruh kapital va infratuzilma ko‘rsatkichlarini qamrab oladi. Fond qaytimi, fond sig‘imi, tarmoq quvvatidan foydalanish darajasi, optik tolali aloqa tarmoqlari va baza stansiyalarining iqtisodiy natijasi shu guruhga kiradi. Aloqa xizmatlarida asosiy fondlar xizmat yaratishning markaziy omili bo‘lgani uchun kapital qaytimi alohida tahlil qilinadi. Masalan, yangi uskunalar, server quvvatlari yoki baza stansiyalari o‘rnatilgandan keyin xizmat hajmi, internet tezligi, qamrov va abonentlar soni ortmasa, investitsiya va kapitaldan foydalanish samaradorligi past baholanadi.

To‘rtinchi guruh investitsion ko‘rsatkichlar bilan ifodalanadi. Investitsiya hajmi, investitsiya qaytimi, modernizatsiya hisobiga xizmat hajmining o‘sishi, yangi texnologiyalar joriy etilishi natijasida daromadning o‘zgarishi ushbu guruhga kiradi. Aloqa xizmatlarida investitsiyaning natijasi ko‘pincha darhol emas, ma’lum vaqt o‘tib ko‘rinadi. Shu bois investitsiya samaradorligini baholashda faqat kiritilgan mablag‘ hajmi emas, balki uning xizmat hajmi, sifat, qamrov va xarajatlar tarkibiga ta’siri baholanishi lozim.

Beshinchi guruh sifat va iste’molchi ko‘rsatkichlarini o‘z ichiga oladi. Internet tezligi, tarmoqning ishlash vaqti, uzilishlar soni, mijozlar shikoyatlari, murojaatlarga javob berish tezligi va abonentlar qoniqishi aloqa xizmatlarida iqtisodiy natijaning barqarorligiga kuchli ta’sir qiladi. Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD) broadband statistikasi ham keng polosali aloqani baholashda qamrov, tezlik, texnologiya, foydalanish intensivligi va sifatga oid ko‘rsatkichlarni alohida ajratadi[112]. Bu holat aloqa xizmatlarida sifat indikatorlarini iqtisodiy samaradorlik tizimidan ajratib qo‘yish mumkin emasligini ko‘rsatadi.

1-jadval

Aloqa xizmatlarida mavjud iqtisodiy samaradorlik ko‘rsatkichlari va ularning baholash imkoniyatlari

Ko‘rsatkich guruhi	Asosiy ko‘rsatkichlar	Iqtisodiy mazmuni	Cheklangan jihati
Moliyaviy ko‘rsatkichlar	Daromad, foyda, rentabellik, xarajatlar qaytimi	Aloqa xizmatlaridan olingan pul natijasi va xarajatlar qaytimini ko‘rsatadi	Tarmoq sifati, uzilishlar va mijoz qoniqishini to‘liq aks ettirmaydi

[112] OECD. Broadband Statistics. OECD Digital Economy Papers and statistical database materials, 2024–2025.

Mehnat ko‘rsatkichlari	Mehnat unumdorligi, bir xodimga to‘g‘ri keladigan xizmat hajmi	Xodimlar faoliyatining natijadorligini baholaydi	Kapital sig‘imi yuqori bo‘lgan tarmoqda yakka holda yetarli emas
Kapital ko‘rsatkichlari	Fond qaytimi, fond sig‘imi, texnik quvvatdan foydalanish	Asosiy vositalar va infratuzilmaning xizmat yaratishdagi qaytimini bildiradi	Xizmat sifati va texnologik eskirish darajasi alohida hisobga olinmasa, baho to‘liq bo‘lmaydi
Investitsion ko‘rsatkichlar	Investitsiya hajmi, investitsiya qaytimi, xizmat hajmi o‘sishi	Kiritilgan kapitalning iqtisodiy natijaga ta’sirini aniqlaydi	Aloqa tarmog‘ida investitsiya natijasi kechikib namoyon bo‘lishi mumkin
Sifat va iste’molchi ko‘rsatkichlari	Internet tezligi, tarmoq barqarorligi, uzilishlar, mijoz qoniqishi	Iste’molchi nuqtayi nazaridan xizmatning real qiymatini ko‘rsatadi	Moliyaviy ko‘rsatkichlar bilan bog‘lanmasa, iqtisodiy samaradorlikni to‘liq ochib bermaydi

Jadvaldan ko‘rinadiki, aloqa xizmatlarida mavjud ko‘rsatkichlar muhim tahliliy vazifani bajaradi, lekin ularning har biri tarmoq faoliyatining faqat ma’lum tomonini yoritadi. Moliyaviy ko‘rsatkichlar daromad va foydani ko‘rsatadi, ammo internet sifati va tarmoq uzluksizligini aks ettirmaydi. Mehnat unumdorligi xodimlar faoliyatini baholaydi, lekin asosiy fondlar ulushi yuqori bo‘lgan telekommunikatsiya tarmog‘ida uni kapital qaytimi bilan bog‘lamasdan turib yakuniy xulosa chiqarib bo‘lmaydi. Kapital ko‘rsatkichlari texnik infratuzilma qaytimini ochadi, biroq mijozlar qoniqishi va xizmat sifati bilan to‘ldirilmasa, baholash ichki ishlab chiqarish chegarasida qolib ketadi. Investitsion ko‘rsatkichlar tarmoqning kelgusi rivojlanish imkoniyatlarini baholashga yordam beradi, lekin ularda vaqt omili va texnologik yangilanishning kechikkan natijasi inobatga olinishi kerak.

Mavjud ko‘rsatkichlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, aloqa xizmatlarining iqtisodiy samaradorligini baholashda moliyaviy natija, resurslardan foydalanish, texnik infratuzilma qaytimi, investitsiya natijadorligi va xizmat sifati yagona tizimda ko‘rilishi lozim. Aks holda tarmoqda daromad o‘sishi kuzatilgani holda xizmat sifati pasayishi, yoki texnik infratuzilma kengaygani holda xarajatlar qaytimi sust bo‘lishi mumkin. Shu sabab keyingi qismda aloqa xizmatlari uchun integral iqtisodiy samaradorlik indeksini ishlab chiqish zarurati yuzaga keladi. Bunday indeks mavjud ko‘rsatkichlarni birlashtirib, tarmoq samaradorligini xarajat, mehnat, kapital, investitsiya va sifat mezonlari asosida kompleks baholash imkonini beradi.

Aloqa xizmatlarida iqtisodiy samaradorlikni baholashda mavjud ko‘rsatkichlar tarmoq faoliyatining alohida tomonlarini ochib beradi, biroq ularni yakka holda

qo‘llash orqali umumiy natijaga to‘liq baho berish qiyin. Xizmat hajmi o‘sishi tarmoqda iqtisodiy faollik kuchayganini bildiradi, lekin ushbu o‘sish qanday xarajatlar, qanday texnik quvvatlar va qanday sifat darajasi hisobiga yuzaga kelganini ko‘rsatmaydi. Rentabellik moliyaviy qaytimni ifodalaydi, ammo internet tezligi, tarmoq barqarorligi, mijozlar qoniqishi yoki infratuzilma yuklanishini baholamaydi. Mehnat unumdorligi xodimlar faoliyatining natijadorligini ko‘rsatadi, lekin kapital sig‘imi yuqori bo‘lgan telekommunikatsiya tarmog‘ida asosiy fondlar qaytimi va investitsiya natijadorligi bilan birgalikda talqin qilinmasa, xulosa bir tomonlama bo‘lib qoladi. Shu sabab aloqa xizmatlarining iqtisodiy samaradorligini kompleks baholash uchun mavjud ko‘rsatkichlarni birlashtiruvchi integral yondashuv zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. G‘affarova G.G‘. Axborotlashgan jamiyatdan raqamli jamiyat sari: falsafiy tahlil // O‘zbekiston Milliy axborot agentligi rasmiy veb-saytining ilmiy bo‘limi (elektron jurnal). - Toshkent, 2020. Sentyabr
2. Davlatov S.S., Shonazarov K.E. Xizmat ko’rsatish sohasini davlat tomonidan tartibga solish mexanizmlari va ushbu sohani rivojlantirish yo‘nalishlari. Ilm-fan va innovatsiya ilmiy-amaliy konferensiyasi, 48-50 betlar. in-academy.uz/ index.php/si
3. Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Лутфуллаев Х.С ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Тошкент.: “Шарқ”, 2000 й. 592 б.
4. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари учун қўлланма. Муаллифлар Р.Х.Алимов, Б.Ю.Ходиев, Қ.А.Алимов ва бошқалар.; С.С.Ғуломов умумий таҳрири остида. – Т.: “Шарқ”, 2004.-320 б.
5. Голубицкая Е.А. Экономика связи: учебник для студентов вузов / Е.А. Голубицкая; — М.: ИРИАС, 2006. - 488 с. ISBN 5-93592-020-4

MUNDARIJA:

I QISM		
I SHO‘BA. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISHNING NAZARIY METODOLOGIK MASALALARI		
Po‘latov M.E. Mirzayev Q.J.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni oshirish masalalari	5
Mirzayev Qulmamat Jonuzakovich	Raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko’rsatishni rivojlantirishning mintaqaviy xususiyatlari	13
Shavqiyev E.	Iqtisodiyotda moliyaga xos vazifalarning muhim jihatlari	17
Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich Abilov Feruz Nematullayevich	Agroservis xizmatlarini takomillashtirish orqali aholi kambag‘alligini qisqartirish yo‘llari (samarqand viloyati misolida)	25
Anarbayeva Fotima Urazaliyevna	Raqamli biznes transformatsiyasining mohiyati va zarurati	28
Shamsikulova Moxina Bonu Furkatovna Amriyeva Shaxzoda Shuxratovna Boyarov Yusuf Abdulloyevich	Raqamli iqtisodiyotda tranzaksiya xarajatlarini kamaytirishning ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikka ta’siri	31
Jonuzokov Mirzabek Kulmamatovich	Oliy ta’lim muassasalarining investitsion rivojlanishining moliyalashtirish manbalari, risklari va o‘ziga xos xususiyatlari	34
Niyatov Jahongir Abdugappor o‘g‘li	Raqamli iqtisodiyot sharoitida biznes sub’ektlarda sotish uchun mo‘ljallangan uzoq muddatli aktivlar hisobi mohiyati	40

Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич Пардаева Озода Мамаюнусовна Юнусов Темур Баҳодир ўғли	Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозори трансформацияси фанининг объектив зарурлиги	44
Исроилов Боҳодир Ибрагимович	Хўжалик юритувчи субъектларда инсон капиталига инвестицияларни ҳисоби ва таҳлилининг назарий масалалари	49
II SHO‘BA. RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASI IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH: MUAMMO VA YECHIMLAR		
Mirzayev Qulmamat Jonuzakovich Sag‘dullayev Muhammadjon Rustam o‘g‘li	Xizmatlar sohasida sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etishning strategik yo‘nalishlari va iqtisodiy samaradorligi	56
Зайналов Ж.Р.	Платформенная занятость и проблемы социального страхования самозанятых в современной экономике	64
Mardanova Mohidil Otabek qizi	Davlat-xususiy sheriklik asosida kommunal xizmatlar boshqaruvi samaradorligini oshirish yo‘llari	67
Zhibo Wei	Samarqand viloyatida kichik mehmondo‘stlik subyektlarining statistik “ko‘rinmasligi” va uni raqamli ro‘yxatga olish orqali bartaraf etish	71
Anarbayeva Fotima Urazaliyevna	O‘zbekiston iqtisodiy rivojlanishida raqamli ta’lim transformatsiyasi	75
Turayev Abduvoxid Kuldashevich	navoiy viloyatida kreativ turizmni rivojlantirish	83
Исхакова Сарвар Аюбовна	Рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълим хизматларининг ижтимоий-иқтисодий	90

	самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш	
Umirzoqova Muxabbat Ismatjon qizi	Raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko’rsatish sohasini rivojlantirish orqali kambag’allikni qisqartirish yo‘llari	95
Ulug‘muradova Nodira Berdimuradovna	Kichik biznes subyektlarida mehnat munosabatlarini rasmiylashtirish inson kapitaliga investitsiyalarni rag‘batlantirish omili sifatida	99
Abilov Feruz Nematullayevich	Agroservis xizmatlari sohasida yangi ish o‘rinlarini yaratishning asosiy yo‘nalishlari	104
Shadiyeva Gulnora Mardievna Mirxonov Mirfoziljon Olimjon o‘g‘li	Jahon iqtisodiyotida autsorsing xizmatlarining rivojlanish tendensiyalari	107
Saparov Murod Irgashovich	Raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirish asosida kambag‘allikni qisqartirishning me’zonlari	110
Davlanov Baxriddin	Mehmonxona xo‘jaliklarida autsorsing va keytering xizmatlari samaradorligi ko‘rsatkichlari tasnifi	113
Shamsikulova Moxina Bonu Furkatovna	Tibbiy xizmatlar tannarxi tarkibi va tahlili	116
Ergashev R.X.	Mehmonxona xo‘jaliklarida autsorsing va keytering xizmatlari samaradorligini oshirishning ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish	121
Ergasheva Nasiba	Autsorsing samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish	124
III SHO‘BA. RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA HUDUDLARDA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISH IMKONIYATLARI		
Халимов Шахбоз Халимович	Возможности повышения социально-экономической	128

Аминджанова Румейса Ботировна	эффективности регионов на основе технологий смарт-туризма: опыт узбекистана	
Musurmonova Muxlisa Samandar qizi Obloqulova Shaxnoza Qodirovna	Raqamli iqtisodiyot vositasida hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatini yuksaltirish imkoniyatlari va istiqbollari	131
Amriyeva Shaxzoda Shuxratovna	Hududiy iqtisodiyotda raqamli texnologiyalardan foydalanishning ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikka ta’siri	134
Rahmonqulova Komila Muhammadi qizi	Raqamli xizmatlar va eksportning hududiy inklyuziv iqtisodiy o‘sish bilan bog‘liqligini ekonometrik baholash (surxondaryo viloyati misolida)	137
Ergashev R.X. Aliqulov Humoyun	Mintaqada agroturizmni raqamli iqtisodiyot orqali rivojlantirish zamonaviy mexanizmlar va istiqbolli yo‘nalishlar	140
Fayziyeva Shirin Shodmonovna	Hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish yo‘nalishlari	143
IV SHO‘BA. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISH VA RIVOJLANTIRISH STRATEGIYASI		
Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич Болтабаев Мирзобек Улуғбекович Мамаюнусов Темур Олимович	Таваккалчилик ва ноаниқлик шароитида тадбиркорлик фаолиятини юритиш имкониятлари	148
Artikova Shoxida Ilyasovna	Raqamli iqtisodiyot sharoitida inson kapitalini rivojlantirish va mehnat unumdorligini oshirish strategiyasi	154
Usmonov Murodbek Dusmurot o‘g‘li Baratov Doston	o‘zbekistonda institutsional islohotlarning iqtisodiy o‘sish va investitsion muhitga ta’siri	156

Халимов Шахбоз Халимович Аминджанова Румейса Ботировна	Стратегия цифрового ускорения: сценарный анализ социально-экономической эффективности сектора услуг до 2030 года	159
Алиева Сусанна Сейрановна	Роль цифровизации в корпоративных финансах	162
V SHO‘BA. RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH ASOSIDA TARMOQLAR VA SOHALARDA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISH MASALALARI		
Mu Zhendi	Digital multimodal connectivity and socio-economic efficiency: a seaport–dry port corridor perspective	167
Саттаров Т.А.	Методологические основы обеспечения финансовой устойчивости сельскохозяйственных предприятий	172
Исхакова Сарвар Аюбовна	Рақамли иқтисодиётда олий таълим ва меҳнат бозори интеграциясини такомиллаштириш	175
Исхакова Сарвар Аюбовна	Олий таълимда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги	182
Jonuzokov Mirzabek Kulmamatovich	Oliy ta’lim muassasalarida xarajatlarni taqsimlashda investitsion risklarni baholash	189
Ulug‘murodov Farxod Faxriddinovich	Elektron savdo xizmatlarini innovatsion rivojlantirish yo‘nalishlari	196
Hayitov Jamshid Xolvoyevich	O‘zbekistonda pul-kredit siyosati samaradorligini oshirish	201
Ёдгоров Хушвакт Мансурович	Хорижий дори воситалари саноати корхоналарида молиявий натижалар кўрсаткичлари таҳлили	214
Амриева Шахзода Шухратовна	Raqamli texnologiyalar asosida oliy ta’lim xizmatlari samaradorligini	219

	oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari	
Nazarov Sanjar Nasridinovich	Aloqa xizmatlari tizimini rivojlantirishda ilg‘or xorijiy tajribadan samarali foydalanish zarurati	223
Ahmedov Shohjahon	Omnikanal marketing samaradorligini baholashda kanallararo ko‘rsatkichlarning ahamiyati	227
Mamatkulova Shoira Djalolovna	Merchendayzing samaradorligini baholashning iqtisodiy mexanizmlari va ko‘rsatkichlari	230
Abdinazarov Suhrobbek Bekmurod o‘g‘li F.U.Anarbayeva	Raqamli texnologiyalardan foydalanish asosida chakana savdo samaradorligini oshirish: elektron tijoratning ta’sirini ekonometrik baholash	235
Nazarov Sanjar Nasridinovich	Raqamli iqtisodiyot sharoitida aloqa xizmatlarini rivojlantirishning iqtisodiy samaradorligini oshirish yo‘llari	238

“RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA IJTIMOIY-IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISH MASALALARI”

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO’PLAMI

(I-QISM)

(2026 yil 6-noyabr)

“STAP-SEL” MChJ. nashriyoti.
Samarqand - 2026.

ISBN: 978-9910-350-35-1

Tasdiqnoma № 033337 (27.07.2022)
© **“STAP-SEL” MChJ.** nashriyoti,
Samarqand-2026

6801

Qog‘oz bichimi A5, 60x84 1/16, Ofset qog‘ozi.
“Times New Roman” garniturasi.
Nashr bosma tabog‘i 15,62
Buyurtma № 0194/26. Adadi 30 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining matbaa bo‘limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko’chasi 60-uy.